

---

Хуршид ДУСТМУҲАММАД

# Ахборот

муъжиза,  
жозибиа,  
фалсафа



---

Ҳақиқатан ҳам, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда оммавий ахборот воситаларининг фаолият кўлами, инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда. Бугунги кунда ахборот нафақат маълумот етказиш, одамларни янгилик ва ўзгаришлар билан таништириш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда, айтилиши вақтда ахборот ва коммуникация тармоғи амалда ишлаб чиқаришнинг етакчи йўналишларидан бирига, моддий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг ривожига ва ўсишига ҳал қилувчи асос ва туртки берадиган, тез ривожланаётган энг замонавий соҳага айланиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Ислом КАРИМОВ

Хуршид ДУСТМУҲАММАД

Ахборот-

муъжиза,  
жозибат,  
фалсафа

Information-

wonder, attraction,  
philosophy

ЛОШКЕНТ  
ЯНГИ АСР АВЛОДИ 2013

МАЖБУРИЙ  
НУСХА



УЎК: 004(072)

КБК: 73

Д-99

Дўстмуҳаммад, Хуршид

Ахборот - мўъжиза, жозибa, фалсафа / Х.Дўстмуҳаммад;  
масъул муҳаррир Ф.Мўминова. –Тошкент: Янги аср авлоди,  
2013. - 320 б.

**Одамлар** ҳаётида, умуман дунёда юз бераётган барча ўзгаришлар, янгиланишларнинг сабабчиси – ахборот!

Ахборот нима, унинг хислати, ҳикмати, мўъжизалари нималарда намоён бўлмоқда? Бугун ё эртага у инсон ва инсоният бошига яна не кунларни солиши мумкин? Башариятни қай кўчаларга бошлаб кетиши эҳтимол кўпроқ? Хўш, ахборотнинг шиддатли оқимига одамзоднинг муносабати қандай бўлмоғи керак? Наҳотки, анъанавий журналистика, оммавий ахборот воситалари, матбуот ташунчаларидан воз кечадиган замонлар яқинлашаётган бўлса? Бу борда олимларимиз, мутахассисларимиз, амалиётчиларимиз, соҳага кириб келаётган ёшларимизни қандай масъулиятли вазифалар кутмоқда?..

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси мудири, филология фанлари доктори Х.Дўстмуҳаммад қаламига мансуб ушбу монография кенг доирдаги мутахассисларни, тадқиқотчиларни, профессор-ўқитувчиларни, талабаларни ва албатта ҳаёти ва қизиқишларини ахборот дунёси билан ҳамроҳанг деб билган жамоатчиликни давримизнинг бир қатор долзарб масала-мавзулари борасида фикр алмашишга, изланишга, керак бўлса, баҳслашишга ундайди.

**Главной** причиной, всех изменений, происходящих во всём мире, в жизни людей, является её величество информация.

Так что же такое информация? Каковы её особенности, каково её чудодейственное воздействие? Какими ещё непредвиденными опасностями она чревата для человечества и для человека? В какие ещё дебри она сможет занести его, каждого из нас? Каким должно быть отношение человечества к безжалостному шквалу информации, которая обрушивается на него. Неужели приближаются времена отказа от понятий традиционной журналистики, СМИ и прессы?! Какие важные задачи стоят перед исследователями, специалистами, практиками, нашу молодежь, которая контактирует в эту стезю?

2013/10

А 7944

uzbekistan.gov

Uzbekistan MK

10-41453

Монография адресована для широкого круга специалистов, исследователей, профессоров, студентов, а также общественности, которая считает созвучными свою жизнь и интересы с миром информации. Она также предназначена для обмена мнениями, исследования, даже для дискуссий по поводу актуальных проблем и задач нашей современности.

**The main reason of all changes, which are happening all over the world in people life is the majesty information.**

So, what is the information? What is the trait of it? How does it influence? What kind of unforeseen dangers it fraught with serious consequences for humanity and for human? In which mazes it can bring him, each of us? How should the humanity attitude to the cruel gust of information, which is rain down on him. Indeed, the epoch of renunciation of conception traditional journalism, the Mass-media and press is approaching?! What kind of significant problems are expecting the researchers, specialists, expert, our youth, who are coming into this way?

The book is addressed to wide circle specialist, researchers, professors, students, and also community, who thinks accordant their life and interests with the world of information. It is also intend for changing opinions, researches, even for discussion about relevant problems and questions of our present day.

Масъул муҳаррир –  
Фотима МЎМИНОВА,  
филология фанлари доктори, профессор.

Такризчилар –  
Сайди УМИРОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси,  
доцент.  
Ҳалим САИДОВ,  
филология фанлари номзоди, доцент.

ISBN 978-9943-27-055-8

© Хуршид Дўстмуҳаммад, «Ахборот – мўъжиза, жозиба, фалсафа». «Янги аср авлоди», 2013 йил.

## ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимиз ҳаётининг қайси соҳаси ҳақида сўз бормасин, ҳар бир ватандошимиз қалби ва шуурини 20 йилдан ошиб кетган шонли сана кайфияти қамраб олади. Кўз ўнгимизда кечган тарихий воқеалар қиёсларга, таҳлилларга ундайди кишини, ўзини шу Ватан фарзанди деб билган кексаю ёш кўксини адоқсиз ҳайратларга тўлтиради.

Яна бир ҳақиқатни ҳеч иккиланмай эътироф этмоқ керак: жамиятимиз ҳаётидаги барча ислоҳот жараёнларида моҳиятан чамбарчас узвийлик, яъни мантикий яхлитлик мужассамки, бир ўсмир ҳаётига тенг бўлмиш ушбу ислоҳот силсиласининг меъмор, карвонбошиси – Президент Ислом Каримовнинг номи, шахси билан чамбарчас боғлиқ. Халқимиз турмушининг, жамиятимиз ҳаётининг бирон-бир соҳаси муҳтарам Юртбошимиз диққат-эътиборидан четда қолмаётганлиги, барча соҳа ва жабҳалардаги ислоҳот жараёнларида босқичма-босқичлик одимлари ҳукм сураётганлиги жаҳонда тан олинган «Ўзбек модели» ва Ўзбекистон феноменининг яна бир муҳим қиррасини ташкил этганки, у ҳар қанча таҳлил қилинса, у ҳақда ҳар қанча гапирилса шунча оз.

Ушбу мулоҳаза матбуот ва журналистикага, умуман айтганда, жамиятни демократлаштиришнинг бош ва муҳим омили ҳисобланмиш ахборот технологиялари масалаларига ҳам бевосита дахлдордир. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида бўлиб ўтган деярли барча олий даражадаги йиғинларда, анжуману суҳбатларда юртимиз раҳбарининг матбуот ва оммавий ахборот воситалари хусусида алоҳида сўз юритгани, соҳа муаммоларига алоҳида эътибор қаратгани, журналистларнинг ўзига хос оғир меҳнатига ва уларнинг жамият ва халқ ҳаётида алоҳида ўрин тутушига эътибор қаратиб, уларга юксак баҳолар бергани ҳеч кимга сир эмас.

2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида яна бир бор мазкур аънанининг шоҳиди бўлди. Зеро, Президент Ислоҳ Каримов юксак минбардан туриб баён этган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг олти муҳим концепциясининг бири «Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш» деб аталди.

Сўзимизнинг аввалида муҳим бир масалага ойдинлик киритиб олишга тўғри келади. Мазкур маърузада сўз юритилган олти йўналишдаги концепциянинг биринчиси – давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштириш, иккинчиси – суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, тўртинчиси – мамлакатда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, бешинчиси – фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, олтинчиси – демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштириш масалаларига бағишланди. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсад ва маслаги билан яшаётган ҳеч бир давлатда ушбу масалаларнинг биронтасини четлаб ўтиш мумкин эмас, албатта. Санаб ўтилган концептуал йўналишларнинг аҳамиятини эътироф этган ҳолда айтиш лозимки, ушбу бешала йўналишга бирдек дахлдор бўлган яна бир муҳим йўналиш, юқорида таъкидланганидек, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашдан иборатдирки, бу – маърузада учинчи муҳим йўналиш сифатида ўрин эгаллади.

Йўналишнинг муҳимлигига маърузада махсус изоҳ берилди. Яъни, ҳамонки демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокига эришиш олий

мақсадларимиздан ҳисобланар экан, «ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантормасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз».<sup>1</sup>

Бу мақсадларга эришиш... Ушбу оддийгина жумла замирида озмунча маъно-мазмун борми?! Жонажон Ватанимиз ўз мустақиллигининг дастлабки йигирма йилида порлоқ истиқболнинг энг юксак марраларини, энг муаззам ва нузли чўққиларини кўзлаб асрларга татигулик пишиқ-пухта пойдеворига замин яратди, мустақилликнинг илк кунларидан танлаган йўлидан, мақсад-маслагидан оғишмай дадил илгарилаб бормоқда, аммо-лекин мана шундай мақсадларга эришиш, яъни эзгу орзу-ниятларнинг рўёбга чиқиши ўз ўзидан амалга ошиб қолмаслигини, айрим одамлар ўйлаганичалик осон эмаслигини ортда қолган шонли, айни чоқда машаққатли йўл очиқ-ойдин кўрсатди. Хусусан, кейинги 10 йил ичида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган серқамров ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилаётгани – эришилган ютуқлару кўндаланг бўлаётган муаммолар соҳага доир ислохотларнинг ўзига хос мураккаб жараёнлардан ташкил топганлигини аён қилмоқда.

Табиий, жамият миқёсидаги ислохотларнинг туб мазмун-моҳияти мустаҳкам ҳуқуқий асослар мажмуаси – тегишли қонунлар қабул қилишдан бошланади. Ўзбекистонда жаҳондаги тараққий этган давлатлар тажрибасида синовдан ўтган ушбу йўл танланди. Бу, биринчи навбатда, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «демократик талаб ва стандарт-

---

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.



ларга тўла мос келадиган мустақкам қонунчилик базаси яратилган»лигида ўз ифодасини топади.

Инсоният тамаддуни тарихи, соғлом жамият барпо этиш тажрибалари шунини кўрсатадики, ҳар қандай мамлакатда ахборотни эркин ва монеликсиз олиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқларини одамлар ҳаётининг оддий ҳақиқатига айлантириш серқирра ва мураккаб жараёнлардан ҳисобланади. Бу борада ҳуқуқий асосларни яратишга эришишнинг ўзи мақсад сари қўйилган катта қадам ҳисобланса, жамиятнинг барча қатламларидаги унинг кенг ижросини кўришга муваффақ бўлиш навбатдаги олий мақсад бўлиб қолаверади. Чунки ахборотни олиш ҳам, ундан эркин-эркин фойдаланиш ҳам кишилар тафаккури, умуммаданияти, савиясига, қолаверса, бевосита ахлоқ-одобига тааллуқли жиддий ва но-зик масалалардандир. Шу маънода 1997 йили қабул қилинган «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги ҳамда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар одамларимизни мана шу руҳда тарбияловчи, маънавий, ижтимоий, сиёсий ва ахлоқий дунёқарашларини юксалтиришга ундовчи аҳамиятга эгадир.

Ахборот ва инсон ёки инсон ва ахборот муаммоси ҳақида сўз очилар экан, ҳозирги замоннинг фавқулодда янгилиги – «ахборот» тушунчасининг мутлақо ўзгариб кетганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Инсон мавжудот сифатида яратилибдики, у ахборот билан тирик. Унинг бирон лаҳзаси, бирон нафасини ахборотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Онгтафаккур тараққий этиб, инсоннинг маънавий дунёси шакллангани сайин ахборот инсон комиллигининг бош омилига айланган. Шу боисдан ҳам азал-азалдан ахборот излаш, яъни бир янги китоб кўриш, бирор устоз суҳбатидан баҳраманд бўлиш истагида олис-яқин сафарларга чиқиш, билиш учун интилиш ва заҳмат чекиш инсон қисматида айланган. Эндиликда тараққиёт шундай бир ғаройиб пал-

лага кўтарилдики, ҳозирги замоннинг ўзига хосликларидан бири – ахборотнинг ўзи инсонни излаб келиш «қобилияти»га эга бўлиб бормоқда. Бу тенденциянинг маъқул ё номаъқуллиги алоҳида муаммо, лекин шуниси муқаррарки, XXI аср кишиси у билан ҳисоблашишга мажбур! Ер юзидаги ҳаётнинг, умуман тамаддуннинг тақдири ахборотга боғлиқ бўлиб қолди.

Жўн қилиб айтганда, ахборот оқими ҳеч кимсани – на оддий одамларни, на жамият, на-да давлатларни ҳоли-жонига қўймайдиган кўзга кўринмас... юҳога айланди. Соғлом давлат, соғлом жамият борки, фуқароларининг ҳар жиҳатдан тинчлиги ва соғломлигини таъминлаш ҳамда сақлаш мақсадида ахборот муҳофазаси тизимларини яратишга мажбур бўлмоқда. Ахборот сиёсатини яратганлик ҳар қандай ёш давлатнинг мустақиллик мақоми, даражаси кўрсаткичига айланмоқдаки, Ўзбекистон бу борада алақачон ўз сўзини айтиб, ўз мавқеини яратиб, ўз қадди-бастини ростлаб улгурди. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилинганлиги ва уларнинг халқимиз ҳаётига тобора чуқурроқ сингиб бораётганлиги фикримизга далил бўла олади.

Оммавий ахборот воситалари, умуман журналистика ва ахборот соҳасига тааллуқли қонунлар ҳақида мулоҳаза юритилар экан, давр шиддати, ҳаёт ўзгаришлари, тафаккурлар янгиланиши ва муносабатлар мураккаблиги масалаларини четлаб ўтиш асло мумкин эмас. Зеро, санаб ўтилган ва шу сингари ҳаёт ҳақиқатлари кечаги кун мезонларига бугун, бугунги кун мезонларига эртага бошқа кўз, бошқа назарлар билан қарашни тақозо этмоқда. Муҳтарам Юртбошимиз бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамла-

катига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эгаллигини, кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони 7 баробар кўпайиб, уларнинг умумий сони 1200 тага етгани, мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари эканлигини, шунингдек, юртимизда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатларда кенгайиб, уларнинг сони 6 миллиондан ортиб кетганлигини фахр билан тилга олди. Келтирилган ҳар бир рақам замирида олам-олам маъно, олам-олам ислоҳот самаралари ётганлигига шак-шубҳа йўқ. Шу билан бир вақтда бу рақамлар ой, ҳафта ва кун сайин ўзгариб, яъни ортиб бораётганлиги ҳам эндиликда оддий ҳақиқатга айланиб қолмоқда.

Гап яна ахборотнинг тобора мўъжизакор қудратга эга бўлиб бораётганлигига келиб тақалмоқда. Кишилар орасидаги оддий кундалик-маиший муносабатлардан тортиб, идоралараро, жамоалараро, давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларда очиқ ва соғлом ахборот айланиши муҳитини яратиш умуминсоний тамаддун ва замон талабига айланиб улгурди. Инсоният ахборот тўсиқ билмайдиган замонда яшамоқда. «Такрор бўлса-да, айтмоқчиман, – деб ёзди И.Каримов, касб байрами муносабати билан матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табрик хатида, – ахборот оламида қандайдир девор ўрнатиш, ўз қобилигига ўралиб, маҳдудликка юз тутиш йўли бизга асло маъқул эмас».<sup>2</sup>

Шундай бир паллада давлатимиз раҳбари ахборотлашаётган жамиятнинг янада шаффофлашувига

---

<sup>2</sup> Халқ сўзи. 2011 йил 28 июнь.

хизмат қиладиган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» Қонун қабул қилиш зарурлиги вазифасини қўйди. Мазкур қонуннинг яратилиши мамлакатимиздаги ички ахборот майдони очиқлигини таъминлашга хизмат қилади, турли даражадаги муносабатларга ойдинлик киритади, маърузада таъкидланганидек, бир томондан жамоатчиликнинг хабардорлигини оширса, иккинчи томондан «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтирган бўлув эди».<sup>3</sup>

Замонавий оммавий коммуникация фанида ҳам кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокида қабул қилинган тўғри ва холис қарорлар жамият равнақига кўпроқ ва самаралироқ хизмат қилишига алоҳида урғу берилади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари «тасарруфи»даги ахборотдан оддий фуқаронинг воқифлиги йўлга қўйилгани сайин жамиятда ижтимоий масъулият туйғуси шаклланади, тарбия топади.

Қонунда кўзда тутилган учинчи жиҳат шундаки, «Мазкур қонуннинг жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошқоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда таъминлаши зарур».<sup>4</sup>

Маърузада, шунингдек, «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида» Қонун қабул қилиш ҳақида таклиф киритилди. Бу қонуннинг зарурияти нимада, деган саволга маърузада жавоб бор. Маълумки, ҳозирга

---

<sup>3</sup> Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

<sup>4</sup> Ўша манба.

қадар мазкур соҳага доир фаолиятлар бошқа қонунлардаги у ёки бу моддалар асосида бошқарилмоқда. Бироқ замон ўзгармоқда, глобаллашув даври телерадиоэшиттириш соҳасига – унинг ҳам ижодий, ҳам техник имкониятлари оламига шу қадар ўзгаришлар олиб кирмоқдаки, соҳага доир махсус қонуннинг яратилиши кечиктириб бўлмайдиган вазифа тусини олмоқда. Радио, айниқса телевидение сиз инсон ҳаётининг бирор кунни, бирор соатини тасаввур қилиб бўлмайдиган бир пайтда турли даражадаги ва миқёсдаги (маънавий, ижодий, сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва ҳоказо) муносабатларнинг ҳуқуқий асосига эҳтиёж орта бориши табиийдир.

Матбуотни демократлаштириш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини янада мустаҳкамлаш нафақат маънавий-ижодий ва ижтимоий-сиёсий, балки иқтисодий муаммо ҳам эканлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Ҳозирги замонда ахборотнинг товарлашуви алоҳида мавзу, айна вақтда оммавий ахборот воситалари фаолиятида кечадиган иқтисодий муносабатларга бозор механизмларини жорий этмасдан туриб, оммавий ахборот воситаси эркинлиги ва мустақиллигини тасаввур қилиб бўлмаслигини ҳали ҳамон ҳамма журналистларимиз бирдек англаб етмоқдалар дейиш қийин. Тан олиш керак, оммавий ахборот воситасидаги молиявий муаммоларга рўпара келганда, баъзан тафаккурдан ўчириб ташланмаган шўро даврига хос тушунча ва ақидалар ғимирлаб қоладиган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Ваҳоланки, ҳуқуқий ва мулкӣ муносабатлар шаклланди, ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи таъминлаш механизмлари кенг оммалашди, шунга яраша тафаккур ўзгармоқда. Шу билан бирга, иқтисодий масалаларни ҳал қилиш асносида нашрнинг оммалашувини таъминлаш йўлида ҳеч нарсадан қайтмаслик, чунончи, реклама бериш меъёрларини бузиш, енгил-елли материаллар чоп этиш, дидсизлик уммони бўлмиш «оммавий маданият»га берилиш ҳолатлари учрай-

ди. Хусусан, мустақиллик шарофати билан республикамизда кўпайиб бораётган нодавлат оммавий ахборот воситаларининг рақобатбардошлигини ошириш, моддий жиҳатдан қарамлигини камайтириш ва шу орқали уларнинг умумсавияси ва даражасини кўтариш учун ҳам Президентимиз айтган «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги ҳамда «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш вақти келди. Мазкур қонунларнинг яратилиши соҳадаги иқтисодий муносабатларга ойдинлик, аниқлик киритади, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди. Пировардида матбуот сўзи янада эркинлашади, матбуот сўзининг жамиятдаги салмоғи, нуфузи ортади.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, республикамиз матбуот ва ахборот соҳасига доир қонунчилик институтини шакллантириш борасида ёш мустақил давлатлар орасида етакчилардан ҳисобланади. «Мисол учун, — деб ёзади Россия Президентининг маслаҳатчиси ва Россия Журналистлар уюшмаси котиби Михаил Федотов, — Қозоғистонда ОАВ тўғрисидаги қонунга ўзгартириш киритилди, унга биноан ҳар қандай интернет-сайт оммавий ахборот воситаси ҳисобланадиган бўлди. Кейин нима бўлди? Ҳар қандай сайтни ОАВ каби рўйхатдан ўтказишга тўғри келди. Магазиннинг сайти бўлса ҳам, давлат корхонасиники бўлса ҳам, банкка қарашли сайт бўлса ҳам — ҳаммаси оммавий ахборот воситасига тенглаштирилди».<sup>5</sup> 2011 йилнинг охирига келибгина Россиянинг ОАВ тўғрисидаги қонунига худди шунга ўхшаш ўзгартириш киритилди, фақат уларда интернет-сайтлар ўз эгаларининг хо-

---

<sup>5</sup> Рякин С. Воссоздать журналистику как общественное благо. Журналист. №1,2011. – С.23.

ҳишига кўра оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтишлари мумкинлиги белгилаб қўйилди. Ваҳоланки, интернет-сайтларнинг ихтиёрий равишда оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтиши мумкинлиги ҳақидаги қонун банди Ўзбекистонда 2007 йилнинг январь ойида янги таҳрирда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида белгилаб қўйилган эди.<sup>6</sup>

Шак-шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг сўз юритилаётган маърузасида илгари сурилган ахборот соҳасидаги ислоҳот жараёнларини давом эттириш, шу орқали миллий матбуотимиз тизимини буткул янги поғоналарга олиб чиқишга қаратилган концептуал йўл-йўриқлар нафақат ахборот соҳасини, балки умуман жамиятимизнинг эртанги ва истиқболдаги тараққиёти учун хизмат қилади. Белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш барча ватандошларимиз, айниқса соҳа эгалари зиммасига улкан масъулият юклашини ҳам зинҳор унутмаслик керак. «Бу қонунларнинг қабул қилинишидан, – дейилади муҳтарам Юртбошимиз томонидан 2011 йили касб байрами муносабати билан ҳамкасбларимизга йўлланган табрик хатида, – ҳаммадан ҳам кўпроқ манфаатдор бўладиган сиз, журналистлар бу жараёнда ўз фикр-мулоҳазаларингиз, амалий таклифларингиз билан фаол иштирок этасиз, деб ишонаман».<sup>7</sup>

Юқорида таъкидланган табрик хатида, шунингдек, «Соҳада кадрлар, хусусан, ёш журналистларни тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш, журналистик таълимга ихтисослашган олий ўқув юр்தларининг ўқув-методик базасини такомиллаштириш,

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2007, 1-сон. – Б.26.

<sup>7</sup> Халқ сўзи. 2011 йил 28 июнь.

профессор-ўқитувчиларнинг малақасини ошириш, катта маҳорат ва ижодий тажрибага эга бўлган мутахассисларни, илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига жалб этиш бўйича ҳам ҳали кўп иш қилишимиз керак»лиги алоҳида кўрсатиб ўтилади.

Дарҳақиқат, замонавий ахборот дунёси муттасил янгиланиб, ёшариб бораётган бир паллада бу соҳада ҳам тажриба, ҳам маҳорат, ҳам ёшлик ғайрати, шижоати ва заковати жўш уриб турмоқлиги давр ва замон тақозоси экан, соҳанинг илмий-назарий асосларини янада пухта ўрганиш, уларни вояга етиб келаётган ёшларимизга ўргатиш, малака ва тажрибаларни кечиктирмай амалиётга, демакким, соҳамиз тараққиёти ва равнақи йўлига сафарбар этмоғимиз зарур.




---

# АХБОРОТ – МЎЪЖИЗА, ЖОЗИБА, ФАЛСАФА

Ахборот нима эканлигини ҳамма беш қўлдай биладиганга ўхшайди, бироқ оддий бир тушунча шу қадар ўзгаришларга учрамоқдаки, эндиликда унинг нималигини, қандай қароматларга қодир эканлигини англай олмаётган инсоният азбаройи шошиб қолмоқда, «ахборот» дея аталмиш мўъжизани тушуниб олиш, унинг талабларига муносиб ҳаёт кечириш, унинг шиддатига бас келиш истагилинжида ўзини ўздан-чўғга урмоқда, бироқ... бир-биридан мураккаб-мушкул муаммолар камайиш ўрнига, тобора тоғ-тоғ бўлиб, ақл-идрок эгаларини тафаккур оламига чорламоқда.

Биринчи  
БОБИ



---

Таърифларга  
сифмаган тушунча

Ахборот  
бирлаштиради... парчалайди

“Рақамли тенгсизлик”  
– тенгсизликлар дояси

Шахс, жамият, давлат:  
ахборот майдонидаги зиддият,  
рақобат, мувозанат

АХБОРОТ  
МУЎЛАМА ЖОЗИБА ВУСЛАНИ



## ТАЪРИФЛАРГА СИГМАГАН ТУШУНЧА

Топишмоқ айтишмаган бола йўқ дунёда. Биз сўз очаётган топишмоқ ёшидан қатъи назар барча-барчага қаратилган. Бошлаймиз: нарса эмас, предметлик хусусияти йўқ, шакл-шамойили, ранг-туси, на исихиди бор унинг. Кўзга кўринмайди, қўлга тутиб бўлмайди. Тарози палласига қўйиб оғир-енгиллигини ўлчаб бўлмайди. Қаттиқ ҳам, юшоқ ҳам эмас. Лекин у ҳар бир тирик мавжудотни, ҳар бир жамиятни, ҳар бир давлатни, қўйинги, жумлаи жаҳонни ўраб-қуршаб туради, измига солади, мавжудликнинг, салоҳият, нуфуз ва куч-қудратнинг мезони ҳисобланади. Ҳаётни, ҳаёт мазмунини унингсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Топишмоқнинг жавоби топилди, у – АХБОРОТ!

Ахборотнинг нима эканлигини гўё ҳамма биледи. Чунки у шундоққина теварак-атрофимизда, кўз ўнгимизда... ичимизда, шууримизда ҳамиша мавжуд, ҳамиша бор.

Ҳаёт манзараларининг ҳисоби йўқ, уларни ахборот «назари» билан англаб етишнинг иложи топилармикан?

Саҳар палласи хўрознинг қичқириви, ётоғидан бош кўтараётган қуёшнинг заррин нурлари, элас-элас эсган шабада, қулоққа чалинган шовқин-сас, димоқни қитиқловчи хушбўй ҳид – ҳамма-ҳаммаси – ахборот!

Инсоннинг юриш-туриши, хатти-ҳаракати, кўз қарашлари, энгил-боши, қиёфаси, гап-сўзи, ҳатто бирон сўз айтмай жим туриши ҳам – ахборот! Ўйлагани, кўнглидан ўтказган кечинмалари, эҳтиросу туйғулари, кўнглининг туб-тубида кечираёт-

ган изтироблари, кечинмалари, ҳатто тушлари ҳам ахборот!

Ёмғир-қор, иссиқ ва совуқ, момақалдиروқ, zilзила, тўфон, тошқину ҳоказо офатлар ҳам табиатнинг турли ҳолатдаги «дил» изҳорлари – хабарлари!

Санаб утилганларнинг бари ниманидир, нималарнидир англалади, бирор-бир ҳолатдан, вазиятдан хабар беради. Бир сўз билан айтганда, бу ёруғ оламнинг бор борлиги – мазмун-мундарижасидан тортиб, тузилиши, таркибию тартиби – бари ахборотдан иборат, ахборотдан ташкил топган, ахборотда давом этади, ахборот сўниши билан эса поёнига етади.

Дунё ахборот ичида яшайди, дунё ахборот уммонида мавжуд. Дунё ахборотдан ташқарида мавжуд бўлмайди, зеро, ахборотнинг борлиги – дунёнинг борлиги, ахборотнинг йўқлиги – дунёнинг ҳам, ҳаётнинг ҳам йўқлиги демакдир.

Ўн саккиз минг олам – яхлит силсила, яхлит организм, ундаги жамики нарса бир-биридан хабардор, яъни ўзаро боғлиқ, мудом хабардор ва чамбарчас боғлиқ бўлгани сабабли ҳам яхлит.

Хабарсизлик, боғланишсизликдан дунё парчалашиб кетган бўлур эди.

Бу ёруғ олам яралибдики, унинг бетакрор ва боқий ҳикмати – шу. Инсон ақл-идроки азал-азалдан ахборот тафаккур ва мавжудликнинг ягона, ўзгармас ва мутлақ омили, жон озиғи, «хом ашё»си эканлигини англаб етган, бу ҳақда ўзининг донишона таърифун тавсифларини беармон баён этган.

Инсониятнинг энг қадимий касб-кори ҳақида истеҳзо аралаш айтиладиган маълуму машҳур фараз аксарият жиддий ҳолатларда ҳам тилга олинади. Эмишки, инсон қавмининг илк касби муҳаббат эрур!..

Мазкур фараз нечоғли асосли? Нечоғли мантиқан тўғри?

Ожизона ақдимиз ила фараз қилиб кўрайлик: Одам Ато билан Момо Ҳавво ўрталарида висол

онлари тўппа-тўсатдан юз бериб қўя қолмагандир? Даставвал кўз-кўзга тушиши, нигоҳлар тўқнашуви, майл-ройиш «сигнал»лари деганларидек... ҳозирги лаҳжада айтганда, ахборот алмашинуви жараёни юз бергани муқаррар! Ҳазрат Носируддин Рабғузийда қуйидаги далил келади: «Одам Ҳаввони ўзидек суратлиф кўрди эрса рабвати бўлиб: «Манга ёвуқроқ келгил» теб ундади. Ҳавво айди: «Мани тилар эрсанг сан келгил» теди. Одам қўбти Ҳаввога келди... Икки юз йилда кезин Арафот еринда икагу қовуштилар» [1. Б.19, 28].

Ўз-ўзидан хулоса келиб чиқмоқда, яъни инсониятнинг э-энг бирламчи ва сўнгги нафасига қадар унга муқаррар ҳамроҳ касби – ахборот алмашиш, ҳозирги тилда айтганда, журналистика. Рус олими Н.Моисеевнинг фикрича, инсонда илк асаб толлари пайдо бўлган лаҳзаларданоқ организмда ахборот алмашинуви бошланади [2. С. 439].

Бу мавзуда баҳс қўзғашдан йироқмиз, ким қандай фикрда бўлса, ихтиёр ўзида, сўз очилгани боис бир фараз ўртага ташланди, холос. Муддао шуки, инсон яралибдики, унинг бирор кунини, бирон лаҳзасини ахборотсиз тасаввур қилиш мумкин эмаслигини таъкидлаш. У тирик экан, ахборот бор, ахборот йўқ экан, ҳаёт ҳам, инсон ҳам йўқ ҳисоби.

Лекин, буни қарангки, ахборотнинг қудрати, мўъжизаси, жозибаси ва ҳикмати ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб одамларнинг ақл-идрокини тўла-тўқис равишда банд ва ишғол эта бошлади. Йигирма биринчи юз йилликка келибгина инсон асрни ўз номи билан ахборот асри дея аташ лозимлигини англаб етди, бошқача айтганда, ҳаётнинг энг улкан ва ўзгармас ҳақиқатини эътироф этиш учун тафаккур эгаларига йигирма аср керак бўлди!..

Илм-фан, жумладан коммуникация технологияларининг мислсиз тараққиёти шарофати ўлароқ, инсон бу улкан ва боқий ҳақиқатни англаб етиш



даражасига кўтарилди, тўғрироғи, англаш, чуқурроқ, теранроқ идрок этишга бурчли эканлигини зиммасига олди.

Юзаки қараганда оддийгина кўринган «ахборот асри» истилоҳининг бутун мураккаблиги, жозибаси ва муаммолари, ҳикмати, фазилат ва ташвишлари, мўъжизалари, найрангу фирромликлари хусусидаги ҳар қандай ўй-мулоҳаза ва кузатувларнинг туб марказида ахборот тушунчаси ётади. Тўғри, «Ахборот асри» деган атама кўпроқ юқори технология тараққиёти натижасида келиб чиқди, бироқ бунда бошқа омилларни ҳам унутмаслик керак. Чунончи, эндиликда якка шахснинг, жамиятнинг, давлатнинг асли-наслини ахборот призмаси орқали ўрганиш фавқулодда улкан имкониятларга эга эканлиги маълум бўлди.

«Ахборот» термини оддийгина, жўнгина ва камсуқум тушунчадан мисли кўрилмаган интеллектуал, қамрови дунёча кенг ва салмоқли тушунчага айланди. Инсониятнинг неча минг йиллик тарихини ўрганишда (масалан, Элвин Тофлернинг «Учинчи тўлқин», С.Сиберт Фред, У Шрамм, Т.Петерсоннинг «Матбуотнинг тўрт назарияси» китоблари) ҳам, башариятнинг ўтмишдаги, ҳозирги ва келажакдаги тараққиёт босқичларини тадқиқ этишда (М.Маклюэннинг «Медиани тушуниш» асарида тасвирланганидек) ҳам ахборот фалсафаси айни муддао эканлиги сир бўлмай қолди. Шу боисдан бўлсами, «хабар», «ахборот» тушунчаларига тааллуқли таърифу тавсифлар шу қадар хилма-хиллашиб бормоқдаки, аҳвол шу тарзда давом этса ёки у ўз ҳолига, оқимига ташлаб қўйилгудай бўлса, инсоният бу борада калаванинг учини йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас.

«Ахбор» – «хабар»нинг кўплиги... «Ахборот» деганда «иш, воқеа-ҳодисалар ҳақида тушунча берувчи хабар, маълумот» англашилади» деб ёзилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да [3. Б.119].

«Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати»да «ахборот» атамасига бирмунча кенг тушунча берилган. Жумладан, «Ахборот: 1. Тақдим қилиш шаклидан қатъи назар шахс, предмет, далил, воқеа, ҳодиса ва жараёнлар ҳақидаги маълумотлар.

2.Далил, воқеа, ҳодиса, предмет, жараён каби объектлар ҳақидаги билим (маълумотлар) ҳамда тушунчалар ёки буйруқлар.

3. Маълум хос матнда аниқ маънога эга бўлган тушунчаларни ўз ичига олувчи далил, воқеа, ҳодиса, предмет, жараён, тақдимот каби объектлар ҳақидаги билим (маълумотлар).

4. Қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган ва сақланиши ва қайта ишланиши лозим бўлган жами далил ва маълумотлар. Китоб матни, илмий формулалар, банк ҳисоб рақамидан эркин фойдаланиш ва тўловлар, дарс жадвали, ўлчаш мажмуаларининг Ер ва фазо станцияси ўртасидаги масофа тўғрисидаги хабарлар ва ҳ.к. ахборотлар бўлиши мумкин. Ҳисоблаш машинаси зарур бўлган ахборот қайта ишланиши лозим бўлган маълумот ва дастурдан иборат бўлиб, дастур ушбу маълумотлар билан нима ва қайси тартибда бажарилиши лозимлигини белгилайди (ёки фойдаланувчига белгилаш имконини беради). Ахборот нур, товуш ва радио тўлқинлари, электр токи ёки кучланиши, магнит майдони, қоғоздаги белгилар шаклида яратилиши ва ташилиши мумкин. Умуман олганда, хоҳлаган моддий тузилма ёки энергия оқими ахборотни ташиши мумкин. Ахборотдан фойдаланиш кўламлири жамиятнинг ривожланиш даражасини белгилайди.

5. Турли объектларнинг ўзаро ишлашида рўй берувчи акс этиш жараёнининг фаол ҳаракатларни таъминлаш учун яроқли натижалари. Шунингдек, биров, бирор нарса тўғрисидаги маълумотлар.

6. Акс этган хилма-хиллик» [4. Б. 26-27].

«Ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай кўринишда, ҳар қандай восита орқали берилган шахслар, нар-

салар, фактлар, ҳолатлар ва жамиятда, давлатда ва атроф-муҳитда бўлган, бўлаётган ва бўлиши мумкин бўлган маълумот ахборотдир» деган таъриф ҳам мавжуд [5. Б.229].

Мутахассис олим Файзулла Баҳромов томонидан тузилган луғатда ахборот атамаси қуйидагича изоҳланган: «Ахборот – инсоннинг сезги органлари орқали қабул қилинадиган барча маълумотлар мажмуи» [6. Б.10].

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунда ахборотга асосий тушунча сифатида «манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар, шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар» дея таъриф берилган [7. Б.37]. «Ахборот сўзи рус тили учун ҳам, ўзбек тили учун ҳам янги сўз, – деб ёзадилар С.Қосимов ва Н.Мўминов. – Кейинги 10–20 йил давомида электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида ҳаётимизга кириб келган «ахборот» атамаси муҳимлиги билан яққол ажралиб турибди» [8. Б.7].

Таниқли журналист ва мутахассис олим Ҳалим Саидов «ахборот» истилоҳини махсус тадқиқ қилгани диққатга сазовор [9. Б. 52-55]. Муаллиф «ахборот» атамасининг бир қатор таърифларини келтириб, истилоҳ моҳияти муттасил кенгайиб боришини, атама турлича эканлиги билан бир вақтда, уларнинг орасида ўхшашликлар мавжудлигини таъкидлар экан, масалани «оммавий ахборот воситалари ахбороти», «журналистика ахбороти» тарзида қўяди, яъни миллий журналистикамиз илмида биринчи марта мазкур атамани «журналистикага тегишли термин сифатида» ишлатиши ва уни таҳлил қилишга уриниши диққатга сазовор янгилıklarдан бўлди. «Табиийки, – деб ёзади Ҳ.Саидов, – журналистик ахборотнинг тавсифи ҳам маълум маънода ўзгаради. Негаки, ахборот журналистик матери-



алнинг асоси ҳисобланади ...журналистика ахбороти оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинаётган, аввал маълум бўлмаган, манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар, шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар ва фикрлар тўғрисидаги маълумотлардир» [9. Б. 55].

Журналистика назарияси бўйича йирик мутахассис Е.Прохоров ахборот тушунчаси аслида мазмунан анча кенг эканлигини таъкидлар экан, «журналистикадаги ахборот» деганда ўша кенг тушунчанинг бир қисмигина – воқеий ахборотгина назарда тутилади, деб ҳисоблайди [10. С. 31].

«Новейший социологический словарь» деб номланган қомусий луғатда ахборот тушунчаси камида уч объектни – ахборот манбаи, ахборот истеймолчиси ва ахборотни узатувчи муҳитни ўзида жамлаган бўлмоғи зарурлиги, ахборот тафаккурнинг асосий материали эканлиги ва у ҳар қандай ақлий фаолиятнинг асосида мавжудлиги ва ниҳоят тадқиқот соҳаларидан келиб чиққан ҳолда ахборотга бериладиган таъриф тавсиф хилма-хиллашиб кетиши таъкидланган [11. С. 388].

Ҳақиқатда ҳам шундай – ҳар бир соҳада «ахборот» атамасининг ўзига хос турфа талқинлари яратилади, атама ўзгача маъно товланишлари ҳисобига янада кенгаяди, мазмундор бўлиб бораверади. Шу жиҳатдан олганда, унинг журналистика соҳасидаги мавқеи, кўлами, тутган ўрни ҳақли равишда алоҳида изланишлар, алоҳида тадқиқотлар мавзусига айланади.

Ахборот мавзуси орқали жамият ҳақида ҳам атрофлича хулосалар чиқарилиши мумкин. Чунки ҳеч бир жамиятни мулоқотлар жараёнларисиз тасаввур қилишнинг иложи йўқ. Ҳар қандай жамият шахслараро, шахс ва жамият ўртасидаги мулоқотлар муҳитида мавжуддир. Шу маънода шахс ижти-

мой аҳамиятга молик субъектдир. Бу субъектнинг ижтимоий аҳамияти, авваламбор унинг ўзи аъзоси бўлган жамият ҳақидаги, башарият ҳақидаги маълумотлардан бохабарлиги даражаси билан белгиланади. Бохабарлик манбаи, воситаси эса – ахборот. Янада аниқроқ айтилса, асосан оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиладиган ахборот.

«Журналистикада ахборот» тушунчаси ҳақида сўз юритилганда Фарб журналистикасида, матбуотида кенг тарқалган «ахборот» ва «янгилик» тушунчаларига доир мулоҳазалар, қарашлар тилга олинади. Чунончи, ҳар қандай янгилик ахборот ҳисобланади, лекин ҳар қандай ахборот янгилик бўлавермайди. Тараққий этган давлатлар матбуотида эълон қилинган кенг аҳоли оммаси бехабар бўлган воқеа-ҳодиса ҳақидаги ахборотларгина янгилик сифатида қадрланади, янгилиги бўлмаган ахборот эса эътибор қозонмайди. Ана шу шаклланган ақидадан келиб чиқиб, Фарб журналистлари ўзлари тарқатаётган ахборотга мулоҳаза ёки шарҳ қўшмайдилар, нуқтаи назарларни тиқиштирайдилар, яъни янгиликка муносабат билдирмайдилар. Бундай ёндашувнинг ниҳоятда нозик ва чуқур сабаби бор.

Гап шундаки, ОАВ жамиятда турли қарашларни шакллантириш воситаси, омили, минбари ҳам ҳисобланади. Фуқаролар юз берган катта-кичик воқеа-ҳодисалар ҳақида янгиликдан хабар топар эканлар, ўша воқеа-ҳодиса ҳақида ЎЗ қарашларини МУСТАҚИЛ равишда шакллантиришлари учун уларни ўз ҳолига қўйиш керак бўлади. На мухбир, на журналист, на матбуот нашри ва на расмий маҳкамалар, на ҳукумат раҳбарларининг нуқтаи назарлари, мақсаду ниятлари газетхон, яъни фуқаронинг фикри, нуқтаи назарлари шаклланишига таъсир кўрсатмаслиги, зуғум ўтказмаслиги керак. Демократиянинг ибтидоси ва муҳим шартларидан бири сифатида қабул қилинган мана шу ақида Фарб журналистикасида анча чуқур ва мустаҳкам илдииз отган.

«Журналистикада ахборот»нинг яна кўплаб турлари мавжудки, уларнинг бари у ёки бу кўринишда, шакл-шамойилда матбуотда учрайди. Жумладан, ғоявий-мафкуравий, йўналтирувчи, манипуляция қилувчи, ҳужумкор, чалғитувчи ва ҳоказо.

«Журналистикада ахборот» тушунчаси ҳақида сўз юритганда матбуот ахборотининг **зарурлиги ва қизиқарлиги** ўртасидаги тафовутга ҳам аниқлик киритиб олиш зарур. Ҳар бир оммавий ахборот воситаси ўз аудиторияси, яъни муштарийлари, ихлосмандлари таркибини атрофлича ўрганиши табиий. Муштарийлар таркибини аниқлаш мезонлари эса кўп, албатта. Муҳим мезонлардан бири – муштарий муайян оммавий ахборот воситасини зарурият юзасидан ўқийдими ёхуд қизиққани учунми? Мисол келтирилса, илмий, ижтимоий-сиёсий, ихтисослашган нашрлар зарурият юзасидан ўқилса, оммабоп ва кўнгилочар нашрлар оддий қизиқишларни қондириш мақсадида қўлма-қўл бўлади. Демак, ҳар икки тоифага мансуб нашрдаги ахборотнинг салмоғи, юки ушбу икки омилдан келиб чиқиб белгиланади.

Кўринадики, журналистикада ахборотнинг ўзига хослиги масаласи алоҳида илмий-амалий аҳамиятга молик мавзу, алоҳида муаммо. Бу борадаги излашнишларимиз эса етарли эмас. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети мутахассислари томонидан нашр этилган «Информация в печати» мақолалар тўпламидан сўнг (Информация в печати. – Т.: 2000), юқорида таъкидланганидек, Ҳ.Саидов ушбу мавзунини махсус тадқиқ этишга киришгани эътиборга сазовор.

Юқорида «ахборот»га берилган таърифларнинг ҳеч бирини нотўғри ёки асоссиз деб бўлмайди, чунки «ахборот» тушунчаси қайси соҳа нуқтаи назаридан талқин этилишига қараб тобланаверади, унинг янги-янги жиҳатлари, қирралари намоён

бўлаверади. Ахборот ҳақида яна кўплаб умумий мулоҳазаларни баён этиш мумкин, чунки «ахборот» истилоҳи анчайин умумий (ҳатто мавҳум!) тушунча, айни вақтда ахборот тушунчаси яшин тезлигида ихтисослашиш, конкретлашиш жараёнини бошдан кечирмоқда, негаки, ахборот ниҳоятда... конкрет тушунча ҳамдир! Шунга қарамай, ахборотнинг бутун маъно-мазмунини қамраб оладиган ягона ва тугал таъриф йўқ, зеро, у энг оқилона топилган таърифларга ҳам сифмайди. Бинобарин, «ахборот»га берилган таърифлар шаклан нечоғли хилма-хил бўлмасин, уларнинг ҳаммаси моҳиятан бири-бирига ўхшаш ёки яқин бўлган маъно-мазмунни англатади. Бу маъно-мазмуннинг мухтасар умумлашма таърифидан қуйидаги тартиб келиб чиқади: **ахборот – воқеа-ҳодиса-ҳолат-нарса ҳақидаги маълумот!** Уни билим дейиш мумкин, янгилик дейиш мумкин, лекин моҳият ўша-ўша қолаверади. Фақат бу ўринда масаланинг яна бир нозик жиҳатини эътиборда тутишга тўғри келади.

Гап шундаки, «ахборот» сўзининг биринчи маъноси воқеа-ҳодиса ҳақидаги маълумот бўлса, унинг иккинчи маъноси ўша маълумотни етказиш, узатиш услублари ва воситаларига доир хатти-ҳаракатларни ҳам қамраб олади. *Informatia* атамасининг латин тилида «ўргатиш», «маълумот», «хабардор қилиш» маъноларини англатиши ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Шу сабабдан ҳам манбаларда «информация» сўзининг номаълумликнинг камайиши дея талқин қилишлар мантиқан асослидир.

XX асрнинг 40-йиллари охирида чоп этилган бир қатор мақолалари билан ҳозирги ахборот назариясига тамал тошини қўйган инглиз олими Клод Шеннон ҳам ҳар қандай маълумотни ахборот деб билмайди, у номаълумликни камайтирувчи маълумотнигина ахборот деб ҳисоблайди.

Хўп, номаълумликнинг камайиши натижасида инсонда қандай ҳолат юз беради? Ахборот ва комму-

никация илмида улкан таълимот яратган Маршалл Маклюэн ахборотга «инсоннинг кенгайиши» дея таъриф беради. Албатта, бунда жисман эмас, маънан, фикран, интеллектуал кенгайиш назарда тутилмоқда. Ва дастлабига қулоққа эриш туюлган бундай таъриф ва изоҳ моҳиятан ҳақиқат эканлигини эътироф этишга тўғри келади.

«Маърифат» газетасининг 2008 йил 19 ноябрь сониди журналист Зоҳиджон Холовнинг «Дунёни ахборот бошқаради» сарлавҳали мақоласи чоп этилди [12]. Унда ёзилишича, XX асрнинг 60-йилларида таниқли мутахассис Ф. Махлуп ахборотни тафаккурнинг дастлабки маҳсулоти, яъни хом ашё саноатининг (ҳали тайёр ашёга айланмаган!) бир тури деб таърифлаган. Бу фикр бир жиҳатдан тўғри, холос. Чунки Ф.Махлуп таърифлаган «хом ашё» тайёр бўлмаган ҳолатда ҳам, у тайёр маҳсулотга айланган тақдирда ҳам ахборот ҳисобланаверади. Демокчимизки, ахборот ҳам муайян буюм сингари турли ҳолатда – хом ашё, чала, хом, пишиб етилган, тайёр маҳсулот ҳолатида бўлиши мумкин. Ахборот мана шу жараённи босиб ўтгачгина журналистик ахборотга – оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш мумкин бўлган, оммавий истемолга яроқли маҳсулотга айланади.

Эндиликда «ахборот» термини алоҳида фан даражасига кўтарилди, тушунча кенгайиб, такомиллаша боргани сайин янгидан-янги соҳалар, фан тармоқлари, фаолият майдонлари вужудга келмоқда. Ахборот оқими, ахборот майдони, ахборот эркинлиги, ахборот ҳуқуқи, ахборотлашган жамият, ахборот хуружи, ахборот иммунитет, ахборот маданияти, ахборот одоби (инфозтика), ахборот хавфсизлиги, ахборот гигиенаси, ахборот бозори, ахборот қироли, ахборот киллери... Йил ва ой сайин кўпайгандан-кўпайиб бораётган бундай хуш ва нохуш атамалар ва фаолиятларнинг ўзак-ўзагида ахборотнинг тасаввурларга сиғмас қудрати, битмас-туган-

мас мўъжизаси, ақл-идроқларни шошириб қўяётган ҳикматлари ётибди.

Яқин-яқингача дунёга эгаллик даъвосида таҳдид солиб турган империализм ёки социализм ўрнини эндиликда информационализм эгаллагани айтилмоқда. Инглиз Жулиан Ассанджнинг Wikileaks сайти орқали дунёга тарқатган ахбороти биринчи жаҳон ахборот уруши дея таърифланди. Бу сингари оламшумул янгилекларнинг барчасини эътироф этиш, ўрганиш, тадқиқ этиш – уларга нечоғли жиддий аҳамият қаратиш бундан кейинги инсониятнинг тақдирини, тараққиёт йўналишини белгилаб бериши оддий ва муқаррар ҳақиқатдир.

Тўғри, «ахборот асри» тушунчасининг вужудга келишида замонавий ахборот технологиялари, яъни компьютер техникаси, глобал интернет тармоғи, шубҳасиз, катта рол ўйнади. Бироқ шуни ҳам таъкидлаш зарурки, мазкур техник имкониятларнинг такомиллашуви билан бир вақтда «ахборот» тушунчаси мазмунан тўхтовсиз кенгая борар экан, эндиликда у қуруқ маълумот, хабар ёки фактгина бўлиб қолмай, «информация» сўзининг моҳиятида коммуникация ҳодисаси мавжудлиги маълум бўлмоқда [13. С.360]. ...Замонавий тadbиркорнинг, сиёсатчи, олим, ижодкорнинг кучи уларнинг билими ва шу билимларни узата билишида эмас, коммуникацияда, жозибали образлар ярата билишидадир [13. С.362]. «Ахборот – коммуникациядир...» [13. С.361] деган талқинлар теварагида баҳс-мунозаралар авж олмоқда. Чунки ҳозирги тушунчадаги демократик жамиятнинг бирламчи шартларидан ва белгиларидан бири унда аҳоли учун ялпи мулоқот, яъни коммуникация муҳити яратилганлиги билан англашилмоқда. Нон ва нон маҳсулотларини унсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, ҳар қандай мулоқотнинг, яъни коммуникациянинг бирламчи ва ўзгармас «масаллиғи» ахборотдир! Ахборотсиз мулоқот йўқ, демакдир!

Аксарият анжуман ва йиғинларда, хусусан, хорижий ҳамкасблар билан бўладиган учрашувларда мустақиллик йилларида Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари тизимида қандай ўзгаришлар юз берди, деган мазмунда гоҳи беғараз, гоҳи ilmoқли саволлар ташланади ўртага. Бундай саволга батафсил жавобни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди, уни истаганча баён этиш мумкин, лекин юз берган ўзгаришларнинг тўб моҳияти биргина тушунчага бўлган муносабатнинг ўзгаришидаёқ яққол кўришиб турибди: мамлакатимизда қарор топган ижтимоий-сиёсий тизимда, қолаверса, халқимиз ҳаётида ахборотга муносабат ижобий томонларга ўзгармоқда. Ахборот тафаккури мезонларида жаҳон андозаларига яқинлашув жараёнлари кечмоқда.

Миллий журналистикамизда ахборотга бўлган қараш ўзгарди! Мамлакатимиз Раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, ўз келажagini ўйлайдиган халқ ва миллат бу каби ўзгаришлардан, янгиланишлардан беҳабар қолиши асло мумкин эмас. Зеро, ахборотнинг катта-кичиги, аҳамиятли-аҳамиятсиз бўлмайди, чунки «Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин» [14. Б.115].

...«Электр нури – ҳақиқий ахборотдир», – деб ёзган эди Маршалл Маклюэн [15. Б.10].

... «ахборот» сўзи замирида билим эмас, айна коммуникация яширинган...» – дейди Дмитрий Иванов [13. С.360].

... Норвег адиби Юхан Боргеннинг (1902–1979) наздида «...бадий асар – ахборот дегани»дир [16. Б. 365].

Изоҳлар, таърифларнинг чеки йўқ, лекин уларнинг барчасини умумлаштирган ҳолда ҳам «Ҳозир-

га қадар ахборотнинг ягона таърифи ишлаб чиқилмаган. ...Ахборот тушунчаси билан боғлиқ тадқиқотларда жуда кўп муаммолар мавжуд» [17, Б.31, 32].

Яна ва яна савол туғилади: наҳотки, ахборотга тугал таъриф бериш имкони топилмаса?! Наҳотки, инсоннинг (инсониятнинг) ҳомилалик чоғида илк асаб толалари вужудга келган лаҳзалардан бошланган ва унга (инсониятга) сўнгги нафасига қадар йўлдош бўлмиш ҳодиса – ахборот алмашинуви жараёни «хом ашё»си бўлмиш «ахборот» атамасига нисбатан Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ида бир неча бора учрайдиган «Таърифига тил ожиз» лутфи қўлланиладиган бўлса?!

Назаримизда, шунинг ўзи ҳам ахборотнинг бениҳоя мўъжизаларга, жозибаларга ва ҳикматларга бойлигидан далолат беради.

## **АХБОРОТ БИРЛАШТИРАДИ... ПАРЧАЛАЙДИ**

Сўнгги чорак аср воқеалари тубдан ўзгартириб юборган онгу тафаккур тарзи, ҳаёт ва инсон моҳиятини теран англаш истаги инсоният тарихига буткул янгича қарашларни келтириб чиқармоқда. «Бу бевосита тарих ҳақиқатини тиклаш, тарихий жараёнларга илмий ҳолислик билан баҳо бериш билан бирга, тарихий жараённи фалсафий-мантиқий тушунишни ҳам тақозо этмоқда, – деб ёзади сиёсий фанлар доктори, профессор Нарзулла Жўраев. – Зотан, тарих фалсафасининг моҳияти ҳам тарихни фалсафий англаш, фалсафий тушуниш, ҳар бир воқелик ва ҳодисага таҳлилий ёндошиш, уни келтириб чиқарган омиллар, манбалар, ижтимоий-тарихий муҳит ва манфаатлар асосида идрок этишни долзарб қилиб қўймоқда» [18. Б. 10].

Инсониятнинг ҳозирги тараққиёт палласида, бир томондан, эҳтиёжлар тўхтовсиз кўпайиб бораётган бўлса, иккинчи томондан, «эҳтиёжнинг фалсафий



талқини, фалсафий мушоҳадасига заруратнинг кучайганлиги» даврнинг асосий хусусиятига айланмоқда» [19. Б.48]. Шундай экан, замон кишининг – инсоният ҳаёти ва тақдирининг бирламчи унсури даражасига кўтарилган ахборотга ушбу нуқтаи назарлардан ёндошилса, ахборотни фалсафий, таҳлилий тушуниш ва талқин этишнинг ўзи илмий-назарий, сиёсий, иқтисодий, маънавий эҳтиёжга айлана бораётганини кўриш мумкин.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида ахборот адо этаётган буюк бир миссия ҳақида бафуржа тўхталишга тўғри келади.

Мутахассис олимларнинг фикрига кўра, ҳозирга қадар инсоният тарихида 15–20 дан 30 тагача тамаддун босиб ўтилган [20. С.19]. Тамаддунлар бир-биридан асосан тафаккур тарзи билан фарқланган. Табиий, даврлар, замонлар ўтгани сайин тафаккур тарзи шаклланган, ўзгача қиёфаларга, шаклшамойилларга кирган. Тафаккур тарзи имкониятларини кенгайтирувчи, чуқурлаштирувчи янгидан-янги воситалар яратилган. Шу билан бир вақтда нечта эканидан қатъи назар, тамаддунларнинг ўхшаш жиҳати ҳам бўлган. Бу ўхшашлик ҳар бир тамаддун ўзи тарқалган ҳудуд доирасида аҳолини мумкин қадар бирлаштиришга, жипслаштиришга, шу орқали жамият аъзоларини жипслаштирувчи қудратга эга бўлишида ўз ифодасини топган. Шундан келиб чиқиб, ўтмишдаги ҳар бир тамаддунни мумкин қадар кўпроқ аҳолини бирлаштиришга бўлган уриниш босқичлари, дея талқин этиш ҳам хато бўлмайди.

Афсуски, ҳеч бир соҳа фақат ривожланишдан иборат бўлибгина қолмаган, балки ҳар қандай тараққиёт прогресс ва регресс – юксалиш ва таназзул оралиғида мавжуд бўлган, давом этган ва йўқликка юз тутган.

«Диний ақидага мувофиқ, бугунгача курраи заминда яшаган ва яшаётган барча инсон бир отаона – Одам ва Ҳаввонинг фарзандларидир. Не

ажабки, бу ақида XX аср фани, хусусан, генетика томонидан тўлиқ тасдиқланмоқда» [21. Б.35]. Қолаверса, Ер юзида яшаётган барча одам бир биологик турга мансуб.

Бундай қарашларни инкор этиш қийин, лекин савол туғилади: қандай сабабларга кўра бир ота-она фарзандлари бу қадар хилма-хиллашиб кетган? Саволнинг жавоби ҳам деярли аниқ, яъни турли табиий шароитда яшаш натижасида одамлар турфа хусусиятлар, турфа аломат-белгилар орттирганлар. «Ирқ, дин, тил, миллат, яшаш ҳудудига хос омиллар, касб-ҳунар, оилавий қадриятлар одамни одамдан фарқлайди. Ҳатто, диққат қилинса, одамларни умумлаштирувчи хусусиятларга нисбатан айирувчи аломатлар кўпроқ» [21. Б.35].

Ҳақиқатан ҳам шундайми, деган савол туғилади. Ёхуд умумлаштирувчи хусусиятларга қараганда айирувчи фарқли жиҳатлар кўзга яққолроқ ташлангани учун ҳам шундай фикрга бориладими?.. Турли турмуш тарзи, турли миллий қадриятлар, миллий ғурур ва манфаатларнинг аҳамиятини истаганча кўкларга кўтариш мумкин, бироқ айна шу сингари хусусиятлар пировардида «меники – сеники», «бизларники – сизларники» каби тушунчаларнинг чуқурлаша боришига сабаб бўлади, бундай чуқурлашиш исталган дақиқада зиддиятга, курашларга, рақобатга айланиб кетиши эса ҳеч гап эмас. Бундай қарама-қаршилиқ индивидлар орасида қанчалик кузатилса, турли мавқедаги давлатлар, халқлар муносабатлари орасида ҳам мавжуддир.

Глобаллашув шароитида миллий қадриятларни муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш жиддий муаммога айланиши хилма-хил аспектларда ўрганилмоқда. «Глобаллашув шароитида, – деб ёзади тадқиқотчи Фарид Юлдашева, – қадриятлар трансформацияси билан боғлиқ бўлган масалалардан яна бири – анъанавий миллий қадриятларни ҳимоя қилиш механизмини ишлаб чиқишдир» [22. Б.7]. Бир жиҳат-

дан олганда, бунга ўхшаш фикрлар мутлақо тўғри, уни инкор этиш мумкин эмас, бироқ масалага бошқачароқ нуқтаи назардан ёндашсак.

Гап шундаки, ҳар бир миллат томонидан ўз кадриятларини тиш-тирноғи билан ҳимоя қилишлари пировард оқибатда рақобатни келтириб чиқармайдами? Рақобатни кучайтирмайдами? Бундай рақобатлардан келишмовчиликлар, ҳатто тўқнашувлар юзага келмайдами? Ва ниҳоят ушбу пародаксал ҳолат халқларнинг бирлашувига эмас, улар орасида турфа низолар келиб чиқишига сабаб бўлмайдами?

Илмий-амалий анжуманлардан бирида (1998 йил 27 ноябрь куни бўлиб ўтган) республикамиз раҳбарининг маънавиятни асраб-авайлаш борасидаги сиёсати хусусида сўз юритилди. Шунда атоқли адабиётшунос олим, донишманд инсон Иброҳим Ғафуров Гегелнинг «Кураш – инсоний тараққиётнинг локомотиви» деган концепцияси мавжудлигини, эндиликда ундай концепцияларнинг умри ўтганини, синфий курашларга барҳам берилгани ҳолда жуда кўплаб синфчалар кураши вужудга келганини, Президентнинг маънавият борасида кўрсатаётган саъй-ҳаракатлари шулар сингари курашларни кескинлаштириш учун эмас, балки мувозанатга келтириш учун хизмат қилишини таъкидлади. Шунга яқин фикрни машҳур Ф.Фукуяманинг «Ишонч» асарида ҳам ўқиш мумкин. Бир қарашда, Ф.Фукуяма С.Хантингтоннинг ғарб, ислом, конфуций, япон, ҳинду маданий гурӯҳлари ўртасида дунё миқёсида зиддият келиб чиқиши эҳтимоли ҳақидаги фаразларини инкор этмагандай туюлади, иккинчи томондан эса у «Маданий тафовутлар нифоқ келтириб чиқаришдан кўра, ижодий қайта туғилишга хизмат қилишга мойил», деган фикрни илгари суради [23. С.17]. Назаримизда, ушбу фикр тўғрироқ ва фойдалироқдир, зеро, ер юзи халқлари орасидаги муносабатлардан уларнинг парчаланишига олиб ке-

лувчи зиддиятли ҳолатларни бўрттириб кўрсатишдан кўра бирлашувга сабаб бўладиган ришталарни, омилларни кашф этиш муҳимроқ кўринади. Номлари дунёга танилган айрим таниқли зотларнинг қиёмат кунини башорат қилишга, инсониятни ҳалокатга олиб борадиган ижтимоий-сиёсий, миллий, эътиқодий, экологик талофатларни минг бир мақомда исботлашга уринишлари ажаблантиради одамни. Ақл-идрок кучи ва иқтидорини антогонистик зиддиятларни «кашф» этишдан кўра, муносабатлар ўртасидаги муроса нуқталарини топиш ва ривожлантиришга йўналтириш афзалроқдир.

«Шу кунгача файласуфлар ҳамма нарсани ажратиб келдилар, ҳамма нарсадан ажралиш қидирдилар, – деб ёзади устоз Иброҳим Фафуров. – Ягона Худо ўнлаб динларга ажралди. Булар инсоният тарихида ҳеч тўхтамаган қон тўкишлар билан борди. Одамзот синфлар, тоифалар, чегараларга ажралди ва булар ҳам тинимсиз қон тўкишларда давом этди. ... XXI асрга келиб ажралиш ва ажратилиш ғояси эскирдимикин? Қонли тарих саҳифасидан анахронизм сифатида тушиб қолдимикин?» [24. Б.13].

Бу савол замирида кўзда тутилган муаммо ечимини излаш маърифат соҳибларининг ҳамишалик эзгу орзуси бўлиб келган. Бундан уч минг йил муқаддам яратилган «Авесто»нинг буюк миссияларидан бири ҳам кўпхудоликка барҳам бериб, унинг ўрнида яккахудолик ғоясини қарор топтиришдан иборат бўлган. «Бу бевосита диний таълимотда инсон қандай гуруҳ, уруғ, қабила ёки миллатга мансуб бўлмасин, ер юзининг қайси ҳудудида яшамасин, у ёлғиз Аллоҳнинг бандаси ва ягона Аллоҳ уни асрагувчидир, деган ғояга олиб келди» [18. Б. 45].

Шундай қарашлар ҳам мавжудки, халқлар ўртасида қарама-қаршилик, таназзул зўрайган палларда фалсафага бўлган эҳтиёж ортади ва моҳиятан ўн саккиз минг оламнинг яхлитлиги ва Ҳақ

таолонинг ягоналигини инсонлар ёдига солиб туриш вазифаси бўлмиш фалсафа парчаланиш жараёнларининг олдини олади, Арасту айтмоқчи, парчаланишнинг мавжудлик сари қайтиши юз беради. Зеро, бирлашиш, парчаланиш турфа шакл-шамойилларда тарих саҳнасида гавдаланаверади, лекин мавжудлик ўзгармайди.

Александр Гениснинг «Ҳар бир санъат асари дунёнинг яхлитлигини тасдиқловчи манифестдир», деган сўзлари замирида ҳам сўз санъатининг бирлаштирувчилик қудрати назарда тутилган [25. Б.127]. Мана шундай зиёли армон, зиёбахш изтироб жавобини фақат ва фақат ахборот мўъжизасидан излаш ва топиш мумкинлигини ҳақиқий маънода XXI аср мўъжизаси – ахборот глобаллашуви жараёнларида кўриш мумкин бўлмоқда! Глобаллаша бораётган ахборот мўъжизаси бутун дунё халқларини бирлаштирувчи кучга айланиб улгурди, деб бемалол айтиш мумкин. Буюк Саъдий Шерозий айтмоқчи, «бутун одамият бир гавҳардан пайдо бўлган» («Ки дар офариниш зи як гавҳаранд») эса ўша гавҳар вазифасини ҳозирги замонга келиб ахборот ўтаётгани маълум бўлмоқда.

Ҳа, одамлар ибтидоий замонлардаёқ жон сақлаш, турфа хавф-хатарлардан омон қолиш учун ҳам бирлашганлар. Мана шу эҳтиёж ҳали-ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаган. Фақат бирлашиш, жипслашиш шакл-шамойиллари мисли кўрилмаган даражаларда ривожланиб кетди. Бирлашишдан кўзланган мақсадлар кўпайгандан-кўпайди. Шулар билан ёнмаён одамзоднинг тарихи ажралишларга, парчаланишларга ҳам тўлиб-тошди. Ажралиш ва парчаланишларнинг хили, тури эса сонсиз-саноқсиз.

Ҳеч иккиланмай инсоният тарихини бирлашишга интилишлар ва ана шу бирлашишга путур етказишга қаратилган уринишлар тарихидан иборат деб аташ ҳам хато бўлмайди. Оила, маҳалла, уруғ,

қабилла, миллат, халқ – шуларнинг бари инсоният тарихидаги бирлашишга олиб келган ижтимоий муносабатлардаги эволюцион тараққиёт кўринишларидир. Мамлакат ва давлат – бирлашма. Эътиқодлар теварагида бирлашувчилар бор. Сиёсий иттифоқлар, уюшмаларни ҳам истаганча келтириш мумкин. Мисол учун, қандайлигидан қатъи назар СССР ўзига хос бирлашиш рамзидек эди, бироқ бу бирлашишнинг замини пуч эканлиги пировардида кутилмаганда жуда осонлик билан унинг тарқаб кетишига олиб келди.

Жаҳон саҳнасида Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН), Умумий араб бозори давлатлари (Миср, Йордания, Кувайт, Марокаш ва Сурия), Евросиё иқтисодий ҳамжамияти, Шимолий Атлантика (НАФТА) интеграцияси, БРИКС (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой ва Жанубий Африка)... шу сингари иттифоқлар, уюшмалар ва ҳоказоларни ҳам ўзига хос бирлашувга интилиш ҳаракатлари деб таърифлаш мумкин. Бироқ мутахассисларнинг фикрича, бундай бирлашувларнинг узоқ ва мустаҳкам жон сақлашлари даргумон, ҳатто залворли Европа Иттифоқининг ҳам яқин ўн йилликлардаги истиқболига шубҳа билан қаровчилар оз эмас. Грузиянинг собиқ президенти Э.Шеварнадзе фавқулодда ғалати ғояни – БМТни тарқатиб юбориб, унинг ўрнига ер курраси учун ягона ҳукумат тузиш таклифини ўртага ташлаган.

Бирлашиш орқали қудратли салтанатни вужудга келтириш бобида ҳозирги Германия ёрқин мисол бўла олади. 1830 йилларнинг охирига қадар 38 та алоҳида-алоҳида давлатдан ташкил топган [26. С. 6] бу мамлакатнинг ҳозирги мавқеи, салоҳияти алоҳида таърифга муҳтож эмас.

Айтмоқчимизки, жаҳон тарихида бирлашиш ва парчаланиш жараёнларини ифода этувчи мисоллар истаганча топилади. Ва ҳар бир шундай жараён ахборот оқимларини ҳам ажратган, бирлаштирган,

халқнинг ахборотдан баҳрамандлик имкониятларини сиёсий, иқтисодий, мафкуравий нуқтаи назардан хилма-хиллаштириб турган.

Ҳар бир оммавий ахборот воситаси ҳам бевосита, ҳам билвосита тарзда кенг оммани бирлаштирувчилик ҳамда афсуски... айирмачилик вазифасини ўтайди. Негаки, ҳар бир оммавий ахборот воситаси ўз муштарий ва мухлислари учун ишончли марказлаштирувчи ядрога, фикр айтиш минбарига, муштарий ва мухлислар сони орта боргани сайин эса ўзига хос жипслашган тўлқинга айлана боради. Бу жипслашган тўлқин таркиби юз минглар, ҳатто миллионлардан оша бориши оммавий ахборот воситаларининг яна бир фавқулодда қудратидан далолат беради.

Уч асрким, анъанавий босма матбуот нашрлари, қарийб бир асрким, радио ва телевидениедек имкониятлари бепоён ва қамровли ОАВнинг ҳар бири шу борада тинимсиз кураш олиб бормоқда, яъни мумкин қадар кўпроқ, кўпроқ ва янада кўпроқ муштарийни ўзи томон оғдириш йўлларини изламоқда (теграсида жипслаштиришга ҳаракат қилмоқда) ва ХХI асрга келиб ниҳоят бутун курраи замин аҳолисини бирлаштиришга қодир қудратли восита – ахборот эканлиги аён бўлди. Тўғри, ахборот илгари ҳам бўлган, лекин ҳозирги давр ахбороти легенда бир зумда, ҳеч қандай тўсиқларсиз бутун ер юзи аҳолисининг «ҳузури»га, ихтиёрига етиб боришини таъмин этувчи восита – интернет орқали тарқатилиши мумкин бўлган ахборот назарда тутилмоқда. Бутун башариятни қамраб олиш имкони – интернетгина инсониятни бир ёки бир нечта ахборот теварагида бирлаштириш миссиясини амалга ошира олмоқда. Интернет бамисоли башариятнинг ягона маънавий қон томирига айланди, бу қон томирида узлуксиз ҳаракатланувчи ахборот оқими исталган дақиқада дунё аҳолисини бирлаштирувчи, ҳамфикр қилувчи мўъжизакор имкониятга эга бўлди.

Афсуски, интернетдек мўъжизада бирлаштирувчилик қобилияти нечоғли чексиз бўлса, унинг парчаловчилик хусусияти ҳам шу қадар адоқсиз эканлиги аён бўлмоқда. Чунки интернетдан самарали фойдаланиш борасида бир-бирига ўхшаш одамни учратиб бўлмаганидек, глобал ахборот майдонидан бир хил даражада баҳра олаётган фуқаро ҳам, халқ ҳам, давлат ва жамият ҳам топилмайди.

«Ахборот тенгсизлиги» деб ном олган бу хилма-хиллик ахборот глобаллашуви даврининг энг но-зик, энг долзарб ва ечимини топиш ғоятда қийин бўлган асримизнинг улкан муаммоларидан бирига айланиб бормоқда.

Онгу тафаккурларни заҳарлашга қаратилган ахборотлар тарқатиш билан шуғулланадиган, шунингдек, давлатлар, халқлар ўртасида низолар келтириб чиқариш мақсадидаги махсус ахборот марказларининг кўпайиши – интернет мўъжизасидан дунё халқлари орасида бузғунчилик, айирмачилик келтириб чиқариш йўлида фойдаланилаётгани эзгу ниятли инсониятни янада оқилона ва гуманистик мақсадлар йўлида бирлашишга, жипслашишга ундайди.

## **«РАҚАМЛИ ТЕНГСИЗЛИК» – ТЕНГСИЗЛИКААР ДОЯСИ**

Социологияда аҳоли таркибини ижтимоий гуруҳларга ажратган ҳолда тадқиқ этиш услуби кенг қўлланади. Бунда гуруҳ шартли равишда олти жиҳатига кўра аниқланади. Хусусан, социолог Б.Барбер (АҚШ) бу борада қуйидаги олти жиҳатни муҳим деб ҳисоблайди:

1. Обрў-этибор, касб-кор, молиявий ва ижтимоий нуфўз.
2. Даромад.
3. Таълим – билим даражаси.
4. Диний эътиқодга садоқат.



5. Қариндош-уруғларнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеи.

6. Этник мансублик.

Мазкур жиҳатлар мезонидан келиб чиқилган ҳолда таҳлил қилинса, аҳоли муайян гуруҳининг асл қиёфаси ҳақида ғоятда муҳим хулосалар чиқариш мумкин. Шундай бўлса-да, инсон ҳаётида юз бераётган шиддатли ўзгаришлар асносида юқорида санаб ўтилган олти жиҳат сафи ортиб бормоқда. Жумладан, француз социологи А.Турен замонавий жамиятда тўлақонли ижтимоий гуруҳ ёки ижтимоий қатлам бўлиб шаклланиш учун юқоридаги жиҳатларга қўшимча ўлароқ аҳолининг ахборот олиш имкониятлари ҳам эътиборда тутилиши зарурлиги ғоясини илгари суради [27. Б.7]. Бу ғояни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга етарлича асос бор. Чунки глобаллашув даврида инсон ҳаётида ахборот билан таъминланганлик даражаси қолган барча кўрсаткичлар қатори ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу ўринда бир-бири билан боғлиқ иккита жиддий муаммо пайдо бўлади. Уларнинг биринчиси – аҳолининг, одамларнинг ахборотдан баҳраманлик даражаси.

XX асрнинг сўнги ўн йиллигида интернет тармоғидан фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотлар статистикаси мониторинг қилина бошлагач, айниқса АҚШ телекоммуникация ва ахборот Миллий маъмурияти маърузаларини эълон қилиш мунтазам тус олгач, дунё мамлакатлари орасида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда тенгсизлик мавжудлиги кўзга ташланди. Бу тенгсизликни «рақамли тенгсизлик» атамаси орқали ифодалаш таомилга кирди [28. С.15]. Мазкур маънони англатувчи бошқа атамалар ҳам бор. Мисол учун «Бошқа томондан, – деб ёзади Сиёсий тадқиқотлар маркази директори, сиёсий фанлар доктори Гўлнора Каримова, – бир томондан илғор технологияларга эришган давлатлар, иккинчи томондан техно-

логик инфратузилмалари етарли даражада шакланмаган давлатлар ўртасида ахборот тафовути — уни ахборот парчаланиши деб ҳам аташмоқда — муаммоси сақланиб қолмоқда» [29. С. 7].

«Рақамли тенгсизлик» тушунчаси кўпроқ сиёсий аспектда ўрганилаётган бўлса-да, унинг маданий, иқтисодий, миллий қирралари, умумлаштириб айтиладиган бўлса, маънавий-интеллектуал аҳамияти нуқтаи назаридан тадқиқ этилиши ниҳоятда муҳим ва долзарбдир. Ушбу мулоҳазадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фикримизча, «рақамли тенгсизлик» тушунча сифатида кенгайиб боради, унинг қўлланиш соҳалари кўпаяди ва у ахборот асрининг энг мураккаб муаммоларидан бири бўлиб қолади. Шундай экан, уни назарий нуқтаи назардан ўрганиш, муаммоларини тадқиқ этиш соҳа мутахассислари зиммасига катта масъулият юклайди.

Ахборотдан баҳрамандлик жуда кўп омиларга боғлиқ. Ҳатто бир хил шароит, бир хил имкониятдаги икки ва ундан ортиқ кишининг бир хил ахборот оқимидан ахборот олишида тафовут бўлмай иложи йўқ. Интернет тармоғининг вужудга келиши дунё ахборот оқимига боғланиш имкониятини беҳад орттирди, бу ҳақда баҳслашишга мутлақо ўрин йўқ. Лекин «рақамли тенгсизлик»ни келтириб чиқаришда айни интернетнинг «хизмати» катталигини, бошқача айтганда, интернет рақамли тенгсизлик «ижодкори», яратувчиси эканлигини ҳам унутмаслик керак. Шимолий Америка, Европа, Осиё давлатларидаги интернетга уланиш даражаси орасидаги тафовут ҳақида мулоҳаза юритган таниқли мутахассис Ясен Засурский мақолаларидан бирида «Ҳозирча рақамли тафовут катта, лекин у камаймоқда», деб ёзади [30. С. 7].

Шу ўринда атоқли мутахассис билан баҳслашишга тўғри келади: наҳотки, шу борадаги тафовут камаяётган бўлса?

Эҳтимол, интернетга уланиш статистикасига доир умумий кўрсаткичларда фарқ камайиши кузатилаётгандир, лекин бу дегани ахборотдан бахраманлик – ахборотдан фойдаланиш самарадорлигидаги тенгсизлик йўқола боради, деган хулоса чиқаришимизга асос бўла олмайди.

Тўғри, «рақамли тенгсизлик» тараққий топган ва ривожланаётган давлатлардаги шарт-шароитлар таққосланганда яққол кўзга ташланади. Дейлик, Европа ва Африка қитъаси давлатларида ёки бўлмаса АКШ ва Жанубий Америка минтақасидаги давлатларда истиқомат қилувчи аҳолини қиёслаш жуда қийин. Чунки иқтисодий, сиёсий, технологик ва ҳоказо шарт-шароитлар тафовути осмон билан ерча бор. Лекин ҳатто худди шу шарт-шароитлар бир хил бўлган, яъни бир мамлакат доирасида, бир давлат фуқаролари ҳаётида ҳам «рақамли тенгсизлик» бўлмай иложи йўқ. Масалан, мамлакатимиз жуғрофий харитасини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, пойтахт, вилоят марказлари ва айрим шаҳарларда, шунингдек, туман ва қишлоқ жойларида, тоғликларда, дала-қирларда, чўл-яйлов шароитида яшаётган аҳолининг ахборот билан таъминланганлик даражаси, глобал ахборот майдонидан бахраманлик имконияти ва уларнинг самарадорлигини мутлақо бир хил дея олмаймиз. Чунки интернетдан фойдаланиш миқёсининг кенгайиши, кўп жиҳатдан, аҳолининг яшаш жойига, билим савиясига, касб-корига, қизиқиш доирасига, ёшига, даромадига, жинсига ва албатта, менталитетига боғлиқ. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Чунончи, ижтимоий муҳит, ижтимоий кайфият, жамиятда демократик тамойилларнинг ўрнатилганлик даражаси, аҳолининг жамият ҳаётидаги иштироки, фаоллиги, дахлдорлик тўғрисидаги кучлилиги, умуман соғлом оммавий коммуникациянинг йўлга қўйилганлиги ва бошқалар. Худди шу омиллар асосида таҳлил қилинса, ер юзидаги исталган, ҳатто юксак тараққий

этган давлатларда яшовчи аҳоли ҳаётида ҳам «рақамли тенгсизлик» мавжудлигини исботлаш қийин кечмайди. Ван Дейкнинг «рақамли тенгсизлик» кенг ёйилишдан тўхтади, лекин у чуқурлашиб бормоқда» [28. С.153], деган сўзлари мана шу вазиятга нисбатан берилган тўғри таъриф дейиш мумкин.

Ахборотлашган жамиятни шакллантириш ҳар бир мамлакатдагина эмас, ҳатто бир мамлакатнинг турли ҳудудларида ҳам ўзига хос тарзда, ўзига хос суратларда кечади. Бу жараён сира тўхтамайди ва унинг йўли ҳеч қачон бирдек силлиқ бўлмайди.

Иккинчи жиддий муаммо – ахборотдан сақла-ниш кўникмасини умуммаданият ва умумэтиканинг муҳим йўналиши сифатида шакллантириш ва шу таълимотни оммалаштиришдир. (Биз уни «ахборот маданияти» ёки «инфозтика» деб олишни маъқул деб топдик.) Юқорида ахборот оқимидан мумкин қадар эмин-эркин баҳрамандлик масаласи алоҳида муаммо эканлиги баён этилган бўлса, бу ўринда ахборот оқимидан ўзини ва ўзлигини асрай билиш ҳам алоҳида муаммо эканлиги таъкидланмоқда. За-монамизнинг энг жиддий парадоксларидан бири сифатида бу ҳолат яқин келгусида кўплаб фавқу-лода муаммоларни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. «Нобель мукофоти совриндори, иқтисодчи Герберт Саймоннинг фикрича, ҳозирги пайтда ахборот ўз истеъмолчилари (реципиентлари)ни қириб ташламоқда ва еб битирмоқда» [31. С.85].

Қизиғи шундаки, ахборот маданияти борасида ҳам биз «рақамли тенгсизлик» муаммосига дуч келамиз. Чунки ахборот оқимидан ҳар бир инсон ўзи учун фойдали ахборотни саралаб олиши ўша инсоннинг маданияти, ахлоқи, дунёқараши, ҳаётий маслакларига бориб тақалади. Бу маънода ҳам ҳеч бир одамни бошқа бир одамга, бир миллат вакилларини бошқа миллат вакилларига айнан ўхшата олмаганимиз учун ҳам уларда «рақамли тенгсиз-лик» муаммоси йўқ, дея олмаймиз.

Ахборотдан баҳрамандлик ва ахборот маданияти ҳақида сўз борганда, айниқса ҳаётий принциплари ва тажрибалари мустаҳкам кўриниш олмаган ёш авлод вакилларининг тақдири алоҳида ташвиш уйғотади. Чунки ёшлар учун энг замонавий ахборот воситаларидан ва манбаларидан фойдаланиш имкониятлари яратиб берилгани ҳолда ўша ахборот оқимидан (хуружидан) ўзлигини асраш механизмлари етарли даражада оммалашмади. Мавзудан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бу борада «рақамли тенгсизлик» муаммоси бутун мураккаблиги билан эътироф этилмоғи, унга доир серқирра муаммолар махсус ўрганилмоғи зарур.

Ахборот асрининг ўзига хос хусусиятлари, талаблари мавжуд барча турдаги оммавий ахборот воситалари орасидаги тафовутнинг йўқола бораётганида, улардаги амалий-ижодий фаолиятнинг қоришиб кетишида ҳам кўзга ташланмоқда. Айниқса, электрон оммавий ахборот воситаларининг аънавий босма нашрлар дунёсига кириб келиши, электрон нашрлар имкониятларидан кенг фойдаланиш тенденцияси жараёнида «рақамли тенгсизлик» ҳолати юз бермай иложи йўқ. Замонавий Россия ОАВ тизимидаги ўзгаришлар жараёнини тадқиқ қилган мутахассис олим С.Қўзибоев (Қозоғистон) бундай ҳолатни «рақамлашув» даври муаммолари сифатида алоҳида ўрганган [32. С. 35-45].

Дарҳақиқат, аънавий босма нашрларнинг ижтимоий тармоқ имкониятларидан унумли фойдаланишларида тенгсизлик мавжудлиги эътироф этилар экан, масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам келиб чиқади. Бу, гарчи «рақамли тенгсизлик» термини кўпроқ юқори ахборот технологиялари тармоғига дахлдор тушунча эса-да, уни бевосита аънавий оммавий ахборот воситалари тизимига ҳам татбиқ этиш хато бўлмайди. Зеро, газета, журнал, радио ва телеканаллар имкониятларидан самарали фойдаланиш даражасида ҳам жиддий нотенгликлар

мавжудлиги бор ҳақиқат. Бундай тенгсизликнинг ҳам туб сабаблари кўп. Айниқса, жиддий босма нашрларга бўлган қизиқишнинг камайиши, аудиовизуал оммавий ахборот воситаларининг «сариқ»лашуви, ахборотнинг индивидуаллашгаётгани ва ҳоказо муаммолар биринчидан, аҳолининг, яъни кишиларнинг бевосита ўзларига дахлдор шахсий-субъектив омилларга боғлиқ бўлса, кейинги навбатда давлат миқёсида олиб борилаётган, амалга оширилаётган ислохотларга ҳам бориб тақалади. Аънавий ОАВ аудиториясини ўрганиш, хусусан газета, журнал, радио ва телевидение орқали тарқатилаётган ахборотнинг аудитория томонидан қабул қилиниш даражасини таҳлил қилиш МДХ республикалари, жумладан Ўзбекистон журналистикасида бирдек кенг омалашганича йўқ. Ваҳоланки, ҳаёт ушбу йўналишдаги таҳлил ва тадқиқларни «рақамли тенгсизлик» аспектида олиб борилишини тақозо этмоқда. Демак, мутахассисларимиз, соҳа фидойилари мана шундай янгича ёндашувларга ҳам психологик жиҳатдан шай бўлмоқликлари зарур, деб ўйлаймиз.

Интернет-нашр билан босма нашрларни қарама-қарши қўйиш, босма нашрларнинг «ўлими»дан башорат қилишлар ҳам «рақамли тенгсизлик»ни кескинлаштиришга олиб келади. Бундай мулоҳазаларда мутлақ хулоса-ҳукмлар чиқаришга шошилмаслик маъқул. Чунки тараққий топган мамлакат ва минтақаларда интернет тармоғининг омалашгани оддий ҳол бўлса, ҳали аънавий ОАВдан тўла ва бемалол фойдаланиш йўлга қўйилмаган ҳудудлар ҳам истаганча топилади.

Бир сўз билан айтганда, «рақамли тенгсизлик» билан боғлиқ ҳам ҳаётий, ҳам илмий муаммоларни изчил ўрганиш, тадқиқ этиш ва зарур хулосаларни ишлаб чиқиш тизимини яратиш, бу борада малакали кадрларни тайёрлаш пироваридда юқори даражадаги оммавий коммуникация шаклланган демократик жамият барпо этилишига хизмат қилади.



## ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ: АХБОРОТ МАЙДОНИДАГИ ЗИДДИЯТ, РАҚОБАТ, МУВОЗАНАТ

**Шахс** – мутлақ изоҳини келтириш қийин бўлган мураккаб тушунчалардан эканлиги илмда эътироф этилган, унинг қадим-қадимдан турфа фанларнинг тадқиқот объекти бўлиб қолаётгани сабабларидан бири ҳам шунда. Бошқа ҳеч бир фан йўналишларига эътироз билдирмаган ҳолда «шахс»ни соҳанинг бош муаммоларидан бири сифатида журналистика фани доирасига «тортиб» олишга тўла асос бор. Бундай даъвони асослаш унчалик қийин ҳам эмас.

Она вужудда икки томчи суюқликнинг туташган илк лаҳзаси – дунёга келажак инсон ҳақидаги дастлабки ахборотдир. Пайдо бўлган ҳомилани ҳомила эмас, балки ахборот йиғиндиси, мажмуаси деб аташ ҳам хато бўлмайди. Бу йиғинди, мажмуа жисман шаклангани сайин ахборотга тўйинаётган вужудга айлана боради. Вужуд тўлақонли биологик такомилга етишган чоғида, яъни тўққиз ойда она кўксини тарк этади, энди у биологик мавжудотликдан ижтимоий индивидга айланиш йўлига чиқади. Бу йўл умрнинг адоғига – сўнгги лаҳзаларига қадар давом этади. Зеро, шахс сифатидаги камолотнинг – комиллик йўлининг адоғи бўлмайди.

Шахслик мақомига олиб борувчи йўл, табиий, умр йўлидан, касбий-ҳаётий тажрибалар мажмуасидан иборат бўлади. Умр йўлининг салмоғи, ҳаётий тажрибанинг бойлиги ва таржимаи ҳолнинг мукамаллиги эса шахснинг номаи аъмолида жамланган ахборотда ўз ифодасини топади. Бошқача айтганда, шахснинг кимлиги у ҳақдаги, унга тааллуқли ахборот йиғиндисидан кўринади. Чунки ҳар бир шахс – ўзига хос ахборот мажмуаси, хазинаси! Моҳиятан олганда ҳар бир тирик инсон тажрибасида ҳам бутун бир қомус – энциклопедия мужассамдир. Француз адиби Марсел Пруст эса ҳар бир

одами – музей, яъни ахборот хазинаси дея таърифлаган.

Инсоният тарихини одамларда ахборот ва унга муносабат тушунчаси оддийдан мураккаблик томон мунтазам ўзгариб бориши тарихидан иборат дейиш ҳам мумкин. Ҳозирга келиб инсон ва ахборот дунёси тушунчаси буткул янгича ёндашувни тақозо этмоқда. Инсон ахборотга нисбатан қандай муносабатда бўлмоғи керак? Ахборот унинг измидами ёхуд у ахборотнинг измидами? Мазкур муносабатни изга солиш ёки унинг муайян меъёрини топиш мумкинми?

Шу сингари саволларга жавоб бўларли оқилона мезонларни аниқлаш тараққиёт истагидаги башариатнинг кечиктириб бўлмас ва муҳимдан-муҳим муаммоси даражасига кўтарилди.

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 19-моддасида баён этилган ҳар бир инсоннинг «ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги» нормаси Республикамиз Конституциясида ҳам аксини топган. Бу норма инсон фарзандининг дунёни билишга, англашга бўлган энг табиий ҳуқуқидан – мудом билишга интилувчан жонзот эканлигидан келиб чиққан. Унинг тириклиги, комиллиги, фаровонлиги ва инсоний мартабаси кўп жиҳатдан билим доирасининг кенглиги – хабардорлиги, шунга бўлган иштиёқининг зўрлиги билан белгиланади. Билиш ва англаш, шунингдек билимдан самарали фойдаланиш эса фақат ва фақат ахборот олишда, ахборот тўплашда ўз ифодасини топади. Дунё ахборот майдони ҳар ким учун бирдек очиқ ва шаффоф бўлмоғи зарур, ундан нечоғли самарали ва унумли фойдаланиш эса ҳар кимнинг хоҳиши, иқтидори, малакаси ва заковотига боғлиқ.

Касб-кор нима?





Инсоннинг муайян касб-кор борасидаги тарихий, назарий ва амалий билимлари йиғиндиси, холос. Бошқачароқ айтганда, ўз касбига доир мавжуд ахборотни мумкин қадар мукаммал эгаллаш ва уни амалиётда қўлай билиш демакдир. Ҳар бир кишининг шахслик мақоми унинг ўз касб майдонида нечоғли мустақкам қад рoстлагани билан ўлчанади, шу майдондаги мавқеи унинг жамиятдаги мавқеини белгилайди. Чунки у ҳаёти мобайнида тўплаган касбий тажрибаси, малакаси жамият манфаатларига, халқ корига ярайди, хизмат қилади. Демак, касб-кор фуқаро билан жамият ўртасида боғловчилик вазифасини адо этишига эътибор қаратиш керак бўлади. Касб-корни эса ҳар бир инсоннинг маънавий дунёси, мафкураси, одоб-ахлоқидан айри ҳолда талқин этиш қийин, чунки уларнинг бари ўзаро узвий боғлиқликда мавжуд бўлади, шаклланади, намоён бўлади.

Гоя, мафкура инсон ҳаётига мазмун бағишлайди, мазмундаги собитлик кишиларнинг жамиятга ва давлатга нисбатан соғлом муносабатда бўлишига замин яратади. Давлатимиз раҳбарининг инсон ҳаётининг ҳар қадамида мафкура полигонлари мавжудлиги ҳақидаги гаплари шу жиҳатдан ҳам жиддийки, бу «полигон»ларнинг об-ҳавосини белгиловчи, уларга таъсир ўтказувчи омилларнинг саноғига етиш мушкул, шу боисдан ҳам мазкур муҳит об-ҳавосининг мусоффолигини исталган мақомларда сақлаш, таъминлаш ва тутиб туриш жамиятда яратилган ахборот муҳити ва оммавий ахборот воситаларининг сифат даражасига бориб тақалади.

Шаклланган ва шу мақсадда ислоҳотларга киришилган жамиятнинг барча таркибий асосларида уйғунлик, мутаносиблик ва дахлдорлик бўлмоғи зарурлигидан келиб чиқилса, оммавий ахборот воситаларининг сифат даражаси пировардида кенг омма вакилларининг – фуқароларнинг сифат даражаси юқорилигини кўп жиҳатдан таъминлайди.

Табиий, фуқародан фуқаронинг фарқи, сифат даражаси турличадир. Сифатдаги бу фарқ ҳар бир шахснинг жамиятга нисбатан тутган ўрни, ёндашуви ва умуман муносабатини белгилайди ва бевосита жамиятнинг сифат даражасига таъсир кўрсатади.

Бу вазифани оммавий ахборот воситалари қандай қилиб амалга оширади?

Саволга жавоб топиш учун Туркистонда вужудга келган илк миллий босма нашрлар тарихига оид қуйидаги бир-икки мисолга мурожаат этиш кифоя: XX асрнинг бошларида катта доғруғ қозонган «Садои Туркистон» газетаси диёримизда миллий матбуот ва янги усулдаги мактаб яратиш мақсадини кўзлади. Газетани ташкил этган ва унга муҳаррирлик қилган Убайдулла Асадуллаҳўжаев – «Бу кўркам ва фасиҳ фикрли зотнинг бутун ўй-хаёли Туркистонни зиёли қилиш, уни қарамлик ва зулмдан қутқариш, эзилган бечора халқнинг аҳволини қандай бўлмасин енгилатишга қаратилган эди. ...Газета миллатнинг савияси ва даражаси учун курашар ва жон куйдирар эди» [33. Б. 28, 30].

Ўтган юзйилликнинг бошларига келиб ўлкада сўнг нуқтасига етган миллий таназзул ва турғунликнинг ички ва ташқи сабаблари кўп, лекин «Ички асосий сабабларидан бири, – деб ёзади И.Гафуров, – миллий беҳабарлик эди. Халқнинг кўпчилик қисми дунё ишларидан, бошқа мамлакатлар ва халқларнинг ҳаёти, турмуш даражасидан, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан, улар учун курашдан хабардор эмас эди» [33. Б.54]. Мунаввар Қори Абдурашид ўғли 1906 йили «Тараққий» газетасида чоп этилган «Бизни жаҳолат – жаҳди мураккаб» деган мақоласида алам билан «...билмаслар, билмаганларини ҳам билмаслар», деб ёзган [33. Б.55]. Айни шундан келиб чиқиб, оммани зиёлилаштириш, уни қарамлик ва зулмдан қутқариш, охир-оқибат миллий савия ва даражани ошириш учун эса мудом хабарсизликка

барҳам бериш хусусида қайғурмоқ керак. Зеро, ҳаётга қизиқишнинг торайиши, ҳаётнинг жўнлашиб кетиши, халқ ўзлигини англамаслиги, ўз ўтмишидан фахрлана билмаслик, миллий парчаланиш сингари оғир иллатларнинг онаси ва дояси хабарсизликдир. «Мен хабарсизликни мутлақ фожиа деб атамоқчи бўламан. Бу бир янги топилган гап эмас. Лекин кун тартибидан тушган ҳам эмас», дея улуф жаид аждодларимиз фиғонини мантиқан давом эттиради устоз И.Ғафуров [33. Б. 55].

Ҳануз кун тартибидан тушмаган мазкур масала эндиликда ахборотдан эмин-эркин баҳрамандлик деб аталмоқда. Моҳиятан хабарсизликка қарши курашувчи ахборот олиш эркинлиги тушунчаси шахснинг, жамиятнинг ва табиий, давлатнинг бирламчи вазифаси, бурчига айланиб бормоқда.

Умумхабардорлик йўлга қўйилгани сайин фуқаронинг фаоллиги жамиятнинг фаоллиги, фуқаронинг тарбияланганлиги жамиятнинг тарбияланганлиги кўрсаткичига айланади. Кишиларнинг сиёсий ҳушёрлиги, донолиги, заковоти шу ўринда яққол кўзга ташланади. Ёш тадқиқотчи Санжар Матқаримов буни «сиёсий маданият» деб номлайди. «Сиёсий маданият, – деб ёзади у, – бу – жамиятда яшаётган фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва сиёсатига бўлган муносабатидир. Бу муносабат фуқароларнинг сиёсий ҳаётдаги фаоллиги билан изоҳланади. Сиёсий маданият шундай ҳодисаки, у халқнинг сиёсий онги билан бирга ўсиб боради... Сиёсий онг бу халқнинг давлат олиб бораётган сиёсий жараёнларга муносабати ифодасидир... Бу борада «тўртинчи ҳокимият» бўлиши оммавий ахборот воситаларининг ҳам ўрни муҳимдир... Дарҳақиқат, жамиятнинг сиёсий жиҳатдан ижтимоийлашувида, яъни сиёсий онг ва хулқ-атворнинг шаклланишида журналистика энг кучли омил саналади» [34]. Чунки аҳолининг сиёсий маданияти, хулқ-атвори – «Ахлоқ жамоатчилик фикрига суюнади», деб ёзади

маънавиятшунос олим Норбой Ортиқов [35. Б.34], шу фикрнинг ўзи ҳам шахсни жамиятдан ташқарида тушуниш мумкин эмаслигини, шахс жамият майдонидагина мавжуд бўла олишини кўрсатади – кишиларнинг яшаш тарзида, қолаверса миллий-маҳаллий матбуот чиқишларида кўзгуда акс этган лавҳалар сингари яққол кўзга ташланади.

Тўғри, шахс ва жамият ўртасидаги узвийликда у ёки бу кўринишдаги ўзилишлар, қовушмасликлар ҳам кузатилади. Дейлик, одатда одамлар ислоҳот самараларини турмушдаги реал маъмурлик ва фаровонликдан келиб чиқиб баҳоласалар, жамият миқёсидаги самара бирдан кўзга ташланмаслиги мумкин ва табиий ҳамдир. Шунга ўхшаш ҳолатларда омма онгидаги англашилмовчиликларга ойдинлик киритиш вазифаси оммавий ахборот воситалари зиммасига тушади. Умуман, жамиятда кечаётган жараёнларни тўғри, холис ва доноларча баҳолай билиш, улардан таъсирланиш, ютуқлардан шодланиб ва нуқсонлардан қайғуриш ҳам маънавиятнинг ўзак масалаларидандир. Президентимиз томонидан маънавиятни инсондаги барча қарашларнинг мезони дея таърифланиши даставвал шахснинг, унинг изидан эса жамиятнинг тақдири ҳақида қайғуришдир.

Атоқли олим Ф.Фуқуяма «Ишонч» номли салмоқли тадқиқотида кўринишдан оддийгина инсоний туйғунинг жамиятнинг барқарорлигида тутган ўрни ҳақида батафсил сўз юритади. Фуқаролик жамияти кишилардаги таомилларга, анъаналарга ва ахлоқий қадриятларга суянади, деб ҳисоблайди олим ва ахборот асри талотўпларида анъанавий раҳбарликнинг қадри йўқолади, деган мазмундаги қарашлар ва фаразларни инкор этади ҳамда ҳар қандай жамият истайдими-йўқми ўзаро ишонч ва ахлоқий меъёрларнинг умумийлигига суянажagini таъкидлайди (23. С.16, 50). Биз учун муҳими, жамиятда ишонч муҳитининг вужудга келишида бошқа ҳеч

қандай восита оммавий ахборот воситалари имкониятларига тенг кела олмайди. Марксча-ленинча таълимотнинг ўзак «ҳикмат»ларидан бирига кўра ҳар соҳада рақобат тараққиёт омили ҳисобланган бўлса, Ф.Фуқуяма ишончнинг аҳамиятини беҳад улуғлайди. Нобель мукофоти совриндори Кеннет Эрроунинг «Ишонч – ижтимоий механизмнинг ўзига хос мойи» деган ҳикматомуз таърифини келтиради (23. С.254). Бинобарин, журналистика ва оммавий ахборот воситалари жамиятда айирмачилик, бузғунчилик кайфиятини газак олдириш эмас, балки ўзаро ишонч туйғусини шакллантирмоғи, уни шахс ва жамият манфаатлари ва тақдирида ғоятда аҳамиятга молик эканлигини кўрсата билмоғи зарур.

Тўғри, бу икки субъект (шахс ва жамият) ўртасидаги узвийликнинг мустаҳкамлигини таъминлашнинг бирдан-бир чораси шахс жамият ҳақидаги, жамият шахс ҳақидаги ахборотга нечоғли атрофлича эга эканлигида кўринади. Одатда, кишилар фаолияти, мавқеи, даромади ва бошқа бир қатор омиллардан келиб чиқиб гуруҳларга, табақаларга ажратилади, бу табиий ҳол, лекин шундай табақаланишни ёки тоифаларга ажратишни одамларнинг жамият ҳақидаги ахборотга эгаллиги даражасига кўра ҳам белгилаш мумкин. Айниқса, ҳозирги ахборотлашган жамиятда бундан ажабланмаслик керак, чунки ҳар бир киши касби, жамиятда тутган мавқеи, қизиқишлари, иқтидори ва имконияти даражасида ахборотга эга бўлади, одамлар шуларга кўра ҳам бир-бирларидан фарқланадилар, зеро, ҳар бир инсон ҳаётдан кўзлаган мақсад-маслаги, орзу-ҳавасига яраша яшайди. Шунга кўра ҳар кимнинг ахборот бойлиги, ахборий бисоти ҳам турличадир. Ҳамон шундай экан, кишиларнинг жамият манфаатига қўшадиган улушининг кўп-камлиги уларнинг жамият ҳақидаги ахборотга эгалик даражасидан ҳосил бўлади, деган хулосага келиш ҳам мумкин. Яъни, жамият ҳақида

кўп маълумотга эга бўлган шахс жамиятга кўпроқ наф келтириш имконига эга бўлади, кам маълумотга эга бўлган шахс кўпда наф кўрсата олмайди, мутлақо маълумотга эга бўлмаган фуқародан эса жамиятга деярли ҳеч нарса қайтмайди.

Шахс, жамият ва давлат учлиги ҳақидаги мулоҳазаларни шахсга дахлдор муаммолардан бошланиши табиий. Зеро, охир-оқибат жамият ва давлат манфаатлари замирида шахс манфаати ётади. Шунинг учун ҳам демократик жамиятда шахс манфаатлари кейинги икки субъект, яъни жамият ва давлат манфаатларидан устун қўйилади.

Тирик жон борки, жамоавий яшашга интилади, чунки жамоа – ҳаётни асрашнинг, фаровон умр кечиришнинг энг муҳим чораси. Одамлар ибтидоий даврлардаёқ инстинкт даражасидаги ушбу заруриятга бўйсунганлар, бу бўйсунуш замонлар ўтиши билан ҳозирги анланган, сиёсий мақоми зўрайган ва инсоният ҳаётидаги энг мураккаб саналган тушунчалардан бири – жамият қурилишига олиб келган.

Жамият ҳақидаги таъриф-тавсифларнинг ҳам адоғи йўқ ҳисоби. Мавзuumиздан келиб чиқилса, жамиятнинг ахборот билан боғлиқ вазифалари, мажбуриятлари беҳисоб.

Жамият – ўзаро ва тўхтовсиз ахборот алмашинуви йўлга қўйилган омма йиғиндисидан ташкил топади. Ҳар бир фуқаро шу жамиятда яшаб турган бошқа бир фуқародан, демак, аҳолидан манфаатдор. Бундай мулоқот ўрнатилмаган жамият соғлом жамият мақомига кўтарила олмайди. Ахборот айланиши яхши йўлга қўйилган жамиятда фикрчанлик юқори бўлади. Ақллар шиддатлироқ, жўшқинроқ ва узлуксиз ишлайди. Шу тақдирдагина шахс ва жамият ўртасида мустаҳкам уйғунлик ва мувозанат қарор топади.

Албатта, шахс ва жамият ҳаётини, улар орасида мувозанат муҳитини яратиш ўз-ўзидан амалга ош-

майди, бу ниҳоятда мураккаб ижтимоий-сиёсий, маърифий, ахлоқий ва ҳоказо кўп қиррали жараён.

Фалон миллион аҳоли бир жойга жамлангани билан жамият ҳосил бўлавермайди, балки кишиларнинг яхлит бир жамият миқёсида бирикиши, яъни тўлақонли жамиятга айланиши ўзaro мулоқот ўрнатилган, демак, ахборот алмашинуви яратилган жойдагина мумкин бўлади. Бинобарин, жамиятнинг зиммасидаги муҳим вазифалардан бири – жамият аъзоларининг узлуксиз ва сифатли коммуникация – мулоқотга киришиши учун етарли шарт-шароит яратишдир.

Жамият аъзолари деганда кимлар назарда тутилади?

Биринчи навбатда – фуқаролар. Ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, хўжаликлар, марказлар, идоралар, барча типдаги субъектлар. Улар орасида жонли ва соғлом коммуникациянинг ўрнатилиши ҳозирги замон жамиятшунослигида бирламчи аҳамиятга эга масала ҳисобланади. Жамият тараққий топгани сайин у ерда оммавий коммуникация, яъни ахборот алмашинувини йўлга қўйиш механизми ва воситалари ҳам такомиллашаверади. Оммавий коммуникациянинг энг синалган, энг кенг тарқалган ва энг қулай воситаси, табиий, оммавий ахборот воситаларидир. Оммавий ахборот воситалари айна оммабop бўлганлиги, яъни улар орқали тарқатилган ахборот жамият аъзоларининг кўпчилик қисмига қаратилганлиги, кенг омmanın дунёқарashi, ҳаётий маслакларига таъсир ўтказиш имкониятига эгалиги бoисидан ҳам оммавий ахборотнинг жамият ҳаётидаги ўрни беқийёсдир.

Давлатнинг келиб чиқиши, унинг вазифалари, унинг шахс ва жамият олдидagi бурчи ва ҳоказо масалалар шу қадар кўп таҳлил қилинганки, бу хусусда янги мулоҳаза, янги нўқтаи назар қўшиш осон эмас. Лекин давлат феномени ҳам замон

Ўзгаришларига ҳамоҳанг равишда ўзгаришга, янги-ланишларга учрамоқда.

Жумладан, ахборот глобаллашуви жараёнлари давлат тушунчасига мутлақо бошқача, ҳатто қутилмаган қарашларни келтириб чиқармоқда. Мисол учун ахборот олиш ва узатиш борасида чегаралар қолмагани, яъни интернет тармоғининг ривожини кишиларга мутлақо эмин-эркин ҳаракат қилишига йўл очгани, эндиликда кишилар давлат томонидан бериладиган қўллаб-қувватлашга ҳам, кўмакка ҳам муҳтожлик сезмайди, деган маънодаги талқинларни ҳам келтириб чиқармоқда. «Саноат дунёсининг ҳукуматлари, – деб бошланади Кибермакон мустақиллиги декларацияси, – тана ва пўлатдан ясалган ва ҳолдан тойган гигантлардир; менинг Ватаним – Кибермакон, Тафаккурнинг янги уйи. Келажак номидан бор-йўқларинг билан ўтмишда қолиб кетган сизлардан сўрайман – бизларни ўз ҳолимизга қўйинглар. Сизлар бизларнинг орамизда бегона-сизлар. Биз тўпланган жойда сизлар олий ҳоқимият мақомига эга бўлолмайсизлар» [36. С.349].

Глобал интернет тармоғи имкониятлари олдида босар-тусарини билмай қолаётган, уларга сиғиниш даражасига етаётган бу каби мутаассибона қарашларда ўсмир ёшидаги йигит-қизларга хос максимализм, ақл-идрокдан кўра эҳтиросга берилиш оҳанги сезилиб турибди, кўҳна ҳаёт залвори бу қадар «ҳовлиқмалик»нинг попугини пасайтириб қўйиши ҳеч гап эмас, албатта. Лекин бир ҳақиқатни очиқ тан олиш керакки, XXI аср бошларига келиб қайси минтақада жойлашган бўлмасин, ҳар қандай давлат тизими ва тартиботларига баҳо беришда у ерда йўлга қўйилган ахборот сиёсати бирламчи кўрсаткичга, мезонга айланиб улгурди!

Мамлакатда демократик жамиятни барпо этиш, фаровон турмуш тарзини қарор топтириш, юксак турмуш тарзига эришиш, дунёдаги илғор мамлакатлар қаторига қўшилиш – буларнинг бари ахбо-



рот сиёсатининг тўғри ва соғлом йўлга қўйилгани билан ўлчанмоқда. Ички ахборот майдонининг муттасил тўйинганлиги, шу орқали ташқи – дунё ахборот майдонига чиқиш ахборотлашган жамият қуришнинг бош шартларидан эканлиги соғлом тараққиёт йўлидаги ҳеч бир давлат учун янгилик эмас. Афсуски, кўринишдан оддийдек туюлган мазкур мақсадларга эришиш йўллари шу қадар серқатлам, серқирра ва мураккабки, инсоният ақл-идроки бу борада ҳали кўп ва узоқ «тер тўкиши» турган гап.

Ахборотнинг шахс тақдиридаги аҳамияти ҳақидаги мулоҳазалар жамиятга нисбатан нечоғли дахлдор бўлса, у давлатга ҳам шу қадар бевосита тааллуқлидир. Муайян жамият ва муайян давлат ҳақида ахборот нуқтаи назаридан адоқсиз мулоҳазалар билдириш мумкин. Шу билан бир вақтда, мазкур учликнинг (шахс, жамият ва давлат) ҳар бир субъектига дахлдор ахборотни бир-биридан ажратиш ҳам қийин. Бу ҳол шахс ҳақидаги ахборот жамият ҳақидаги, жамият ҳақидаги ахборот эса давлат ҳақидаги ахборотга айланиб кетишида ифода топади. Айни чоқда давлатнинг ахборот борасидаги сиёсати ҳақида сўз юритилар экан, чиқарилган хулосаю билдирилган мулоҳазалар жамият ва шахс ҳақидаги хулоса ва мулоҳаза ўрнига ҳам ўтаверали. Чунки ахборотга доир маълумотлар ҳар учала субъектнинг кўзгуси, кўрсаткичи, номаи аъмоли ҳисобланади. Учала субъект бир ахборот майдонида яшайди, бирлашади – яхлит тушунчага айланади. Бунинг сабаби шундаки, ахборот ҳар учала субъект ҳаёти ва тақдирида бир-биридан жиддийроқ аҳамият касб этади, учала субъект ўртасидаги муносабатларнинг қандайлигини, шунингдек ҳар учала субъектнинг нуфузи, имкониятлари, фаровонлиги, истиқболлини уларнинг ахборотга бўлган муносабати белгилаб беради.

Шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги мустақиллиги ва муштараклиги шу қадар табиий қонуниятга асосланганки, ахборот олиш эркинлигига, ахборот захирасига эга бўлиш (яъни, билиш, илм олиш) инстинкти маданийлашган инсониятнинг энг буюк, энг ўзгармас ва мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади. Зеро, ҳар қандай юксалиш ва тараққиёт ахборот олиш эркинлиги, имконияти ва салоҳиятига чамбарчас боғлиқ. Ушбу боғлиқлик шахс, жамият ва давлат ривожига йўлидаги энг муҳим зарурият бўлиб келган, шундай бўлиб қолади ҳам.

Ахборотга эмин-эркин эгаллик даражаси, имкони шахс, жамият ва давлатга баҳо беришнинг бирламчи мезонлари, ҳатто шартларидан бирига айланди. Дунё мамлакатларининг даражаси, мавқеи, салоҳияти, қудрати у ерда нечоғли ахборотлашган муҳит вужудга келтирилганлиги билан белгиланаётгани эндиликда ҳеч кимни ажаблантирмай қўйди.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги бошланишида дунё саҳнасида ҳукмронлик қилиб келган мустабид шўролар салтанатининг барҳам топиши тарихий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий нуқтаи назарлардан турлича талқин қилинди. Шўролар мустамлакасининг парчаланиб кетиш сабаблари кўп албатта, тадқиқотчи Фахриддин Низом эса «социализм... ахборот мусобақасида енгилди» [37. Б.32] дея топиб айтди. Дарҳақиқат, XX асрнинг энг улкан воқеаларидан бири сифатида тарих саҳифасига битиб қўйилган мазкур воқеани ҳеч иккиланмай ахборотга муносабат ўзгаришининг, инсон ва ахборот тушунчасида янги эранинг, янги ахборот мувозанати қарор топа бошлаши, дея таърифлаш ҳам хато бўлмайди.

Турли минтақаларда жойлашган ўнлаб мамлакатлар санокли кунлар ва ойлар ичида мустақилликни қўлга киритдилар. Давлат мустақиллигининг белгилари кўп, лекин барча кўрсаткичлар замирида, барча кўрсаткичларга бевосита ва билвосита

дахлдор кўрсаткич – давлатнинг ахборот борасидаги мустақиллиги кўрсаткичи эди! Мисол келтирилмаган бўлса, дейлик, деярли барча миллий давлатларда яшовчи халқлар асрий-азалий тарихга эга, илдизлари кўҳна мозийга мустаҳкам томир отган давлатлар ва халқлар эдилар. Бироқ ўтмишга доир ахборотдан эркин фойдаланиш ҳуқуқи ниҳоятда чекланган, демак, миллий тарих аслида мавжуд эканлигидан қатъи назар, фойдаланилмас, демак, у амалда йўқ эди, истиқлол эса ана шу чекловларга барҳам берди, яъни ўтмишдаги мавжуд ахборот бойлигига йўл очди.

Демак, ёш мустақил давлатларнинг янгилиги, ёшлиги, биринчи навбатда, уларнинг ахборотга муносабатининг янгилиги ва ёшлигида ифода топди. Шу боисдан ҳам истиқлол тонгида «Мустақилликни мустаҳкамлаш масаласи билан ахборотлаштириш орасидаги диалектик боғлиқликни тушуниб етиш»га бўлган эҳтиёж устувор вазифага айланди [38. Б.4].

Умуман шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги манфаатларида мутлақ мувозанат муҳитини яратиш ғоятда мураккаб ва босқичма-босқич кечадиган жараён. Фуқаролик жамиятига ҳам, юксак тараққий топган демократик жамиятга ҳам ялпи мулоқот муҳитини яратмай туриб эришиб бўлмайди. Ялпи мулоқот муҳити деганда жамиятдаги оқилона ахборот мувозанати назарда тутилаётганидан келиб чиқилса, айти шунинг учун ҳам оммавий коммуникацияга дахлдор ҳар қандай масаланинг амалда ҳал этилиши жамият тараққиётига бевосита таъсир кўрсатиши аёнлашади. Бироқ ривожланган мулоқот муҳитини яратишнинг, ахборот мувозанатини вужудга келтиришнинг, тараққий топган оммавий коммуникациянинг ижтимоий, сиёсий, молиявий, маънавий-психологик ва ҳоказо омиллари шу қадар кўпки, бу юксак даражаларга бирдан эришиш мумкин эмас.

Мамлакатимизда электрон ҳукумат тизимини йўлга қўйиш, барча ҳукумат идоралари ва маҳкамаларининг интернет тармоғида веб-сайтини яратиш, умуман жамоатчилик билан алоқаларни замонавий талаблар даражасида йўлга қўйиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, республика-мизда бу борада энг замонавий техник имкониятлар яратилгани таҳсинга сазовор. Шу билан бир вақтда, ушбу мақсадларнинг амалда тўла ифода топиши учун кадрлар малакаси ҳамда кенг омманинг илмий, маърифий, психологик, техник тайёрлиги, яъни инсон омили масаласига тааллуқли муаммолар ҳал этилмоғи зарур.

Маълумки, фуқаролик жамиятида фуқароларнинг жамият ҳаётидан бохабарлиги, кечаётган жараёнлардаги иштироки юқори даражаларга кўтарилади. Шахс, жамият ва давлат ўртасидаги мулоқот ўзаро ишонч, ўзаро дахлдорлик туйғуси асосига қурилади. Бир сўз билан айтганда, ҳамма ҳамманинг назарида яшайди, фаолият юритади. Шу тақдирдагина матбуот ўз зиммасидаги вазифани аъло даражада ўринлатган ҳисобланади.

Афсуски, миллий матбуотимиз давр ва замон талабларига тўла жавоб бермоқда, дея олмаймиз. Истиқлол йиллари ва йўллари ислоҳотлари осон ёки силлиқ кўчаётгани йўқ. Улуғвор ютуқлар қатори қанчадан-қанча фожиалар ҳам бошдан кечди. Тафаккурлар тубдан янгиланди. Замон ўзгарди. Маслаклар ўзгарди. Қиёфалар хилма-хиллашди. Буларни ҳеч ким инкор этмайди, лекин мана шундай воқеа-ҳодисаларнинг онгимиздаги, ақл-идроки-миздаги акс садоси нима сабабдан турфа кўри-нишларда оммавий ахборот воситаларида кўзга ташланмайди? «Аммо, – деб урғу беради Юртбошимиз 2002 йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари кунги муносабати билан йўллаган табрик хатида, – қўлга киритган марралар билан бир қаторда, қанча-қанча одамларимизнинг норозилигини уйғо-

таётган, йўл қўйилаётган камчилик ва хатолар мавжудлиги ҳақида гапириш ортиқча бўлмайди.

Энг муҳими, жамиятимиз фақат бир хил қарашга, тушунча ва тафаккурга эга бўлган одамлардан иборат, деб ҳисоблаш катта хато бўлур эди.

Шундай экан, ўзимизга бир савол берайлик: мана шундай турли хил қарашлар, ўзаро қарама-қарши бўлган фикрлар матбуотимиз, оммавий ахборот воситаларидан ўзига ўрин топаяптими?» [39. Б.394].

Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари замирида ниҳоятда чуқур маъно ётганига эътибор қаратиш керак. Гап шунчаки баҳс-мунозара ҳақидагина бораётгани йўқ, гап жамият миқёсидаги мулоқот ҳақида, оммавий коммуникация, жамиятнинг турфа табақа вакиллари орасида бўлиши зарур ҳисобланган диалог ҳақида бормоқда. Зеро, оммавий ахборот воситалари умумкоммуникация воситаларидан бири сифатида жамият аъзоларини диалог – мулоқот кайфиятида, руҳида тутиб турмоғи лозим. Токи фикрлар қайроғи, қарашлар ва нуқтаи назарлар чархланиши тинимсиз ва муттасил давом этсин. Бир хил фикрлилар жамияти учун кўп сонли матбуотнинг ҳожати қолмайди, бу аҳволда матбуот ўз зиммасидаги муқаддас вазифани, бурчни адо этмаётган ҳисобланади.

Таниқли рус адабиётшуноси Михаил Бахтин жамиятда кечадиган оммавий мулоқот аҳамиятига алоҳида урғу беради. «Мулоқот юритяпсанми, демак, ҳаётсан. Мулоқот тўхтаган жойда ҳамма нарса тугайди. Шу боис, моҳиятан мулоқот зинҳор тўхтамайди, тўхтамаслиги ҳам керак» деб ёзади олим [40. С. 246]. Ва у фикрини давом эттириб, инсоний жамиятда диалог барқарор бўлмоғи зарур, зеро, жамият гапирувчилар ва тингловчилардан ташкил топади, деган фикрни илгари суради. Лекин олим бир шарт ҳам қўяди, яъни фақат гапирувчи гапиравериб, тингловчи мум тишлаб ўтиравермай-

ди, балки гапирувчи гапиргани сайин тингловчи ҳам аста-секин гапирувчига айланади. Шу тариқа, тингловчи гапирувчининг зиёсидан баҳра олиб, ўзи ҳам гапирувчи зиёлига айлана боради. Ҳақиқий маънодаги инсонпарвар, фикрларвар жамиятда мана шундай мулоқот муҳитини ўрнатишга иштиёқ сезилиб туради. Бундай муҳит аломатлари вужудга келмаган жамият очиқ жамият ҳисобланмайди. Очиқ жамиятда ҳеч нарса ими-жимиди, жамиятнинг қайсидир табақа ёки қатлам вакилларида пинҳон тутилган ҳолда ҳал этилмайди, балки яхшининг яхшилиги, ёмоннинг ёмонлиги халқ назарида, кўз ўнгида аён бўлиб, тан олиб турилади. Яхши-ёмоннинг аралашиб-қоришиб кетишига жамиятда ўрнатилган гапирувчилар ва тингловчилар ўртасидаги соғлом мулоқот – фикр-мулоҳаза алмашинуви муҳити йўл қўймайди, демак, ёлғон туғилмайди, туғилган тақдирда ҳам у узоқ яшолмай, сир фош бўлади-қўяди. Муҳими, жамиятнинг бундай очиқлигидан айримларгина эмас, балки миллат, халқ манфаат кўради. Эркин фикр-мулоҳазалар алмашинуви моҳиятан бир улғу мақсадга – миллий манфаат учун хизмат қилиши аёнлашади.

Қадим-қадимдан Арасту ҳам, фуқаролик жамияти назариясига асос солган Томас Гобсс, Жон Локк сингари атоқли зотлар ҳам соғлом жамиятнинг бирламчи вазифаси жамиятда ошкоралик муҳитининг яратилиши эканлигини таъкидлаб ўтганлар. «Ҳокимият – жамият – ҳокимият» муносабатлари тизимида жамиятдаги барча жабҳалар ўртасидаги мулоқотни изчил ва мунтазам мувофиқлаштирувчи субъект бу – ошкоралик ҳокимиятидир» [41. С.10]. Ошкоралик ҳокимияти эса – оммавий ахборот воситалари. Шахс, жамият ва давлат ўртасидаги мулоқотда турли қутилмаган кескинлашувларга, шубҳа-гумонларга йўл қўймасликнинг бирдан-бир чораси ҳам жамиятда кечаётган ҳар қандай воқеа-ҳодисалардан кенг жамоатчилик хабардорлигидир.



М.Бахтин таърифлаганидек, жамиятда тенгма-тенг диалогнинг тенг ҳуқуқлар асосида ташкил этилиши, йўлга қўйилишидадир.

Тингловчини, яъни кенг оммани гапирувчига айлантира олмаётган – кишиларимизни жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлигини, умумий фаоллигини оширишда нўноқлик қилаётган матбуот оммалаша олмайди, ахборот майдонида ўз сўзи, ўз овозига эга бўлолмайди.

Кучли жамиятнинг қудрати унинг барча бўғинларида қонун устуворлигини таъминлаш билан белгиланади. Фуқаролик жамиятида эса қонундан қўрқиш эмас, унга бўлган ҳурмат туйғуси шаклланади. Шу тариқа бу туйғу жамият туйғусига айлана боради. Қонунга ҳурмат туйғусининг кучайиши шахснинг жамият ва давлатга бўлган ишончи ортаётгани белгисидир. Оддий кишиларнинг чинакам маънодаги фуқаро мақомига эришишидир. Шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига эришилганлик белгисидир.

Фуқаро деганда изоҳли луғатда зикр этилганидек, «Бирор мамлакатнинг доимий аҳолиси, гражданданлар»и тушунилади. Бироқ фуқародан фуқаронинг фарқи бор, уларнинг сифат даражаси бор. Сифатдаги бу фарқ ҳар бир кишининг жамиятга нисбатан тутган ўрни, нуқтаи назари ва умуман муносабатлари мажмуасидан келиб чиқади.

Жамиятнинг эркинлашиш ва фуқаролар бошқарувига ўтишини беталофат ниҳоясига етказишда кенг халқ оммасининг турли жамоат ташкилотлари атрофида жипслашувини йўлга қўйиш ва барча аҳоли табақалари ўртасидаги уйғунликни сақлаш ва мувофиқлаштиришда давлат бошқарувини ниҳоятда усталик билан юритиш талаб қилинади. Шу сингари мулоҳазалардан келиб чиқиб, ҳозирги паллада давлатнинг ролини йўққа чиқариш, камайтириш эмас, балки оқилона давлат бошқарувини

йўлга қўйиш механизмларини яратиш мутахассисларни кўпроқ ўйлантирмоқда. Чунки дунёда тўласича ўзини ўзи бошқарадиган фуқаролик жамияти барпо этилган бирорта мамлакат йўқ. Давлатнинг ҳукмронлик, назоратчилик функциясидан буткул воз кечадиган даврлар эса ҳали анча-мунча олдинда. «Фуқаролик жамияти ижтимоий етукликнинг маълум босқичига етганидан сўнг давлатнинг ҳукмронлигига йўл қўймаслик, у билан муайян тенглик, ўзаро уйғун муносабатлар ва алоқаларни ўрнатиш имконига эга бўлади. Фуқаролик жамиятининг ривожланиб бориш жараёнида давлатлар, жамиятлар ва шахслар орасидаги муносабатлар янги сифат даражасига кўтарилади, бирининг бошқасининг устидан устунлигига барҳам берилади. Жамиятда юзага келадиган зиддият, қарама-қаршилиқлар ва тўқнашувлар зўравонлик, бостириш ва қўзғолонларсиз, қонуний йўл билан ҳал қилинади» [42. Б.26].

Бир сўз билан айтганда, ҳозирги шароитда давлат ахборот соҳасида ҳам тизгинни қўлда тутиб туришга мажбур. Чунки ахборот майдонини ўз ҳолига ташлаб қўйиш шахсни, жамиятни қаровсиз қолдириш демакдир. Аммо-лекин жамиятда демократик қадриятлар қарор топа боргани сайин бошқа соҳалар қатори ахборот соҳасини ҳам ўзини ўзи бошқариш тизими ихтиёрига ўтказишдан ўзга илож қолмайди. Бунинг учун эса аввало, жамиятда демократик тутумга муносиб муҳитни вужудга келтириш, қолаверса, ОАВ тармоғида ўзини ўзи бошқариш механизми изчил шакллантирилмоғи зарур.

Фуқаролик жамиятининг муҳим шартларидан бири, давлат бошқарувини нодавлат бошқарув тизимига ўтказишда ўз ифодасини топиши жамиятни эркинлаштириш нақадар мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён эканлигидан далолат беради. Чунки давлат бошқаруви тизимини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимига ўтказиш босқичма-босқич олиб борилган оқилона ислоҳотлар натижасидаги-



на рўёбга чиқади. Бинобарин, ўзини ўзи бошқариш тизимининг кенгая бориши, давлат институтлари ўз зиммасидаги миссияларни фуқаролик институтларига ишониб топшириши ҳам ошкораликнинг, жамиятда сепилган умумишонч уруғининг маҳсули бўлиб қолади.

Жамиятни эркинлаштириш билан боғлиқ масала-муаммолар оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш муаммоларига чатишиб кетади. Савол туғилади: аввал жамият эркинлашадими ёхуд оммавий ахборот воситалари тизимими?

Назаримизда, бу икки омилни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Зеро, матбуот жамиятнинг ўзига хос кўзгуси экан, жамият ҳам, матбуот ҳам эркинлик сари биргаликда қадам ташлайди. Ютуқлар ҳам, муаммолар ҳам уларнинг ҳар иккисида бир хилда акс этади. Шу билан бирга, ОАВ халқ, жамият ва давлат ўртасида воситачилик вазифасини ҳам ўтайди. Воситачилик қилганда ҳам, ОАВ мазкур уч субъект ўртасида ишончсизлик, нифоқ уруғини сочишдан кўра, пировард мақсад – жамиятда ҳаққонийлик, адолат қадриятларининг қарор топиши йўлида хизмат қилмоғи зарур бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ОАВни эркинлаштириш фақат матбуот ходимларига ва журналистларгагина тааллуқли эмас. Жамиятнинг демократлашуви нафақат журналистларга, балки жамиятнинг барча аъзоларига керак, бинобарин каттаю кичик ўзини шу борада масъул ҳис этмоғи даркор.

Демократия – интеллектуаллашган турмуш тарзи, мудом зиё таратиб турувчи тафаккур тарзи. Жамиятнинг барча онгли аъзолари баҳамжиҳатликда эришадиган, эришгани сайин тўхтовсиз такомиллашиб борадиган жараён! Маънавиятли, ахлоқодобли ва маърифатли инсон ҳақида сўз юритган Юртбошимиз айтмоқчи, «одам демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячиси... Шундагина

инсон ўз мамлакатининг том маънодаги муносиб фуқароси бўла олади» [43. Б.].

Худди шундай улуғвор мақсадларга эришмоқлик учун ҳам шахс, жамият ва давлат ўртасида шаклланган ахборот мувозанатини ўрнатиш зарурдир.

### Адабиётлар

1. Рабғузий Носируддин Бурҳониддин. Қисаси Рабғузий. –Т.: Ёзувчи. 1990.

2. Моисеев Н. Информационное общество: возможность и реальность. В кн. Информационное общество. –М.: АСТ. 2004.

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»дан. 2008.

4. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. – Т.: 2004.

5. Информационный бюллетень. №42. – Документы заседания Совета Межпарламентской Ассамблеи государств-участников СНГ. 3 апреля 2008 г.

6. Баҳромов Ф. Ахборот технологиялари терминлари изоҳли луғати. –Т.: Шарқ. 2012.

7. Тўртинчи ҳокимият. – Т.: Меҳнат. 2003.

8. Қосимов С.С., Мўминов Н.А. Ахборотнинг ҳаёти-мизда тутган ўрни. – Т.: 2001.

9. Саидов Ҳ. Журналистика ахборотининг ўзига хосликлари. Филология масалалари. 2011, 2-сон.

10. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. –М.: РИП-холдинг. 2000. – Изд. 3-е.

11. Новейший социологический словарь. Минск. Книжный дом. 2010.

12. Холов З. Дунёни ахборот бошқаради. Маърифат. 2008 йил 19 ноябрь.

13. Иванов Д. Общество как виртуальная реальность. – В кн. «Информационное общество».– М.: АСТ. 2004.

14. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008.

15. Маклюэн М. Понимание МЕДИА. – М.: Кучково поле. 2011.

16. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. (Тарж. О.Ша-  
рафиддинов) Т.: Маънавият. 2010.

17. Фалсафа. (Энциклопедик луғат) – Ўзбекистон  
миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. –Т.:  
2010.

18. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асос-  
лари. –Т.: Маънавият. 2008.

19. Хаитов Ш. Муроа фалсафаси генезиси таҳлил.  
Фалсафа ва ҳуқуқ. 2007.4-сон.

20. Ртвеладзе Э., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В.  
Очерки по истории цивилизации древнего Узбекиста-  
на: государственность и право. –Т.: Адолат. 2000.

21. Заковот силсиласи. Тафаккур. 2001. 1-сон.

22. Юлдашева Ф. Глобаллашув ва миллий қадрият-  
лар. Жамият ва бошқарув. 2008, 3-сон.

23. Фуқуяма Ф. Доверие. –М.: АСТ. 2004.

24. Гафуров И. Бешинчи унсур. Ёшлик. 2011. 2-сон.

25. Генис А. Қалб фотографияси. Қаранг: Жаҳон  
адиблари адабиёт ҳақида. – Т.: Маънавият. 2010.

26. Вейтлинг В. Гарантии гармонии и свободы. Изд-  
во АН СССР. –М.-Л.: 1962.

27. Калонов К. Марказий Осиё ҳудудилаги ижтимо-  
ий-диний табақалар. (диний-экологик ва социо-антро-  
пологик таҳлил.) –Т.: 2006.

28. Быков И.А., Халл Т.Э. Цифровое неравенство и  
политические предпочтения интернет-пользователей в  
России. Полис. Политические исследования. №5, 2011.

29. Каримова Г.И. Вступительное слово. Формиро-  
вание современного информационного поля (Материа-  
лы международного круглого стола). – Т.: Узбекистан.  
2006.

30. Засурский Я.Н. Зарубежные СМИ в 2006 году.  
Вестник МГУ. Серия 10. Журналистика. №6, 2007.

31. Павликова М.М. Парадоксы информационного  
общества. Вестник МГУ. Серия 10. Журналистика.  
№1, 2008.

32. Козыбаев С. СМИ современной России. Вестник  
КазНУ. Серия журналистика. №1 2012. –Алматы: «Қазақ  
университети».


33. Фафуров И. Мангу латофат. –Т.: Шарқ. 2008.
34. Маткаримов С. Сиёсий маданиятга эгамизми? Хуррият. 2007, 11 апрель.
35. Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. –Т.: Ўзбекистон. 1997.
36. Информационное общество. АСТ. –М.: 2004.
37. Низом Ф. Янгиланиш аънаси. –Т.: Маънавият. 1998.
38. Қосимов С., Мўминов Н. Ахборотнинг ҳаёти-мизда тутган ўрни. –Т.: 2001.
39. Каримов И. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. –Т.: Ўзбекистон. 2002.
40. Бахтин М. Эстетика словесного творчества. – М.: Политическая литература. 1979.
41. Нескородов Б.Н. Власть как гарант нравственного возрождения общества. Представительная власть. № 2. 2007.
42. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари – Основы государства и права. –Т.: Шарқ. 2002.
43. Каримов И. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Т.: Ўзбекистон. 2003.

---

# Журналистика- оммавий коммуникация: чорраҳадаги учрашув

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида жаҳон журналистикаси майдонида юз берган ва давом этаётган жараёнларни бутун мураккаблиги билан англаб етиш, идрок этиш, улардан журналистика фани нуқтаи назаридан тегишли хулосалар чиқариш ҳамда илмий-назарий йўналишларни аниқ-равшан белгилаб олиш мутахассислардан алоҳида ёндашув, таҳлил ва тадқиқни тақозо этмоқда. Ҳаёт ўзгармоқда, журналистика ўзгармоқда экан, шу аснода журналистика назарияси фан сифатида қарор топмоқда. Жумладан, ўзбек матбуотшунос олимлари, мутахассислари изланишлари диапозони кенгаймоқда, тадқиқот аспектилари ранг-баранглашмоқда, мазмунан бойимоқда, моҳиятан чуқурлашмоқда. Бундай ўзгаришлар соҳада бошқа бир эволюцион ўзгаришни келтириб чиқармоқда, у – «оммавий коммуникация» деб аталмоқда.

Иккинчи  
БОБ



---

**Журналистика**  
илмининг қадимий куртаклари

**Фан мақомини**  
излаётган журналистика

**ОАВдан ОКВга:**  
оқибати қандай бўлади?

## ЖУРНАЛИСТИКА ИЛМИНИНГ ҚАДИМИЙ КУРТАКЛАРИ

Мамлакатимизда ҳозирги тушунчадаги оммавий ахборот воситалари вужудга келганига нисбатан олганда кўп вақт бўлгани йўқ. «Туркестанские ведомости» 1870 йил 28 апрель (10 май) куни Туркистон генерал-губернатори Кауфман фармонида биноан босилиб чиқди. «Туркестанские ведомости» – Туркистондаги тўнғич расмий босма газета ҳисобланиб, у Ўрта Осиёда вақтли матбуотга асос солди» [1. Б.33]. Бироқ бу воқеа журналистика ўлкамизда бор-йўғи бундан 130–140 йил муқаддам пайдо бўлди деган гап эмас, албатта. Аксарият ҳолларда матбуот муаммоларидан, журналистика тажрибаларидан сўз очилса, Фарб давлатлари тажрибаларини эталон қилиб олиш одат тусига кирган. Гўё журналистика соҳасига доир барча муаммою масалалар Фарбда алақачон ҳал этиб кўйилгану Шарқ ўша тажрибаларни энди-энди ўрганиб, ўзлаштираётгандек! Ваҳоланки, кўҳна Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек миллий тафаккур мероси шу қадар бебаҳо ҳикматларга бой ва ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, улар ҳозирги глобаллашув даври журналистикаси нормаларини кенг миқёсларда такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга ҳам бемалол татбиқ этилиши мумкин.

Ҳарчи «журналистика» атама сифатида тилга олинмаган бўлса-да, қадимий миллий маънавий манбаларда (журналистика вужудга келгунга қадар бўлган давр журналистикаси русча манбаларда «дожурналистика», «протожурналистика» деб ҳам юритилади) ҳозирги тушунчадаги журналистика соҳа-

сига доир қарашлар, йўл-йўриқлар шу қадар кўп учрайдики, бу ҳол бир қатор жиддий умумлашма хулосалар чиқаришга асос бўла олали.

Инсоният тарихи шахс, жамият ва давлат тарихидан иборат экан, бу уч субъект ўртасидаги ҳаётий мувозанатни сақлаш ҳар қандай даврда ҳам кўп жиҳатлардан ахборот мувозанатини сақлаш билан таъмин этилган. Ҳар даврнинг ҳукмрон сиёсати манфаатларидан келиб чиқиб, юрт эгалари томонидан у ёки бу даражада ахборот тизими ишлаб чиқилган, жамиятдаги турли табақа вакилларининг, умуман аҳолининг муайян маънодаги мулоқот тарзини, ахборот маконини яратишга доир чора-тадбирлар кўрилган. Шу аснода жамиятда ахборот тизимини (оммавий коммуникацияни) яратишга доир тажрибалар алоҳида соҳа сифатида шаклланган, соҳа соҳиблари пайдо бўлган ҳамда даврлар ўтгани, замонлар ўзгаргани сайин эса тажрибалар сайқал топган, улар умумлашма таълимот даражасига кўтарилган. Баъзан фараз қиласан киши: наҳотки, беҳисоб қадимий ёзма манбаларимиз орасида жамиятда соғлом ахборот муҳитини яратишга доир алоҳида яхлит асар намуналари топилмаса?! Сўз юритилаётган соҳа, мавзу аллома ажлодларимизнинг эътиборларидан четда қолган бўлиши асло мумкин эмас ахир.

Мустақиллик йилларида улуғ аллома Абу Ҳомид Фаззолий меросидан намуналар кенг ўқувчилар оmmasига етказилди. Жумладан, алломанинг машҳур «Иҳйоу улулми-д-дин» асарининг «Муҳликот» қисмидан танлаб олиниб, «Тил офатлари» номи остида чоп этилган рисола тўласича тил олобига бағишланганлиги билан эътиборга лойиқ [2]. 1927 йили чоп этилган Анқабойнинг «Хабар, мақола, шеър ва ҳикоя ёзиш йўллари» [3] рисоласини ҳам ёддан чиқармаслик зарур. Фикримизча, ўтмишнинг турфа даврларидан мерос ёзма манбаларда учрайдиган панд-насиҳатлар, ўғитлар, фикр-мулоҳазалар,



қайдлар, ҳикматларга бой йўл-йўриқларни умумлаштириш, уларни таснифлаш бугунги кун матбуотшунослигимиз олдидаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

«Милоддан аввалги V асрда, – деб ёзади тарих фанлари доктори Назира Абдуазизова, – шуҳратпараст Эрон шоҳи Доро I Гиштасп ўғли фармони ила Беҳистун қоясига ўйиб ёздирилган тош битикдан, биз аждодларнинг босқинчиларга қарши кураши ҳақида тасаввур ҳосил қиламиз. Сқунха ва Фрада каби халқ йўлбошчиларининг жасоратига гувоҳ бўламиз.

Тош битиклар тарихгина эмас, балки **юртимиздаги журналистиканинг ҳам илк ёлгорликлари, десак янглишмаймиз** (Таъкид бизники. – Ҳ.Д.)» [4. Б.51]. Ушбу фикрни шунинг учун ҳам инкор этиб бўлмайдики, олима сўз юритаётган битикда олис тарих воқеаларидан хабар берилган, битикнинг ўзи эса ўша давр учун солнома, ойнома вазифасини ўтаган.

Халқ мақол ва маталлари миллатнинг маънавий номаи аъмоли ҳисобланади. Гап эгасини топади деганларидек, кўплаб мақол ва маталлар, ҳикматли иборалар мазмун-моҳиятига кўра доно халқимиз томонидан ҳозирги журналистлар учун махсус яратилгандек таассурот қолдиради.

Журналист – журналистика майдонида бош фигура ҳисобланади. Унинг инсоний фазилатлари, профессионал маҳорати, мавқеи ва салоҳияти соҳа тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, халқ ва жамият ҳаётига жиддий таъсир кўрсатишга ҳам қодирдир. Чунки у бурчи ва вазифасидан келиб чиқиб ҳаловатидан, шахсий манфаатларидан воз кечиб, эл-юрт манфаатлари йўлида хизмат қилишни ҳаётий эътиқоди ва маслагига айлантира олган касб соҳиби ҳисобланади. Ушбу мулоҳазадан келиб чиқилса, «Элга маъқул – сенга

маъқул», «Йўлдан чиқсанг чиқ, элдан чиқма» сингари мақоллар журналист ва халқ манфаатларининг муштараклигини ёдга солади [5]. Дарҳақиқат, эл-юрт корига ярамаган журналистнинг шахси ҳам, ижоди ҳам бесамар. Ушбу маъно «Элдан айрилгунча, жондан айрил» мақолида бирмунча кескин қўйилган.

Журналистика – ижодий меҳнат тури, бироқ ижодий меҳнат ва маҳорат йўлининг мутлақ мезонлари яратилган эмас. Лекин ижод машаққатининг сурурини туйишга, ижодий изланишлар машаққатининг афзаллигига даъват этувчи ҳикматлар кўплаб яратилган. Мисол учун «Тиришганнинг тешаси тошга чега қоқади», «Кумушдек тер тўксанг, гавҳардек дур оласан», «Таёғи йўғон бирни урар, сўзи йўғон мингни урар», «Ўқ бирни ўлдирар, сўз – мингни» сингари мақолларда журналист меҳнатининг заҳматлари, қаламининг қудрати, ўткирлиги, таъсирчанлиги образли таърифланмоқда. «Қаламнинг ишини қилич қилолмас» мақолида қаламнинг қудрати таъкидланса, бундай қудратли қалам соҳиби бўлиш учун эса «Иш устасидан қўрқар» ҳикмати ёдга солинади. Яъни, қалам ўз-ўзидан қиличдан ўткирлашиб қолмайди, балки у ўз ишининг устаси бўла олганлар қўлидагина шамширдай ўткирлашади.

Мустақиллик йилларида яратилган ижтимоий-сий, маънавий-ҳуқуқий имкониятлар шарофати ўлароқ республикамизда оммавий ахборот воситалари сони кўпайиб бормоқда. Журналистлар сафи ҳам шунга яраша кенгайишда давом этмоқда. Бироқ шундай бир шароитда журналистларимиз орасида ихтисослашув, профессионаллашув ва маҳорат масалаларида бир қадар оқсоқланиш сезилаётгани ҳам сир эмас. Мавзу танлаш ва унга ёндашишдаги юзакичилик, жанр тушунчаси ва туйғусининг сийқаланиши, таҳдиддаги ночорлик, сўзни ҳис қилмаслик, енгил шов-шувбозлик қусурлари босма нашрларда ҳам, радио ва телевидениеда ҳам,

қолаверса интернет тармоғида оммалаша бораётган электрон нашрлардаги чиқишларда ҳам кўзга ташланмоқда. Шундай ҳолатларда ҳар бир ҳамкасбимизни кескинроқ бўлса-да, «Эълон қилинган мақолангизни ўзингиз шавқ билан ўқидингизми ёки ўқийсизми?» дея саволга тутгингиз келади. Гап шундаки, муаллифки ўзи завқ-шавқ билан ёзмаса, ўзи куймаса, қандай қилиб бошқаларнинг эътиборини жалб этади? Юрагини жазиллатади? Бошқаларга руҳий-маънавий озуқа бера олади? Беихтиёр доно халқимизнинг оддийгина, лекин ниҳоятда тағдор ва доно ҳикмати ёлга тушади: «Куйгандан куй чиқади»...

Азал-азалдан тилимизга, тафаккуримизга сингиб кетган аксарият ўзбек халқ мақолларида демократия ақидаларига ҳар жиҳатдан мос келадиган, демократия тамойилларини амалга оширишга замин яратадиган ҳикматли дурдоналаримиз учрайдики, уларни ҳеч иккиланмай ҳозирги замон матбуотчилик илми ва амалиётига татбиқ этиш мумкин. «Хабар – шамолдан тез» деган нақлда айни ҳозирги ахборот асрининг бош хусусияти – ахборот оқимининг шиддати ўхшатиб таърифланган.

«Демократия» тушунчасининг моҳияти сўз эркинлиги туйғусидан бошланади, ўзини-ўзлигини эмин-эркин ҳис эта олган кишигина ижод қаламини эмин-эркин тебратади. Бундай психологик ҳолатни теран англаган халқимиз аллақачонлар «Ўзи бемалолнинг сўзи бемалол» деб ўхшатиб айтиб қўйган.

Халқимизнинг миллий ўзига хос феъл-атвори, оддий қадриятларидан тортиб то миллий ахлоқ-одоб меъёрлари, менталитети узоқ асрлар мобайнида шаклланган. Бунда турли-туман ҳодисалар, тарихий шарт-шароитлар ҳам изсиз кетмаган, албатта. Мисол учун миллий ахлоқнинг ўзак-ўзагига исломий қадриятлар ҳам сингиб кетгани маълум. «Қуръони карим»нинг «Бақара» сурасида (83-оят) келадиган «Кишиларга чиройли сўзлар сўзлангиз...»

деган даъватни журналистлик фаолиятига бевосита тааллуқли дейиш мумкин [6. Б.12]. Зеро, чиройли сўз айтиш малакаси ва маданияти журналистнинг профессионал маҳорати ҳамда касб этикасининг муҳим талабларидан биридир.

Шунга ўхшаш ҳикматли панд-насиҳатлар мубо-рак ҳадисларда ҳам кўп учрайди. Шов-шув, сенса-ция – матбуотнинг нони, деган нақл қарийб жаҳон журналистикасининг шиорига айланган. Боринги, шундай ҳам бўла қолсин, бироқ ҳар нарсада меъ-ёрни унутиш яхшиликка олиб келмаслиги, яъни асоссиз шов-шувбозлик, олди-қочди ва масаланинг пировард натижасини мулоҳаза қилиб кўрмаслик озмунча норозиликларга, ўринсиз низоларга, суд-лашишларга олиб келаётгани йўқ. Энг ёмони, бун-дай ёндашув журналистнинг, ҳатто журналистика-нинг обрўсига путур етказмай қўймайди, журналист-ни кенг омма кўз ўнгида субутсизга чиқаради. Шулардан келиб чиқиб, «Эшитган ҳар бир нарса-сини гапиравериш кишининг гуноҳкор бўлиши учун кифоя қилади» ёки «Инсон хатони кўпроқ ўз тили билан содир қилади», деган ҳадиси шарифлар [7. Б. 38] бамисоли журналистнинг ҳозирги касб эти-каси кодексига битилиши зарур сўзлардек ўқилади.

Бундан ўн аср муқаддам журналистика ёки мат-буот бўлмаган албатта, бироқ ўша давр ёзма ман-баларида учрайдиган айрим ҳикматларни ҳеч икки-ланмай журналистларга тавсия этишимиз мумкин. Чунончи, Абу Райҳон Беруний минг йил бурун маълумотнинг бузиб тарқатилиши ва унинг сабаб-лари ҳақида шундай ёзган: «... хабар хабар берув-чилар сабабли ростлик ва ёлғонлик тусини олади. Чунки одамларнинг мақсадлари хилма-хил; халқлар ўртасида тортишиш ва талашини кўп» [8. Б. 25]. Аллома чалкаш хабар, миш-миш тарқатувчиларнинг ёлғон сўзлаши замирида аниқ манфаатлар ётиши ҳақида батафсил тўхталади: «...бир киши... ўзини кўрсатиш мақсадида бошқа бир зид жинсни айб-

лаб, ёлғон гап ёяди, чунки у шу билан (зид жинс устидан) галаба қозонган ва ўз истагига эришган бўлади.

Бу икки хил хабарнинг ёмон истак ва ғазаб тақозосидан келиб чиқишлиги маълум.

(Иккинчи бир киши эса) ўзи севадиган бир табақага миннатдорчилик билдирмоқчи бўлиб ёки ёмон кўрадиган бир синфни хафа қилмоқчи бўлиб, улар ўртасида ёлғон хабар тарқатади. Бу хил (хабар тарқатувчи) аввалги хабар берувчига яқин бўлади. Чунки у бу хабарни дўстлик ёки душманлик натижасида тарқатган бўлади.

(Шунингдек), учинчи бир киши ўзининг паст табиатлилиги сабабли бирон яхшиликка эришиш ёки ўзининг юраксиз ва қўрқоқлиги сабабли ёмонликдан қутилиб қолиш учун ёлғон хабар тарқатади.

Шундай ҳам бўладики, уларнинг табиатиға ёлғон хабар тарқатиш ўрнашиб қолиб, гўё унга шу вазифа юклангандек бўлади ва ёлғон хабар тарқатмасдан тинчиёлмайди. Бу, ёмон хоҳишлардан ва табиатиға бузуқ фикрларнинг жойлашганлигидан келиб чиқади.

Баъзи киши (ёлғон хабар тарқатувчига) тақлид қилиб, билмасдан ёлғон хабар тарқатади» [8. Б.25-26].

Келтирилган иқтибосда тилға олинган «хабар берувчи» ким? Ҳозирги тил билан айтганда, хабар берувчи – журналист, матбуот котиби, жамоатчилик билан алоқалар ўрнатувчи хизмат вакили. У ўзининг ғаразли ниятларидан келиб чиқиб, ёлғон хабар тарқатиши мумкин, ўзини кўз-кўз қилиш учун, тарафкашлик мақсадида, паст табақадан эканлиги, қатъиятсизлиги туфайли, табиатан ёлғончилиги босидан ёлғон ахборот тарқатиши мумкин. Аллома томонидан санаб ўтилган қусурли сабаблар ҳар қандай даврда, ҳар қандай миллий журналистикада учраши эҳтимолдан холи эмас. Шу маънода ҳам ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Абу Райҳон Берунийнинг ушбу сўзлари замонавий жаҳон журналисти-

каси фанида алоҳида тадқиқот йўналишига айланаётган журналист психологиясини ва касб этикасини ўрганишнинг назарий асосларини яратишда ниҳоятда асқотади.

Бундан ўн аср муқаддам яратилган «Қутадғу билиг»да келадиган «Гапирган гапинг кўр одамлар учун кўз бўлсин» [9. Б.13] деган ўғит қанчалар замонавий жаранглаётганини исботлаш ортиқча. Ёки бўлмаса Шарқ Уйғониш даврининг буюк мутафаккири Абу Наср Форобийнинг киши танлаган ҳунарида бахтга эришмоғи учун у аввало феълани ёмон иллатлардан асрамоғи даркорлиги, табиатан бадбахт хаттотнинг ёзуви ҳам хунуклашиб бориши, оқибатда унинг ҳунари, санъати таназзулга юз тутиши ҳақидаги тағдор фалсафаси ҳозирги илмий-амалий журналистика фалсафаси асослари негизини бойитишига шубҳа йўқ.

Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида ахборот товар, яъни буюм тусини олмоқда. Буюм бозорда ўз харидорини топган тақдирдагина у бозордаги рақобатга бардош бера олади, акс ҳолда касодга учраши, синиши, яъни банкрот бўлиши муқаррар. Телекўрсатув ёки радиозшиттириш бўладими, газета ёки журнал бўладими – буларнинг олдида энг катта муаммо битта: айтилаётган сўзга харидор бор-йўқлиги. Бу масала ечимини топмадим, демак, таҳририят ёки нашрнинг иқтисодий асоси заиф, у узоққа бормайди. Зўраки тарғиботлар, ҳатто мажбурий обуна қилиш усуллари ҳам эндиликда иш бермайди. Бундай ҳолатдан чиқишнинг яккаю ягона чораси... «Ҳар кишига сўз айтур бўлсанг қарағил, ул сенинг сўзингга харидорму ёки харидор эмасму? Агарда уни сўзингга харидор топсанг, унга сўзингни сотғил. Йўқ эрса, ул сўзни қўйиб, шундоқ сўз деғилким, унга хуш келсин ва сенинг сўзингга харидор бўлсин» [10. Б.41].

Буюк «Қобуснома»да битилган бу сўзлар замонлар ва асрлар ўтиб ҳам оҳори тўкилган эмас. Ёки

бўлмаса ушбу асарда зикр этилган «Қай бир сўзни-ки билсанг жойини ўткармай айтгил, ҳар сўз де-санг рост дегил ва бемаъниликни даъво қилгувчи бўлмагил» [10. Б.38] деган сўзлар бизга замондош журналистларнинг касб этикаси меъёрларига узук-ка қўйилган кўздек мос тушади.

Матбуот котиби хизмати, жамоатчилик билан алоқалар вазифаси кенг оммалашаётган даврда яшамоқдамиз. Бу борада муайян муаммолар, баҳс-ли масалалар ҳам етарли. Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий Низомулмулк (1018–1092) «Сиёсатнома» аса-рида «Подшоҳлар жоҳилият давридан ислом замо-нига қадар ҳамиша соҳибхабарларга эга бўлиб, уларнинг ҳамма ишларидан хабарлари бор экан»-лигини ёзади [11. Б.65]. Бу ўринда соҳибхабар ким? Ҳозирги тил билан айтганда, матбуот коти-би. Матбуот хизматининг раҳбари. Тарихнавис-нинг ёзишича, соҳибхабар ва мунҳий (хабарчи)-ларнинг бўлиши подшоҳнинг адолатидан ва кучли тафаккурдан дарак берган. Чунки «соҳибхабар ва баридларнинг (почтачилар – Изоҳ бизники. Х.Д.) бўлишлари подшоҳликнинг бир қоидасидир. Агарда улар керакли даражада ишонарли киши-лардан иборат соҳибхабар бўлсалар, кўнгил ором топади» [11. Б.72].

Ҳамон ўтмиш шоҳлик тажрибаси шундай экан, бунга буюк Амир Темури ҳам риоя этганлиги таби-ий. Бунинг далилини «Темури тузуқлари»да келадиган кичик бир жумлада ҳам кўраемиз. «Ҳар бир мамлакатнинг аҳволини, сипоҳу раият кайфиятини, туриш-турмушларини, қилиш-қилмишларини, булар ўрталаридаги алоқаларни ёзиб, менга билдириб туриши учун диёнатли, тўғри қаламли кишилардан воқеанавислар (ахборотнавис-хабарчилар) белгила-дим» [12. Б.55-56].

Айтиш мумкинки, XXI аср солномачилари бўлмиш замондош журналистлар учун ҳам диёнатли ва тўғри қаламли бўлиш юксак фазилат ҳисобланади.

«Сади Искандарий» достонида ҳазрат Алишер Навоий махсус бир бобни иниси Дарвешалига панд-насиҳат баёнига бағишлаган. Шоир Балҳ ҳокими бўлиб турган укасининг шоҳ билан муомала борасидаги нуқсонларини кўрсатиб, бундай муомала одоб меъёрлари талабларига жавоб бермаслигини уқдиради. Нуқсонни кўрганда унга вазминлик билан муносабатда бўлмоқликдан сабоқ беради. Шоҳ «не ҳукм айласа қилмоғин фарз бил, Агар шубҳае бор эса арз қил» дейди Навоий. Фақат арз қилиш одобини унутма. Яъни:

*Вале арзида асра шарти адаб  
Ки, тарки адаб баҳра берур тааб* [13. Б.560].

Аллома шоирнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асаридан олинган қуйидаги сатрлар сўз эркинлиги ва масъулияти мувозанатини сақлаш меъёрларини яратишда шиор қилишга ярайди:

*Хираманд улдурким, ялғон демас,  
Аммо борча чин дегулук ҳам эмас* [13. Б.102].

XX асрнинг бошларида яшаб ўтган ўзбек жадид маърифатпарварларининг ўша давр матбуоти саҳифаларида сочилиб ётган мақолаларида ҳам юқорида келтирилган мисоллардан қолишмайдиган ўлмас ҳикматлар учрайди. Чунончи, Абдулла Авлоний яхши хулқнинг аҳамиятини юксак қадрлаган бўлса, Ашурали Зоҳирий «газетасиз миллат тилсиздур» деган, Абдулла Қодирий «қалам – ўқоғи, матбуот – кетмон бозори эмас»лигини ўхшатиб айтган. Бу сингари мисолларни яна кўплаб топиш мумкинлигига шубҳа йўқ. Фақат миллий маънавий меросимиз зарварақаларида учрайдиган мавзуимизга дахлдор барча мисолларни батафсил ўрганиш, тўплаш, умумлаштириш, таснифлаш алоҳида саъй-ҳаракат ва жонбозликни тақозо этади. Баён этилган мулоҳазалар-



га эса қуйидаги иқтибос жуда ўринли хулоса вазифасини ўтайди: «Биз миллий кадриятларга ихлос қўйганмиз. Бунга сабаб, улар фақат ота-боболардан мерос бўлиб қолганлиги учунгина эмас. Уларни тўғрилиги учун, бизни адашишдан, хатолардан сақлай олиши учун қадрлаймиз» [14].

Юқорида баён этилган мулоҳазалардан қуйидаги мухтасар хулоса чиқади: халқ оғзаки ижоди намуналаридан, ислоний манбалардан, ёзма манбалардан, буюк алломалар меросидан, шунингдек, XX асрда фаолият юритган атоқли адиблар, муҳаррирлар ижодида учрайдиган журналистнинг шахси, журналистлик касби масъулияти, касб этикасига доир қимматли мулоҳазалар, ҳикматлар, тажрибалар замонавий журналистика назарияси фани ва амалиётининг тарихий илдизлари нақадар чуқур ва мустаҳкамлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам уларни тўплаш, гуруҳлаштириш ва илмий-амалий фаолиятимизда самарали қўллаш чораларини кўриш кечиктириб бўлмас вазифаларимиздан биридир.

## ФАН МАҚОМИНИ ИЗЛАЁТГАН ЖУРНАЛИСТИКА

Ҳар бир фаннинг келиб чиқиш, шаклланиш, ривожланиш тарихи бор. Бир ёки бир неча фан чорраҳасида вужудга келган, мавжуд битта фандан ажралиб чиққан ҳолда алоҳида мустақил йўналиш ташкил этган фанлар бор. Ҳақиқатда ҳам фанми ёхуд фан эмасми, деган баҳс-мунозараларга сабаб бўлган, лекин кейинчалик ҳаёт синовларидан муваффақият билан ўтиб, гуркираб ривожланган фанлар кўп. Бу борада кибернетиканинг манглайига «сохта фан» тамғасини уришга бўлган кампаниявозликни эслаш мумкин. Эндиликда эса бу мўъжизакор фан кириб бормаган, чатишиб кетмаган соҳа қолмади. Донолик ва донишмандлик фани бўлмиш фалсафанинг «боши»га ҳам озмунча савдолар туш-

маган. Не-не донолар унинг фан эмаслигини исботлашга уринишмаган. Бироқ бирорта фанни, умуман тафаккур оламини фалсафа фанисиз тасаввур қилиш мумкин эмаслиги аксиомага айланиб кетди. «Чунки, – дейди буюк француз файласуфи Дени Декарт (1596–1650), – барча фанлардан биламизки, пайдо бўлган пайтларда улар тўпори ва ғариб кўринган, бироқ уларнинг замиридаги тажриба натижаларига асосланган чинакам ҳақиқатлар ойдинлашгани сайин фанлар аста-секин такомиллаша борган» [15. С.33].

Ушбу мулоҳазаларни ҳозирги замон журналистика фанига ҳам нисбат бериш мумкин.

Ҳар қандай фаннинг ўзгармас ақидалари, қонуни қонуниятлари бўлмоғи керак. Журналистика бундан мустасно эмас.

Амалий журналистика инсон ва жамият ҳаёти ҳақиқатларини аниқлашга, унинг сирларини ўрганишга, пировард оқибат, жамият тараққиётини таъминлашга ҳаракат қилади ва хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, журналистика (оммавий ахборот воситалари) муҳим ижтимоий институт турларидан бири ҳисобланади.

Адабиётларда журналистиканинг бирламчи ва бош вазифаси кенг оммани ахборот билан таъмин этиш эканлиги кўп такрорланади. Тўғри, бу инкор этиб бўлмайдиган таъриф. Бироқ ахборот ва уни тарқатиш тушунчаси ҳақида сўз очилар экан, унинг изидан кўплаб масалалар, муаммолар занжир ҳалқалари мисоли қаторлашиб чиқиб келаверади. Мисол учун, ҳар қандай ахборотнинг ҳаққонийлиги, ҳолислиги мезонлари шу қадар мураккабки, мутлақ ҳаққонийлик ва ҳолисликка эришишнинг ўзи журналистиканинг фавқулодда ва бошқа ҳеч бир амалиётга ўхшамаган соҳа эканлигидан далолат беради. Агар журналистика моҳият эътибори билан жамият ҳаётидаги барча воқеа-ҳодисалар жараёнини ошқора кечишини таъминлашга қаратилган фаоли-

ят тури эканлигидан келиб чиқилса, унинг зиммасидаги вазифа ўн, юз карра мураккаблигини исботлашга ҳожат қолмайди.

Жамиятда юз бераётган барча воқеа-ҳодисаларни очиқ-ошкора ёритиб бориш ўз-ўзидан амалга ошмайди. Назаримизда, жаҳон журналистикаси тарихида учраган мураккабликлар, офатлар, йўқотишлар, тўқнашувлар, зиддиятлар, тушунмовчиликлар ва ҳоказолар таҳлил қилинса, улар келиб чиқилишининг бош сабаби ҳам шунга, яъни воқеа-ҳодисаларни очиқ-ошкора ёритиш вазифасини жуда жўн тушуниш ва талқин этишга бориб тақалади. Дунёнинг турли бурчакларида вақти-вақти билан журналистларга очиқдан-очиқ талофат етказилгани, ҳатто уларнинг жонига қасд қилингани ҳақидаги хабарлар пайдо бўлиб туради, жумладан «Журналист» (Россия) журналининг деярли ҳар сонисида тазйиқ остига олинган, таъқиб қилинаётган, жонига қасд қилинган журналистлар рўйхати ва уларга дахлдор маълумотлар бериб борилади. 1997 йилнинг сентябрь ойида Россия журналистлар уюшмаси номидан Президент Б.Ельцинга йўлланган маърузада журналистларнинг тазйиқ остига олинаётганидан шикоят қилинади ва «Фақат 1996 йилнинг ўзида Россия ҳудудида 19 журналист ўлдирилди» деб ёзилган [16. С.58]. Орадан қарийб 25 йил ўтиб «Журналист» журнали бош муҳаррири Г.Мальцев «Ўтган йили (2010 йил назарда тутилмоқда – Х.Д.) мамлакатимизда 12 журналист ҳалок бўлди. Уларга 58 марта ҳужум уюштирилди, 45 ҳамкасбимизни жиний жавобгарликка тортиш ҳаракати содир этилди», деб ёзди [17. С.1]. Одатда, бундай ҳолларда журналистларнинг жасорати, кўрқмаслиги, оқибатда уларнинг ҳақиқат учун кураш қурбонига айланишгани алоҳида таъкидланади. Тўғри, аслида ҳам шундай, аммо-лекин савол ўзгачароқ кўндаланг қўйилса ва масалага ҳаққонийлик мезонларининг бутун мураккаблиги билан ёндошилса-чи! Аниқ-

роқ қилиб айтганда, журналистларнинг жонига қасд қилишгача борган ўша ҳолатларнинг бутун мураккаблиги, қалтислиги таҳлил қилинса, жиноий ва хуфрия қилмишларни кенг оммага ошкор этишнинг энг беталофат, энг зарур ва энг муҳим чоралари кўрилдимикан деган савол туғилади.

Воқеа-ҳодиса қандай юз берган бўлса, шундай ахборот бериш ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Лекин гап шундаки, ушбу шарт адо этилган тақдирда ҳам мутлақ ҳақиқат тўла қарор топган ҳисобланмайди. Чунки ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг сабаб-оқибатлари шў қадар кўпки, яъни ҳаққонийлик тушунчаси шў қадар кенгки, хусусан, таҳлилий журналистикада уларни батафсил ўрганиш, аниқланган ҳақиқатларни матбуотда ёритиш **ахборот ҳаққонийлиги қонуниятлари, шартлари** мажмуасини яратишни тақозо этади. Бунда, табиий, амалий журналистика тажрибалари кўл келади.

Ахборот ҳаққонийлиги масаласини Евгений Прохоров ҳам ўрганган. У мазкур нозик масалани таҳлил қилиш мақсадида принцип тушунчасини турлича таърифлайди. Чунончи, даққи принцип, принципаалликнинг етишмаслиги, принциплардан чекиниш, принципсизлик ва ниҳоят ижодий фаол принципааллик. Таниқли мутахассиснинг фикрича, ўз қарашларида собит бўлган принципаал журналист ҳар қандай мураккаб ҳолатда ҳам «ижтимоий муроса манфаатларидан келиб чиққан ҳолда» «муроса майдони»ни топиши мумкингина эмас, балки шундай йўл тутишга бурчли ҳамдир. Бундай нуқтаи назарни қатъиятсизликка йўйиш керак эмас, қолаверса принциплардан мутлақо чекинмаслик ҳолатлари юз бериши ҳам табиий, бироқ сўз «принципларни кўллашда жамиятда турли позицияларга эга бўлган ва турлича ёндашув йўлини тутадиган хилма-хил кучларнинг мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда муроса йўлини танлаш кераклиги ҳақида бормоқда» [18. С.119]. Йирик олим бошқа ўринда

«Эркин ҳаракатланиш заруриятлик илмидан ижодий фойдалана билиш, зарурият доирасида фаолият юритиш малакасини эгаллаш эканлиги»ни таъкидлайди [18. С.125].

Жамият миқёсида (керак бўлса, дунё миқёсида) номаълумни мудом маълумга айлантириш ва уни жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш, бунда, биринчи навбатда, ҳаққонийликка путур етказмаслик шу қадар мураккаб вазифаки, айтиш шу мураккаблик туфайли журналистика бошқа ҳеч бир соҳага ўхшамайди.

Одатда, тарқатилаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун масъулият журналист зиммасига тушади. Бироқ ҳар қандай ахборотнинг ҳаққонийлик даражаси сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий, миллий, тарихий, психологик, иқтисодий, ахлоқий ва ҳоказо мезонлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Журналист вазифасини тўғри ва ҳалол адо этмоғи учун ҳам шу ва бошқа омиларга асосланишга мажбур. Борди-ю ахборот давлатлараро, минтақа ёки дунё миқёсида аҳамиятга молик бўлса-чи? У ҳолда санаб ўтилган мураккаблик ўн, юз чандон ортади.

Журналист ана шу мураккаблик олдида ёлғиз қолади, нуқтаи назарни ҳам, чора-ечимни ҳам ҳаққонийлик принциплари асосида ўзи аниқлайди. Бундай ҳолатларда журналистнинг ихтисослашганлиги, профессионал маҳоратга эгаллиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Ҳар қандай ихтисослашув ва профессионаллашув эса олимона изланиш, таҳлил ва тадқиқдан, бир оғиз сўз билан айтганда, ишни илмий-интеллектуал ташкил эта билишдан бошланади. Шу хусусият журналистиканинг нафақат амалий, балки ўзига хос мустаҳкам илмий асосларга таянадиган фан эканлигидан далолат беради. Бинобарин, Е.Прохоровнинг «Инсоннинг кўплаб амалий фаолиятлари сингари журналистика ҳам фан билан чамбарчас боғлиқдир. У доимо фаолиятни илмий ёндашувлар билан таъминланишини

тақозо этади», деган фикри ҳар жиҳатдан асослидир [18. С.5].

Атоқли матбуотшунос олим Я.Засурский ёзганидек, «Публицистиканинг ривожланиш қонуниятларини таҳлил қилишга уриниш журналистикада илмий тадқиқотнинг бошланиши сари қўйилган биринчи қадам эди» [19. С.7]. Вақт ўтгани сайин жаҳон журналистика фанида тадқиқотлар доираси, мавзулар кўлами шу қадар кенгайиб кетдики, уларни бир назар-нигоҳ ташлаш билан тўласича қамраш қийин. Лекин шунини алоҳида таъкидламоқ зарурки, қайси мавзу-муаммо ҳақида изланиш олиб борилган бўлмасин, уларнинг бари моҳиятан журналистиканинг уч асосий ва ўзгармас пойдевори – **ҳаққонийлик, ҳозиржавоблик ва ҳолислик** талабларига бориб тақалади, ана шу уч ҳақиқатни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Журналистикага доир илмий-назарий изланишлар ҳақида сўз борганда баъзан соҳага нисбатан ишончсизлик, иккиланиш кайфиятлари учраб туради. Мисол учун, «Журналистиканинг хусусияти, мақсади жамиятнинг ижтимоий табиатига боғлиқ», деб таъриф берилган Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида [20. Б.642]. Юзаки қараганда таъриф ҳар жиҳатдан тўғридек, чунки ҳар қандай журналистика ўзи мавжуд бўлган жамият табиатининг, ҳолатининг кўзгуси деган тушунча қадимдан ақидага айланиб кетган. Бу қараш ҳам хато эмас. Бироқ унинг вазифаси шу билан тугайди, демоклик журналистика соҳаси ижтимоий-сиёсий муҳитга, умуман инсон ҳаётига нисбатан иккиламчи мавқега эга, яъни у воқеликни акс эттиришдан бошқага ярамайди, у воқеликка бўйсунувчи фаолият туригина, холос деган ҳам ғайриилмий, ҳам беписандларча ҳукм чиқариш билан тенг. Шунга ўхшаш янглиш қарашлар асосли эътирозга лойиқ.

Тақрор бўлса-да таъкидласак, реал воқелик журналистика учун бирламчи манба эканлигини ҳеч

ким инкор этмайди, зеро, журналистика воқелик билан изма-из яшайди, унинг ҳавосидан нафас олади. Воқелик эса ўзгарувчан, шундан келиб чиқиб унинг изидан бориб, ўзгаришга мажбур бўладиган журналистикани касб ва соҳа сифатида беқарорликда, унинг ўзгармас ақидаларини ақидасизликда айблаш асосли эмас. Чунки журналистиканинг азалий мустаҳкам ва ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда ўзгармас ақидалари – таянч асослари бор, улар ҳаққонийлик, ҳозиржавоблик ва холислик деб аталади. Чинакам журналистиканинг салмоғи, нуфузи, мавқеи – керак бўлса, **ўзгарувчан воқеликка нисбатан ўзгармаслиги**, қатъияти ушбу принципларда мужассамдир. Худди шу принциплари билан журналистика воқеликка мудом таҳрир киритади, уни тўғри, адолатли ўзанга йўналтиради, жамиятда адолатли мувозанат сақланиши устида қайғуради. Ушбу хусусиятлари билан у ўзи бўйсунаетган воқеликка нисбатан бирламчи мавқега кўтарилади. Ҳатто воқеликни ўзига бўйсундиради. Пировардида журналистика жамиятнинг ижтимоий табиатига эмас, балки аксинча, жамият журналистиканинг ўзгармас қонуниятларидан келиб чиқувчи қатъиятга боғлиқ бўлиб қолади.

Оммавий ахборот воситаларининг «тўртинчи ҳокимият» сифатидаги кучи, афзалликларини санаб ўтган таниқли матбуотшунос олим Файзулла Мўминов оммавий ахборот воситаларининг тўртинчи ҳокимият сифатидаги камчиликлари хусусида ҳам тўхтаган. «Биринчидан, – деб ёзади олим, – журналистика кенг қамровли ҳокимият бўлгани билан у чуқур илдизли, ўзгармайдиган ҳокимият эмас» [21. Б.15]. Бу гапни қандай тушуниш ёки қандай талқин қилиш мумкин? Журналистика чуқур илдизли эмас, ўзгарувчан, яъни беқарор ҳокимият дейилмоқчимми? Агар шундай бўлса, бу жумлалар мазмунан юқорида ЎзМЭдан келтирилган иқтибосда ифодаланган маънога яқинлашиб қолмаяптими? Фик-

римизча, журналистиканинг ўзгармас ҳокимиятлиги унинг ҳаққонийлик принципида акс топади. «Иккинчидан, – деб фикрини давом эттиради муаллиф, – ижтимоий фикрда яқдиллик йўқ» (Шу манба, шу бет). Бўлиши мумкин, бироқ ҳар қандай жамиятда ижтимоий фикрнинг яқдиллигини таъминлаш вазифаси, биринчи навбатда, журналистика, матбуот зиммасига тушади. Бундай вазифани адо эта олаётган журналистика яхши журналистика ҳисобланади, адо эта олмаётгани эса... журналистика даражасига кўтарила олмаётган чала журналистикадир.

Иқтибосни давом эттирамиз: «Учинчидан, журналистиканинг, давлат каби уни қарорларини бажаришга мажбурлайдиган кучи йўқ. Тўртинчидан, тезкорлик билан фаолият юритишга мажбур бўлган журналистлар турли хатоларга йўл қўйишлари мумкин (Шунга ўхшаш фикр таниқли инглиз мутахассиси Д.Рэндаллда ҳам учрайди. – Х.Д. [22. С.13]. Бешинчидан, ўзларига ҳаддан ташқари кўп ваколат берган журналистлар (шахсий ҳаётга аралашини, тўхмат) тўртинчи ҳокимият обрўсини туширадилар ва ҳ.к.» [21. Б.15].

Бизнинг бу борадаги қарашларимиз ўзгачароқ. Гап шундаки, инсон ҳаётида, ҳар қандай ижтимоий-сиёсий тузумда ҳаққонийликдан кўра кучлироқ, қудратлироқ куч бўлмайди, ҳаққонийлик принципи ҳатто давлатнинг барча мавжуд кучларидан-да қудратлироқдир. Тезкорлик ёки бошқа сабабларга кўра хатоларга йўл қўйилиши ёхуд тўртинчи ҳокимиятни обрўсизлантириш ҳолатлари учун эса айбни журналистикадан эмас, журналистлар фаолиятида учрайдиган айрим иллатлардан излаш тўғри бўлур эди.

Журналистика назариясига доир адабиётларда журналистиканинг вазифалари, принциплари ҳақида кўпдан-кўп қарашлар, нуқтаи назарлар билдирилган, мулоҳазалар юритилган. «Матбуотнинг функциялари деганда, – деб ёзади таниқли олим Мухтор





Худойқулов, – биз матбуот нашрлари ва оммавий ахборот воситаларининг доимий ва қонунийлик тусини олган фаолиятини, унинг мақсад ва йўналишларини тушунамиз» [23. Б.27]. Иқтибосдаги «доимий ва қонунийлик тусини олган» жумласи журналистика соҳасининг (амалий журналистика бўладими, журналистика назарияси бўладими – қатъи назар) ҳар қандай даврда ва шароитда ўзгармас ва қонунийлик мавқеига эга бўлган АСОСИ мавжудлигини англатмоқда. Айтмоқчимизки, у ёки бу журналистика қай даражада фаолият юритаётганидан қатъи назар юқорида таърифланган АСОС ўзгармайди. Унинг зиммасидаги қандай функция ва принциплар санаб ўтилмасин, уларнинг бари мазкур АСОСга суянади, ундан қувват олади. Тўғри, оммавий ахборот воситаларининг бош функцияси хабар бериш, яъни жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш. Бу жаҳон ва миллий журналистикамиз назариячилари томонидан деярли бир хил эътироф этилган. Жумладан, М.Худойқулов матбуотнинг хабардор этишлик функцияси унинг келиб чиқишига асос бўлган табиий функцияси деб тўғри таърифлаган [23. Б.30]. Эътиборлиси, олим матбуотнинг уч асосий функцияси деганда тасвир, таҳлил ва таъсирни назарда тутди. Бунда у Е.Прохоров, С.Корконосенко сингари хорижий мутахассислар, шунингдек Феликс Нестеренко, Қудрат Эрназаров, Ёқут Маматова каби ўзбек олимлари фикрларига суянади. Таъсир деганда матбуот фаолиятининг самарадорлиги назарда тутилишига урғу беради. Айтиш керакки, республикамизда чоп этилган журналистика самарадорлиги мавзусидаги ягона маърузалар тўплами профессор Ф.Мўминовнинг қаламига мансуб [24]. Ушбу рисолада муаллиф журналистикада самарадорлик тушунчасини атрофлича тушунтиришга ҳаракат қилган, «журналистика самарадорлигини кенгроқ тушуниш мақсадга мувофиқ»лиги ғоясини илгари сурган [24. Б.10].

Сўз юритилаётган таъсир, самарадорлик бу ўринда биз учун муҳими, ушбу сўзларда кўзда тутилган маъно – матбуотнинг жамиятга амалий таъсир кучи мавжудлигининг эътироф этилишидир. Зеро, фикримизча, бундай таъсир кучининг боиси матбуотнинг, умуман журналистиканинг ҳар қандай шароитда ҳаққонийлик принциpidан, ҳаққоний ахборот тарқатиш вазифасидан чекинмаслигида, шу орқали журналистика ижтимоий воқеликни ўзгартирувчи қудратга ҳам эга эканлигининг эътироф этилишидадир. Е.Прохоров ҳам журналистикада самарадорликка – натижага эришишни соҳанинг бош муаммоларидан бири деб ҳисоблайди [18. С.252 – 272].

Тўғри, бундай натижалар ҳамма вақт ҳам қўлга киритилавермайди. Ҳар бир миллий журналистика ҳаётнинг, ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида турли шарт-шароитларда яшайди, фаолият юритади, бинобарин, унинг самарадорлиги ҳам бир текисда кечмайди. Шундай бўлган тақдирда савол туғилади: бордию, матбуот, журналистика тилга олинган уч таянч асосдан (ҳаққонийлик, ҳозиржавоблик ва холислик) келиб чиқувчи шарт ва мажбуриятларни адо эта олмайётган бўлса-чи? У ҳолда, яъни у ўз бурчини мана шу адо эта олмайётгани билан жамиятдаги ҳолатни, муҳит ва воқеликларни фош қилаётган бўлади.

Мутахассис олим Пётр Киричёк матбуот ва журналистиканинг ҳоқимият ва сиёсатга нисбатан тутган ўрни хусусида қизиқарли мулоҳазалар баён этган. Жумладан, олим медиа-соҳанинг сиёсийлашуви ва сиёсатнинг медиалашуви ҳолати тўғрисида махсус тўхталади, бошқа бир мутахассис И.Засурскийнинг «Бу сиёсий ҳаёт оммавий ахборот воситаларининг тимсолий кенглигига аралашиб кетиш жараёнидир», деган таърифидан келиб чиқиб, чиндан ҳам сиёсатнинг ҳукмронлик самоси журналистиканинг ахборот осмони билан ижтимоий коммуникацияда бирлашади, деган хулоса чиқаради [25.

С.10]. Журналистика бамисоли сиёсат сингари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлишига, ҳокимият йўлакларида қандай воқеалар юз бераётганидан журналистика хабардор қилиб турмаса, одамлар батамом хабарсизликдан сиёсий сўқирга айланиб қолишлари муқаррарлигига алоҳида урғу беради олим ва ўзининг навбатдаги хулосасини қуйидагича умумлаштиради: «Бошқа жиҳатдан журналистика публицистика кўмагида сиёсатга (ҳокимиятга) сайқал беради. Сиёсат публицистиканинг мундарижаси, публицистика эса сиёсат тўғрисидаги мулоҳазалардир. Сиёсатсиз публицистиканинг бўлиши мумкин бўлмаганидек, публицистикасиз яхши (маданиятли) сиёсатнинг бўлиши асло мумкин эмас» [25. С.17].

Матбуотнинг, умуман журналистиканинг сеҳри, жозибаси, жунуни, эркаликлари, шўхликлари унинг мана шулар сингари тутқич бермас қадриятларида мужассам топгандир, унинг ана шу мезонлари ва ранг-баранглиklarини англаб етиш орқалигина журналистика фани предмети ва объектининг илмий масала-муаммоларини тўғри ва холис тасаввур қилиш, ечимларини излаш, баҳолаш мумкин. Шу тариқа ҳаёт журналистикани курраи заминнинг таянч нуқтасига айлантирмоқда, барча-барча воқеа-ҳодисаларнинг марказига кўчириб ўтказмоқда. Албатта, бунда журналистика тарих, адабиёт, фалсафа, социология, психология, сиёсат, санъат ва ҳоказо фанларга суяниши турган гап, лекин бундай ҳамкорлик жараёнида журналистика иккинчи – пассив ўринга ўтиб қолмайди, балки кези келганда ҳамкорлик қилаётган фанларга етакчилик мавқега ҳам эга бўлади.

«Журналистика тушунчаси, – деб ёзади Е.П.Прохоров, – жуда кенг маънога эга. Унинг дунёсини – фанлар ва амалий фаолиятлардан иборат бўлган дунёсини – ушбу соҳани бутун бойлиги билан ўрганмоқ керак» [18. С.16].

Амалий журналистика табиатида илмий-интеллектуал фаолиятга мойиллик мавжудлиги ҳақида сўз борар экан, глобаллашув замони журналистика фани олдига мисли кўрилмаган вазифаларни кўнда-ланг қўяётгани хусусида алоҳида тўхталишга тўғри келади.

Жамият аъзоларининг ахборотга бўлган эҳтиё-жини тезкор ва тўқис қондириш, жамиятни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини қуриш, ахборотлашган жамият барпо этиш... ер юзидаги энг илғор халқлар орзу қилаётган бу сингари олиймақом даражаларга фақат ва фақат ахборот сиёсати, маданияти ва албатта, илми билан етишиш мумкин бўлади. Чунки санаб ўтилган мақомларга кўтарилган жамият қон томирида қон эмас, ахборот, аниқроқ айтганда, оммавий ахборот оқади.

Истиқлол даври ўзбек журналистика назарияси фани замон талабларига муносиб даражада ўзгаришлар, янгиланишлар жараёнини бошдан кечирмоқда. Миллий матбуотимиз қиёфасининг ўзгаришлари кенг омма кўз ўнгида рўй бераётган бўлса, илмий-назарий изланишлар майдонидаги самарали изланишлар асосан тор жамоатчилик доирасида қолиб келмоқда.

Миллий матбуотшунослигимиз фани Ватанимиз мустақиллиги йилларида сезиларли ютуқларга эришди. Олимларимиз шўро даврида «назар» ташлашга журъат этмаган мавзуларда тадқиқотларга киришдилар. Илмий изланишларнинг мавзу-мундарижаси бойиди, буларнинг самараси ўлароқ миллий журналистика назарияси фани ҳар жиҳатдан улғайди, шаклланди. Бу борада амалга оширилган ва оширилаётган илмий изланишлар шунчаки санаб ўтилган тақдирда ҳам салмоқли, миқёсли натижалар кўз ўнгимизда гавдаланади.

Албатта, шўро даврида фаолият юритган ўзбек журналистикаси фани дарғаларининг бевосита соҳа

тарихи, назарияси ва амалиёти асосларини яратиш борасида олиб борган изланишларидан кўз юмиш адолатдан бўлмайди. Тўғон Эрназаров, Адҳам Акбаров, Тоҳир Пидаев, Очил Тоғаев, Зиёд Есенбоев, Анвар Каримов, шунингдек, Сайди Умиров, Мухтор Худойқулов, Тўлқин Қозоқбоев, Шавкат Миралимов сингари тажрибали мутахассислар ўзбек журналистика илми асосларини яратишда ўша давр мезонлари доирасида саъй-ҳаракат кўрсатдилар.

Истиқлол йилларида эса журналистика соҳасидаги илмий изланишлар тамомила янги поғонага кўтарилди. Энг аввало, истиқлол берган имконият шарофати ўлароқ миллий матбуотимиз тарихи изчил ўрганишга киришилди. Тарих фанлари доктори Н.Абдуазизова яратган бир қатор фундаментал асарларда 140 йиллик замонавий ўзбек журналистика тарихи солномаси қайта яратилди, умумлаштирилди. Кўплаб маълумотларга зарурий аниқлик киритилди.

Таниқли олим Бойбўта Дўстқораевнинг «Ўзбекистон журналистикаси тарихи» дарслиги миллий матбуотимизнинг энг мураккаб даври – 1870–1917 йиллар манзарасига бағишланганлиги, бирламчи манбалар тадқиқ этилганлиги ва айниқса, жуда кўплаб чалкашликларга аниқлик киритилганлиги билан кейинги давр ўзбек матбуотшунослигида жиддий воқеа бўлди.

Миллий журналистика тарихи деганда вилоятлар журналистикаси эътибордан четда қолмаслиги керак. Зеро, ҳар бир вилоят матбуоти ўзига хос узоқ йўлни босиб ўтган, соҳа заҳматкашлари фаолият юритишган, ижодий маҳорат сирларини ўрганишган. Шу борада Фарғона ва Сирдарё вилояти матбуоти, шунингдек, айрим босма нашрлар тарихига бағишланган китоблар чоп этилгани диққатга сазовордир.

Филология фанлари доктори М.Худойқулов ҳамда доцент Т.Қозоқбоев журналистика назариясини яра-

тиш борасида, профессор Абдували Абдусаидов эса газета жанрларининг тил хусусиятлари мисолида тил, ёзма нутқ маданияти ва маҳорати масалаларига доир самарали изланишлар олиб боришмоқда.

Журналистиканинг асосий хом ашёси – ахборот. Инсон ҳаётида эса ахборот иштирок этмайдиган, ахборотдан холи бирон воқеа-ҳодиса, бирон дақиқа-лаҳза йўқ. Шунинг учун ҳам журналист кириб бормайдиган, журналист аралашмайдиган соҳа бўлиши мумкин эмас. Айниқса, замонавий ахборот технологияларининг ривожини, инсон ҳаётининг ҳар жабҳасидаги ахборот айланиши жараёнларини ўрганишга бўлган заруриятнинг орта бораётгани, хусусан, компьютер техникаси ва халқаро Интернет тармоғининг беҳад оммалашуви журналистика фани доирасини тинимсиз кенгайтириб бормоқда. Журналистиканинг бошқа кўплаб фан ва фан тармоқлари билан ҳамкорлик қилишига кенг йўл очмоқда. Филология фанлари доктори Фотима Мўминова бу борадаги жаҳон тажрибаларини ўрганаётган бўлса, профессор Ф.Мўминов тадқиқотларида энг янги аспектлардаги илмий ёндашувларга мойиллик кузатилади. Жумладан, олимнинг изланишларида журналистикада услубий ўзига хосликлар, журналистикада самарадорлик, журналистика ва социология масалаларини янги аспектларда ўрганиш устунлик қилмоқда.

Тажрибали ва изланувчан олимнинг журналистика методологияси мавзусига бағишланган тадқиқоти («Метод журналистики и методы деятельности журналистов») салмоқли назарий концепцияларни илгари сурганлиги билан диққатга сазовор [26]. Муаллиф В.Ученова, М.Черепанов, Е. Прохоров, С.Гуревич, В.Шандра, В.Горохов сингари йирик матбуотшунос олимларнинг публицистика, журналистика методологияси ҳақидаги қарашларини таҳлил қилади, чоғиштиради, умумлаштиради. Муҳими,

Ўзбек олими жаҳон журналистика фанининг етакчи намоёндалари билан масалага тенгма-тенгига ёндашади, мавжуд қарашларнинг ижобий ва асосли жиҳатларини эътироф этгани ҳолда, ўрни келганда, улар билан баҳсга киришади.

Одатда, соф назарий мунозараларда баъзан баҳсга хос атама, ибора ва тушунчалар ҳақидаги мулоҳазалардан нарига ўтмаслик кузатилади. Профессор Ф.Мўминов йирик назариячилар санаб ўтган терминларга чалғимаслик кераклигини таъкидлар экан, «журналистика методи унинг воқеликни акс эттириш услуби» эканлигидан келиб чиқиш муҳимроқдир, деб ҳисоблайди [26. С.15].

Бoshqa ўринда Ф.Мўминов журналистика методининг вужудга келиши ва шаклланишида субъектнинг, яъни журналистнинг шахси ҳал қилувчи аҳамиятга эгалиги концепциясидан (В.Шандра концепцияси) келиб чиқиб, журналистика методи субъектив категория деган нуқтаи назарни маъқуллайди. Туғри, амалий журналистика фаолиятида субъективизм (яъни, журналистнинг нуқтаи назари, масалага ёндашуви, дунёқараши ва ҳоказо) ҳал қилувчи аҳамиятга эга, журналистика методи тушунчаси ниҳоятда мураккаб методлар тизимидан иборат эканлигида ҳам жон йўқ эмас. Тадқиқот муаллифи мавзунинг мураккаблигини таъкидлаган ҳолда пировардида ўз нуқтаи назарини қуйидагича яқунлайди: «Услуб – журналист фаолияти ва журналистиканинг йўли демакдир, шу маънода у субъективдир. Бироқ у ўзининг очик-ошкора характерга эгалиги туфайли кўпчиликка маълум ошкор бўлади, шу хусусияти билан у муаллифдан ажралиб чиқади. Ва услуб ҳаммага аён ҳодиса сифатида объектив характер касб этади. Шунинг учун ҳам услубни субъективлик ва объективлик бирлигидан ташкил топган мураккаб категория деб ҳисоблаш мумкин» [26. С.76].

Айтмоқчимизки, соҳанинг шунга ўхшаш назарий асосларига доир салмоқли ва фундаментал тадқи-

қотлар фаннинг пойдеворини мустаҳкамлаши билан бир вақтда, унинг истиқболни белгилаб беради. Истиқлол йилларида ўзбек матбуотшунослари сафига келиб қўшилган Қудрат Эрназаров, Ҳалим Саидов, Олим Ўсаров, Олим Тошбоев, Назира Тошпўлатова, Климентина Исмоилова, Илмира Раҳматуллаева, Сангин Жабборов, Тўлқин Эшбеков, Оқилжон Абдуазимов, Гуландом Тоғаева томонидан амалга оширилган илмий изланишлар ҳам соҳамизнинг энг янги, энг долзарб мавзуларига бағишланганлиги билан эътиборга сазовор.

Шу ўринда журналистика амалиёти мавзуларида ўз тажрибаларини ёзган ва ёзаётган муаллифлар ҳам кўпчилик эканини таъкидлаш зарур. Зиёд Есенбоев, Исмоил Сулаймонов, шунингдек, Анвар Шомақсудов, Нусрат Раҳмат, Аҳмаджон Мелибоев, Фармон Тошев, Шухрат Жабборов ниҳоятда фойдали китоблар чиқардилар. Булар ҳам миллий журналистика фанимиз, амалиётимиз асослари чуқурлигидан, қамров доираси кенглигидан, салмоқдорлигидан далолат беради.

Дилдора Рашидова, Шерзод Қудратхўжаев, Нозима Муратова, Алишер Матёқубов ахборот технологиялари ва интернет журналистикасининг вужудга келиш жараёнлари муаммоларини ўргандилар, Юлдуз Ортиқова радиода интерактив эшиттиришлар тайёрлаш, Мухаббат Солиева оммавий коммуникациянинг тарихий манзараларини тиклаш-таънифлаш, Амрулло Каримов эса телевидениеда тоқшоу кўрсатувлари мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилдилар. Ёш олима Муяссар Аҳмедова изланишлари эса журналистиканинг психологик муаммоларини ўрганишга бағишланди.

Ҳар қандай илм-фанга тааллуқли ҳолат шундаки, тадқиқотлар кўпайгани сари янгидан-янги мавзулар келиб чиқаверади. Бу ҳолат журналистика соҳасидаги изланишларга ҳам дахлдор. Қолаверса, ҳаёт, «ахборот асри» талотумлари фан ва унинг



вакиллари олдига ҳозирга қадар маълум бўлмаган муаммолар ечимини топиш вазифасини қўймоқда. Муҳими, ўзбек миллий журналистика фани намоёндалари жаҳон миқёсларида кечаётган жараёнлардан ортда қолмасликка ҳаракат қилмоқдалар. Бу билан, бир томондан, ўзбек журналистика фани мавқеини кўтаришга хизмат қилаётган бўлсалар, иккинчи томондан, тадқиқотлар миллий журналистика фани асосларини яратишда, мустақкамлашда давом этмоқда.

«Назаримда, – деб ёзади сиёсий фанлар доктори, тарих фанлари номзоди С.Г. Корконосенко (Санкт-Петербург), – Россияда журналистика назариясини мустақил фан сифатида ва матбуотнинг сермахсул тараққиёти асоси эканлигини асоссиз равишда рад этиш кайфиятлари барҳам топиб бормоқда» [27. С.19].

Мазкур эътироф ҳам журналистика назариясининг халқаро миқёсда муайян қийинчиликлар билан бўлса-да, фан мақомини олиш сари яқинлашиб бораётганидан далолат беради.

Филология фанлари номзоди, доцент Юсуф Ҳамдамов матбуотда эълон қилинган «Журналистика фан бўла оладими?» деган мақоласида [28] долзарб масалани қўзғади. Амалиётчи журналистлар, айниқса журналистика илми билан бевосита шуғулланадиган жамоатчилик ўртасида мазкур масала юзасидан қизгин фикр алмашувлар бўлиб ўтиши кутилган эди. Афсуски, бундай бўлмади. Назаримизда, мавзу ниҳоятда жиддий ва чуқур таҳлилталлаб. Бу борада мавжуд фикр-мулоҳазаларни, фараз ва таклифларни жамоатчилик эътиборига ҳавола этишдан чўчимаслик керак аслида. Журналистиканинг алоҳида фан ва мустақил фан эканлигини асослаш мумкин. Мисол учун, ҳозирга қадар журналистика филология фани таркибида «кун кўриб» келмоқда. Бунинг жиддий асоси – журналистик ижоднинг лингвистик табиати, яъни сўз ва матн

тушунчаларидан келиб чиқиб белгиланган. Бундай десак, фалсафада, тарихда, психологияда сўз ва матн йўқми? Умуман, матний ижод унсурини четлаб ўтадиган бирор-бир фан, соҳа йўқ. Шундай экан, нима сабабдан фақат журналистика филология таркибида қолиши керак, деган савол туғилиши табиий. Журналистик ижоднинг бадиий ижодга яқинлиги, айрим ўринларда тенг мавқега кўтарилишини исботловчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо шундай бўлган тақдирда ҳам журналистика филологиядан мутлақо ўзгача олам, ўзгача дунё. Қолаверса, замонавий ахборот технологияларининг мисли кўрилмаган даражадаги тараққиёти анъанавий журналистика тушунчасини буткул ўзгартириб юборди, ўзгариш жараёнлари ҳамон давом этмоқда. Журналистика терминологиясидаги янгиликларнинг ўзи ҳатто йирик мутахассисларни шошириб қўймоқда, чунончи, журналистикага доир тадқиқотларни (айниқса, интернет журналистикаси, оммавий коммуникация мавзuidaги) филологик тадқиқотлардан узоқ деган хулосалар билдирилмоқда.

Бу каби муносабатлар аслида ҳам тўғрилигининг сабаби – журналистика соҳасидаги ўзгаришлар, янгиланишлар.

Журналистикага доир изланишларни гоҳ социология, гоҳ тарих, гоҳ сиёсий фанлар томон тортиқлашга уринишларга чек қўйишнинг бирдан-бир чораси журналист олимларнинг тадқиқот мавзуларига ёндашуви, позициясининг қатъийлигида. Тадқиқотга журналистик руҳ бағишлай олишларида. Чунки журналистика учун бегона фан йўқ, бегона соҳа йўқ, у танланган мавзуга, объектдан келиб чиқиб қўшни ва қўшни бўлмаган фанлар ҳулуида бош суқиши мумкин, лекин тадқиқотдан кўзланган бош мақсад-муддао журналистика эканлиги унутилмаслиги даркор. Шундагина ортиқча баҳс-мунозараларга ўрин қолмайди.

Журналистиканинг алоҳида ва мустақил фан эканлигини асослаш учун:

– журналистика мутахассисларининг қатъиятли бўлмоқликлари;

– соҳага доир фундаментал тадқиқотлар яратишни жадаллаштириш;

– халқаро ва миллий журналистика оламидаги янгилекларни тенденция сифатида изчил ўрганиш ва оммалаштириш;

– журналистиканинг унга бевосита қўшни фанларга нисбатан мақоми ва ўрнига аниқлик кириштириш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир.

Биз журналистиканинг илмий мақоми хусусида бош қотириб турган бир пайтда бошқа бир муаммо бўй кўрсатаётганига ҳушёр бўлишга тўғри келмоқда. Гап – оммавий коммуникация шиддат билан ривожланаётган бир пайтда журналистиканинг назарий фан ва амалий соҳа сифатидаги тақдири қандай кечиши хусусида.

Умуман олганда, фанлар чорраҳасида юз берган чатишувлар натижасида янгидан-янги фан йўналишлари, тармоқлари вужудга келиши оддий ҳол ҳисобланади. Лекин ана шундай ҳолатда у ёки бу фаннинг, соҳанинг тақдири қандай кечишига бепарқ қолиш тўғри бўлмайди. Назаримизда, ҳозирги пайтга келиб журналистика ва оммавий коммуникация соҳаларида айни шундай жараёнлар қизғин тус олди. Ҳар иккала соҳанинг ўзаро интеграллашув жараёнлари давом этиши ва тўхтовсиз чуқурлаша бориши муқаррар бўлгани учун ҳам ушбу жараённи ва унинг қандай оқибатларга олиб бориши эҳтимолларини таҳлил қилиш, юз беражак ўзгаришлар, янгиланишларга тайёр туриш зарур.

Биз жамиятни ахборотлаштириш XXI аср одамининг энг катта, энг долзарб, энг мураккаб вазифаси, бурчига айланган замонда яшамоқдамиз. Янги аср инсоният олдига ушбу вазифани «Ё ҳаёт, ё

мамот» тарзида кўндаланг қўйди. Бу қадар мисли кўрилмаган мақсадга эришишни журналистикасиз тасаввур қилиб бўлмаслиги табиий, лекин бошқа ғоятда жиддий савол ҳам туғилади: янги замон ва янги давр талабларига қандай журналистика жавоб бера олади? Бу қадар шиддатли кечаётган ҳаёт талотўпларига қандай журналистика бас келади?

Ҳар қандай жамиятда ахборот алмашинуви механизмини яратмай туриб, нормал ҳаёт тарзини вужудга келтириб бўлмайди. Ҳатто феодад тузум ҳукмронлик қилган шоҳлик, хонлик замонларида ҳам жамиятда даврига яраша оммавий коммуникация воситаларидан фойдаланилган. Лекин ахборот тарқатиш воситаларининг тараққиёти, хусусан, компьютер, интернет ва мобил телефонининг яратилиши оммавий коммуникация борасида том маънода инқилоб ясади. Оммавий коммуникация даставвал турли фан соҳалари чорраҳасида, яқин ярим аср мобайнида эса махсус фан сифатида ривожланди.

Ҳозирга қадар жамиятда ахборот айланишини йўлга қўйиш, ахборот майдони эҳтиёжларини қондириш, ахборотга боғлиқ барча катта-кичик муаммоларни ҳал қилиш журналистика зиммасида бўлиб келган. Эндиликда эса бу ва шу сингари вазифалар оммавий коммуникация «тасарруфи»га ўтиб бормоқда. Ушбу жараёнда оммавий коммуникациянинг илмий-назарий ҳамда амалий йўналишлари, талқин объектлари шаклланмоқда, кенгайиб бормоқда.

Бу ҳолда журналистиканинг аҳволи, мавқеи, мақсад-вазифалари – умуман ҳаётдаги ўрни қандай кечади, деган савол туғилади.

Аввало, журналистикага бўлган қарашлар хусусида.

Ҳозирда фан мақоми мустаҳкамланиб бораётган оммавий коммуникация замон инсоният олдида қўяётган айнаи шу муаммоларни ўрганади. Ахборот ва ахборотлашганлик тушунчаси инсон, жамият ва давлат тақдирини ҳал қилувчи омил ҳисобланаёт-

ган, деярли барча қарашлар, қадриятларга ўзгартиришлар киритаётган – инсонни, тафаккуру дунёқарашларни тамомила янгилаб юбораётган бир пайтда оммавий мулоқот муаммоларини ўрганиш ғоятда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бундай янгилашнишлар жараёни журналистика билан оммавий коммуникациянинг қўшилишига олиб келмоқда.

### ОАВдан ОКВга: ОҚИБАТИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Икки минг ўн иккинчи йил 17 июль, соат 18.00. Ўзбекистонда фавқулодда ҳодиса юз берди – «Ўздунробита» хорижий корхонаси лицензиясининг амал қилиш муддати 10 иш кунига тўхтатилди. Кимнингдир назарида бу фавқулодда ҳодиса эмас; нари борса, МТС (Мобильные Теле Системы) мижозларининг мобил телефонлари вақтинчалик ўчирилди, холос. Бироқ ҳодисанинг ҳақиқатан ҳам фавқулодда эканлиги кейинги икки-уч кун ичида янада аёнлашди. Ҳамма гап 9 миллиондан ортиқроқ фуқаро шахсий алоқа воситасидан маҳрум бўлганида эди. Абонентлар янги телефон рақамларига эга бўлиб улгурганига қадар орада ўтган икки-уч, нари борса, уч-беш кун мобайнида ўзаро алоқалар ўзилиб қолган муҳитга – бамисоли тубсиз бўшлиққа тушиб қолгандек, ташқи дунёдан батамом ўзилгандек ҳис қилдилар ўзларини. Бу – оммавий коммуникациянинг бузилишига кичик бир мисол бўлиб қолди.

Мобил телефони жамиятда оммавий коммуникацияни йўлга қўйишда инқилобий аҳамиятга эга бўлган кенжа ва энг муҳим восита ҳисобланади. Унинг имкониятлари бошқа барча коммуникация воситаларидан устун, қулай ва арзонлиги билан ер юзи аҳолисининг асосий қисмини забт этиб улгурмоқда. Мобил телефони ҳеч муболағасиз дунё миқёсида ахборот иқлимини тубдан ўзгартириб юборди. Бетақрор М.Маклюэн ахборот технологиялари натижасида инсон ботинида портлаш-кенгайиш жа-

раёни кечиши, юз бериши ғоясини кашф қилган замонларда ҳозирги мобил телефони бўлмаган. Шунга қарамай, «Бугун ҳаракат ва жавоб ҳаракати деярли бир вақтнинг ўзида юз бермоқда», деб ёзган [29. С.6] олим ҳозирга келиб мобил телефони имкониятларини қандай таърифлаган бўлур эди, аниқ гап айтиш қийин. Чунки мобил телефони чегара, масофа, вақт тушунчаларини йўққа чиқариш бобида бошқа бир мўъжиза – интернет тармоғи имкониятларини ҳам ортада қолдириб улгурмоқда.

Зудлик билан мулоқотга киришиш, у ёки бу масала ечимини топишни индинга, эртага қолдириш эмас, бугуннинг ўзида, ҳатто ҳозирги дақиқадан кечиктирмай ҳал қилиш истаги, эҳтиёжи шиддатли давримизнинг бош хусусиятига айланди. Ҳозирги замонавий жамиятдаги муҳит, ҳолат ва кайфиятни ҳам ушбу хусусият белгилаб бермоқда. Дунёда бундай масалаларни оммавий коммуникация фани ўргана бошлаганига ярим асрдан ошиб кетгани [30. С.3], «коммуникация» термини фанда XX аср бошларидан таомилга киргани [31. С.15] мутахассислар томонидан қайд этилган. Бироқ коммуникациянинг моҳиятан инсонлараро ахборот алмашинуви жараёни эканлигидан келиб чиқилса, инсон пайдо бўлибдики, унинг бирор кун, бирор лаҳзасини коммуникациясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, жамоа бўлиб яшаш қарор топа боргани, ҳозирги тушунчадаги жамиятлар вужудга келгани, хусусан, ахборот алмашинуви воситалари такомиллаша боргани сайин коммуникация оддийдан мураккаблик сари тараққиёт йўлини босиб ўтган ва ўтмоқда. Собиқ социалистик давлатлар дунёсида мазкур жараён шўролар истибоди тугатилгачгина жадал ривожланди. Аввало коммуникация, шунингдек, оммавий коммуникация тизимига асос солинди, унинг янги-янги институтлари фаолият кўрсатишга киришди. Шахслараро, корхона, идора ва

муассасалараро, айниқса, давлат ва нодавлат тузилмалариаро ахборот алмашинувини ҳам эҳтиёж, ҳам талаб сифатида юқори босқичларга олиб чиқиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Буларнинг натижаси ўлароқ, оммавий коммуникация масалаларини махсус тадқиқ қилган таниқли мутахассис Г.Почепцов таърифлаганидек, вужудга келган «янги коммуникатив макон» соҳа эгалари олдига бир-биридан мураккаб бўлган янгидан-янги муаммоларни кўндаланг кўймоқда [32. С.8].

Оммавий коммуникациянинг ҳозирги тараққиётида икки муҳим омил тенгма-тенг асос вазифасини ўтади. Уларнинг биринчиси – умумцивилизация миқёсида, жамиятшунослик тараққиётининг мантиқий самараси ўлароқ инсоният бундан кейинги ҳаётий истиқболни оммавий коммуникациядан ташқарида тасаввур қила олмайдиган даражага кўтарилди. Мустабид сиёсат мафқураси ва ақидалари ҳукмрон мавқега эга бўлган тоталитар жамиятда мулоқот бирёқлама бўлган, яъни юқори – гапирган, қуйи – унга бўйсунган, қулоқ солган холос. Диалог эмас, монолог жамиятда гўё мулоқот вазифасини ўтаган. Ваҳоланки, монолог мулоқот эмас. Атоқли адабиётшунос М.Бахтин ёзганидек, «Коммуникатив майдонда гапирувчи ҳам, тингловчи ҳам ўз шахсий дунёсида қолмайдилар, балки улар янги, учинчи дунёда, мулоқот дунёсида учрашадилар» [33. С. 246]. Оммавий мулоқот дунёсини вужудга келтирувчи ягона куч ва восита эса – оммавий коммуникациядир.

Иккинчидан, эндиликда башарият англаб етган ушбу ҳақиқатни амалга ошириш мумкин бўлган ахборот технологиялари ихтиро қилинди. Оммавий коммуникациянинг илмий асосини яратган М.Маклюэн байроқчалар кўтариб хабар беришдан тортиб пул, тош йўл, кийим-кечак, соат, автомобиль, ўйинлар, меъморлик иншоотларигача коммуникация воситалари сифатида таърифлагани қарашларни туб-

дан ўзгартириб юборди, олимнинг тили билан айтганда қарашлар ва тушунчаларни фавқулодда кенгайтирди. Оммавий коммуникациялар тарихи билан махсус шуғулланган ўзбек олимаси М.Солиева ўз тадқиқотида бу масалага алоҳида тўхталган [34. Б.8–16].

М.Маклюэн бирма-бир таъриф ва тавсифлаган оғзаки ва ёзма сўз, матбуот, фотография, телеграф, телефон, фонограф, кино, радио, телевидениени ҳам ҳеч иккиланмай, оммавий коммуникация воситалари сирасига киритиш мумкин. Хусусан, «Медиани тушуниш» асаригаги «Матбуот» бобида [29. С. 230-246] муаллиф газета, китоб, телевидение, реклама эълонларини умумлаштириб – матбуот деб атади. Яъни, матбуотни оммавий коммуникация сифатида кўради.

Шу ўринда бошқа бир масала келиб чиқади: матбуотнинг оммавий коммуникация воситаси сифатида эътироф этиш оммавий ахборот воситаларига, умуман журналистикага бўлган қарашларни янгидан кўриб чиқишни тақозо этмайдами? Лўнда айтганда, журналистика соҳасининг туб моҳиятидан келиб чиқадиган табиати, характерини ўзгартириб юбормайдами?

Бундай концепция бир қарашда журналистиканинг аҳамияти ва мавқеини кўтараётгандек, кенгайтираётгандек, унинг зиммасига янгидан-янги масъулиятли ва шарафли вазифалар юклаётгандек, бунинг натижасида журналистнинг бурчи, вазифаси, унинг жамиятда тутган ўрни янгича мазмун билан бойиётгандек. Бошқа нуқтаи назардан қаралса, М.Маклюэндан бошланган бундай ёндашув такомиллашгани ва чуқурлашгани сайин журналистика оммавий коммуникациянинг бир тармоғига айлана бораётгани сезилади. Алоҳида урғу бериб, алоҳида таъкидлаган ҳолда айтиш зарур — журналистика алоҳида мустақил соҳа, фан, амалиёт эмас, балки оммавий коммуникациянинг муҳим ва асосий во-





ситаларидан, йўналишларидан бирига айланиш хавфи вужудга келаётгани ҳақида бормоқда сўз.

«Оммавий коммуникация жаҳон фанида мутлақо янги илмий йўналишни келтириб чиқарди» [35. С.5], бу янги йўналишнинг эндиликда жамият ҳақида, жамиятнинг ахборотлашганлик даражасини белгилашда, маҳаллий ва жаҳон миқёсларидаги ахборот майдонларидаги «об-ҳаво»ни белгилашдаги ЭГАЛИК даъвоси кучайгандан-кучаймоқда. Журналистика ва оммавий ахборот воситалари институти эса у йўналиш тасарруфига ўтиб қолмоқда. Аънанавий ва замонавий ахборот технологиялари ўртасидаги интеграция жараёнларида устунлик юқори технологияга асосланган оммавий ахборот воситалари тизими томонига оғиб бораётгани, газета, журнал ва китоб сингари босма нашрлар «умри»нинг тугаб бораётгани ҳақидаги башоратлар, профессионал журналистика ўрнини фуқаролик журналистикаси эгаллашига хайрихоҳларнинг кўпайиши, таҳлилий журналистика, журналистик текширув каби ижодий маҳорат талаб қилувчи йўналишларнинг камситилаётгани ва ҳоказо муносабатлар инсоният кейинги уч аср мобайнида қўлга киритган, ривожлантирган журналистика нуфузининг поймол этилишига олиб келмоқда. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, Халқаро журналистлар фонди бош котиби Ойдин Уайтнинг бутун дунёда журналистика чуқур инқирозга юз тутганлиги, унинг келажаги хавотир туғдираётгани ҳақидаги ўйларига қўшилмай иложи йўқ. Бош котиб журналистика соҳаси молиявий ва иқтисодий чоҳ ёқасида эканидан ташқари, «замонавий коммуникациянинг ҳал қилувчи нуқталарини интернет эгаллаб олаётгани ташвишлантираётганини» очиқ-ойдин эътироф этмоқда [36. С.22].

2011 йили Сочида «Замонавий шароитда журналистнинг вазифалари» мавзусида катта давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбатда газеталар нуфузи тушиб

кетаётгани, журналистлар фаолияти чегара билмас даражада кенгайиб кетаётгани хавотирли ҳолат сифатида тилга олинди. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги назоратчилик функцияси бўшашиб бораётгани таъкидланди [37. С.31-32].

«Масс-медиа тадқиқотчиларидан бирининг ёзишича, – деб урғу беради Россия журналистлар уюшмаси раиси В.Богданов, – ҳозирда одамлар ҳушига келган нарсани журналистика деб талқин қилиш одатга айланмоқда. Буёғини сўрасангиз, ҳозирги пайтда Россия ОАВда 4 фоизгина ҳақиқий маънодаги профессионал журналистлар қолди. Қолган 96 фоизининг унга дахли йўқ. Бундан журналистика масс-медиадан сиқиб чиқарилмоқда, деган хулосага келиш мумкин. Бу ҳам муаммо» [38. С. 63].

«Интернет тармоғига чиқмаган оммавий ахборот воситалари эртами-кечми йўқ бўлиб кетадилар», – дейди Россиянинг собиқ президенти Д. Медведев [39. С.4].

Шу ва шунга ўхшаш башоратлар, фаразлардан ҳушёр тортиш, қатор-қатор туғилаётган саволларга муносиб жавоблар топиш керак, албатта.

Оммавий коммуникацияни алоҳида ва мустақил фан сифатида ўрганиш авж олмақда. Ушбу мавзудаги адабиётларга эҳтиёж катта бўлган бир даврда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультетининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари томонидан махсус дарслик яратилгани таҳсинга лойиқ. «Жаҳон журналистикаси тарихи» номи остида чоп этилган дарсликда [40] оммавий коммуникация тарихи батафсил ёритилган, коммуникациянинг аҳамияти, муаммолари ҳақида сўз юритилган. Ҳозирги тушунчадаги журналистикага қадар бўлган журналистиканинг тараққиёт босқичлари тасвирлаб берилган. Дарслик «Инсоният тарихи – коммуникациялар тарихи»



деган хулоса билан яқунлангани ҳар жиҳатдан илмий исботини топган.

Табиий, бу қадар чуқур ва кенг қамровли тадқиқотга қўл уриш дабдурустан юзага чиқмади, албатта. Дарслик муаллифлари журналистика ва унинг шаклланиш тарихини оммавий коммуникациянинг ажралмас ўзак қисми сифатида ўрганишлари, шунингдек, соҳага доир адабиётларда, илмий мақолаларда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) терминидан кўра оммавий коммуникация воситалари (ОКВ) атамасини қўллашга мойиллик устунлик қила бораётгани ҳам ҳозирги замон жаҳон ахборот майдонида оммавий ахборот воситалари билан оммавий коммуникация воситалари ўртасидаги мулоқоту муносабатлар жараёни жадал кечаётганидан далолат беради.

Сўз юритилаётган ҳолат изидан яна кўплаб кутилган-кутилмаган ўзгаришлар келиб чиқиши ҳам табиий. Энг жиддий ўзгаришлардан бири шундайига ҳам энди-энди қарор топаётган журналистика назарияси фани муаммоларини оммавий коммуникация кесимида қайта кўриб чиқишга тўғри келаётгани билан боғлиқ. «Агар, – деб ёзади тадқиқотчи Д.В.Дунас, – журналистика ва оммавий ахборот воситалари – фан эмас, касб ҳисобланса, журналистика ва оммавий ахборот воситалари фани сифатида сўз айтишимиз қандай бўлади? У ҳолда у нима деб аталади?!» [41. С.27] Тадқиқотчи фикрини давом эттириб, ҳозирги пайтда Россияда ОАВ тизимини тадқиқ этишда назарий йўналишларга аниқлик киритилмагани, жумладан коммуникация, медиакоммуникация, оммавий коммуникация, ахборот-коммуникация технологиялари (ИКТ), оммавий коммуникация воситалари (ОКВ), оммавий ахборот воситалари (ОАВ), масс-медиа, журналистика соҳалари терминологиясида чуқурлашиб бораётган чалкашликларга барҳам бериш зарурлиги ғоясини илгари суради. Шубҳасиз, бу каби мулоҳа-

заларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарур, бироқ бу билан санаб ўтилган тармоқлар, хусусан, биз назарда тутаётган журналистика ва оммавий коммуникация соҳалари ўртасида келиб чиқаётган интеграция муносабатларининг оқибатига нечоғли реал таъсир кўрсатилади, айтиш қийин.

Фараз қилиш мумкин: оммавий коммуникация алоҳида фан сифатида шакллангани сайин журналистикани унинг бир, эҳтимол асосий тармоқларидан бири сифатида кўриш, ўрганиш тенденцияси чуқурлаша боради. Ҳозирга қадар жамиятда оммавий ахборот айланишини таъминлаш, ахборот майдони эҳтиёжларини қондириш, ахборотга тааллуқли барча катта-кичик муаммоларни ҳал қилиш журналистика (оммавий ахборот воситалари) зиммасида бўлса, келгусида бу вазифалар оммавий коммуникация «қарамоғи»га ўтади. Матбуотнинг мавқеи, журналистнинг ўрни камситилмаган тақдирда ҳам, у – ўзгаради, янгича қиёфага кира боради.

Муаммо бу билан тугамайди, балки у янада чуқурлаша борадиган кўринади. Гап шундаки, оммавий коммуникацияга доир масалаларни жамиятнинг демократлаштириш масалаларидан ажратган ҳолда талқин этиш ё ўрганиш қийин. Чунки марказий меҳварини ахборот – шахс – жамият – давлат занжири ташкил этган тизимга дахлдор барча масалалар бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган. Ахборотлашган жамият ҳам шу жумладандир. Одатда, ахборотлашган жамиятнинг беш асосий мезони сифатида технологик, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий қирралари тилга олинади. Табиий, бир-бирига ўхшамаган йўналишдаги ушбу беш жиҳат ҳаётда аралаш ҳолда кечади. Шундан келиб чиқиб мулоҳаза қилинадиган бўлса, беш мезон орасида етакчилик муқаррар сиёсий йўналиш томонида бўлади. Чунки ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жамиятда барча масалаларнинг ечимини топишда сиёсий манфаатлар биринчи, ўринга қўйила-



ди. Зеро, сиёсат бугуннинг манфаатларига хизмат қилади. Жамият учун ҳам, унда яшайдиган аъзолар учун ҳам бошқа ҳар қандай масала ечимини топиш сиёсий ёндашувлардан сўнггина бошланади. Бошқача айтганда, технологик, ижтимоий, иқтисодий ва маданий мезонлар талаблари сиёсий талаблар ва манфаатларга жавоб берсагина адо этилади, акс ҳолда вақтинчалик бўлса-да, улардан кўз юмилади. Ахборот сиёсийлашади...

«Ахборотни узатиш воситаси сифатидагина вужудга келган оммавий ахборот воситалари, – деб ёзади мутахассис Ш.Сеидов, – ахборот ишлаб чиқарадиган сиёсий институтга айланади» [42. С.87].

Адабиётларда, матбуот чиқишларида интернет билан анъанавий матбуот ўртасига нифоқ солмаслик кераклиги, бу икки йўналиш келажақда бир-бирини тўлдирувчи, бир-бирига кўмаклашувчи яхлит бир манба, яхлит бир воситага айланиб кетиши ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Тўғри, журналистика ва оммавий коммуникациянинг тарихий тараққиёт чорраҳасидаги юзлашуви кимнингдир истак-хоҳиши билан юз бераётган воқелик эмас, балки тараққиёт тўлқинида табиий юзага келган ҳолат. Лекин бу воқелик, бу табиий ҳолат оқибати қандай бўлади?

Ҳамма гап шунда...

## Адабиётлар

1. Туркистон матбуоти тарихи (1870–1917) (Тузувчи т.ф.д.Н.А.Абдуазизова). –Т.: Академия. 2000.
2. Ғаззолий Абу Ҳомид. Тил офатлари. –Т.: Тошкент ислом университети. 2011.
3. Анқабой. Хабар, мақола, шеър ва ҳикоя ёзиш йўллари. –Т.: Ўздавнашр. 1927.
4. Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. 1-жилд. –Т.: Шарқ. 2008.
5. Халқ мақоллари қуйидаги китоблардан олинди: Ўзбек халқ мақоллари. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978; O'zbek xalq maqollari. – Т.: Sharq NMAK, 2005.
6. Қуръони карим. (Алоуддин Мансур тарж.) –Т.: Шарқ НМАК, 1992.
7. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. –Т.: Фан, 1990.
- 8.Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар. 2-жилд. –Т.: Фан, 1965.
9. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т.: Юлдузча, 1990.
10. Кайковус. Қобуснома. –Т.: Истиқлол, 1994.
11. Низомулмулк. Сиёсатнома. –Т.: Янги аср авлоди. 2008.
12. Темур тузуклари. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991.
13. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. – Т.: Фан. 1993.
14. Маҳмуд Қурбоний. Ўзимиздан сотқин чиқмаса. Халқ сўзи. 2005, 5 июль.
15. Мир философии. Часть I. – М.: 1991.
16. Власть, зеркало или служанка? Энциклопедия жизни современной Российской журналистики. Том 1. Издание Союза Журналистов России. 1998.
17. Мальцев Г. У кого сегодня «чешется»? Журналист. №5. 2011.
18. Прохоров Е. Введение в теорию журналистики. – М.: Изд-во РИП- холдинг. Изд-ние 3-е. 2000.

19. Засурский Я.Н. Социологические аспекты журналистской науки. ВМУ. №1. 2006.
20. ЎЗМЭ. 3- жилд. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедия Давлат нашриёти. 2002.
21. Мўминов Ф. Ҳокимиятлар триумвирати. Журналистика ва адабиёт: кеча ва бугун. Илмий мақолалар тўплами. 1-қисм. YURIST-MEDIA MARKAZI. –Т.: 2008.
22. Рэндалл Д. Универсальный журналист. Алмаати. Центральназиатская Школа Молодых Журналистов. 1996.
23. Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. –Т.: Университет. 2008.
24. Мўминов Ф. Журналистика самарадорлиги. –Т.: Университет. 1994.
25. Киричёк П.Н. Лики медиакультуры и маски политики. –М.: РАГС. 2010.
26. Муминов Ф. Метод журналистики и методы деятельности журналистов. –Т.: Университет. 1998.
27. Корконосенко С.Г. Сущность журналистики, открытия пониманию и неподвластная схеме. Вестник МГУ. №2. 2009.
28. Ҳамдамов Ю. Журналистика фан бўла оладими? Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2010, 14 май.
29. Маклюэн М. Понимание медиа. –М.: Кучково поле. 2011.
30. Бакулев Н.П. Массовая коммуникация. –М.: Аспект пресс. 2010.
31. Горохов В.М. Иденфикация PR в сфере информационной деятельности. Вестн.МГУ. №3. 2004.
32. Почепцов Г. Теория и практика коммуникации. –М.: ЦЕНТР, 1998.
33. Бахтин М. Эстетика словесного творчество. – М.: Политическая литература. 1979.
34. Солиева М. Марказий Осиё халқлари малания-тининг шаклланишида ижтимоий коммуникацияларнинг ўрни (IX–XVI асрлар). –Т.: Фан ва технология. 2010.
35. Засурский Я. Социологические аспекты журналистской науки. Вестник МГУ. №1. 2006.

36. Рякин С. Воссоздать журналистику как общественное благо. Журналист. №1. 2011.

37. Аничкин А. Информационное поле брани. Журналист. №7. 2011.

38. Богданов В. Профессия сегодня предъявляет высокие требования к журналистам. Журналист. №9. 2011.

39. Журналист. №5. 2011.

40. Мўминов Ф., Нурматов А. ва бошқ. Жаҳон журналистикаси тарихи (Тузатилган иккинчи нашри). – Т.: 2008.

41. Дунас Д.В. К вопросу о классических функциях и теории СМИ. Вестник МГУ. №4. 2011.

42. Сеидов Ш.Г. Информационное общество и изменения внешнеполитических отношений в современном мире. Право и политика. №1. 2008.



---

# ҲАЁТ, МАТБУОТ

ВА МЕНТАЛИТЕТ:  
ЯНГИЛАНИШЛАР  
СИЛСИЛАСИ

Ҳаётнинг улкан ҳикматларидан ва ҳар бир инсонга хос бўлган майл – бошқаларга таъсир ўтказиш. Қандай бўлмасин, давр – таъсир ўтказиш эпини топганники. Оммавий ахборот, оммавий мулоқот борасида эса борни бор қиладиган ҳам, йўққа чиқарадиган ҳам таъсир ўтказиш. Фақат бундай таъсир ўтказиш илм, тажриба, маҳорат, санъат ва яна...

учинчи  
БОБИ



---

**Мулоқот**  
ўрнатиш илми ва истиқболи

**Текширувга**  
муҳтож текширув

**Газетанинг**  
қиёфаси

**Муаммо**  
туғдираётган қулайлик

**“Сариқ” ижоднинг**  
моҳияти... асорати

## МУЛОҚОТ ЎРНАТИШ ИЛМИ ВА ИСТИҚБОЛИ

*Мақсад аниқми? Йўналиш ва услуб-чи?*

Республика телевидениесида намойиш этилган «Ҳангома» томошаларидан бирида ажойиб сахна намойиш этилди: оддий бир қишлоқ кишиси (унинг образини актёр Шерқўзи Ғозиев қиёмига етказиб ўйнади) ҳовлисидаги чорпоёда газета ўқиб ўтириб, тўсатдан хотинига дағдаға қила кетди:

- *Лампочка топиб чиқ!* – дея ўшқирди у.
- *Лампочкани нима қиласиз?* – ҳайрон бўлди аёли.
- *Оғзимга тиқиб кўраман, опчиқ!*
- *Вой, ўлиб қўя қолай, жинни-пинни бўлдингизми? Нега оғзингизга лампочка тиқасиз?!*
- *Сенинг ишинг бўлмасин, газетада ёзибди – одамнинг оғзига лампочка бемалол кириб чиқармиш.*
- *Чиқмаса-чи?!*
- *Маҳмадана бўлма, сен биласанми, газетми? Бир нарсани билгандирки, ёзган!..*

Бу шунчаки майнабозчилик эмас, тагида зили бор ҳазиллардан. Биз назарда тутаётган «зил» – газетхоннинг газетага ишониш-ишонмаслиги! Дарҳақиқат, кўпчилик матбуотга, жумладан газетага ишонади, унда нима ёзилган бўлса, тўғри деб қабул қилади. Худди шундай ишонч билан аҳоли телеэкрандан кўз узмайди, радио тўлқинларидан узоқ кетмайди.

Бу – журналист сўзининг салмоғи, ҳурмати бор дегани. Фикрни янаям чуқурлаштирсак, матбуот ва аудитория ўртасида ўзаро ишонч муҳити яхши шакланган дегани.

Газета газетхон билан, журнал журналхон билан, радио-телевидение радиотингловчи ва телетомошабин билан тирик. Дунёда фаолият юритиб турган ҳар қандай оммавий ахборот воситаси ўз аудиториясининг кенгайишига, мумкин қадар кўпроқ мухлис орттиришга ҳаракат қилади. Шу мақсад йўлида бор имкониятларини ишга солади. Бироқ кенг омма орасидан кўпроқ одамларни жалб этиш – аудитория миқёсини кенгайтириш ўз-ўзидан амалга ошмайди.

Ҳозирги шароитда ҳар қандай (босма, радио, теле, интернет ва ҳоказо) нашрнинг харидорини топиш ва кўпайтириш тушунчаси анчагина ўзига хос муаммолар, масалалар билан боғлиқ.

Шўро даври журналистикасида, дейлик, газетада қизиқарли мақолалар чиқиб турса бас, уни кўпчилик ўқийди, деган тушунча бор эди (Бундай ёндашув бошқа ОАВ, жумладан, телекўрсатув ва радио-эшиттиришларга ҳам тааллуқли бўлган). Эндиликда ана ўша «қизиқишни қозониш» ёки «қизиқарли мақола» тушунчалари мазмунан ўзгариб кетди. Мисол тариқасида айтилса, илгари 100 000 одам уч-тўрт хил мавзуга қизиққан бўлса, эндиликда шунча одамни ўн-йигирма хил (эҳтимол, бундан-да кўп!) мавзу қизиқтирмақда. Бошқача айтганда, ахборот индивидуаллашмоқда. Шундан келиб чиқиб, илгари ўша 100 000 одам битта ё иккита нашр мухлиси ҳисобланса, эндиликда улар ўнта-йигирмата ахборот воситаси орқали ўз маънавий эҳтиёжларини қондирмоқдалар. Газета-журналларнинг сони кўпайгани сайин уларнинг адади камайиб кетаётганлиги сабабларидан бири ҳам шу туфайлидир.

Масаланинг бошқа мутлақо янги жиҳатлари ҳам бор. Гап шундаки, бозор муносабатлари, ахборотнинг товарлашуви, кишилардаги қизиқиш доирасининг кенгайиб бораётгани, умуман ижтимоий-сиёсий ва дунёқарашдаги янгиланишлар даврида ОАВ



фаолиятини ташкил этиш алоҳида сиёсат, алоҳида маҳорат масаласига айланди.

Шўро даврида ОАВ махсус устав ёки низом асосида фаолият юритмаган. Бунга ҳожат ҳам бўлмаган, чунки қанча ОАВ бўлса, уларнинг бари битта «устав» – комфирқа чизган чизиқдан чиқмаган. Мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлардаги муҳим янгиликлардан бири ҳар қандай оммавий ахборот воситаси ўз фаолиятини махсус қабул қилинган, муассислар томонидан тасдиқланган низом асосида ташкил этиши белгилаб қўйилди. Низомда жумладан, ОАВнинг йўналиши, мақсад ва вазифаси ҳақида маълумот бўлиши шарт. Янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг «Таъсис шартномаси» деб номланган 10-моддасида низомда таъсис этилаётган ОАВнинг мақсади, ихтисослашуви кўрсатилиши зарурлиги белгиланган [1. Б.25-38]. Айни шу шарт «Таҳририят устави (низоми)» деб номланган 11-моддада ҳам бор [1. Б.25]. «Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза» деб номланган 20-моддада «мақсад ва вазифалар, ихтисослашув» учинчи бор кўрсатиб ўтилмоқда.

Ҳар бир ОАВ ўз низомида белгилаб қўйилган мақсад-вазифаларга қандай йўллар билан эришмоғини ҳам аниқлаштириб олмоғи зарурлиги хусусида бормоқда сўз. Бу масала замонавий матбуотшунослик соҳасида «ахборот сиёсати», «оммавий коммуникация стратегияси» сингари тушунчалар билан қамраб олинмоқда. Айтилмоқчики, ҳар бир ОАВ кенг омма билан мулоқотга киришар ва мумкин қадар ўз аудиториясини кенгайтиришни истар экан, ўз ахборот сиёсатини ишлаб чиқмоғи, ўзига «қарашли» омма билан тил топишмоғи даркор.

Эътибор қилайлик, ОАВнинг тури, мақсади ва ихтисослашуви бир қарашда ОАВнинг умумий йўналишини белгилаб беради, холос. Бу тушунарли,

лекин масалага чуқурроқ қаралса, ОАВнинг мақсади, ихтисослашуви аудиториянинг қамровини белгилаб олиш деган мазмунни англатади. Яъни, оммавий ахборот воситаси кимларга мўлжалланган, кимларни – қайси ёшдагиларни, қайси касб-кор эгаларини, қайси жинсга мансуб кишиларни, асосан қайси мавзулар доирасида, қайси йўналишда ўз теварагига жамлашни мақсад қилиб қўйган?

Оммавий ахборот воситасини ташкил этишда муассис ҳам, таҳририят жамоаси ҳам мазкур саволлар жавобини ўзлари учун жуда аниқлаштириб олмақликлари катта аҳамиятга эга.

Моҳиятан олиб қаралганда, ҳар қандай оммавий ахборот воситаси муайян доирадаги муаллифлар учун фикр айтиш, сўз айтиш минбари, қолаверса жамиятнинг муайян қатлам вакиллари билан мулоқотга киришув имконияти ҳисобланади. Айни вақтда у жамиятнинг муайян доирадаги муштарийлари, яъни омма вакилларини жамият ҳаётида фаоллашувига даъват этувчи – воситачилик вазифасини ҳам адо этади. Бу даражадаги юқори мақомга кўтарилиш учун эса ушбу бобнинг бошланишида келтирилган мисолдаги сингари фуқаро оммавий ахборот воситасига ишонмоғи зарур!

Замонавий оммавий коммуникация технологияларини, жамиятда кечаётган мулоқотлар, муносабатлар жараёнидаги ўзига хосликларни ўрганмай туриб эса ишонч қозонишнинг иложи йўқ.

Ишонч қандай қозонилади ва бунга эришмоқлик учун нималар қилмоқ керак?

Сўзни муаммонинг аввалидан бошлаш учун муайян газетанинг (бунда умуман ОАВ, жумладан журнал, радио-теледастурлар, ОАВ мақомидаги интернет чиқишлари назарда тутилмоқда) ададида доир мулоҳазаларга тўхталишга тўғри келади.

Миллий журналистикамиз амалиётида босма нашрларнинг адади энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Тўғри, ҳақиқатан ҳам адад



кўрсаткичидан келиб чиқиб, исталган ОАВ ҳақида бир талай хулоса чиқариш мумкин. Бироқ обуначилар сони фалон мингдан ошиб кетди, деб хотиржам тортиш, масалани ҳал бўлди, деб ҳисоблаш тўғри эмас. Ададни ифодаловчи рақамнинг ўзи ҳали аудитория ишончи тўла қозонилганидан далолат бўла олмайди. Чунки адад ҳақида сўз очилдими, ҳақли равишда изма-из яна бир неча савол туғилади: чоп этилаётган ва муштарийлар орасида тарқалаётган ўша адад газетхонлар, журналхонлар томонидан нечоғли ўқилмоқда? Ўқилган тақдирда, ўқувчилар уларга қанчалик ишонмоқда? Баён этилган қарашларга, нуқтаи назарларга кимлар қанчалик қўшилмоқда? Қанчалик қабул қилишмаяпти? Ва ниҳоят, бу йил нашрни мунтазам олган ва уни ўқиб борган муштарий келгуси йил учун ҳам обуна бўлиш истагидами ёхуд нашр билан орани очди қилмоқчими?..

Нуфузли идора раҳбарини кутиб ўтириб, қабулхона жавонида уюлиб кетган газеталар тахламини варақладим. Республика миқёсидаги олтита газетага обуна бўлинган, лекин уч ой мобайнида идорага почта орқали келган газеталар тахлами қандай келган бўлса шундайлигича турибди. Уларни ҳеч ким очиб кўрмаган, ўқимаган.

Бу нимани англатади?

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шўрат Жабборов кўнчаклик билан ёзган мақолаларида мазкур саволга жавоблар излаган. «Модомики, – деб ёзади у «Ўхшатиб ёзайлик-да!» сарлавҳали туркум мақолаларидан бирида, – газеталарни изчил ўқийдиган муштарийлар камайиб бораётган экан, балки газетхонларни биз, журналистлар жалб қилолмаётгандирмиз.

... Машҳур хонанданинг бир қўшиғида «Сен мени ишонтир» деган сўзлар бор. Эҳтимол, биз журналистлар ўз газетхонларимизни ишонтира олмаётгандирмиз?! Балки «ишонч кредитлари» тобора ка-

майиб бораётгандир?! Ўзимизни оддий газетхоннинг ўрнига қўйиб кўрсак, баъзи газеталарни бирикки дақиқада кўз югуртириш билан чекланмаямизми?!» [2. Б.62, 63].

Демак, ҳатто газеталаримизнинг фаолият юритаётгани, ҳатто фалон ададда обуначиларга тарқалаётганидан хулоса чиқаришга шошилсак, ўзимизни ўзимиз алдаб-чалғитиб қўйган бўламиз. Чунки жиддий савол кўндаланг бўлади: газетадаги мақолалар ўқиляптими? Улар муштарийларда кизиқиш уйғотмоқдами? Газетхонлар ўзларини ташвишлантирган саволларга, муаммоларга жавоб ва ечимлар топа-яптиларми? Ва ниҳоят, газетхонлар ўз фикр-мулоҳазалари билан газета саҳифаларига чиқишлар қила-яптиларми?

Ҳар бир газета, ҳар бир ОАВ бу каби саволларга аниқ ва нечоғли аччиқ бўлмасин, ҳаққоний жавобларни топмоғи зарур. Шундагина у ҳақиқий маънодаги ОАВга айланади. Ҳақиқий маънода ЎЗ мухлисларига эга ҳисобланади.

Хорижий тажрибадан маълумки, кўпгина тараққий этган давлатларда мавжуд бўлган «адад комиссияси», «адад хизмати» қатор молиявий муносабатларга ойдинлик киритиш билан бир вақтда, соҳада вужудга келиш эҳтимоли бўлган ижодий, маънавий, ташкилий муаммоларни бартараф этиш юзасидан йўл-йўриқ ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифасини адо этади. «Медиаметрия» деганда ОАВнинг аудиторияси ва мундарижасини мунтазам ўрганиб, таҳлил этиб бориш билан шуғулланувчи мана шундай комиссия фаолияти назарда тутилади.

«Медиаметрия, – деб ёзади И.Д.Фомичева, – ОАВ аудиториясини (асосан) ва мундарижасини (аҳён-аҳёнда) мунтазам равишда ўрганиш соҳасидир. Аудиторияни тадқиқ этиш асносида ОАВдан фойдаланувчилар ва уларнинг оммавий ахборот каналларидан фойдаланишлари ҳақида холис хулосалар чиқарилади» [3. С.5].



Бизда эса «аудитория» тушунчасига ҳозирча етарли даражада ойдинлик киритилмаган. Аслида «Аудитория – муайян нашрни ҳар куни ўқийдиган кишилар сонининг ўртача кўрсаткичидир» [4. Б.65]. Тўғри, бундай кўрсаткичларни аниқловчи мониторинг хизматини ташкил этиш осон кўчмайди, лекин эндиликда деярли барча ОАВ таҳририятларида шаклланиб бораётган маркетинг бўлимлари ўз фаолиятларини мана шундай замонавий талаблар асосига қуришлари ҳаётий эҳтиёжга айланиб бораётганини ҳисобга олишларига тўғри келади.

ОАВнинг тури, мақсади ва ихтисослашуви, бир қарашда, ОАВнинг умумий йўналишини белгилаб бераётгандек. Масала моҳиятига чуқурроқ қаралганда эса, ОАВнинг мақсади, вазифалари ва ихтисослашуви аудитория қамрови, кўлами ва доирасини белгилаб олиш деган маънони англатади. Яъни, оммавий ахборот воситаси кимларга мўлжалланган, кимларни – қайси ёшдагиларни, қайси касбкор эгаларини, қайси жинс вакилларини, асосан қайси мавзулар доирасида, қайси йўналишда ўз теварагига жамлашни мақсад қилиб қўйган?

Оммавий ахборот воситасини ташкил этишга киришган муассис, қолаверса, таҳририят жамоаси мазкур саволларга жавобларни аниқлаштириб олоқлиги муҳим аҳамиятга эга. «Аудиториянинг аҳамияти – журналистлик касбининг ўзак масалаларидан ҳисобланади, – деб ёзади мутахассис И.Тхагушев, – профессионал журналист «аудитория туйғуси»ни ҳис этмоғи керак» [5. Б.39].

«Аудитория туйғуси» деган тушунча «қизиқишни қозониш» ёки қизиқарли материаллар чиқариш билан кифояланишдан кўра бирмунча кенг, бирмунча илмий-интеллектуал тушунча. Мухтасар қилиб айтганда, аудитория туйғуси аудитория ишончини кенг маънода қозонмоқ демакдир. Кенг омма ишончини қозониш – муассис ва таҳририят жамоаси зиммасидаги ташкилий-интеллектуал савий-ҳаракат-

лар мажмуасидир. Таҳририятнинг ахборот сиёсати оммавий коммуникация стратегиясидир.

Ушбу мажмуа ва стратегия оммавий ахборот воситасининг рақобатбардошлигини таъмин этувчи барча босқичдаги жамики омилларни қамраб олади. Чунки ҳамон аудиториянинг кенглиги, яъни оммавийлик, биринчи навбатда, ишонч қозонишдан бошланар экан, буни аниқлаш муттасил мониторинг, социологик таҳлил ва қиёсий кузатувлар олиб боришни тақозо этади.

Мисол тариқасида аудиториянинг нашр матнига муносабати муаммосига тўхталиш мумкин. Яъни, газета саҳифасида босилаётган матн – материаллар мавзуси, тили, ифодаси, услуби, оҳанги ва ҳоказолар – кенг ўқувчилар оммаси томонидан нечоғли қабул қилинмоқда? Ҳар бир оммавий ахборот воситаси мазкур саволга конкрет жавобга эга бўлмоғи ва «аудитория туйғуси» стратегиясини ушбу жавоблардан келиб чиққан ҳолда белгиламоғи замонавий оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этиш стратегияси соҳасидаги энг муҳим ва жиддий аҳамиятга молик, айниқса иқтисодий асосларга бевосита дахлдор масалалардан ҳисобланади. «Матн аудитория томонидан «қабул қилинган» чоғдагина бунга (аудитория билан коммуникатив мулоқотга) эришилади. ...Коммуникация фанида «қабул қилиш» атамасида реципиентнинг унга тақдим этилган матн билан ички келишуви назарда тутилади» [6. Б.98].

«Ички келишув»ни устоз шоиримиз Эркин Воҳидов қуйидагича талқин қилади: «Газеталар икки хил бўлади. Бир хили ором беради, бир хили оромингни олади. Газеталар борки, уларга кўз ташлаб қўйсанг кифоя. Ўқиб ҳам ўтирмайсан. На тафаккурингда, на қалбингда уларга эҳтиёж бор. Вақтинг ҳам, асабинг ҳам кетмайди. Қандоқ яхши!

Газеталар борки, қўлга олсанг ҳаммасини ўқишга мажбурсан. Ўйлайсан, ҳаяжонга тушасан, виждонинг уйғонади, изтироб чекасан» [7].



Кўринадики, кенг омма қизиқишини қозониш, «аудитория туйғуси», матннинг ўқувчилар томонидан қабул қилиниши ўзига хос яхлит ва мураккаб тушунча даражасига кўтарилмоқда. Таъкидлаш зарурки, бундай тушунча қанчалик назарий аҳамиятга эга бўлса, у шунчалик амалий аҳамият ҳам касб этади. Бундай мақомга эришишнинг таг замини, пойдевори эса яна... аудиториянинг ОАВга бўлган ишончидан бошланади, шу ишончда давомли равишда мустаҳкамланади. Бундай даражаларга эришилмаган ҳолатларда эса ОАВни оммалаштиришга қаратилган барча саъй-ҳаракатлар беҳуда кетади.

Мана шу сингари кўплаб саволларга ижобий жавоб топиш учун ҳар бир ОАВ ўз ахборот сиёсатини, оммавий коммуникация стратегиясини ишлаб чиқмоғи керак бўлади. Бу борада ҳеч бир омил эътиборсиз қолдирилиши мумкин эмас. Чунончи, ОАВнинг йўналиши, воқеа-ҳодисаларга муносабати, уларни ёритиш услуби, уларга ёндашуви, талқин ва таҳлил йўсини газетхон психологиясига жиддий таъсир кўрсатади. Ҳатто саҳифалар дизайни, сарлавҳа, тагсарлавҳа, рукилар учун танланадиган шрифтлар, фото ва бошқа безаклар, қайси саҳифага қандай руҳдаги материалларнинг жойлаштирилишигача – ҳамма-ҳаммаси аудитория эътиборини қозонишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Санаб ўтилган омиллардан келиб чиқиб, матбуотшунос мутахассислар ОАВни уч тоифага ажратишмоқда. Биринчиси – муштарийларни манипуляция «исканжаси»га олувчи, иккинчиси – муштарийлар билан тенгма-тенг мавқеда мулоқот ўрнатиш йўлини танлаган, учинчиси – муштарийларга нисбатан пассив нуқтаи назарни эгаллаган оммавий ахборот воситалари. Масалан, ижтимоий-сиёсий йўналишдаги нашрларда ахборотни воқеликка сиёсий тус берилган ҳолда оммага етказиш истаги устунлик қилса ҳамда услуб, тил, ифода йўсини ҳам шунга кўра танланадиган бўлса, сиёсий партия

нашрларида газетхонларни ўз томонига оғдиришга (манипуляцияга) уриниш сезилиб туради. Оммабоп нашрларда эса муштарийлар билан тенгма-тенг савияда, ҳатто улардан паст савияда мулоқотга киришиш муҳитини яратишга уриниш яққол кўзга ташланади: биринчидан, муштарийларни қизиқтирган мавзуларни ёритади, иккинчидан, уларни мулоқотга киришишга ундайди. Бундай тенглик ва очиқлик ўртада самимий психологик муҳитни вужудга келтиради. Кўнгилочар газеталарнинг оммалашуви сирларини аслида шу сабаблардан излаш маъқул назаримизда. Зеро, замон кишилари руҳиятидаги ўзгаришлар таҳлил қилинадиган бўлса, одамларда ўзгаришларнинг қарашларига пассив бўйсунитишни истамаслик майли кучайган. Бошқача айтганда, замон ўзгаришлари, шунингдек, кишиларнинг ўз тақдирини, ўз ҳаётини йўлини ўзи белгилаш, ўзи қуриш кенг тус ола боргани сайин улар руҳиятида мустақиллашув кайфияти қарор топиб бормоқда, бунинг натижасида одамларда тенгма-тенг ва очиқ мулоқотга – диалогга мойиллик анча кучаймоқда. Одамларда объект эмас, субъект бўлиш истаги устуналик қилмоқда.

Ишончни қозониш учун эса мухлис ё муштарий оммавий ахборот воситасидаги чиқишларда ўз орзу-ҳавасларига, ўзида туғилаётган саволларга жавоб топмоғи керак. Бу – бир. Иккинчидан, мухлис ё муштарий ўзи ишонган ОАВда ўзининг дўсти, ҳаммаслаги, ҳамфикрини топмоғи зарур.

«Аргументы и факты» газетаси фаолиятини махсус тадқиқ қилган Е.Гурованинг ёзишича, газета ўқувчилар билан тўла мулоқотга киришиш мақсадида вазмин ва хайрихоҳ суҳбат оҳангини, шунингдек матн учун оддий халқнинг оғзаки муомала тили, лаҳжасини танлаган [8. С.47]. Бу сўзлар А.Герценнинг ўлмас «Кечмишлар ва ўйлар» асарида тасвирланган бир лавҳани ёдга солади. Унда шоир Сергей Глинка ўзи ёзган шеърини «минг саккиз юз

ўн иккинчи йил товушида» ўқий бошлайди [9. С.172]. Бу бежиз эмас, зеро даврларнинг, замонларнинг, жамиятда ҳукм сураётган муҳитнинг ҳам товуши, оҳанги бўлади. Кенг омма қалбига йўл топиш истагидаги журналист, таҳририят ана шу товушни, оҳангни топа билмоғи жуда-жуда муҳим шартлардан биридир.

Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида маъруза қилган давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги қонун яратилишининг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталди [10]. Ҳақиқатан ҳам жамиятни эркинлаштириш ва бозор муносабатларига ўтиш жараёнлари ҳар қандай юридик мақомдаги оммавий ахборот воситалари олдига ана шу жараёнларга мослашиш, хусусан, ОАВнинг иқтисодий асосларини таъмин этишнинг бош омилларидан ҳисобланмиш аудиторияни кенгайтириш борасида аҳамиятсиз омилу, аҳамиятсиз масаланинг ўзи йўқлигини кўрсатади.

Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам ер юзини ғайритабиий қудратга эга одамлар босиб кетди. Қаерга қараманг, бир авлиё бор-да! Битта Кашпировский нима кароматлар кўрсатганини эслайлик...

Охирзамон даракчилари кўпайди... Қачон зилзила бўлишининг «аниқ» башоратчилари чиқди... Кафтини бир сирмашда аъзои бадандаги барча хасталикларни суғуриб оладиганларни айтмайсизми?!

Энг алам қиладиган жойи, шундайларнинг бари матбуот орқали омма назарига тушди. Уларни машҳур қилиш учун биз, журналистлар беармон тер тўқдик.

Бош муҳаррир дўстларимиздан бири ҳасрат қилиб, сенсация бўладиган экстрасенслар камайиб кетди, деб қолди.

Мен унга эътироз билдирдим:

– Экстрасенс камайганлигининг асосий сабаби – одамлар энди ундай кароматгўйларга ишонмай қўйди.

Матбуотнинг, журналистнинг савобли вазифаси, бурчи айни шу ўринда ойдек равшан кўринади. Яъни, матбуот кенг оммани чалғитувчи, алдовчи олди-қочдини эмас, асосли ва реал воқеликни ёзиш йўли билан ҳам кўпчиликнинг ҳурмати ва ишончини қозониши мумкин. Зеро, энг катта сенсация – ахборотнинг тўғри, аниқ ва холислигидир! Асоссиз сенсация билан бугун эътибор қозонган матбуот ҳам, журналист ҳам эртага бебурд ва мулзам бўлиши шубҳасиз.

Қиссадан ҳисса шулким, матбуотимиз оғзига лампочка сиғиш-сиғмаслигидан маслаҳат берувчига айланиб қолишини ҳеч ким истамайди, чунки ҳаётимизда халқимизга айтадиган, айтишимиз лозим бўлган гаплар истаганча топилади...

«Ҳар кишига сўз айтур бўлсанг қарағил, ул сенинг сўзингга харидорму ёки харидор эмасму? Агарда уни сўзингга харидор топсанг, унга сўзингни сотғил, йўқ эрса, ул сўзни қўйиб, шундоқ сўз деғилким, унга хуш келсин ва сенинг сўзингга харидор бўлсин» [11. Б.41].

Бундан минг йилдан муқаддамроқ яратилган «Қобуснома»да келадиган бу ўғитни ҳеч иккиланмай ҳозирги оммавий ахборот воситалари фаолиятига татбиқ этиш мумкин. Чунки дунёда ўз аудиториясини кенгайтиришга ҳаракат қилмайдиган бирорта оммавий ахборот воситаси йўқ, бўлмайди ҳам. Оммабопликни таъминлашнинг бирламчи шарти эса Кайковус бобо айтмоқчи, сўзингга харидор топиш!

## ТЕКШИРУВГА МУҲТОЖ ТЕКШИРУВ

Қонун «кашф» этган янгилик

Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан 1997 йил апрелида қабул қилинган «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддаси «Журналист текшируви» деб аталган [12. Б. 47-48]. Модда «Журналист ахборот тўплаш ва текширув ўтказиш ҳуқуқига эга» деб бошланади. Мана шу гапнинг маъносига изоҳ беришга тўғри келади.

Журналист ҳар қандай мақола, хатто икки энлик ахборот ёзиш учун ҳам биринчи навбатда, ахборот тўпламайдими? Тўплайди. Таҳлилий-танқидий мақолалар ёзиш ниятида текширув ўтказмайдими? Ўтказди. У ҳолда тилга олинган қонуннинг, ундаги 9-модданинг янгилиги, фавқулоддалиги нимада?

Қонун журналистларимизнинг азалий фаолиятини, жумладан, эмин-эркин ахборот тўплашини, бу ўринда муҳими, журналист текширувини ўтказишини ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамламоқда. Барча соҳаларда қонун устуворлигини қарор топтиришга киришилган жамиятда бундай ҳуқуқ журналист учун, айтиш мумкинки, катта имкониятлар яратади. Бундай имконият журналист учун исталган соҳада, исталган мавзу ва йўналишда ахборот тўплашга ва текширув бошлашига йўл очади.

Яна савол туғилади: журналист қандай мақсадларда ахборот тўплайди ва текширув ўтказиши?

Биринчи навбатда, ёзиш (кўрсатиш ёки эшиттириш) мақсадида! Ёзишдан кўзланган мақсадга ойдинлик киритиш учун эса «журналист текшируви» тушунчасига аниқлик киритиш зарур бўлади.

Хориж журналистикасида журналист текшируви жанри 100 йилдан кўпроқ тарихга эга. Лекин у ҳақдаги маълумотлар бизнинг минтақаларга асосан мустақиллик йилларидагина етиб кела бошлади. Жумладан, таниқли инглиз журналисти Д.Рэндалл-

нинг 1996 йили чоп этилган «Универсальный журналист» китобидаги жанр хусусиятига доир таърифлар ўзбек журналистикаси жамоатчилиги орасида оммалашди [13]. Матбуотшунос-ҳуқуқшунос Карим Баҳриев республикамизда биринчилардан бўлиб журналист текшируви мавзусидаги мулоҳазаларини чоп этди [14]. Профессор Файзулла Мўминовнинг «Журналистское расследование» ўқув қўлланмаси республикамизда ушбу мавзуга бағишланган дастлабки рисола ҳисобланади [15]. Журналист-тадқиқотчи Тошпўлат Раҳматуллаев ҳам шу борада жиддий изланишлар қилди [16].

Мутахассис олимларнинг ёзишларида, журналист текширувининг 3 та бош белгиси бор, булар – ахборот ва маълумотларнинг шахсан муаллиф томонидан тўпланганлиги, масала-муаммонинг журналист ўргангунга қадар кимдир ёки қандайдир ташкилотлар томонидан ғайриқонуний равишда сир тутилганлиги, мавзунинг жамият аъзолари учун ниҳоятда муҳимлиги.

Ўйлаб кўрилса, қадимдан анъанавий саналган очерк, лавҳа, фельетон, памфлет сингари жанрларда ёзиш учун ҳам муаллифлар факт ва маълумотлар тўплашган, у ёки бу даражада кўздан яшириб келинган ёки кенг жамоатчиликдан сир тутилган жиноятлар, иллатлар фош этилган, уларни матбуот орқали эълон қилиш, табиий, кенг жамоатчилик манфаатлари нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланган. Шу маънода журналист текшируви ўзбек журналистикаси учун мутлақо янгилик эмас, албатта. Бунга К.Баҳриев ҳам таъкидлаган. «Инглиз-саксон журналистикаси орқали посткоммунистик журнализм майдонига кириб келаётган «журналист текшируви» ибораси гарчанд ўзбек журналистлари учун янги бўлса-да, – деб ёзади у, – жараённинг ўзи янгилик эмас» [14. Б.22]. Бироқ, нима бўлган тақдирда ҳам Д.Рэндалл айтмоқчи, журналист текшируви журналистикада мавжуд бўлган барча жанр-





лардан фарқ қилади. Бу фарқ танланган мавзунинг жамият ҳаёти учун бўлган муҳимлигида, унинг фавқулодда усумлар билан фош этилаётганида ва муаллиф шахси, нуқтаи назарининг мустақамлигида кўринади.

Санаб ўтилган уч омил замиридан икки муҳимдан-муҳим жиҳат келиб чиқади. Биринчи жиҳат – журналист текшируви орқали, аввало, жамият ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга муаммо жамоатчилик (кенг омма) эътиборига ҳавола этилади. Сўз юритилаётган қонунда бунга алоҳида имконият яратилган. Яъни, «Журналист ўз текширувларининг натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишга, уларни давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин» [12. Б.47-48].

Тўғри, ҳеч бир журналист маҳорати, куч-ғайрати, фурсатини сарфлаш эвазига тўплаган текширув натижаларини қайсидир ташкилот ёки мансабдор шахсга икки қўллаб тутқазмайди. Такрор айтамиз: у матбуотда эълон қилиш учун текширув ўтказди, ўтказган текширувларидан келиб чиққан хулосалари асосида мақола ёзади. Мақоласининг тепасига «Журналист текшируви» рўқнини қўяди. Бордию, текширув натижаларини бирор юқори идора ёки тегишли ташкилотга топшириш нияти бўлган тақдирда ҳам ёзганларини дастлаб ОАВда эълон қилади, шундан сўнггина унинг нусхасини, зарурат туғилса, қўшимча ҳужжатлар билан тегишли идора ҳукмига ҳавола этади. Шундагина у чинакам маънодаги журналист текширувини ўтказган ҳисобланади. Чунки ҳамон журналист текширувидан кўзда тутилган бош муддао жамиятнинг бирор соҳасидаги, жабҳасидаги мавжуд муаммога кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш экан, борди-ю текширув натижалари ОАВда эълон қилинмай, кимгадир ёки

қаергадир топширилса, муаммо кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилмагани учун ҳам том маънодаги журналист текшируви талаблари тўлиқ бажарилмай қолган ҳисобланади.

Иккинчи жиҳат – журналист текшируви жараёнида журналист шахси марказий фигура даражасига кўтарилади. У ўзи ўрганган, таҳлилу тадқиқ қилган муаммо объекти билан тегишли идора, ташкилот ўртасида воситачилик вазифасини ўтайди. Муаммо ва уни бартараф этиш оралиғидаги занжирнинг марказий ҳалқасига айланади.

Бора-бора текширув йўналишида ихтисослашган журналист ҳеч бир муболағасиз жамиятнинг илғор, фаол ва фидойи шахси даражасига кўтарилади.

Тилга олинган қонун моддаси моҳиятидаги гуманизм журналист ўз зиммасидаги мазкур икки миссияни хавфу хатарсиз амалга оширишини ҳифзи ҳимоясига олганлигида кўринади. Модда ниҳоясидаги «Журналист текшируви даврида у қўлга киритган материаллар ва ҳужжатлар олиб кўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас», деган [12. Б. 48] ҳуқуқий меъёрлар журналист шахси ва меҳнатини қадрлаш, шу орқали умуман журналистика ҳамда матбуот нуфузини ошириш ва мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Дарҳақиқат, журналист тўплаган маълумотлар унинг шахсий мулки ҳисобланади, демократик жамиятда эса шахсий мулк – дахлсиз. Ушбу дахлсизлик мақоми журналистнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлайди, қолаверса, унинг тилини бийрон, кўлини узун ва оёғини чаққон қилади.

Сўз юритилган мухтасаргина 9-модданинг мазмун-моҳияти асосан шулардан иборат. Қонун қабул қилинган, етти-саккиз йил мобайнида журналист текшируви республикамизнинг кўпгина босма нашрларида рўкн сифатида назарга тушди. Эълон қилинган мақолалар кўпроқ эътиборни торта бошлади, улар теварагида муайян баҳс-мунозаралар уйғонди, яъни

жамоатчилик фикри шаклланиши кузатилди. Диққатга сазовор жойи шундаки, журналист текшируви йўналишида ёзадиган, шунга ихтисослашаётган журналистлар сафи кўпайди.

Бир сўз билан айтганда, ҳозирги тушунчадаги журналист текшируви 1997 йил апрелида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун шарофати билан ҳам амалиётимизга, ҳам журналистика назариямизга кириб келди. Бинобарин, журналист текшируви йўналишидаги чиқишларни ҳам амалий, ҳам илмий-назарий нуқтаи назардан ўрганиш, тадқиқ этиш эҳтиёжи туғилди.

### Тиш суғуриш маҳоратига қиёс

Матбуотшунос Т.Раҳматуллаев мазкур мавзуга бағишланган чиқишларида журналист текширувига нисбатан «Эндигина алоҳида жанр кўринишини олиб бораётган» деган таърифни ишлатади ва «журналист текшируви деярли барча мамлакатларда мустақил жанр сифатида қабул қилингани»ни таъкидлайди [16. 2-сон]. Бундай қарашларга мойиллик ёш тадқиқотчилар чиқишларида ҳам кўзга ташланмоқда.

Жаҳон журналистикасида қандай қарашлар шаклланигандан қатъи назар бир ҳақиқат аёнки, бизда бу жанр ҳозирча у қадар шаклланиб улгургани йўқ. Аниқроғи, жанр даражасига кўтарилмади.

Журналист текширувининг бош хусусиятларидан асосийси айрим гуруҳлар манфаатига зид бўлган, лекин кенг жамоатчиликдан ғайриқонуний равишда сир сақланаётган муаммони атрофлича ва асосли ўрганиб, уни фош этиш, масалага кенг жамоатчилик диққат-эътиборини қаратишдан иборат. Бу борада мубоҳаса ортиқча. Лекин журналист текшируви муаллифи ўз мақоласи қаҳрамонлари сафида

туриши, у маълумотларни бевосита ўзи тўплаши ҳамда мақолада ўзи дуч келган қийинчилик ва тўсиқларни ҳам баён этиши шарт, деган қатъий талаблар бирмунча мунозарали. Жанр зиммасига бундай шартларни мажбурият сифатида юклаш қанчалик асосли? Қанчалик мантиқли ва табиий? Санаб ўтилган ёки шу каби бошқа шартларга риоя этилмаган бўлса, мақола журналист текшируви талабига жавоб бермаган ҳисобланадими?

Шу сингари саволларни бирма-бир ўйлаб кўришга тўғри келади. Чунончи, муаллиф мақолада тасвирланаётган қаҳрамонлари қаторида кўзга ташланиб туриши, эҳтимол материалнинг жонли, қизиқарли чиқишини таъминлаши мумкиндир. Лекин масаланинг бошқа нозик жиҳати ҳам борки, хизмат жараёнида муаллиф билан воқеа қаҳрамонлари ўртасида қутилмаган, ҳатто матбуот «қўтаролмайдиган» ҳолатлар юз бериши эҳтимолдан йироқ эмас. Уларнинг қайсилари мақоладан ўрин олади-ю, қай бирлари қоғозга тушмайди? Бир қисми қоғозга тушган тақдирда бу кейин қандай талқинларга, холис-нохолис мулоҳазалар келиб чиқишига сабаб бўлади?..

Қолаверса, журналист текшируви чоғида, айниқса танқидий-таҳлилий ўрганишлар асносида журналист ўзи қаламга олаётган қаҳрамонлар билан оралиқ масофа – дистанцияни сақлагани маъқул. Бу касб этикаси доирасида холисликни таъминлашда жуда-жуда асқотади.

Иккинчидан, хорижий ва миллий журналистика фанида текширувчи журналист маълумотларнинг асосий қисмини шахсан ўзи тўплаши шарт қилиб қўйилган. Гап йўқ, ҳар битта маълумотни муаллиф шахсан, ўз «қўли» билан битта-битталаб тўлаганига нима етсин?! Бироқ аксарият журналист текширувларида илмий таҳлил ва тадқиқот унсурлари яққол сезилиб туришини ҳам унутмайлик. Шундай экан, журналист зарур маълумотни истаган

манбадан олишга ҳақли: махсус адабиётлардан, матбуотдан, мутахассислардан, ташкилотлардан, ҳоказо ва ҳоказо. Дейлик, ош тузи таркибида йод моддасининг етишмаслиги жиддий ва хавfli ижтимоий муаммога айланиб бормоқда. Ушбу муаммони ўрганишга киришган ҳамкасбларимиз ҳозиргина санаб ўтилган ва ундан бошқа манбаларга мурожаат этишлари табиий.

Дейлик, журналист йод тақчиллигидан қандай асоратлар келиб чиқиш эҳтимолларини мутахассисдан сўраб билса, маълумотни ўзи топган, тўплаган ҳисобланмайдими? Унинг ўзи йод соҳаси мутахассиси эмас, мутахассисга айланиши ҳам шарт эмас. Ёзиш учун эса мутахассислар маслаҳатини олиши табиий.

Айтмоқчимизки, илмий адабиётлардан излаб топилган, мутахассислардан сўраб-суриштириб тўплаган маълумотлардан ҳам журналист текширувида бемалол фойдаланиш мумкин ва бу жанр табиати, талабларига зид келмайди. Жанрни йўққа чиқармайди.

Навбатдаги мунозара муаллифнинг ахборот тўплаш чоғида дуч келадиган тўсиқлар хусусида.

Журналист текшируви чоғида муаллифлар турли фавқулодда ҳолатларга тушишлари эҳтимоли катта. Хориж матбуотида кўзга ташланадиган аксарият текширувларда вазият қалтишлашди, ҳатто очиқдан-очиқ детектив тус олади (бунинг ажойиб намунасини америкалик машҳур адиб Артур Хейлининг «Оқшом хабарлари» романида ўқиш мумкин) [17]. Бизда у қадар қалтислик қайд этилмаган, журналистаримиз иш жараёнида рўпара келаётган ҳолатлар нисбатан анча тинч, беталофат. Мисол учун, республика миқёсида нашр этиладиган газеталаримиздан бирида ҳаммуаллифликда ёзилган «Нархдаги фарқлар ер билан осмонча» мақоласи босилди. Мақола «Венофер» дорисини излаш баёни билан бошланган. Бу журналист суриштирувиغا хос хусу-

сият. Тез орада бир хориж фирмасида тайёрланган битта дорининг нархи турли дорихонада ер билан осмонча эканлиги аниқланади. Муаллифлар шундан ҳамда дорининг ёрлиғида на ёзув, на сертификат белгилари борлигидан ажабланидилар, хусусий дорихонадагилар оғзига сиққанини сўрайверадилар, деган мулоҳазада нархдаги кескин тафовут сабабини дорихона сотувчисидан суриштирадилар. Сотувчи аҳволни тушунтириб беролмайди. Мақола муаллифлари «Дори-дармон» акциядорлик уюшмаси бошқаруви раиси муовинига мурожаат қиладилар. У кишидан «Хусусий дорихоналарни назорат қилиш бизнинг ваколатимизга кирмайди», деган жавоб олинади.

Шу тариқа ихчамгина мақолада туғилаётган беш-ўн савол очик қолади ва булар муаллифлар муаммони ўрганиш асносида учраган тўсиқлар сифатида талқин этилади. Башарти мақола муаллифи фавқулодда мушкул ҳолатларга тушса, боши берк кўчага кириб қолса, уни тушуниш мумкин, лекин сотувчи ёки бирор раҳбар шахс саволга жавоб беролмаган ёки беришни истамаган бўлса, бу ҳали матбуотда айюҳаннос солишга арзийдиган тўсиқ-тов эмас. «Фалончи жавоб бермади, саволимизга зарда қилди» қабилидаги ҳасрат-наломат, гина-кудурат билан журналист текшируви пайдо бўлиб қолмайди (келтирилган ўшбу мисолдаги ва АҚШ тарихида ўчмас из қолдирган Уортергейт текшируви муаллифлари ҳолатидаги қийинчиликларни таққослаб кўрайлик!). Текширувчи журналистнинг маҳорати ҳам, топқирлигию ўддабуронлиги ҳам ўзи қўйган саволга жавоб ола билишида кўринади. Йўқни йўндириб, маълумот олишни дўндириб салмоқли мақолалар ёзаётган таниқли журналистларимиз тажрибаси шундай ҳулоса ясашга асос беради.

Бошқа мисол: газеталарнинг яна бирида босилган «Илтимос, мухбир ака, ходимларнинг исмини ёзма!» мақоласида журналист П. Касби тумани-



даги Пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти, Нон ишлаб чиқариш очиқ ҳиссадорлик жамияти раҳбарларидан бир неча кун уриниб, ахборот ололмаганини ёзган.

Минг бир хил найранг ишлатиб, ахборот бермасликка уриниш ҳолатларига жамиятимизда буткул барҳам берилди, деб айтолмаймиз, албатта. Демократияга аллақачон зришганмиз дея кўксига урадиган давлатларла ҳам ким нимани сўраб келса, маълумотни дастурхон қилиб тўкиб ташлайверилмайди. Айтмоқчимизки, ўта зарур ахборотни вақтида ва батафсил ола билиш маҳоратини касал тишни оғриқсиз суғурувчи стоматолог шифокор маҳоратига қийёслаш мумкин. Қолаверса, раҳбар шахслар билан учрашиш, суҳбатлашиш, савол-жавоб қилиш маданиятини ўзлаштирамай туриб, журналист текширувини эплайман, дейиш хомхаёл.

Баъзан мухбирларимиз «Фалон ташкилот раҳбари ҳузурига боргандим, қабул қилмади», деган мазмунда ёзғиришади. Ўша раҳбарни ахборот беришдан ўзини олиб қочдига чиқаришади.

Бир зум шошмайлик, мухбир биродарлар, ўша раҳбар Сизнинг ташрифингиздан бохабар эдимиз? Учрашув вақти, мавзуси келишилгандими-йўқми?.. Тўппа-тўсатдан кириб келган мухбир гина қилмаса ҳам бўлади ахир, чунки каттадир-кичикдир раҳбарнинг ўзига яраша иш-ташвиши бошидан ошиб ётган бўлади, банд бўлади. Чунончи, келтирилган мисол таҳлил қилинса, мухбир раҳбар ходим билан учрашувни ташкил этишдаги ушбу оддий талабга риоя қилмаган, натижада бир неча кунни беҳудага совурган, иккинчидан, у бир неча қайта «Биз текширувчи эмаслигимизни, журналист эканлигимизни... тушунтирмакчи эдик, фойдаси бўлмади», деб ёзади.

Аввало, текширув ўтказаятган журналист ўз номи билан моҳиятан текширувчи эмасми? Тўғри, у прокурор, солиқчи ё нозир эмас, лекин қайсидир камчиликларни аниқлаш ва уларни оммага ошкор этиш

ниятида (!) ҳужжатларни титкилаш, раҳбарга кўндаланг саволлар ёғдириш ҳам текширув бўлмай, нима?! Икки корхона оstonасига танда қўйиб, раҳбар дийдорини учратишга беҳуда уринишдан муддао текширув бўлмаса, нима қилиб «Журналист ахборот тўплаш ва текширув (!) ўтказиш ҳуқуқига эга», деган сўзларни эслатдик» деб ёзади муҳбир?..

Кези келганда, яна бир нордонроқ ҳақиқатни очиқ тан олишга тўғри келади. Биз ҳуқуқий жамият қураёмиз, қонун талаблари асосида яшашга ўрганяёмиз. Лекин бу каттаю кичик қонунни сув қилиб ичиб юборди дегани эмас, кишиларимиз онгида, одатида қонундан кўра, муомала, муросага мойиллик анча кучли. Шундай экан, бирон жойга борганда, айниқса танқидий руҳдаги мақола ёзиш истаги билан мурожаат қилганда дабдурустан қонун ва унинг моддаларини рўқач қилиш сизу биз кутган самарани беравермайди.

Ҳар қандай ҳолат учун бирдек тавсия бериш қийин, лекин шуниси аниқки, журналист ҳар бир конкрет ҳолат-вазиятдан келиб чиқиб, бамисоли моҳир тиш суғурувчи шифокор янглиғ иш тутса, ҳар қандай ҳолатда ҳам энг сирли маълумотни, ахборотни «жон»ни оғритмайгина қўлга киритиши мумкин.

### Умумлашма тақчиллиги

Тугал маънодаги журналист текширувининг кенг йўлга қўйилгани матбуотнинг «тўртинчи ҳоқимият» мақомига кўтарилган-кўтарилмаганини, жамиятнинг эркинлик даражасини, фуқаролик жамияти қурилган-қурилмаганлигини белгиловчи муҳим кўрсаткич ва мезонлардан ҳисобланади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» тамойили фуқароларнинг жамият қурилишида фаол иштирокини тақозо этади. Фуқароларнинг



аксарият онгли қисми жамият тақдирида ўзини масъул ҳисобламас экан, дахлдорлик туйғусини фаоллаштирмас экан, ўзини ўзи бошқаришдек олий мақомга кўтарилиш орзулигича қолаверади. Албатта, жамиятда фуқароларнинг фаоллигини оширишга қулай муҳит яратмай туриб, бундай улкан мақсадга эришиш мумкин эмас. Қулай муҳит яратишнинг энг синалган оммабоп воситаси эса – оммавий ахборот воситалари.

Матбуот эркинлигини кўп гапирамузу, бунга эришишнинг аниқ йўл-йўналишлари мавжудлигини, уни аста-секин, босқичма-босқич ҳаётга татбиқ эта боришдан мақбул чораси йўқлигини мардона тан ола билмаймиз. Конкрет мисол – журналист текшируви!

Юқорида журналист текширувининг бош хусусиятларидан бири, яъни халқдан ғайриқонуний равишда сир сақланаётган муаммони батафсил, холис ўрганиб, унга жамоатчилик диққат-этиборини қаратиш эканлиги айтилади. Муаммо ечимларини кўрсатиш, унга сунъий тўғоноқ бўлаётганларни фош этиш. Айниқса, муаммоли ҳолат матбуот нашрлари орқали кенг жамоатчилик этиборига ҳавола этилди, ана шу жамоатчиликда ҳам гап кўп. Яъни, биргина (ёки бир неча) журналистнинг журналист текшируви натижасида бирон сирнинг фош этилиши ҳали ишнинг бошланиши холос. Бу ёғига жамоатчилик қандай муносабатда бўлмоқда? Бирор амалий чора кўрилмоқдами? Тегишли раҳбарий ташкилотлар олдига бирор масала кўндаланг қўйилмоқдами? Тегишли амалий жавоб талаб қилинмоқдами?

Бу сингари саволларга намуна бўларли даражада ижобий жавоб келтириш мумкин бўлган мисоллар йўқ ҳисоби...

Айрим мулоҳазалар билан ўртоқлашсак.

«Журналист текшируви» рукни остида ёки ушбу рукн руҳида яратилган мақолалар таҳлил этилса, қизиқ бир ҳолат кўзга ташланади.

Бизда бирорта конкрет ҳолатни текширув йўли билан батафсил ўрганиш тажрибаси кенг оммалашган. Ҳабибулло Олимжонов, Сафар Остонов, Турсунали Акбаров, Абдунаби Ҳайдаров, Қодиржон Собиров, Қурбон Эшматов, Акбар Жонузоқов сингари «текширувчи» журналистларнинг турли йилларда чоп этилган кўплаб мақолалари, одатда, битта шахс ҳаётида юз берган ҳодиса ёки бир муаммо билан боғлиқ ҳолатлар ўрганилишига бағишлангани билан ажралиб туради.

Тўғри, журналист текшируви йўсинида қалам тебратишга ҳар қандай журналист ҳам жазм этавермайди. Вилоят ва туман газеталарида ушбу рўкннинг кам учраши шундан далолат беради. Зеро, ушбу рўкн талабларига жавоб бўларли мақолаларнинг кўплиги нафақат матбуот сўзининг, шу билан бирга жамиятимизнинг эркинлашаётганидан, раҳбар ходимларда асосли танқидга кўникиш тўйғуси шаклланаётганидан далолатдир. «Аччиқ, аммо очиқ гаплар», «Бугуннинг гапи», «Тафсилот», «Тарози» сингари рўкнлар остида эълон қилинган аксари мақолалар ёзилиш услуби, муаммога ёндашуви, муаллиф нуқтаи назари, айниқса фош этиш иштиёқининг зўрлиги билан журналист текширувига ўхшаб кетади. Бироқ журналист текшируви масала ё муаммони охиригача, таг-туғигача етиб боришга ҳаракат бўлган тақдирдагина том маънодаги текширувга айланади. Амалий самара беради. Бунга эришиш учун фикримизча, қайсидир туман, вилоят ёки бир қишлоқдаги якка ва хусусий ҳолат-вазиятлардан, муаммолардан жамиятимизга хос иллат ва қусурлардан умумлашма хулоса сифатида чиқарилган тақдирдагина журналист текшируви журналист ва матбуот сўзини, чин маънода, салмоғини оширади. Дейлик, бир туман ё вилоятдаги бирор салбий ҳолат ё ҳодиса юзасидан текшириш олиб борилади-да, бошқа туман ва вилоятлардаги айни шунга ўхшаш мисоллар таҳлил этилмайди, социологик,

қиёсий таҳлиллار қилинмайди. Булардан умумлашма хулосалар чиқарилмайди. Айрим хусусий иллат ва нуқсонларнинг жамиятга хослиги айтилмайди. Оқибатда, журналист текшируви бошланган жойида чала текширувлигича қолади. Жамоатчилик фикри шаклланмайди.

Журналист текшируви, олатда, битта конкрет воқеа-ҳодиса, ҳолатни ўрганиш асосида ёзилади, деган даъво билдирилиши ҳам мумкин, бу ўринда. Принцип нуқтаи назаридан тўғри, бироқ бир ёки бир неча ўхшаш ҳолатлар, вазиятлар, мисоллар юзасидан текширув ўтказилиши ва халқ, жамият ва давлат манфаатлари қонуний нуқтаи назардан ҳимоя қилиниши ҳам фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлаймиз.

### Текширувчи журналист руҳияти

Журналист текшируви факт ва маълумот тўплашдан бошланади. Тўпланган ва мақолада фойдаланиладиган ҳар бир рақам тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлишига жиддий аҳамият берилади. Журналист текширувида ҳатто муаллифнинг эҳтиросларига ҳам ҳужжатли асос керак, деган ҳазиломуз гаплар ҳам юради. Ижобий ҳолатни кучайтирувчи, салбий ҳолатни қуюқлаштирувчи ҳар бир маълумот қиёсий таҳлилдан ўтказилади. Тадқиқот бошланади. Унга мантиқий мулоҳазалар қўшилади. Тезис – анализ – синтез қоидаси қўл келади, сўнгра хулоса, ҳукм чиқарилади. Ана шу жараёнлар силсиласида муаллиф журналист текширувининг марказий фигурасига, таъбир жоиз бўлса, эпицентрига айланади. Ҳамма нарса ушбу «марказ»да (эпицентрда) бошланади, унда давом этади ва ниҳоясига этади. Барча саъй-ҳаракатнинг тақдири мазкур марказда ҳал бўлади. Мақола эълон этилгач, уни маъқуллайдиганлар бўлади, рад этадиганлар чиқади, муаллифга қарши очиқдан-очиқ курашга отланадиганлар топилади.

Ана шундай ҳолатда муаллиф нима қилади, ўзини қандай тутати ва навбатдаги ижодий изланишларни қай кайфиятда давом эттиради?

Гап журналист текширувига ихтисослашган журналистларнинг шахси ҳақида бормоқда. Санаб ўтилган жараёнларда кўндаланг келадиган тўсиқларни мардонавор ва беталофат енгиб ўтиш катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, қатъиятли, курашчан, зийрак ва ҳатто яхши маънодаги шафқатсиз журналистларгагина насиб этади. Салгина чекиниш, бўш келиш, заифлик барча уринишларни чиппаққа чиқаради.

Шу йўлни танлаган журналистнинг шахси, шахсияти мақоладан-мақолага шаклланиб, товланиб бораверади. Текширув натижалари эълон этилгач, юз берадиган «жанг»лар ва тўқнашувларда ғалаба қозонса хўп-хўп, мағлубиятга учраган тақдирда ҳам у чекинмайди – қайтадан янги «жанг»га киришади. Журналистнинг қисмати, яшаш тарзи шундай аслида.

Журналист текшируви чоғида журналист психологиясида кечадиган руҳий ҳолатлар ва унинг бевосита фаолиятга таъсири муаммоси махсус тадқиқ этилса, ниҳоятда жиддий, зарур ва қизиқарли хулосалар, ечимлар топилган бўлуради. Психологларимиз журналистлар билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориши мумкин ва лозим бўлган муаммолардан бири бу.

Ушбу тадқиқотнинг «бир чеккасига» қўл урадиган бўлсак, даставвал, «текширув» сўзи хусусида тўхталишга тўғри келади.

Одатда, текширув ўтказувчи, яъни текширувчи текширилувчидан психологик жиҳатдан устун туради. Унинг савол-муомаласида, ўзини тутишида, кўз қарашларида ана шу устунлик кайфияти бўртиб кўринади. Текширув давом этиб, камчилик ва нуқсонларни ифода этувчи маълумотлар тасдиқлангани сайин текширилувчининг бўйни қанчалик эгилса, текширувчининг тили шунчалик бийронлашади.



Қиёс, таҳлил, тадқиқ натижасида асл манзара ойдинлашиб, ҳукм ва хулоса палласига яқинлашгани сайин журналист ўзини доно кашфиётчидан кам сезмайди.

Бундай мураккаб психологик эйфория ҳолатини бошдан кечиришнинг бот-бот такрорланиши ҳар қандай одамнинг, жумладан, журналистнинг ҳам феълига, тафаккур тарзига, ҳатто кибр-ҳавосигача таъсир кўрсатмай қолмайди. Бунинг устига, юқорида эсга олинган қонуннинг 9-моддаси журналистни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Маълум маънода журналист ҳуқуқий жиҳатдан дахлсиз фуқарога айланади. Дахлсизлик ҳуқуқи кишининг руҳиятида, феъл-атворида, фаолиятида ва табиий, турмуш тарзида жиддий акс таъсир кўрсатиши ҳам алоҳида ўрганилмай қолаётган муаммолардан биридир. Кези келганда, бундай ҳуқуқнинг журналист шахсига кўрсатадиган таъсирига доир айрим кузатишларни ўртоқлашиш фойдадан холи бўлмасди.

Дахлсизлик ҳуқуқи журналист учун қанчалик зарур маънавий мадад бўлса, у шунчалик катта касбий масъулият ҳамдир. Ушбу мадад ва масъулият ўртасидаги мувозанатни сақлай олган журналист ҳеч қачон ютқазмайди, сўзининг ҳарорати совумайди, ҳам шахс, ҳам ижодкор журналист, ҳам фидойи фуқаро сифатида жамиятнинг илғор вакили бўлиб қолаверади.

Умуман, журналист текширувида ҳолисликни сақлаш, бирор томонга оғмаслик, манфаатдор бўлиб қолишга йўл қўймаслик, мавжуд қонунларга суяниш журналистдан касб одобига ниҳоятда қатъий риоя қилишни тақозо этади. Етти ўлчаб бир кесиш, ўйнаб гапирса-да, ўйлаб гапириш мазмунидаги ҳикматлар текширувчи журналистларимизни ҳамиша ҳушёрликка даъват этиб турмоғи фойдадан холи бўлмайди.

Биз журналистларимизнинг фаолияти ҳақида гапирганда, «жасорат» сўзини кўп тилга оламиз.

Назаримда, билиб ёзиш, маҳорат билан ёзиш, уқмаганга ҳам уқадиган қилиб ёза билиш ҳам ижодий жасорат саналади.

Истагимиз ҳам матбуотимизда ана шундай жасоратли чиқишларнинг кўпайиши, зеро, журналист текшируви ҳар қандай миллий матбуот эркинлашувининг жадаллашувига ёрдам берадиган, журналистнинг қаламини чархлайдиган, унинг жамият ҳаётида фаол ўрин эгаллашига йўл очадиган ўзига хос ижодий майдондир.

### Хулоса ўрнида

«Бемалол таъкидлаш мумкинки, – деб ёзган эди Т. Раҳматуллаев 2003 йилги мақолаларидан бирида, – журналист текшируви ҳали бизда жанр сифатида тўла шакланмаган, машаққат билан ўзига йўл очаётган журналистика соҳаси ҳисобланади» [16. 1-сон]. Хўш, орадан ўтган йиллар мобайнида миллий матбуотимизда ушбу жанрнинг «ҳаёт йўли» қандай кечди?

Қонун қабул қилинган, республикаимиз матбуотида «Журналист текшируви» рўқни мунтазам чиқа бошлагани, ушбу йўналишда ихтисослашаётган журналистлар сафи кенгая боргани юқорида таъкидланди. Эътибор берилса, кўп йиллар мобайнида ҳуқуқий мавзуда ёзишга ихтисослашган муаллифларимиз журналист текшируви жанрида қалам тебратиб бошладилар. Бу бежиз эмасди, чунки текширув ўтказиш ёзиш маҳоратидан ташқари, биринчи навбатда, жиддий ҳуқуқий тайёргарликни, таҳлилга, тадқиққа мойилликни тақозо этади. Шарҳловчилик истеъдоди жуда-жуда қўл келади муаллифга. Мана шундай юқори малака эса ижтимоий-ижодий-сиёсий эркинлик муҳитидагина эмин-эркин фаолият юритади, шаклланади, ривожланади. Турли даражадаги матбуот саҳифалари кўздан кечирилса, йил ўтгани сайин «Журналист текшируви» истилоҳи

«Журналист суриштируви» ва шунга ўхшаш ўзгача кўринишларда чиқа бошлади. Шунинг ўзи чекиниш эди! Назаримизда, «текширув» сўзининг салмоғи, оҳанги журналистларимизнинг, бош муҳаррирларимизнинг ўзларига оғирлик қила бошлади. Гўё «суриштирув» деса масъулият юки енгиллашадигандек туюлди. Оқибати эса аён: матбуот саҳифаларидаги журналистларимиз текширувлари эмас, ҳатто суриштирувлари ҳам аста-секин кўздан йўқолди... Янада аянчлиси, қонунимиз бандларида мустаҳкамлаб қўйилган моддадан мадад ола билмаслик, унда яратилган имкониятдан унумли фойдалана олмаслик миллий матуботимиз саҳифаларида таҳдидий-тадқиқий чиқишларнинг салмоғи пасайишига олиб келди.

Журналист текшируви жанрининг ижтимоий-сиёсий салмоғи, аҳамияти ана шундай ҳолатларда жуда-жуда сезилади. Қолаверса, бу жанр нафақат журналистнинг, балки оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлайди, салоҳиятини оширади. Жамиятнинг демократлаша бораётгани тимсолига айланади. Кўп йиллардан буён АҚШда «Йилнинг энг яхши журналист текширувлари» номида китоб чоп этилиши ҳам ушбу нуқтаи назардан бежиз эмас, албатта [15. С.5]. Шундай экан, журналист текшируви матбуот саҳифаларидан тушиб қолишига йўл қўймаслигимиз, бундай ожизлик сабабларига кўз-қулоқ бўлиб, уни, яъни журналист текширувини... текшириб туриш биз журналистларнинг вазифамиздир.

### ГАЗЕТАНИНГ ҚИЁФАСИ

**2004** йилнинг январь ойида Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасига ташриф буюрган Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси илмий-техник ҳамкорлик бўйича ат-

ташеси жаноб Рожен Бубегира матбуот муаммолари хусусида сўз юрита туриб, газета саҳифаларини безаш санъати ҳақида алоҳида тўхталди. Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги илмий-маданий ҳамкорлик алоқаларининг бир кўриниши сифатида француз мутахассисларини Тошкентга таклиф этиш имкони мавжудлигини билдирди. Даставвал газета дизайни санъати мавзусига бағишланган машғулот ўтказиш режалаштирилди. Рожен Бубегира жаноблари билан дастлабки учрашувда пойтахтимиздаги турли газеталар бош муҳаррирлари, газета безакчилари қатнашиб, режалаштирилаётган тадбир ҳар жиҳатдан фойдали бўлиши таъкидланди.

...Апрель ойининг бешинчи куни, тадбирнинг Миллий матбуот марказидаги очилиш маросимига Франциянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Жак-Андрс Кости ташриф буюриб, бошланажак семинар-машғулотга алоҳида эътибор қаратди. Лилл шаҳридаги Журналистика олий мактаби маслаҳатчиси ва ўқитувчиси, профессор Ив Сеше ўзбекистонлик журналистлар гуруҳига «Ахборот етказишни яхшилаш борасида газетани безаш санъати» мавзусида беш кун мобайнида назарий-амалий машғулот ўтказди.

Ўзига хос машғулотдан кўзланган мақсад битта эди: замонавий шароитда ахборотни кенг оммага таъсирчан услубларда етказишда мазмун билан бирга, шакл ҳам жиддий аҳамиятга эгалигига эътибор қаратиш!

*Шакл ва мазмун бирлиги, янгилиги ҳам эркин матбуотнинг муҳим белгиларидан бири! Қолаверса, янгиланаётган матбуот қиёфаси шаклан жўн ва ибтидоий кўринишлардан замонавий талаблар даражасига кўтарилмоғи даркор!..*

Дарвоқе, семинар-машғулотга яна бир тадбир илова бўлди, яъни Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг бир гуруҳ талабалари Франциядан ташриф





буюрган тажрибали журналист Жерар Диезнинг «Хориж журналистикаси – халқаро журналистнинг ижодий йўли» мавзuidaги сўхбатини тингладилар. Сўхбат чоғида ўзбек ва француз тилидаги савол-жавоблар қизгин тус олди.

Ёлда қолган ушбу воқеадан тўрт йил муқаддам, аниқроғи, 2000 йилнинг 18 июль куни «Ўзбекистон овози» «шапка»ни ўзгартирди, яъни газетанинг номи ўзгача ҳарфларда терилди. Ҳарфлар аввалгисига қараганда бирмунча ихчамлашди, нафис кўриниш олди. Кўпчилик газетхонларда табиий савол туғилди: аввалгиси дурустмиди ёки янгиси?..

Дастлаб ғалати атамага изоҳ бериб қўяйлик. Газетачиларнинг тилида нашрнинг номи, унинг қандай ҳарфларда ва шакл-шамойилда терилиши «шапка» деб юритилади. Исталган газетанинг биринчи саҳифасини ёнма-ён қўйиб таққосланг – ҳарфларнинг майда-йириклиги, жимжимадорлиги, ранг-туси бир-бирига ўхшамайди.

Камина «Хуррият»да хизмат қилган йиллар асносида (1997 – 2002 йиллар) «шапка» икки-уч қайта янгиланди, кейинроқ «Миллий тикланиш»да ҳам шу борада изланишлар қилинди. Кузатишимизча, миллий газетачилигимизда бош муҳаррирнинг ўзгариши «шапка»нинг ўзгаришида дарҳол аён бўлиши одатга айланган. Буни тушуниш мумкин, зеро, «шапка» бош муҳаррирнинг, қолаверса таҳририят ижодий жамоасининг эстетик дидини, ўзига хослигини ифодалайди, дид эса ниҳоятда ўзгарувчан туйғу.

«Ўзбекистон овози» «шапка»ни ўзгартирган куни бунинг сабабини газетанинг бош муҳарриридан сўрадим.

– Изланишимиз-да, бурунгиси, назаримда бирмунча кўпол кўринди кўзимизга...

Ижодкор халқи ҳеч қачон бир нарсага қаноат қилиб, қотиб қололмайди. Номнинг янгича ёзилиши ҳаммага бирдек маъқул келадими-йўқми – бу

алоҳида мавзу, лекин шуниси муқаррарки, ҳар сафарги ўзгариш газетхонда ғалати таассурот қолдириши аниқ.

– Ҳар бир газетанинг ўз мухлиси бор, – дейди тажрибали матбуот сотувчиси ўзаро сўхбатда. – Тўсатдан номи бошқача ёзила бошланса, эски шивавандалар газеталар тахлами орасидан «таниш» номни топиб олишга қийналиб қоладилар. Кўз кўниккунга қадар эса анча вақт ўтади...

Газета «шапка»сининг рангида ҳам ҳикмат кўп. 2000 йилларнинг бошларида мамлакатимиздаги деярли барча газеталарнинг номланиши оқ-қора рангда босилган. Хориж газеталарида эса кўк, яшил, қизил, сариқ ва ушбу ранглар омўхтасидан фойдаланилган. Суратлар рангли, саҳифалар безаги рангли, бичим ўзгача. Бизда эса фақат байрам кунларидagina айрим газеталар номига ранг бериш имкони топилган, демак, газета саҳифаларининг рангдорлиги газетхонларга байрамона кайфият бағишлайди, уларнинг кўзини қувнатади, диди ва нафосатини тарбиялайди.

Кези келганда, газеталарнинг «исм-шарифи» хусусида икки оғиз тўхталишга тўғри келади.

Шўро даврида нашрларнинг номланиши ҳам ягона мафкура измидан чиқмас, унгагина хизмат қилар эди. Бошқача айтганда, ҳаммаёқни «ҳақиқат» босиб кетган. Қизиғини қарангки, мутлақо ҳақиқат йўқ мамлакатда «ҳақиқат» сўзини такрорловчи минглаб газеталар босилар эди. Мустақиллик шарофати билан республикамизда шўролар ҳақиқатбозлигидан қутулдик. «Халқ сўзи», «Хуррият», «Ватан», «Ишонч», «Маърифат», «Қалб кўзи», «Ислом нури», «Гулчеҳралар» сингари номлар бунга яхши мисол бўла олади. «Тошкент ҳақиқати», «Бухоро ҳақиқати», «Жиззах ҳақиқати», «Наманган ҳақиқати», «Сирдарё ҳақиқати» каби вилоят ва айрим туман газеталарини истисно қилганда, шўро даври «ҳақиқат»ларидан қарийб воз кечилди. Эндиликда янги ис-

тиқдол даври тонгини ифода этувчи «тонг» сўзи таомилга кирди. «Аму тонги», «Андижон тонги», «Қорасув тонги», «Қоровулбозор тонги», «Фориш тонги», «Жомбой тонги», «Гурлан тонги»... Савол туғилади: кўпми-озми?.. Эҳтимол, кўп такрорланётган сўздан қочиш мумкиндир? Боринги, «Боботоғ тонги», «Паркент тонги» десак мазкур ҳудудларнинг осмонўпар тоғлари кўз ўнгимизга келиб, кишида кўтаринки кайфият уйғотувчи таъсир қолдирар, бироқ дуч келган ҳудудга нисбатан «тонг» таърифини раво кўриш шарт эмас. Атамадаги сўзлар мутаносиблигига ҳам эътибор бериш керак ахир. Дейлик, Челақ тумани газетаси «Челақ тонги» деб аталиши шартми? Қизилтепа тумани газетаси «Қизил тонг» деб аталиши «Қизил кетмон», «Қизил омоч» атамаларини эслатмаяптими?..

Газеталар номланишида «овоз», «садо», «ҳаёт» сўзлари ҳам обдон расм тусига кирди. Бундай сифатлашлардан буткул воз кечиш шарт эмас, албатта, аммо-лекин ўйламай-нетмай санокли сўзга ружу қўйиш ижодий топқирлик, юксак дид, фикр ва мақсад хилма-хиллиги, қолаверса, демократик тамойилларга путур етказиб қўяётгандек туюлади. Мисол учун, «Хазораспнома», «Косонсойнома»... қанчалик талаффузга қулай?!

Қумқўрғон тумани ҳокимлигининг газетаси 1978 йили «Меҳнат шарафи» деб аталган экан, ҳай, майли, Меҳнатобод тумани ҳокимлиги 1998 йилдан чиқа бошлаган газетасини «Шарафли меҳнат» деб аташи шарт эмас. Наҳотки, замонавийроқ ва ҳаётийроқ атама топилмаган бўлса?.. Нурота туманидаги «Илғор чорвадор» 1935 йили таъсис этилган десак, маънавий ва эстетик жиҳатдан бу номнинг даври ўтганига чидасак, 1937 йилдан чиқа бошлаган «Жондор овози»ни ўзгартириш қийин эмас-ку.

Бир муддат мамлакатимизда ҳуқуқни сақловчи идораларга қарашли нашрлар кўпайди. Тасаввур қилинг: газета дўконига бош суқиб янги келган

газета тахламларига қарайсиз: «Адолат», «Инсон ва қонун», «Ҳуқуқ», «Куч – адолатда», «Адам ҳам низам», «Қонун йўлида», «Адолат нури», «Ҳуқуқ ва бурч», «Адолат кучи», «Диёнат», «Адолат кўзгуси», «Адолат тарозуси», «Адолат йўли», «Ҳаёт ва қонун», «Қонун ҳимоясида», «Ҳуқуқ–Право», «Қалқон–Шит»...

– Нима, бу криминал мамлакатми? – деди бир газетхон соддадиллик билан ана шундай атамадаги газета-журналларнинг кўплигига киноя қилиб. – Ҳаётдаги ҳамма адолат, ҳамма ҳуқуқ ва диёнат газета-журнал саҳифасига кўчганми?..

Мен унга демократик-ҳуқуқий жамият барпо этилаётган бир паллада бундай нашрларнинг кўпайиши табиий жараёنлигини уқдиришга уриндим. Уриндим, ўзимча ана шу атамалардаги бир хиллик, эҳтимол, мана шундай чалкаш таассуротлар туғдириб қўймасмикан, деган хаёлга ҳам бордим, тагин уларнинг бари юқорида айтганимиздек, нуқул тим қора рангда босилса... (Кўп ўтмай бу нашрлар кескин камайди)

...Сўз газета саҳифаларини безаш мавзусидан бошланган эди. Бу мулоҳазалар журналларга ҳам тааллуқли. Миллий журналистикамизнинг кўрки бўлмиш кўплаб газета-журналлар безаги энг замонавий талаблар даражасида чоп этилаётган бир паллада ушбу соҳанинг кечагина тарихга айланган қаҳрамонлари – заҳматкашларини ёдга олиш жоиз.

Компьютер оммалашгунга қадар барча газета-журналларда техник муҳаррирлик лавозими бўларди. У таҳририятнинг жони, юраги ҳисобланарди. Чунки газета-журналнинг бирон саҳифаси, сурати, безаги, қатори унинг назаридан четда қолмасди. Гоятда камтарона «тех.ред» вазифасида ҳар қанча қора меҳнатни зиммасига олган ва бу борада улкан тажрибаси билан жамоатчилик орасида меҳр-этибор қозонган Музаффар Аъламов, Олимжон Ҳакимов, Мирвосил Одилов сингари устоз тех.редларнинг ҳаёт йўли нашрларимизни безаш бо-

расида ҳануз қимматга эгадир. Уларнинг тажрибалари замонавий компьютер дизайнерлари учун ҳам кўп жиҳатдан йўл-йўриқ ва тажриба мактаби бўла олади.

... Ҳар бир инсоннинг ўзига хос маънавий олами бўлади. Бу гап газеталарга, журналларга ва бошқа оммавий ахборот воситаларига, ҳатто Интернет-ОАВга ҳам тааллуқли. Маънавий олам эса биринчи бўлиб назарга ташланадиган ташқи қиёфадан бошланади. Ахборот бозоридаги рақобат майдонидаги тўқнашувда ҳам, таъбир жоиз бўлса, эндиликда ташқи қиёфа кўп масалани ҳал қилади.

### МУАММО ТУҒДИРАЁТГАН ҚУЛАЙЛИК

Ўттиз йил муқаддам – 80-йилларнинг ўрталарида «Фан ва турмуш» журналига «Маъқули, саломдан бошлаш» деб номланган мақола тайёрлаган эдим. Мақола телефонда суҳбатлашиш одоби мавзусида эди. 2005 йили уяли телефонда мулоқот маданияти мавзусидаги «Бебаҳо қулайлик, лекин...» сарлавҳали ихчамгина мақолам «Халқ сўзи»да чиқди. 2009 йили Наманганда нашр этиладиган «Маърифат гулшани» газетасида мазкур мавзу яна давом эттирилди. Бугунга келиб мамлакатимизда уяли телефон шу қадар шиддат билан оммалашиб бормоқдаки, ҳаётимиздан муҳим ўрин олиб улгурган бу ВОҚЕА моҳиятини англаш, идрок этиш борасида ақл-идроклар шошиб қолмоқда. Жаҳон тажрибасида кўраётганимиздек, уяли телефон инсониятга мисли кўрилмаган қулайликлар ва мисли кўрилмаган... муаммолар ҳада этмоқда.

Замонавий мулоқот воситалари одамларнинг кундалик турмушини тублан ўзгартириб юборди. Яқин-яқингача уйимизда ёки иш столимизда телефон пайдо бўлса, катта қулайликка эга бўлганимиздан бошимиз осмонга етарди. Эндиликда хонаки телефонлар замонавий турмуш тарзи талабла-

рига жавоб беролмай қолди. «Зудлик билан!», «Шу заҳоти!» деган тушунчалар инсонни энг шошқалоқ жондорга айлантириб қўйди. Ер юзининг исталган нуқтасига исталган дақиқада хабар етказмоқчимисиз, марҳамат, имкон бор. Ўзингиз интиқ бўлиб кутаётган таниш овозни эшитганда-ку, бор дунёни унутиб, яна ўша имконга тасаннолар айтиб юборганингизни билмай қоласиз!

Бу имконнинг номи инсон ҳаётига «уяли телефон», «мобил телефон» номи билан кириб келди, шу ном билан кечаю кундузлик ажрамас ҳамроҳимизга, муболаға бўлса-да, ҳатто танамизнинг аъзосига айланиб кетди. Янада муҳими, уяли телефон кишиларнинг тафаккурига, дунёқарашига, маданияти-ю ахлоқ-одобига дахл кўрсатмоқда, миллий психологияни қутилмаган «кўча»ларга бошлаб бормоқда. Шулар ҳақида ўйлаганда, донишманд Маршалл Маклюэннинг «Давримиз воситаси (ёки технологик жараён) – электрон техника – ижтимоий муносабатларга, шунингдек шахсий ҳаётимизнинг ҳар жабҳасига янгича шакл беради ва тарзини ўзгартиради» деган гапи [18. С.341] нечоғли тўғри айтилганига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз.

Назаримизда, XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида жаҳонда юз берган глобал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ равишда аҳоли миграциясида ҳақиқий маънода портлаш юз берди. Шаҳар, қишлоқ доирасида, туман ва вилоят, вилоятлараро ва республика ҳудудида қузатилаётган кўчиб юришларни одам кўз олдига келтириб, тўла тасаввур қилиши қийин. Яқин ва олис хориж миграцияси ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Мана шундай ҳолатларда инсон қаерда ва қай ҳолатда бўлмасин, биринчи навбатда, ўз яқинлари билан, қолаверса, хизмат ва ҳоказо манфаатдор ҳамкорлари билан мулоқот ўрнатишлари ҳаётий заруриятга айланди. Чунки ҳаёт ва тараққиёт шиддати бугунги



ишни эртага қўйиш эмас, ҳозирги ишни ҳозирнинг ўзида ҳал қилишни талаб қилмоқда, шу лаҳзадаги ишни кейинги лаҳзага қолдириш XXI аср тезлиги ва шиддати руҳига, талабига жавоб бермапти («Бугунги ишни эртага қўйма» мазмунидаги халқ нақллари ўрнига «шу лаҳзадаги ишни кейинги лаҳзага қолдирма» дейиш тўғрироқ бўлиб қолди). Ана шундай вазиятларда уяли телефоннинг мўъжизакор имкониятлари қўл келмоқда.

Мобил телефони, айти вақтда, оммавий коммуникация воситаси вазифасини ҳам ўтамоқда.

Тараққий этган ҳамда демократик ривожланиш йўлини танлаган мамлакатларда жамиятни ахборотлаштириш, оммавий коммуникацияни йўлга қўйиш борасида жуда катта ишлар қилинмоқда. Оммавий коммуникация жамиятнинг нафақат замонавийлиги, шу билан бирга соғломлиги белгиси бўлиб қолмоқда.

Оммавий коммуникацияни йўлга қўйишни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмаслиги азалдан маълум. Эндиликда уларга интернет тармоғи қўшилди, жамият миқёсида ахборот айланишини янада жонлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ва барча воситалар орасида мобил алоқалар тармоқ ичидаги алоҳида тармоққа айланди. Бу шу қадар ҳаҳудудсиз миқёсларга тарқалдики, ер юзи аҳолисининг ярмидан кўпи уяли телефондан фойдаланаётгани, бу нафақат шахсий-маиший кўрсаткич, балки башариятга дахлдор ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва, албатта, маънавий-маърифий масала тусини ҳам олди. Мобил алоқа дунё миқёсидаги оммавий коммуникацияни фавқулодда янги босқичларга кўтариб юборди.

Ўзбекистонга уяли телефон расман 1992 йил августидан кириб келган бўлса, 2005 йилга келиб ундан фойдаланувчилар сони миллиондан ошди. 2008 йилда абонентлар сони 10 миллион

кишига етган бўлса, 2011 йилнинг сентябрь ойи маълумотига кўра, республикамізда мобил алоқа абонентлари сони 25 миллиондан ошиб кетди (интернетдан фойдаланувчи 7,7 миллион абонентнинг 4,27 миллиони мобил телефони орқали интернетга боғланувчилардир) [19]. Бу суръат янада тезлашиши табиий. Лекин юқорида алоҳида таъкилланидек, ушбу ВОҚЕАга тааллуқли муаммоларни ўрганиш, тадқиқ этиш борасидаги изланишлар суръати, очиги, талаблар даражасида эмас. Бошқача айтганда, бу борада ҳам назария амалиётдан анчагина ортда қолиб келмоқда.

Автоулов ҳайдаб бораётиб телефонда гаплашишга хавфсизлик нуқтаи назаридан йўл қўймаслик чораларини жорий этиш энг тараққий этган давлатларда ҳам жиддий муаммолар қаторидан ўрин олган. Миллий қонунчилигимизда худди шунга доир жазо чораларининг қонун бандларига киритилгани тўғри бўлди. Бироқ масаланинг бошқа томони очиқлигича қолмоқда: автоулов ҳаракати тиғиз кўчаларда пиёда йўловчиларнинг уяли телефонда гаплашишлари, бу билан транспорт ҳаракатига бепишандларча халал бериш ҳолларига чек қўйиш чоралари етарли даражада ишлаб чиқилганича йўқ.

Умуман олганда, мобил алоқа воситасидан фойдаланиш шу қадар оммалашиди-ю унинг маданияти, яъни мобил телефон одоби ибтидоий босқичда қолиб кетди. Таниш манзараларни кўз олдимишга келтирайлик: уч-тўрт сўхбатдош юзма-юз келиб, саломлашиб улгурмай, уларнинг бирортаси қулоғига телефонни босиб гапга тушиб кетади... Дарс чоғида аудиторияда ўтирган талабанинг «сотка»си «ши-вирлаш»дан чарчамайди... Йиғилишларда кап-катта ва нуфузли раҳбар шахслар минг бир алфозда қўл телефонига жавоб бериш йўлини излайдилар... Раҳбар қабулига ташриф буюрган киши хона соҳибини куттириб қўйиб, телефон орқали бошқа юмушларини битиришга тушиб кетади... Кўпчиликнинг





хурматини сақлаш зарурлигини унутмаган мажлис аҳлининг хаёли «вибратор»нинг «дирр-дирр»ида... Кино, театр, концерт томошаларида-ку, асти қўяверасиз! Марҳумни сўнгги йўлга кузатиб, қабр тепасига яқинлашиб бораётиб ҳам «мобил» орқали ҳангомадан ўзини тия олмаётганларга нима дейсиз?! Наҳотки, дарсда, мажлисда, овқатланиш чоғида, раҳбарлар қабулида, оммавий томошалар пайтида... қабристонда қўл телефонини вақтинча ўчириб қўйиш одобига ҳозирдан ўзимизни кўниктира олмасак?! М. Маклюэн техника ва маданият тараққиёти ўтиш даврини бошдан кечираётган паллада одамни қарахт ҳолга солиб қўядиган даражада турфа норозиликлар келиб чиқиши табиийлигини башорат қилган [18. С.342], буни бизнинг даврга келиб мобил телефони «оқибат»ларида кўриб-билиб турибмиз, бироқ ҳар қанча табиий ҳолат эканидан қатъи назар, ҳамонки янги техник восита ҳаётимизга кириб келдими, ундан фойдаланиш маданиятини эътибордан соқит қилиш тўғри бўлмайди.

Кейинги йилларда аҳоли орасида уяли телефон фильмлари «ижодкорлиги» авжига минмоқда. Унда ғайриахлоқий тасвирларни кўпайтириш, исталган машҳур шахсни бадном этиш, ясама ва бўхтон лавҳалар билан тушунган-тушунмаган одамларни чалғитиш, очикдан-очик ёлғон ахборот тарқатишларни «ёппасига маънавий заҳарлаш» дея таърифласак муболаға бўлмайди. Шахс ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш алоҳида масала, лекин «мобил телефони» номли янги техник имкониятдан юксак маданият меъёрларини сақлаган ҳолда фойдаланишни йўлга қўйишда азалий миллий ва инсоний одобимиз жуда-жуда асқотиши турган гап.

Мобил мулоқот ва менталитет мавзуси алоҳида муаммо.

Уяли телефон бизда шахсий мулк мақомига эга. Бу мақом шу даражада қатъийки, отанинг телефонида фарзанд, келиннинг телефонида қайнона,

тоғанинг телефонидан жиян фойдаланишига имкон қадар йўл қўйилмайди. Ҳар кимнинг уяли телефони ўзи учун қўрғон, ўзи учун ватан. Унинг сеҳру жодусига илинмайдиган иродаси мустаҳкам одам камдан-кам топилса керак. Ёши катталар, айниқса ёшлар унинг ичига кириб, «йўқолиб» кетганини ўзлари ҳам сезмай қолишади. Мубталолик газак олгани сайин руҳиятда зимдан ўзгаришлар, эврилишлар юз бера бошлайди, мисол учун одам кўз ўнгидаги воқеликдан кўра, телефони майдонидаги воқеликка ишонадиган, бошқа ўнлаб ва юзлаб ахборот воситалари унутилиб, ўшандан олдиган ахбороти билан кифояланадиган бўлиб қолади. Телефон-одамга, мобил-одамга айланади!..

Телефон – инсон руҳиятида, феъл-атворида бошқалар билан ҳисоблашмаслик, эътиборсизлик, совуққонлик, қолаверса қон-қонимизга сингиб кетган жамоавий яшаш тарзининг зиди бўлмиш худбинлик психологияси кучайиб боради демакдир ва у қандай оқибатларга олиб келишини башорат қилиш қийин. Уяли телефон билан боғлиқ юзага келаётган қўйидаги турфа масалалардан, ҳолат ва вазиятлардан кўз юмиб бўлмайди:

– жамиятда уяли телефон тимсолида оммавий коммуникациянинг мутлақо янги воситаси шиддат билан оммалашаётганидан. Янги восита кўплаб қулайликлар билан бир вақтда, кутилмаган салбий оқибатларни келтириб чиқариш эҳтимоли катталигидан;

– уяли телефон туфайли масофанинг яқин-йироқлиги ўз аҳамиятини йўқотаётгани, яъни кишилар ер юзининг исталган нуқтаси билан исталган дақиқада боғланиш имконига эга бўлаётганидан. Бундай имкониятдан соғлом мақсадлар қатори ғаразли мақсадларда фойдаланиш эҳтимоли кўплигидан;

– ахборот индивидуалашаётганидан. Бу ҳол анъанавий оммавий ахборот воситаларига, ҳатто теле-

видение-радиога бўлган ишончнинг, эътиборнинг сустлашувига олиб келиш хавфини туғдираётганидан;

– уяли телефон истаган одамни «журналист»га айлантириб қўяётгани, яъни истаган одам истаган ахборотни чекланмаган миқдорда, чекланмаган аудиторияга тарқатиш имконига эга бўлаётганидан, шу билан боғлиқ равишда «фуқаролик журналистикаси» тушунчаси пайдо бўлганидан;

– «фуқаролик журналистикаси»нинг барча ижобий хусусиятларини инкор этмаган ҳолда у расмий ва профессионал журналистика нуфузининг пайсайишига замин яратаётганидан;

– уяли телефондан фойдаланиш маданиятини умумэтиканинг, касб этикасининг узвий бўлаги сифатида ўрганиш, унинг натижаларини кенг оммалаштириш зарурати туғилаётганидан;

– уяли телефондан ғаразли мақсадларда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар, тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқилиши кечиктириб бўлмас муаммога айланаётганидан.

Шу ва шу сингари масалаларга доир тадқиқот ишлари иқтисодчилар, шифокорлар, психолог ва социологларни, айниқса журналистика соҳаси мутахассисларини кутмоқда. 2004 йили АҚШда чоп этилган Пол Левинсоннинг «Уяли телефон» китоби бу борадаги илк монография ҳисобланади. Унда уяли телефон тарихи ва ҳоказо масалалар журналистика мақсадларидан келиб чиқилган ҳолатда ёритилган. Ҳақиқатан ҳам Японияда «Мобил жамиятни ўрганиш институти» ташкил этилди. Коммуникация соҳасида жиддий тадқиқотлар олиб боришга ихтисослашган Массачусетес технология институти Ричард Линг қаламига мансуб «Мобил алоқа. Уяли телефон ва унинг жамиятга таъсири» номидаги китобини нашрдан чиқарди. 2006 йили Европа медиа институти томонидан чиқарилган «Мобил

медиа: симсиз коммуникация учун мазмун ва хизмат кўрсатишлар» китобида мобил телефон оммавий ахборот воситаси сифатида баҳоланган. Россияда биринчи бўлиб мазкур мавзуга доир «Мобил телекоммуникациялар маданияти» китобини фалсафа фанлари доктори Сергей Бондаренко яратди. АҚШнинг бир қатор олий илм даргоҳларида, шунингдек, Япония, Хитой, Испанияда ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб борилаётганини таъкидлаш мумкин [20. С.5-12]. Аҳолиси 30 миллиондан, уяли телефондан фойдаланувчи абонентлар сони 25 миллиондан ошиб бораётган мамлакатимизда ҳам ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб боришни кечиктирмаслик зарур.

Шу ўринда Жанубий Корея тажрибаси эътиборга лойиқ. Гап шундаки, Жанубий Корея ахборот технологиялари, электрон алоқа воситалари соҳасида дунёда етакчи мамлакатлардан бири. Мамлакатда уяли телефонлар сони 50 миллиондан ошиб кетган. Ушбу рақамнинг замирида ётган ҳолатлар, кечаётган жараёнлар мутахассисларни масалага турфа нуқтаи назарлардан келиб чиққан ҳолда ёндашувларга, таҳлилларга ва тадқиқотларга ундамоқда. Сонгонхве университети профессори Ким Чхан-хо уяли телефонлар сонининг аҳоли жонбошига нисбатан олганда бу қадар кўпайиб кетганлиги сабабларидан бирини миллий менталитетдаги ўзига хосликдан излайди [21]. Унинг фикрича, корейсларда «мен»дан кўра «биз» туйғуси кучлироқ ривожланган. Шу боис, улар дуч келган жойга, дуч келган таниш-нотанишга қўл телефонлари рақамларини ёзиб қолдириб кетаверадилар. Яъни, масалан, биз ўзбекларда (гарчи биз ҳам жамоавий яшаш тарзини маъқул кўрувчи халқ ҳисоблансак-да!) уяли телефон рақами ҳар кимларга берилaverмайди, шу тушунчадан келиб чиқиб, бировнинг уяли телефонига қўнғироқ қилиш фавқулодда воқеадек талқин этилади, корейсларда



эса қўл телефони ҳамма учун очиқ. Агар биз ўзбекларда аксарият ҳолатларда қўл телефони ўзаро «пинҳона» ва «сирли» суҳбатлар учун хизмат қилса, корейсларда ҳатто шахсий-интим мавзулардаги суҳбатларни жамоат жойларида, жумладан, жамоат транспортларида ҳам бемалол эшитиш мумкин. Яна бир янгилик – 2002 йили футбол бўйича жаҳон биринчилигининг ҳал қилувчи ўйинлари Кореяда ўтказилиши муносабати билан мамлакатда уяли телефон орқали таржима хизмати яратилган. Яъни, истаган киши уяли телефони орқали марказга қўнғироқ қилса, таржимонлар керакли матнни ёки савол-жавобни 17 тилга таржима қилишда ёрдам берадилар. Мамлакатда уяли телефондан фойдаланувчилар сони ортиб кетишининг яна бир сабабини мазкур марказнинг ҳамон самарали фаолият юритаётганлиги билан боғлайдилар.

Бир сўз билан айтганда, замонавий оммавий коммуникациянинг муҳим воситасига айланган мобил телефони билан боғлиқ муаммоларни илмий асосларда ўрганиш, тадқиқ этиш мутахассисларни кутмоқда.

### «САРИҚ» ИЖОДНИНГ МОҲИЯТИ... АСОРАТИ

Гётенинг «Фауст» асари «Театр муқаддимаси»дан бошланади. Унда театр директори, шоир ва қизиқчи иштирок этадилар. Директор томошабиннинг диди юқори эмаслигини яхши билади, унинг учун муҳими, томошагоҳ гавжум бўлса бас, қандай бўлмасин, у ердан оломон аримаслигини истайди, шу мақсадда шоирни янги асар ёзишга ундайди. Шоирнинг эса шовқин-суронга тоқати йўқ, «қора халқдан гапирма асло» дейди у, «Оломон ҳисларни ютгувчи бало, сурон – тафаккурни кўмгувчи гирдоб» дейди [22. Б.8]. Қизиқчининг бу борадаги қарашлари бўлакча. У ёшларнинг эътиборини жалб қилиш осон эмаслигини, бунинг учун пича кулгуга зўр бериш лозимлигини айтади.

Директор эса ўз ниятида собит қолади:

*Лекин энг зарури, саргузашт бўлсин,  
Кўзга қувонч бўлсин, дилга гашт бўлсин.  
Андак ўрин беринг тафсилотга ҳам,  
Томоша қалбларни банд этсин токим,  
Тўдани ҳангу манг қилолган одам,  
Унинг юрагига бўлолгай ҳоким [22. Б.9].*

Шоир директорга таъна ёғдиради:

*Бу ерда ноқобил қаламкашларнинг  
Ҳурмати баландга ўхшар бағоят [22. Б.10].*

Қизиқчи ўз билганидан қолмайди:

*Ёлғонни дўндиринг, қайнангу жўшинг,  
Лекин икки оғиз рост гап ҳам қўшинг.  
Шунда сиз тайёрлаб узатган шарбат  
Ҳам арзон бўлади, ҳам жонга лаззат [22. Б.12].*

Бу ўринда сўз азалий мавзу – ижодкор, бадиий асар ва муҳлис уйғунлиги ҳақида, юксак маҳорат билан яратилган ва кенг омма дидини қаноатлантирадиган асарларга муносабат ҳақида бормоқда. Биз учун аҳамиятлиси – буюк олмон шоири яратган саҳна бугунги кун нуқтаи назаридан ҳам гоятда муҳимлиги.

Жаҳон халқларининг барча санъат турларида омалашув касаллиги хавфли эпидемия тусини олмақда. Бу борада, биринчи навбатда, оммавий ахборот воситалари «ҳормай-толмай» хизмат қилмоқдалар. Санъатни оломон диди даражасида тарғиб этиш бир иллат бўлса, шундай тарғибга ихтисослашув иккинчи бир иллатга – матбуотнинг ўзини ҳам оммавийлик хасталигига мубтало бўлишига олиб келмоқда.



Савол туғилади: ўз номи ва моҳияти билан оммавий бўлган ахборот воситалари учун оммавийлик номақбул, ҳатто иллат ҳисобланишини қандай тушунмоқ ва талқин қилмоқ керак?

Газетанинг пайдо бўлиши савдо-сотиқ ва тижоратга доир ҳоказо маълумотлар йиғиндисидан иборат варақалар тарқатишдан бошлангани тарихдан маълум. Ушбу мақсадларда тарқатилаётган варақалар сони бора-бора эҳтиёжни қондирмаган, савдо-сотиқни янада кенгроқ йўлга қўйишга, ривожлантиришга доир хабарлар, маълумотлар ва ахборотларни мумкин қадар кўпчилик эътиборига етказиш зарурати орта борган. Ушбу зарурат варақаларни оммабоп тарзда, яъни кўпроқ ва кенгроқ тарқатиш эҳтиёжини келтириб чиқарган. Бунинг учун варақа тайёрловчи «журналист»лар варақа ўқувчилари эътиборини кўпроқ жалб этиши мумкин бўлган мавзулардаги янгиликларни, ахборотларни ёзганлар. Шу тариқа варақаларни тижоратга дахлдор бўлмаган омма ҳам ўқишга одатланган. Ҳозирги тил билан айтганда, тор доирада тайёрланадиган ва тарқатиладиган варақалар оммалаша бошлаган.

Оммавийлик ахборот воситаларининг бирламчи ва бош белгиси даражасига кўтарилган.

Ахборот воситасининг оммалашуви, биринчи навбатда, машҳурликка, шундан келиб чиқувчи молиявий барқарорликка, ахборот майлонидаги рақобатбардошликка замин яратади. Дунёда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситаси борки, ушбу мақсадларга ё бевосита ё билвосита интилмай иложи йўқ. Чунки ҳар учала мезон ҳар бир тирик мавжудотда бўлгани каби жон сақлаш, яшаш истиги-инстинктдан келиб чиқади.

Ҳар қандай оммавийлик илм-фан тараққиётининг меваси, хусусан, қоғоз ва босма машиналари ихтиро қилинмай туриб, ахборотнинг оммавийлашуви тасаввур қилиб бўлмасди. Тараққиёт давом этди ва босма нашрлар, радио, телевидение, теле-

фон, интернет... ушбу кетма-кетликда яратилган ва одамлар турмушига кенг жорий этилган ахборот воситаларининг ҳар бири инсоният ҳаётига мисли кўрилмаган миқёсларда оммавийлик муҳитини олиб келишда инқилоб вазифасини ўтади.

Журналистиканинг ахборот тарқатувчилик вазифаси деганда «ахборотнинг оммавийлиги назарда тутилади... оммавий ахборот долзарб ва кўпчиликка тушунарли, қизиқарли ҳамда омма онгига қаратилади» [23. С.14-15].

Цивилизация тарихи – оммавийлашув тарихидир. Тараққиёт йўли, демак, инсоният истиқболи оммавийлашув йўлидир, бу йўлнинг яхши-ёмонлиги, керак-нокераклиги, фойда-зарари қандай эканлигидан қатъи назар, бу – инсоният қисматидир. Яқин ва олис келажакда одамзоднинг аҳволи нима кечиши ҳам унинг ана шу қисмат «чангали»даги саъй-ҳаракатларига боғлиқ.

Келиб чиқиши, номи ва моҳияти билан оммавийликка хизмат қиладиган оммавий ахборот воситаларининг ўрни, тақдири, уларга муносабатлар, ёндошувлар қандай бўлади?

Ҳар қандай оммавий ахборот воситасини ташкил этишдан муайян мақсадлар кўзда тутилади. Ана шу мақсаддан ва яна бир қанча ўзига хосликлардан келиб чиқиб, оммавий ахборот воситалари гуруҳлаштирилади, бу журналистика фанида типология деб юритилади. Ижтимоий-сиёсий йўналишдаги соҳа, тармоқ оммавий ахборот воситалари бор. Сиёсий партиялар нашрлари бор. Аёлларга, болаларга, ногиронларга мўлжалланганлари бор. Даврийлигига, бичимига, ранглилигига, неча тиллигига кўра гуруҳлаштириш мумкин бўлган оммавий ахборот воситалари бор. Мамлакатимизда жамиятнинг эркинлашуви самараларидан бири сифатида «нодавлат оммавий ахборот воситалари» тушунчаси вужудга келди, шаклланди. Унчалик кўп бўлмаган муддатда шу типдаги оммавий ахборот воситалари мамлака-



тимиз ахборот майдонида ўз ўрни, овози, салмоғига эга бўлди.

Давлат тизимидан мустақил бўлган бу хил оммавий ахборот воситалари биз учун янгилик эди, жаҳон журналистикасида эса улар кўп йўлни босиб кўйган, бу борада улкан тажриба тўпланган ва шу сабаблардан бу хилдаги матбуотга муносабат ҳам шаклланган.

Газетани мисли кўрилмаган даражада оммалаштириш америкалик медиа магнат Жозеф Пулитсер номи билан боғлиқ. У «The New York World» газетасини миллион нусхада чиқаришга эришган (1898 йили). Бунинг учун у бор ижодий қобилиятини сафарбар этган. Жумладан, журналистикада биринчилардан бўлиб безак – иллюстрациядан кенг фойдаланган, давомли мақолалар чоп этган, назарга тез тушадиган, эътиборни тортадиган сарлавҳаларга зўр берган, карикатуралар босган, журналист текшируви йўналишида репортажлар билан омманинг назарига тушган. Рангли босма ускунасини биринчилардан бўлиб ишлатган Пулитсер «...ўз даври учун тасвир орқали таъсир этувчи ягона газета яратади» [24].

Ж.Пулитсер мухлислардаги мойилликдан келиб чиқиб, кулгили безакларга алоҳида эътибор қаратган. Чунончи, мултипликатор Ричард Ф. Аутколт чизган рангли «Сариқ бола» мултипликация тўплами Пулитсерга қарашли газетада бир саҳифа қилиб берилди. Шу оддийгина баҳона тўғрисида газета «сариқ» лақабини орттиради. Фаройиб томони шундаки, шу-шу енгил-елли, олди-қочди, шов-шув руҳида чоп этиладиган газеталарга «сариқ» тамғасини босиш урфга айланади.

Таъкидлаш зарурки, ҳар қандай оммавий нашр манглайига кўр-кўрона «сариқ» тамғасини босиш тўғри бўлмайди. Мисол учун, 40 миллион нусхада чоп этиладиган «Аргументы и факты» газетаси

оммабоп, лекин «сариқ» эмас. Қолаверса, «сариқ»-ликнинг ҳам даражаси кўп – меъёрни сақлашга мойил «сариқ»лар билан мутлақо олди-қочди «сариқ»ларга бир хил муносабатда бўлиш адолатдан эмас, назаримизда. Шу маънода Е. Прохоровнинг «Оммавий ахборот воситалари» жумласидаги «оммавий» аниқловчиси салбийлик хусусиятини йўқотади» [25. С.30] деган сўзи асосли. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам оммавийлик, «сариқ матбуот» тушунчалари омма, оломон, бадий дид муаммоларига бориб тақалади, шу маънода «оммавий маданият» бирикмасидаги «оммавий» сўзи дидсизлик, савиясизлик деган маънони англатишини ҳам эътироф этмасликнинг иложи йўқ.

Одам одамга ўхшамайди, деган нақлнамо гапни дид нуқтаи назаридан таҳлил қилинса, муаммо янада чуқурлашиб кетади. Шу боисдан бўлса керак, дид ҳақида баҳслашилмайди деган ибора ўйлаб топилгану, гўё масала ҳал этилган-қўйилган. Ваҳоланки, бадий дид масаласи ҳар қандай жамиятнинг энг нозик, энг жиддий ва ниҳоятда аҳамияти катта муаммоларидан бири ҳисобланади. Зеро, гарчи бадий-эстетик дид тамомила шахсий ҳолат ҳисобланса-да, у ҳеч бир муболағасиз халқнинг, давлатнинг тақдирига бевосита таъсир ўтказувчи ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқелиқдир.

Жамиятнинг маъно-меъварини инсон ташкил этса, инсоннинг ботиний бутунлиги ақл-заковот, комиллик ва юксак диддан бунёд бўлади. Қизиги, бундай фазилатлар ҳеч бир икки бандада бир хил даражада, савияда мужассам топмайди. Шундан келиб чиқиб, тажриба тариқасида исталган жамият аъзолари бадий эстетик дид маъносида таҳлил қилинса, тасаввур қилиб бўлмайдиган даражадаги хилма-хилликни кўриш мумкин. Ортега де Гассет «Ҳар қандай жамият икки омил, озчилик ва оломоннинг бирлигидан ташкил топади» [26. С.2] деган таърифи билан масалага бирмунча ойдинлик киритган.

Испан файласуфидан ўн аср муқаддам эса Форобий жамиятни ақлий тафаккур ила бошқариш қобилятига қодир қатлам вакиллари бўлишини ёзган. «Идрок эта билган учун кўкларнинг, ернинг ҳаммаси сўздир», дейди мавлоно Румий [27. Б.26]. Табиий, сўзни ўқиш ва уқиш ҳаммага ҳам бирдек насиб этавермайди. Шу тариқа жамиятда озчилик ва оломон табақалашуви юзага келади. Бу ҳолат оммавийлик, бадий-эстетик дид, «сариқ матбуот» ва ҳоказо тушунчаларга уланиб кетади. Унинг изидан эса республикамиз раҳбари Ислом Каримов ёзганидек, ахлоқсизликни маданият деб билиш, «оммавий маданият»нинг ёпирилиб келиши авж олади [28. Б.117].

Мавжуд икки табақа вакилларида ахборот олишга, эстетик дидни қондиришга бўлган эҳтиёж бир кун бўлса-да сўнмайди ва ҳар иккала тоифа кишилар ўзларининг дунёқарашлари, дидлари ва маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб яшайдилар, мазкур эҳтиёжларини қондириш чораларини кўрадилар. Озчиликка нисбатан ҳамisha ва ҳар жойда оломоннинг сон жиҳатдан кўплиги оммавий ахборот воситаларининг оммавийлик хусусиятидан унумли фойдаланишга олиб келади. Оммавий ахборот воситаларидаги мумкин қадар қамровни кенгайтириш истаги учун жамиятдаги оломон диди, савияси, кайфияти айна мўддао бўлади. Оммавий ахборот воситаларининг оммавийлиги ортида улкан молиявий-иқтисодий манфаатлар ётишидан келиб чиқилса, профессор Сергей Муратовнинг (Россия) «Фойда қанчалик юқори бўлса, ахлоқий чегаралар шунчалик пастдир», «Нуфуз қанчалик юқори бўлса, ахлоқийлик шунчалар заиф», деган киноялари бежиз эмаслиги кўринадди [29].

«Сариқ» лақаби келиб чиққунга ёки у бизнинг диёрларга етиб келгунга қадар бундай тушунча бўлмаганми?

Нодавлат нашрлар ўзимизда ҳам бўлган. Чунончи, Туркистонда XIX асрнинг 60-йиллари охирларидан газета-журнал чиқа бошлаган бўлса, «шу асрнинг 90-йилларига келиб рус тилида хусусий газета ва журналлар ташкил топди» [30. Б.8], шундай экан, нодавлат босма нашрларга доир мулоҳазалар ҳам бўлган. Жумладан, ҳукуматга қарашли бўладими, хусусийми, уларни тавсифлашда турфа «ранг» беришлар одати ўзимизда ҳам учрайди. Мисол учун, заҳматкаш олим Бойбўта Дўстқораев ёзганидек, Абдулла Авлоний «Туркистон вилоятининг газети»ни «қора гуруҳ газетаси» деб таърифлайди [30. Б.29]. Муҳаммад Саид Аҳрорий Бахтиёрхўжа тахаллуси остида 1924 йилда чоп этилган «Бухоронинг қизил матбуот тарихчаси» номли мақоласида «Нашри маориф» журнали ҳақида сўз юрита туриб, «Журнал касабалар уюшмасининг ношир афкори бўлса-да, бу соҳани деярли ёритмади. Фанний қисми бўш, илмий ва сиёсий бўлимлари ҳам жуда заиф эди. Адабий материаллари кўча савиясида бўлиб, расво қилиб чиқарилар эди», деб ёзган [30. Б.33]. Абдулла Қодирий шўро мафкурасига қарши матбуот нашрларини «тескари матбуот», «қора матбуот» дея таърифлаган [30. Б.194-195].

«Туркистон» газетасининг 1923 йили илк сонидagi мақоласида Абдулла Қодирий матбуот мавзусига ҳам тўхталади. Муаллифнинг ёзишича, ўша кезларда «Правда» газетасининг адади 10 мингга етганда (аҳолининг беш фоизини руслар ташкил этган), «Туркистон»нинг адади 8 мингтадан 3 мингтага тушиб қолган. Натижада, кенг омма эътиборини жалб этиш учун нима қилмоқ керак, деган муаммо туғилган.

Адибимиз газета бўлимлари – рукнларига ўзгартириш киритишни маслаҳат беради, чунончи, сиёсат ўрнига «Жангномаи ҳазрат Али»дан, иқтисод ўрнига «Жангномаи Жамшид»дан, фельетонлар ўрнига Шерлок Холмс ажиналаридан, ўлка ва Тошкент



хабарлари ўрнига Алдаркўса ва Алифлайло саргузаштларидан кўпроқ берилса, газета 80 мингга етади, дейди [31. Б.126]. Тўғри, бу ўринда Абдулла Қодирий услубига хос киноя, пичинг оҳанги кучли, лекин бошқа нуқтаи назардан қаралса, адиб гўё «сарик матбуот»часига иш тутиш йўлини кўрсатмоқда. Зеро, бу – ададни кўпайтириш бирдан-бир мақсади бўлган нашрлар учун энг синалган ва энг қулай иш услубидир.

«Авваллари, – деб ёзади журналист Т. Раҳматуллаев, – ўтган асрнинг 90-йилларида Россияда «сарик» деб номланган матбуот органида фаолият юритаётган журналистлар бу сўзни ҳақорат сифатида қабул қилишарди. Бунда эски тузум мафкура-сининг таъсири мавжудлигини уқтириш жоиз. Чунки ўша вақтларда «желтый» сўзи «муросачи», «келишувчи», «сотилган», «сотқин» деб таржима қилинарди. ... Кейинчалик эса Россияда шов-шув орқасидан қувувчи нашрлар кўпайиши билан иборга бўлган муносабат ҳам ўзгарди. ... Ҳозирга келиб эса ўзини «сарик» деб атаётган газета ҳам мавжуд (муаллиф «Желтая газета»ни назарда тутмоқда – Х.Д.) [32].

Муаллифнинг қуйидаги сўзлари ҳам эътиборга лойиқ: «Айтганча, кейинги йилларда Фарбда «сарик матбуот» ўрнига «таблоид матбуоти» (tabloid press) ибораси ишлатилмоқда. Кўрсатувлари унча талабчан бўлмаган томошабинларга мўлжалланган телевидение эса «таблоид телевидениеси» (tabloid TV; tabloid television) деб аталмоқда» [32].

Демак, ОАВни мавзу танлаш, уларга ёндошишларидан келиб чиқиб ҳам турларга, туркумларга, гуруҳларга ажратиш мумкин экан. Худди шۇ хусусиятидан келиб чиқиб, нашрларнинг оммавийлиги масаласи ҳал бўлади. Бироқ шۇ ўринда, юқорида тилга олинган бошқа масала-муаммо келиб чиқади: оммавийлик ижобий ҳодиса-ҳолат ҳисобланадими ёхуд салбийми?

Назаримизда, масаланинг энг нозик ва баҳсли ўрни, жиҳати ҳам шу ерда.

ОАВ типологиясига қайтамыз.

Ахборот технологияси мисли кўрилмаган даражада тараққий этган ҳозирги замонда ОАВ тасаввур қилиб бўлмас даражада хилма-хиллашиб кетди. Шундай экан, ОАВни гуруҳлаштиришда ана шу омил, ўзига хослик эътиборда тугилмоғи керак. Мисол тариқасида исталган газетанинг исталган сони таҳлилга тортилса, унинг саҳифаларидаги материалларни муҳимлиги, зарурлиги, долзарблиги ва қизиқарлилиги нуқтаи назаридан гуруҳлаштириш мумкинлиги кўринади. Салмоқли ижтимоий-сиёсий нашрларда, табиий, муҳим ва долзарб мавзудаги материалларга кенг ўрин берилади, албатта. Бироқ бундай материаллар кенг оммада у қадар қизиқиш уйғотмайди. Одатда, омма табиатида **муҳим ва зарур** материалдан кўра **қизиқарли** мавзудаги чиқишларга мойиллик кучли бўлади. Ижтимоий-сиёсий нашрларда эса қизиқарли мавзулар салмоғи бирмунча оз.

«Сариқ матбуот» ўз фаолиятини худди шу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ташкил этади. Яъни, улар бутун диққат-эътиборни муҳим, зарур, долзарб эмас, **ҚИЗИҚАРЛИ** мавзуларга қаратадилар. Бу билан гўё Абдулла Қодирий киноя билан берган маслаҳатига риоя қиладилар. Ваҳоланки, адиб ўзи тавсия қилган маслаҳатларни «энг абжақ бир чора», дея ўзининг асл қарашларини баён қилган эди [31. Б. 126].

Албатта, кўнгилочар нашрлардаги барча чиқишлар фақат қизиқарли, уларда ҳеч қандай муҳим, ҳаётий зарур мавзуларга қўл урилмайди, деган хулоса чиқмаслиги керак. Гап ижтимоий-сиёсий нашрлар билан кўнгилочар нашрларда мавзу танлаш принципи ҳақида, бирида муҳимлик, иккинчиларида эса қизиқарлилиқ принципи устуворлик қилиши ҳақида бормоқда.

Бевосита мисолларга мурожаат этиладиган бўлса, республикамызда «Даракчи» биринчилардан бўлиб оммабоп, кўнгилочар газета мақомида чоп этила бошланди. Ўтган йиллар мобайнида газета ўз йўли-йўналишини шакллантирди, ўқувчиларини топди, аудиторияни кенгайтирди, муҳими, «Даракчи» буткул «сариқ»лашиб кетиш йўлини танламади, балки олтин ўрталик – посангини сақлади. Айни пайтда, «Даракчи»нинг ҳар бир сони ахборотга бойлиги, энг долзарб мавзудаги жиддий чиқишлари, сиҳат-саломатликка доир саҳифалари, миллий ва хорижий муаллифларнинг қаламига мансуб давомли асарларини пешма-пеш бериши билан ўзига турдош нашрлардан ажралиб туради. «Ҳордиқ» эса тарбиявий-ахлоқий характердаги ҳикоялари, иншолари, сўхбатлари ва албатта маҳаллий ва хорижий ҳаётдан дараклар бериши билан, ёш муаллифлар доирасини кенгайтиришга мойиллиги билан ажралиб туради. «Отдохнём» эса русийзабон газетхон омма эҳтиёжини қондиришга қаратилган. «Сўғдиёна» асосан аёл-қизлар ҳаёти, тарбияси, саломатлиги, ижоди мавзудаги руқнларга бойлиги билан ўзига хос ва ҳоказо қизиқишларни қондириш йўлидан бормоқда.

Номлари тилга олинган газеталар енгил-елпи сенсациябозликка берилмасликлари, меъёр ва мувозанатни сақлаш йўлидан бораётганликлари билан бошқа кўнгилочар нашрларга ўрнак бўлмоқдалар дейиш мумкин.

Мавзуга қайтсак, шу ўринда яна бир жиддий масала кўндаланг бўлади. Нима сабабдан кенг оммада ҳаётий муҳим янгиликларни билишга интилишдан кўра, қизиқиш туйғусини қондиришга бўлган мойиллик кучлироқ?

Бу саволга атрофлича жавоб беришга тўғри келади.

Психологик нуқтаи назардан олганда мамлакат, халқ ва давлат аҳамиятига эга ижтимоий-сиёсий

аҳамият касб этган воқеликка нисбатан кенг омма табиатида дахлдорлик туйғуси етарли даражада шакланмаган бўлади. Гўё ундай жараёнлар билан шуғулланиш катта мансабдорларнинг зиммасида, бизлар кичик одамлармиз деган кайфият бор. Фавқулодда ҳолатларда, масалан, инқилобий воқеалар, урушлар, табиий офатлар чоғида одамларда дахлдорлик туйғуси ўз-ўзидан фаоллашади, шунда мавзунинг муҳимлиги биринчи планга чиқиб, қизиқиш туйғусини қондиришга уриниш майли кейинги ўринларга ўтади.

Жамиятда кечаётган жараёнлардан бегоналашув, умидсизлик, чорасизлик кайфиятларининг кучайиши ҳам одамларда енгил-елпи, ҳавойи майлларга берилишга олиб келади. Ҳозирги пайтда дунё миқёсида мана шундай ҳолат-кайфият аломатлари кўпайиб бораётган бўлса, бунга бирламчи сабаб қилиб инсониятнинг яшаш тарзидаги тараққиёт шиддати, ҳаётий муаммолар олдида эсанкирашлар, йўлсизлик, чорасизлик ва албатта ахборот глобаллашуви асоратларини кўрсатиш мумкин. Яшаш сурьатларининг жадаллашуви бир томондан одамларни ақл бовар қилмас даражада шошириб қўймоқда, иккинчи томондан ана шу шиддат оқимида бораётган, яшаётган инсон табиатида ҳордиқ чиқариш, ҳаловат топиш, кундалик ташвишлардан вақтинчалик бўлса-да юз ўгириш – нафас ростлаш эҳтиёжи ҳам бор.

«Сариқ» матбуот худди мана шу эҳтиёжни қондиришга, демак, ўзига хос фавқулодда миссияни адо этишга хизмат қилади. Нафақат матбуот, балки кинонинг, театрнинг, муסיқанинг, тасвирий санъатнинг ва ижоднинг бошқа турлари «сариқ»лашиб кетаётгани сабабларидан бири ҳам мана шу. Худди шунинг учун ҳам оммабоплик иллоти билан боғлиқ айб-кароҳатларни «сариқ»лар зиммасига ағдариш билан кифояланмай, масаланинг туб илдизини давр ва замон ўзгаришларидан, кенг омма психология-





сидаги эҳтиёж, майллар, истаклар ва заруриятлардан излашимиз тўғрироқ бўлади. Тадқиқотчи Собиржон Ёқубов Франция матбуот тизими ҳақидаги мақоласини «Сариқ матбуот»ни хушламайдиган мамлакат» деб таърифлаган [33]. Мамлакатда «сарик матбуот»нинг салмоғи сифатли нашрларга қараганда озлиги сабабини муаллиф аҳолининг умумий билим ва интеллектуал савияси юқорилигига боғлиқ, деб ҳисоблайди. Назаримизда, гап фақат шунда эмас, чунки, биринчидан, аҳолининг билим ва интеллектуал савияси борасида Буюк Британия, Германия сингари қўшни давлатлар Франциядан у қадар орқада бўлмасалар керак, қолаверса, С. Ёқубов мисол тариқасида келтирган бир қатор «савияли» газеталар саҳифаларида «сарик матбуот» руҳидаги мавзуларга исталганча ўрин берилиши оддий ҳол ҳисобланади.

Ўз даврида Арасту ҳозирги «сарик» матбуот моҳиятини очишга ёрдам берадиган мулоҳаза айтган. «Билимни ошириш, – деб ёзади у «Поэтика» асарида, – фақат файласуфларгагина хос эмас, бошқа одамларда ҳам бундай мойиллик бор, фарқи шундаки, оддий кишиларнинг билиши узоққа бормайди» [34. С.49]. Яъни, оддий кишилар олган билимларини хотирада сақланиши ҳақида қайғурмайдилар, уларни осонгина унутадилар. «Оммавий маданият» ҳодисасини махсус тадқиқ қилган Шаҳноза Одилхонованинг ёзишича, айрим манбаларда оммавий маданият XIX асрнинг 30-йилларида пайдо бўлганлиги айтилади [35. Б.5] «Лекин, умуман олганда, – деб ёзади тадқиқотчи, – оммавий маданиятнинг кенг кўламли ривожланиши XX асрнинг ўрталарига келиб рўй берди. У шу даврдан бошлаб тотал ва экспансив характер касб эта бошлади» [35. Б.5]. XIX асрнинг охирларидан давомли асарлар чоп этиладиган ҳафталик ОАВ «юракка яқин пресса», «ширин хаёллар индустрияси» деган ном-

ларни олган. Бундай асарлар «ҳаммага қулай бўлган ўртача ҳолдаги тил»да ёзилган, зудлик билан эътиборни қозониш ва тезда унутишга лойиқ бўлган [35. Б. 8-9]. Шундан келиб чиқиб, Улуғбек Саидов «Оммавий маданиятни «истеъмолчилик маданияти» деб аташ тўғрироқ бўлади», деган фикрни илгари суради [36. Б.7], адабиётшунос Шухрат Ризаев эса сўз ўйини билан «оломончилик кайфияти» моҳиятини оламанчилик ташкил этишидан келиб чиқиб, «оломон маданияти» истилоҳини маъқул кўради [37]. Чунки истеъмолчилик кайфиятига мансуб омма биледи-ю, ўзлаштиради-ю (истеъмол қилади-ю) – унутади. Таъкидлаб айтиш керакки, оммада ҳам билишга мойиллик бор, йўқ эмас, лекин улар билганларини шуурда узоқ сақламаслик «шарти» билан ўқийдилар, билдилар ва... унутадилар. Бу тоифадаги тафаккур эгалари манфаати билан «сариқ» ижод манфаати худди шу нуқтада бирлашади, тил топишади.

«Сариқлар»нинг хавфли жиҳати ҳам шунда, яъни қисқа фурсат ичида билиш ва унутишга мойиллик газетхон, китобхон тафаккурида давом этади, яъни уларнинг тафаккури қизиқиш доирасидан юқори кўтарилмайдди, бора-бора бунга мослашган тафаккур муҳим ва зарур мавзулардан безиб кетади, ўткинчилик кайфияти онг-шуурни ишғол этиб улгуради.

Шиддатли ҳаёт тарзи одамларни беихтиёр билишга бўлган иштиёқини сўндириб юбормоқда. Билиш, айниқса чуқур билимга эга бўлиш узоқ давом этадиган ҳолат, жараён, оғир ва узлуксиз меҳнатдир, бунинг учун ирода, вазминлик, мулоҳазакорлик талаб этилади, шитобли давр ўйинлари эса бунга тоқат қилолмайди, ойлаб, йиллаб бош қотиришларга фурсат йўқ. Саёзми, сийқами – ҳозирча билганича гапирини, ёзишдан қаноат ҳосил қилинавериadi, эртага эса...



Жон Голсуорсининг «Адабиёт ва ҳаёт» эссесида мавзумиз учун аини муддао мулоҳазалар бор. Инглиз адиби мутолаа завқи ва сурури ҳақида сўз юритар экан, «Шоҳ Эдип», «Ҳамлет», «Фауст» сингари асарлар якшанбалик иловалардан ва жосуслар ҳақидаги бўлар-бўлмас китоблардан беқиёс юқори туришларига урғу беради. Ҳамда «Асримизнинг хатарли томони, – деб давом эттиради фикрини адиб, – бизнинг нодон бўлиб қолишимизда эмас, балки бизнинг ўзимиз ўйлаш-ўйланиш қобилиятини йўқотиб бораётганимизда. Бизнинг олдимизда тобора турли-туман вазифалар кўпроқ кўндаланг бўлиб бормоқда, лекин биз кроссвордларга ёки детектив романлардаги жумбоқларга топган жавоблардан ташқари, ҳаёт олдимизга қўйган саволларга жавоб топа оламизми? Жавоб берсак ҳам, жавобларимиз борган сари камайиб кетмоқда. Биз борган сари осонроқ ва жўнроқ нарсаларга кўпроқ мойиллик билдирамиз. Аммо билимга олиб борадиган энгил йўл ҳамиша энг олис йўл бўлиб чиқади» [38. Б.76].

Санъатнинг қайси турига мансублигидан қатъи назар, «сариқ»лик аломатлари деярли бир хил: мавзу танлаш ва уни талқин-тасвир этишдаги саёзлик, чуқур ва теран таҳлилдан кўра арзон шов-шувга ўчлик, дидсизлик ва айниқса тилдаги ғариблик. «Журналист маҳоратининг ибтидоси тилни тўғри ва бенуқсон қўлмай билиш малакасидан, зийрак сўз сезгиси ва севгисидан бошланади, – деб ёзади филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов. – Ҳеч кимга сир эмаски, ҳар қандай матбуотнинг ягона қуроли тилдир, бу қуролнинг мақсад нишонига саломат етмоғи учун, аввало, унинг ўзи соғлом бўлоғи лозим. Аини шу ягона қуроли ногирон бўлган матбуот тишсиз-тирноқсиз, демакки, таъсирсиз ва ҳатто яроқсиз бир нарсага айланади. Газета сўзининг таъсири суст бўлса, сўз увол, қоғоз увол, техника увол, меҳнат увол... Шугина эмас, газета тилидаги, каттадир-кичикдир ноқислик

жамиятда тил дидсизлигини ҳам тарғиб қилади, газетхоннинг нутқ маданиятини мўртлаштиради, унинг тирик она сўз туйғусини ўтмаслаштиради» [39. Б.145]. Бу сўзлар «сарик» ижод дунёси вакиллари учун доимий дастуриламал бўлиб қолмоғи фақат ва фақат фойдалидир.

Президент И. Каримов «Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи биз учун ғоят долзарб аҳамиятга эга»лигига алоҳида эътибор қаратар экан [28. Б. 76], бундай улкан орзунни рўёбга чиқарувчи\*кўплаб муҳим йўл-йўриқларни белгилаб беради. Уларнинг бари бир мақсадга – кенг омма тафаккуридаги оломонлашув кайфияти-ҳолатини тарбиялаш, улғайтириш – сифатни оширишга қаратилгандир. Оммавий ахборот воситаларини чоп этишдан кўзланган мақсад ўз муштарий ва мухлисларининг оломонлашуви эмас, балки одамийлашуви йўлида хизмат қилишдан иборатдир.

## СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ

*Футбол шарҳловчисининг маҳоратига доир*

«Футбол нима?» деган саволга берилган жавобларни бир китоб ҳолига келтирилса, унда жаҳон футболу усталари, мутахассислари, мухлисларининг бир-биридан хилма-хил, ажойиб ва ажабтовур жавоблари жамлаишига шубҳа йўқ. Фақат бир ҳақиқатни тан олиб айтиш керакки, мана шундай китоб яратилган тақдирда ҳам футболга бериладиган таърифнинг адоғи бўлмайди! Бу бежиз эмас, зеро, футболнинг энг оммавий спорт тури эканлиги, жозибаларга бой мусобақа эканлиги, фаройиботларга бой ўйин эканлигини эътироф этган ҳолда шуни алоҳида таъкидламоғимиз зарурки, футбол – инсон ҳаётининг ажабтовур кўзгуси! Ҳаётнинг ўзи!

Ям-яшил майдон. Майин-момиқ майса устига бамисоли ҳаёт йўларини англаувчи оппоқ чизиқлар тортиган, уларнинг ҳеч бир қаричи, ҳеч бир нуқтаси бежиз-бехосият эмас: не-не футбол мўъжизаларини кўз-кўз қиладиган, не-не ҳақиқатларни намоён этадиган, не-не найрангларга йўл бермайдиган, не-не афсус ва надоматларни, омадсизликларни аён қиладиган, не-не нифоқларни йўққа чиқарадиган ҳикматларга бой чизиқлар булар!

Майдоннинг икки томонида теппа-тенг – ўн биттадан футболчи. Икки томон икки хил рангли либосда. Дарвозабоннинг либоси алоҳида – на ўз дўстларининг, на-да рақиб футболчиларининг либосларига ўхшайди улар. Дарвозабоннинг «касби», бурчи ниҳоятда оғир. Бразилиялик машҳур мутахассислардан бири берган таъриф ёддан кўтарилмайди. Яъни, дарвозабоннинг шўри курсин, у турган жойда ҳатто майса ҳам дурустроқ кўкармайди... Ёки: дарвозабоннинг бор-йўғи ўн нафар дўсти бор, лекин улар ҳам дарвозабонга орқа ўгириб турадилар...

Бу яшил майдонда ҳадемай тенгма-тенг кураш бошланади: химоячилар, ярим химоячилар, ҳужумчилар... Вақт ҳисобли: тўқсон дақиқа! Ҳамма-ҳаммаси одиллик посбонлари бўлмиш ҳакамлар кўз ўнгида содир бўлади. Марҳамат, ким нимага қодир? Ким маҳоратли? Ким чапдаст? Ким чарм тўп сеҳргари?..

Туғилажак саволлар, топилажак жавоблар булар билан тугамайди, чунки, таъкидлаймиз – футбол ҳаётнинг ўзидек мураккаб, ҳаётнинг ўзи сингари сеҳру жозигаба, ҳикматларга лиммо-лим.

\* \* \*

2010 йилнинг улкан воқеаларидан бири футбол бўйича 19-жаҳон биринчилигининг финал мусобақалари бўлди, десак бу гапни ҳеч ким муболағага йўймасе керак. Ушбу ўйинларни дунё бўйича жами

29 миллиард(!) мухлис томоша қилганининг ўзиёқ бошқа далилларга эҳтиёж қолдирмайди.

Ҳаяжонларга лиммо-лим лаҳзалар ортда қолди, жаҳон чемпиони аниқланди, футбол шинавандаларининг ёзма ва хотира «бисот»лари янгидан-янги рақамларга, маълумотларга тўлиб-тошди. Лекин 11 июндан 11 июлга қадар давом этган нуфузли футбол марафони воқеалари профессионал журналистика нуқтаи назаридан таҳлил қилинадиган бўлса, соҳамиз учун талайгина муҳим ва қизиқарли маълумотлар, хулосалар чиқарилиши мумкинлиги билан ҳам аҳамиятли эканлиги кўринади.

Биринчи навбатда, мазкур мусобақа ўзбек спорт журналистикаси учун ўзига хос тажриба орттириш ва синов майдони вазифасини ўтади. Барча ўйинлар ҳам тўғридан-тўғри (шу ўринда «жонли эфир» деган ибора муомалага кириб қолаётгани бир қадар эриш туюлишини таъкидлашга тўғри келади. ахир жонсиз эфир бўлмайди-ку!). ҳам такроран намоёйиш этилгани телерадиокомпаниямиз «Спорт» каналининг имкониятлари замонавий даражаларга чиқаётганидан далолат беради. Иккинчидан, глобал миқёсда кечаётган мусобақа муносабати билан бир неча ўзбек спорт шарҳловчилари орасида ҳам ўзига хос сиртқи мубоҳаса қизғин тус олгандек бўлди. Ҳаммага яхши таниш тажрибали Мирзаҳаким Тўхтамирзаев, Давлат Турдалиев, Комил Жумаев қаторида Даврон Файзиёв, Мурод Ризаёв, Зафар Имомхўжаев, Дилшодбек Тўхтабеков сингари ёш тележурналистларнинг номлари мухлислар орасида янада оммалашди (спорт журналистлари ҳақида сўз борар экан, шахмат жонкуярлари Акрам Тошхўжаев, Маматқул Хайлаев, радиошарҳловчи Норбек Ниёзов номларини ҳам ҳурмат билан тилга олмоғимиз адолатдан бўлур эди).

Қизиқ бир ҳолат: ҳар бир давр ўз муҳлислари ақл-идрокини забт этадиган футболчиларни етиштириб беради. Ўтган асрнинг 50-йилларида туғилган авлод учун Красницкий, Стадник, Абдураимов, Беляков, Азизхўжаев, Раҳматуллаев, Тазетдинов, Пшеничников, Шарипов, Штерн, Қаҳҳоров, Доенко сингари ўзбек футболди дарғаларининг фамилиялари ёд бўлиб кетган, ашаддий ишқибозлар ўзлари севган футболчиларнинг ҳаёти, оиласи, феъл-атвори, гап-сўзларига доир нимаики бўлса билишар, ёзиб юришар, уларнинг шаъни-шарифларига гард юқтиришмасди. «Пахтакор»нинг Чиғатойдаги машғулот майдонининг тўртала томони ланг очиқ, ўзимизнинг футболчиларми, меҳмон жамоа футболчиларими – майдон чеккасида ёнбошлаганча ёки чордона қуриб олганча соатлаб машғулотларни томоша қиладиганлар ҳам, узоқдашиб кетган тўпларни талашиб-тортишиб, елиб-югуриб келтириб берадиган дастёрлар ҳам биз болакайлар эдик. Яшин, Стрельцов, Воронин, Численко, Месхи, Метревели, Чохели, Хусаинов, Шестернев, Банишевский, Банников, Маркаров, Блохин, Буряк, Мунтян, Кипиани... Качалин, Якушин, Соловьёв... футболда афсоналар яратган бу инсонларни биз Чиғатойда таниганмиз, Чиғатойда улар билан юзма-юз келганмиз, кўл бериб кўришганмиз. Шу сингари футболчилар туфайли сеҳрларга бой бу ўйин миллионлаб қалблардан гўзаллик, мўъжизакорлик, жозибадорлик тимсоли бўлиб ўрин олган.

Яна бир ҳақиқатни айтиш керак. Катта футбол футбол майдонидан, унда тўп сурган ва сураётган футболчилардан, мураббийлардангина иборат эмас. Унинг «даргоҳи-дунёси» кўпчилик ўйлаганидан анча кенг, айниқса, замонавий футболнинг тараққий этиши, оммалашуви ҳар бир мамлакат, минтақа, жаҳон миқёсларида яратилган футбол тизимига,

футбол мусобақаларини ташкил этиш тартиботларига, чарм туп теграсидаги глобал муносабатларга, жумладан футбол тарғиботи ишларига чатишиб кетган. Ана шу катта дунё оламининг қандайлиги кўп жиҳатдан журналистларга, шарҳловчиларга боғлиқ, десак мутлақо муболаға бўлмайди. Спорт журналистикасини, жумладан футбол шарҳловчиларини, ҳеч иккиланмай, футбол дунёсининг қон томирларига қиёслаш мумкин!

\* \* \*

Футболга, футболчига доир бир оғиз гап, сўз, янгилик, ахборот бера олган инсонлар футбол мухлислари қалбининг тўридан жой оладилар, шунга яраша қадр ва эъзоз топадилар.

Футбол шарҳловчиси футбол мутахассиси ҳисобланади. Минглаб, миллионлаб ишқибозлар шарҳловчининг оғзига қараб туришади, ундан мудом янгилик, фавқулодда таъриф, кутилмаган таҳлил эшитиш умидида қулоқларини динг қилишади. Худди шу сабаблар тўфайли ҳам юкорида тилга олинган собиқ «Пахтакор»чилар қатори Ахбор Имомхўжаев номи ўзбек футболсеварларининг қалбидан жой олган.

Ахбор ака ҳақида сўз борганида, ҳеч иккиланмай, «футболга бахшида умр» деган таъриф ёлга тушади. Қарийб 60 йилдирки, Ахбор ака Имомхўжаевнинг ҳаёти, фаолияти спорт олами, аниқроғи, футбол дунёси билан чамбарчас боғлиқ. Бу ўринда устознинг шарҳловчилик маҳорати ҳақида истаганча ҳаяжонланиб гапириш мумкин.

1961 йил, 20 апрель. Шу куни «Пахтакор» СССР биринчилигининг олий лигасида иштирок эта бошлади. Тошкентдаги биринчи учрашув биринчи марта телевидение орқали намойиш этилмоқда! Телеэкран орқали биринчи ўзбек футбол шарҳловчилари – Ахбор Имомхўжаев ва Роман Турпишевнинг овозлари янгради:



«Ассалому алайкум, ҳурматли футбол ишқибозлари! Диққат қилинг, марказий «Пахтакор» стадионидан гапирамиз ва кўрсатамиз!»

Ахбор аканинг ўзига хос ҳаяжонли, ғоятда самимий овози бир куннинг ўзида миллионлаб футбол мухлисларининг қалбидан жой олиб улгурди. Таниш овоз меҳрибон ва қадрдон овозга айланди. Бу овоз мамлакатимизда футболнинг тимсолига айланиб, минглаб хонадонларга кириб борди. Бу ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган бахт-омад эди!

Ҳеч қандай бахт-омад ўз-ўзидан келавермаслигини эса ҳамма бирдек тушунавермайди, зеро ҳар бир муваффақият ортида касбга садоқат, метин ирода, сабр-тоқат ва албатта улкан масъулият туйғуси ётади.

\* \* \*

Спорт мусобақаларидан репортаж бериш эндиликда ҳеч кимни ажаблантирмайди, бироқ бундан ярим аср муқаддам ортда қолган даврни, ўзбек тилига бўлган муносабатни, ўзбек футбол терминологиясидаги аҳволни, қолаверса, репортаж беришдаги техник имкониятларни ва мана шундай шароитда ўйинларни тўғридан-тўғри шарҳлаш вазифасини зиммасига олган телерадиожурналистнинг руҳий ҳолатини бир қур кўз ўнгимизга келтириб кўрайлик. Тўғри, унга қадар Ахбор Имомхўжаев билан Роман Турпишев махсус танловдан ўтишган, аммо-лекин танловдан ўтиш бошқа, ҳар учрашувда микрофонни қўлга олиш ва қулоғини динг қилиб ўтирган миллионлаб мухлислар имтиҳонидан ўтиш бошқа.

Футбол томошабинларига хос ғалати психологик ҳолатни бутун дунёда кузатиш мумкин: бунда ҳар бир мухлис ўзича тенги йўқ футболчига, қиёси йўқ мураббийга, қилни қирқ ёрадиган ҳакамга, беназир шарҳловчига айланиб кетади. Керак бўлса



Пеле, Марадона, Мессининг, Миржалолнинг камчиликларини топишади, уларга йўл-йўриқ кўрсатишдан ҳам тойишмайди. Шарҳловчи мана шундай мураккаб омма билан юзма-юз келади, уларга ўз сўзи, ўз нуқтаи назарини уқдира олган, қабул қилдира олган, керак бўлса, овоз товланишларини маъқул қилдира билган тақдирдагина репортаж беришда давом этади, акс ҳолда у миллионлаб шинавандаларнинг кўнглини футболдан совутишга сабаб бўлиши ҳеч гап эмас. Ахбор Имомхўжаев салкам 50 йил репортёрлик кабинасидаги капитанлик курсисини ишонч, меҳр-муҳаббат ва садоқат қозонган ҳолда эгаллаб ўтирди!

\* \* \*

Кези келганда, спорт журналистикаси тажриба мактаби хусусидаги мулоҳазалар билан ўртоқлашиш фойдадан холи бўлмайди.

Бу соҳада Ватанимиз мустақиллиги йилларида амалга оширилган ва оширилаётган ишлар, ислохотлар ҳақида истаганча гапириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йилнинг январиди қабул қилинган «2011 – 2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техника базани янада мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди футболни аҳолининг кенг қатламлари ўртасида тарғиб қилиш ва оммалаштиришга доир алоҳида бандларнинг борлиги жиддий эътибор ва таҳсинга сазовор. Жумладан, қарорда футбол соҳасига ихтисослашган профессионал журналист кадрлар ва шарҳловчилар (репортёрлар) тайёрлашни такомиллаштириш, ушбу мақсадда тегишли олий ўқув юртларида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган мазкур ҳужжат моҳиятидаги муҳим ва долзарб масала

– республикада спорт журналистикаси тажриба мактабини янада шакллантириш, янада юксалтириш, бир сўз билан айтганда, уни жаҳон мезонлари даражасига кўтаришдек улғу мақсад ётибди. Ҳар қандай мактаб учун эса қутлуғ анъаналар, шу соҳа йўлида жонбозлик кўрсатган устозлар тажрибаси мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди. Зеро, эртанги тараққиёт кечаги, бугунги хизматларни ардоқлашдан бошланади.

\* \* \*

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида «Спорт» канали фаолият бошлаганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ, лекин ўтган бир неча йил ичида замонавий ўзбек спорт журналистикасини ривожлантириш, шакллантириш борасида анча ишлар қилинди. Кадрлар сафи кенгайди, репортаж бериш, тўғридан-тўғри шарҳлаш маҳорати сирларини ўрганишга эътибор кучайди, бунда миллий ва жаҳон спорти янгилекларини шарҳлаш катта тажриба мактабини ўтамоқда.

Ахбор Имомхўжаев ўзбек футбол журналистикаси вужудга келган кунлардан унга ўзини бағишлади. Ахбор аканинг ҳаёти касбга садоқат тимсолига айланди. Эллик йиллик фаолият силиққина кечиши мумкин эмас, албатта, лекин устоз футболга, футболни оммалаштирувчилик касбига хиёнат қилмади, унга ҳалол хизмат қилди.

Миллий футболга бўлган муҳаббат, ғурур, нафсониятни сақлаган ҳолда холисликни сақлай билиш футбол шарҳловчисидан ғоятда ҳушёрликни, зукколикни талаб этади. Айни шу каби фазилатлари билан Николай Озеров, Котэ Махарадзе сингари машҳур совет даври футбол шарҳловчиларининг номлари дунёга танилди. Ахбор ака Имомхўжаев ўзбек озерови, ўзбек махарадзеси даражасига кўтарилди.

Катта футбол, табиий, ҳаяжонларга бой бўлади, ўйин шиддатли тус олган дақиқаларда жараёндан ортда қолмаслик, малакали шарҳлаш репортаж олиб бораётган журналистдан катта маҳорат, топқирлик, зукколик ва албатта гапга чечанликни талаб этади. Мана шу талаблар шарҳловчилик маҳоратини намойиш этувчи мезонлар вазифасини ўтайди. Таъкидлаш зарурки, 90 дақиқа (баъзан 120 дақиқа) мобайнида репортажни бир маромда олиб бориш, кўп сонли телетомошабинларни зериктирмаслик, уларнинг меъдасига тегмаслик, ҳар бир сўзни ўрни-ўрнига қўйиб айтиш, талаффуз санъатига риоя қилиш учун спорт шарҳловчиси жиддий тайёргарлик кўрмоғи шарт. Шунга кўра шарҳловчи эътиборга тушади, эътироф этилади. Афсуски, шошганда лаббай топилмас деган нақл худди футбол шарҳловчиларининг меҳнати хусусида айтилгандек туюлади. Шарҳловчи дўстларимиз сўз бойлигини кўпайтириш, ҳар бир ҳолатга мос ибора ва жумлалар топиб қўйиш, бутун ўйин давомида битта сўзни ҳаддан ташқари кўп такрорлашга йўл қўймаслик борасида маҳоратли футболчилардан кам бўлмаган тарзда илмий-амалий машғулотлар ўтказишларига эҳтиёж борлиги яққол сезилди! Мисол учун аксарият репортажларда «тарзда», «тезкор», «ҳаракат қилди», «амалга оширди», «хатоликка йўл қўйди» сингари сўз ва сўз бирикмалари ҳаддан ташқари ўринли-ўринсиз ишлатилди. «Европада ҳаракат қилади», «зарбани амалга оширди», «тўп учун ҳаракат қилди», «қўполликни амалга оширди», «Месси билан тўқнашувни амалга оширди», «Бу ишни атайин амалга оширгани йўқ», «гол муаллифига айланди» каби хом ва думбул жумлаларнинг тажрибали шарҳловчилардан уларнинг ёш ҳамкасблари тилига кўчиб ўтаётгани, айниқса, ташвишли ҳолатдир.

Телеэкранда спорт мусобақалари шарҳловчиси минглаб хонадонларга кириб бораётганини, ўй-

нинг тўрига чиқиб танаффуссиз гапирётганини ҳис қилиб турмоғи зарур. Сизни тинглашяптими? Танлаган сўзларингиз, товушингиз, ритм, оҳанг, пауза, ҳаяжон, эътироф ва эътирозларингиз маъқул келмоқдами? Бошқача айтганда, телетомошабинлар, спорт мухлислари сизни қучоқ очиб ва соғинч билан қарши олишмоқдами ёхуд?.. «Николай Озеров, Георгий Саркисянц, Котэ Махарадзе ўйимизга меҳмондек кириб келишарди, – деб эслайди «Спорт» (Россия) телеканали шарҳловчиси Григорий Твалтвадзе. – Шунинг учун ҳам улар учун эшигимиз ҳамиша очик бўларди. Ҳозирги аксарият шарҳловчилар эшикнинг ошиқ-мошиғини бураб-синдириб киришади! Шу боис, кўпинча томошабинлар ТВнинг овозини ўчириб қўйишади. Яна ўтган устозларда «микрофонорти» манмансираш бўлмаган, улар телетомошабинлар билан жуда ҳурматни сақлаган ҳолда суҳбатлашишган» [40. С.45].

Бундай сўзлар ҳар қандай тажрибали ва бошловчи спорт шарҳловчиларимизнинг ёдида сақланмоғи шарт.

\* \* \*

Сўз юритилаётган финал ўйинлари замонавий ахборот технологияларининг энг сўнгги ютуқлари намойишига айлангани билан ҳам эсда қолди. Ўйинлар чоғида ҳар бир стадионга 32 тадан телекамера ўрнатилди. Демак, ҳар бир ҳолат 32 нуқтадан тасвирга туширилди! Бундан кўзланган мақсад битта – ҳолис ва тўғри ахборот олиш ва тарқатиш эди.

Ҳолис, тўғри ва тезкор ахборот узатиш журналистиканинг ҳамиша бош ва ўзгармас шарт, шиори ҳисобланади. Ҳар бир ўйиннинг ҳар бир лаҳзасини 32 «нигоҳ» назари остига олинишининг ҳикмати ҳам шунда. Ўйиндан ташқари ҳолатларни аниқлашда, шунингдек, тўп учун кураш чоғида футболчиларнинг қоида доирасида ҳаракат қилган-қилмаганлиги беш-олти марталаб турли нуқтага ўрна-

тилган кинокамералар «нигоҳи» орқали намойиш этилганида вазият ҳақида тўлароқ, мукамалроқ тасаввур олингани, муҳими, булар ҳар бир вазият юзасидан адолатли хулоса чиқаришга ёрдам бергани ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Бунинг учун янги ахборот технологиялари имкониятларига истаганча тасаннолар айтилса арзийди.

\* \* \*

2006 йил 19 июнь. Тошкентда Ўзбекистон терма жамоаси Осиё кубоги баҳсларида Тожикистон терма жамоасини қабул қилмоқда. Ҳал қилувчи учрашув, термамиз қандай бўлмасин, ғалаба қозонмоғи керак. Телеэкранларимиздан эса ўша қадрдон овоз эшитилди: «Ассалому алайкум, ҳурматли футбол ишқибозлари! Диққат қилинг, майдон марказида Ўзбекистон ва Тожикистон терма жамоалари саф тортишди. Бугунги учрашув ҳар икки жамоа учун ҳам муҳим аҳамиятга эга!»

Ушбу репортаж Ахбор ака Имомхўжаев учун ҳам унутилмас воқеага айланди: бу – 46 йил бурун илк бор экран орқали репортаж берган миллий спорт журналистикаси отахонининг сўнгги репортажи эди! Бироқ Ахбор ака спорт формасини бир кун ҳам йўқотмади (шу боисдан ҳам у кишини «Ахбор ота» демоққа тилимиз бормаяпти), аксинча фаолиятининг янги-янги қирралари очилди. Ҳаётида бирон кун, бирон дақиқа сеvimли касби-машғулотини тарк этмади. Учрашувларда иштирок этиш, кундалик матбуотда мақолалар билан чиқиш, ёш ҳамкасблар даврасида гурунглар ташкил этиш, ветеранлар сафида ҳормай-толмай тўп тепиш устознинг ҳаёт тарзига, кундалик турмуш мазмунига айланди.

*«Спорт журналисти ҳар жиҳатдан ибратли, барча учун намунали бўлиши, кўпчилик орасида ўзини тута биладиган, мухлислар билан учрашувларда ғоятда хушмуомала, ҳар қандай кутилмаган саволларга жавоб беришга шай бўлмоғи керак»...*



«Футбол шарҳловчиларимиз кенг омма билан юзма-юз мулоқотга киришадилар, шунинг учун ҳам улар миллий тилимиз бойлиги, ширадорлигидан самарали фойдалана билишни, мулоқот маданиятига роия қилмоқликни ўзларининг касбий бурчлари деб билишларини истардим»...

«Журналистиканинг бошқа соҳаларида нон тополмагани учун ўзидан спорт шарҳловчисини «яшаш»га уринишларга чек қўядиган вақти келди. Спорт журналистикаси эрмак эмас, унинг қадри, аҳамияти журналистиканинг бошқа йўналишлариникидан кам деб ўйламаслик керак асло»...

«Спортда мардлик, тантилик жуда қадрланади, бу фазилатлар спорт журналистлари учун ҳам бегона бўлмаслиги кони фойда»...

Ахбор ака бу каби самимий истак ва тилакларни дилдан чиқариб айтади. Ёш ҳамкасблар томонидан йўл қўйилган нуқсон ва камчиликларга гўё ўзи айбдордек изтироб чекади, уларни бартараф этиш йўллари излайди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Халқ таълими аълочиси, Республика тоифасидаги ҳакам, «Шўхрат» медали совриндори — бир сўз билан айтганда, ҳаётининг мазмуни, фаолияти, ўй-хаёли футбол бўлган инсон учун булар жуда-жуда табиий. «Футбол — қувончим, дардим, фахрим», «Мафтунингман, футбол!», «Ўзбегимнинг Миржалоли» китоблари Устоз фаолиятининг алоҳида саҳифаларини ташкил этади.

Ахбор ака пири бадавлат инсон: икки ўғли — Аббор ва Зафар таниқли футбол шарҳловчилари, невараси Диёр Ахбор ака асос солган ва дарғалик қилаётган Имомхўжаевлар сулоласининг спорт журналистикасидаги зафарли одимларини давом эттиришмоқда.

— 2011 йил январь ойида муҳтарам Юртбошимиз томонидан чиқарилган қарор тарихий аҳамиятга эга, — дейди Ахбор ака Имомхўжаев. — Фишт

қолипдан кўчди! Айтмоқчиманки, бу қарор миллий спорт журналистикасини, хусусан, футбол шарҳловчилигини янада юқори поғоналарга олиб чиқади. Ушбу соҳага дахлдор барча ҳамкасбларимиз, жонкуярларимиз ушбу имкониятдан унумли ва самарали фойдаланмоқликлари керак. Пойтахтимизда барпо этилган «Бунёдкор» стадионини, унинг очилиш тантанасига шахсан муҳтарам Юртбошимизнинг ўзлари бош-қош бўлганларини айтмайсизми!

Ахбор ака дилкаш, бағри кенг инсон. У киши кафтдеккина, лекин шинам ҳовлиси дарвозасини бағрикенглик билан кенг очиб қарши олади меҳмонларни. Ва тўғри иккинчи қаватга – ўзбек футбол тарихидан ҳикоя қилувчи уй-музейига таклиф қилади. Уй-музейда футбол мавзусидаги суҳбат, хотира, таассурот, ҳис-ҳаяжон тугамайди. Саволлар туғилади, жавоблар тугамайди. Муҳими, ҳеч ким зерикмайди, чунки бу музей ижодкори ўзимизга қадрдон, биз жуда-жуда соғинган овоз соҳиби – Ахбор Имомхўжаев!

\* \* \*

Ахборот мўъжизаси, фалсафаси ва жозибасига дахлдор бошқа бир муаммо ҳам кўзга ташланди. Бу – ҳатто оддийгина ахборотнинг ҳам турли кишилар томонилан турлича идрок этилиши ҳодисасидир! Фалсафа илмида азалдан мавжуд бўлган мутлақ ҳақиқат, мутлақ ҳақ тушунчалари теварагидаги баҳс-мунозараларни кўзгаш шарт эмас, албатта, бу ўринда. Лекин «ахборот ҳаққонийлиги», «адолатли ахборот», «рост ахборот» сингари ақидаларга нисбатан олганда мисли кўрилмаган техник имкониятлар ҳам баъзан ожизлик қилиб қолиши мумкинлиги умуман «ахборот» тушунчасининг моҳиятида қандайлир илғаб-идрок этиш мушкул бўлган бир сир-синоат мужассам деган ўй-мулоҳазаларни келтириб чиқаради. Бундай сир-синоат эса инсон феъли, табиа-





ти, тийнатидаги сир-синоат билан, мутлақ ҳақиқат йўқ, ҳар қандай ҳақиқат – нисбийдир деган тушунчаларга туташиб кетади.

Дейлик, икки ё уч футболчи тўп учун кураш олиб борди, зум ўтмай бу кураш нуқтасидан тўп бошқа томонга кўчди. Ҳакамнинг ҳуштаги эшитилди. Ҳайин тўхтатилди. Шу лаҳзанинг ўзида хаёлда ўнлаб савол туғилади: нима бўлди? Қоида бузилди-ми? Ким бузди? Ким айбдору, ким жабрланувчи? Қоида «сарик» ёки «қизил» карточка билан сийланадиган даражада бузилдими ёки бу қадар қаттиққўликка лойиқ эмасми? Жароҳатланганлар борми? Тез ёрдамни чорлашга зарурат борми ёхуд?..

Бир лаҳзанинг ўзида ҳакам камида мана шунча саволга жавоб топа олиши ва энг тўғри қарорга келишга мажбурлиги футбол майдонидаги ҳакамликнинг нақадар масъулияти оғирлигини кўрсатиб турибди. Кези келганда, ватандошимиз Равшан Эрматов зиммасидаги шу қадар нозик вазифани шараф билан ўринлатаётганидан ҳақли равишда фахрланамиз, унинг маҳоратига қойил қолганимизни яширмаймиз.

Мавзуга қайтсак, келтирилган саволларга ҳакам билан бир вақтда телеэкран қаршисида ўтирган минглаб, миллионлаб (миллиардлаб!) мухлислар ҳам ўзларича жавоб топадилар, хулосага келадилар ва ҳукм чиқарадилар. Керак бўлса, ҳар бир томошабин ўзича ҳакам!

Ваҳоланки, турли нуқталардан олинган тасвир ошқора, очиқ-ойдин намоиш этилмоқда. Ортиқча саволга, шубҳага, норозиликларга ўрин қолмаслиги керакдек гўё. Бироқ... Ана шу «бироқ»да гап кўп, ана шу «бироқ»ни талқин этиш, таҳлилга тортиш, уни ҳаммага бирдек уқдириш мушкул. Матбуотчилар лаҳжасида айтадиган бўлсак берилётган, кўрсатилётган ахборотнинг ахборот истеймолчилари, яъни аудитория томонидан бирдек қабул қилиниши, бир хил эътироф этилишига эришиш

ниҳоятда қийин. Ана ўша ҳолат, вазият миллионлаб, миллиардлаб кишилар кўз ўнгида юз бераётгани (демак, ҳукм-хулосалар ҳам шунча деярли!) назарда тутилса, аҳволнинг ўн, юз чандон оғирлиги аёнлашади.

Этибор бердингизми, Жанубий Африка Республикаси майдонларидаги учрашувлар чоғидаги курашларнинг айрим баҳсталаб вазиятлари такрорий намойиш этилганида футболчиларнинг бутун танаси йирик планда эмас, уларнинг фақат тўп талашаётган оёқлари кўрсатилди, холос. Томошабинларга қулайлик туғдириш мақсадида тасвир секинлатилган ҳолда ҳам такрорланди. Яъни, тугал ва атрофлича ахборот узатилди. Буни қарангки, ҳатто шундай ҳолатларда ҳам экран рўпарасидаги беш-олти томошабиннинг фикри бир жойдан чиқавермади. Уларнинг бири майдондаги тўқнашувда бир футболчини айбдор деб ҳисобласа, бошқаси айбни иккинчи футболчига афдармоқда. Учинчи томошабин кўполмик юз берганини эътироф этса, тўртинчиси ҳеч қандай кўполликка йўл қўйилмаган деб ҳисобламоқда, бешинчиси эса футболчиларни муғамбирликда айблашга тушмоқда (жаҳон футболида муғамбирлик билан ўзини жабрланган, жароҳатланган қилиб кўрсатиш – намойиш-корона симуляция тенденция тусини олмоқда, бу ҳолат, айниқса, энг таниқли ва маҳоратли футболчилар томонидан ғоят устакорлик билан «ижро» этилаётгани футболнинг тароватига, гўзаллигига путур етказмоқда, ҳакамларни қийин аҳволга солиб қўймоқда, томошабинларни чалғитмоқда, уларнинг футболга ва футболчиларга бўлган ихлосини қайтармоқда). Бошқача айтганда, бир хил ахборот турлича қабул қилинмоқда, талқин этилмоқда, эътироф этилмоқда.

Гап бор-йўғи футбол ўйини лаҳзалари ҳақида, унинг турли нуқталардан олинган вазиятларини кўз ўнгимизда такрор-такрор намойиш этиш имконияти ортгани ҳақида бормоқда, ҳатто шунча имкониятлар яратилган шароитда ҳам бир ҳолат юзасидан

кўпчилигининг мутлақ бир хил хулоса, ҳукм чиқаришининг қийинлиги, мушкуллиги ҳақида бормоқда. Ваҳоланки, журналистлар ёзмайдиган мавзунинг ўзи йўқ. Оммавий ахборот воситаларида шахслар, халқлар, давлатлар ўртасидаги озмунча муаммоли, баҳсли мавзулар қаламга олинадими?! Озмунча факт, маълумот ахборот сифатида тарқатиладими?! Уларнинг саноғига етиш қийин. Ҳар қандай журналист ўзи тарқатаётган ахборотининг кўпчилик томонидан тўғри ва ҳолис қабул қилинишини истайди, шунга ҳаракат қилади. Лекин бу борада мутлақ натижага эришиш нақадар қийинлиги масаласи... юқорида айтилган ахборот моҳиятидаги, инсон табиатидаги синоатларга бориб тақалади. Мазкур ҳақиқат журналистлар зиммасидаги вазифанинг нақадар оғирлигидан, мураккаблигидан яна бир карра далолат беради. Эҳтимол, журналистлик касбига ҳамиша ҳамроҳ битмас-туганмас жозиба ва сеҳр ҳам ушбу ҳақиқатга бориб тақаладигандек, ундан қувват оладигандек, соҳага мубтало шахсларни эса мудом изланишга, профессионал маҳоратни оширишга даъват этадигандек туюлади...

...Ям-яшил майдон. Икки томонда ўн бир нафардан футболчи. Кураш бирон лаҳза тинмайди, синчков муҳлис кўз ўнгида бамисоли ҳаёт манзаралари гавдаланади. Диққа-ат! Го-о-ол-л!.. Кимга олқиш, кимга қайғуриш – ҳар битта гол замирида катта ҳаёт мантиқларини кўриш ва уқиш мумкин, гол – ҳаёт ҳақиқатининг тимсоли!

Стадионни ҳайқириб бошига кўтараётган минглаб томошабинлар қатори бир ўриндиқда Ахбор ака Имомхўжаев ўтирибди. Неча ўнлаб авлод футбол муҳлисларини тарбиялаган, вояга етказган, бу ажойиб ўйиннинг сеҳри, мўъжизаси ва жозибасини оммалаштиришга ҳаётини бахшида қилган инсон кўзларида адоқсиз навқиронлик, фидойилик ва садоқат ҳаяжонлари балқиб турибди...

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. 2007. №1.
2. Жабборов Ш. Ўзбекистонда ким яхши яшайди. – Т.: F.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2012.
3. Фомичева И.Д. Индустрия рейтингов. Введение в медиаметрию. – М.: Аспект-пресс, 2004.
4. Колесниченко А.В. Что говорят и чего не договаривают рейтинги. ВМУ. 2006. №4.
5. Тхагушев И.Н. Радиоаудитория: проблемы изучения (страницы истории). Вестник МГУ, серия Журналистика. 2007. №3.
6. Тертычный А.А. Коммуникативные стратегии и журналистский текст. Вестник МГУ, серия Журналистика. 2000. №4.
7. Қаранг: Воҳидов Э. Мен етмаган бахтга сен етгин. Китоб дунёси. 2012. №11. 5 сентябрь.
8. Қаранг: Гурова Е.К. К вопросу о языковой компетенции журналиста. Вестник Московского университета. Серия Журналистика. 2008. №4.
9. Герцен А. Избранные произведения. – М.: Детская литература. 1971.
10. «Халқ сўзи». 2010 йил 13 ноябрь.
11. Кайковус. Қобуснома. –Т.: Истиқлол. 1994.
12. Тўртинчи ҳокимият. Четвертая власть. –Т.: Меҳнат. 2003.
- 13.Рэндалл Д. Универсальный журналист. Алматы. Центральноазиатская Школа Молодых Журналистов. 1996.
- 14.Баҳриев К. Журналистнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти. –Т.: Фан. 2000.
15. Муминов Ф. Журналистское расследование. – Т.: Университет. 2002.
16. Журналист. Жамият. Ҳуқуқ. Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд бўлими тўплами. 2003. 2–3-сон.

17. Хейли А. Оқшом хабарлари. –Т.: O‘zbekiston. 2011.
18. Маклюэн М. Средство само есть содержание. (В сб. Информационное общество. –М.: АСТ. 2004.
19. Николаев В. Национальный саммит по ИКТ. // Сегодня. №76. 2011г.
20. Засурский Я.Н. Мобильный телефон как фактор развития информационного общества. // Вести МГУ. Серия Журналистика. №2, 2009.
21. Ким Чхан-хо. Мобильные телефоны: фактор динамичного развития или источник постоянного беспокойства? – Кореана. Том 6. №3. Осень. 2010.
22. Гёте. Фауст. –Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. (Таржимон Эркин Воҳидов). 1985.
23. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. – М.: РИП-холдинг. Изд-ние 3-е. 2000.
24. Бобождонова З. Пулитсер очган Америка. Маърифат. 2009, 22 июль.
25. Ортега де Гассет. Восстание масс.
26. Румий Ж. Ичиндаги ичиндадир. –Т.: Ёзувчи. 1997.
27. Каримов И. Юксак маънавият — энгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008.
28. Муратов С. ТВ конструирует нашу жизнь. Какую?». Независимая газета. 15 января 2008.
29. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. –Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2009.
30. Қодирий А. Диёри бакр. –Т.: Янги аср авлоди. 2008.
31. Раҳматуллаев Т. Газеталар кўплиги муштарийга танлаш имконини бермоқда, аммо... Хордиқ, 2010, 14 январь.
32. Ёқубов С. «Сариқ матбуот»ни хушламайдиган маънавият. Маърифат. 2009, 23 сентябрь.
33. Аристотель. Поэтика. –М.: Гос. Изд-во Художественной литературы. 1957.

35. Одилхонова Ш. «Оммавий маданият» таҳиди. –Т.: Мухаррир. 2010.
36. Саидов Ҳ. Оломон маданияти. Тафаккур. 2008, 2-сон.
37. Ризаев Ш. Хайрихоҳлик бош мезон бўлса... Тафаккур. 2010, 3-сон.
38. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. (Тарж. О. Шарафиддинов) –Т.: Маънавият. 2010.
39. Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи. 2012.
40. Твалтвадзе Г. Комментатор не должен срывать дверь с петель. Журналист. №10. 2009.

---

# ТУРТИНЧИ

ТУЛҚИН

Тоғ жилғасидан шарқираб  
оқиб тушаётган сув, дарё  
соҳилларини бузгудек шиддат  
ила айқириб оқаётган сув,  
анҳорларни, баҳри уммонни  
тўлдириб сокин ва вазмин  
жилваланаётган сув.

Ахборот уларнинг қайси  
бирига ўхшагани маъқул?..  
Ахборот одамларни жун-  
бишга келтиради, уларга  
севинч бағишлайди, кўнглига  
хатарлар солади, дунёсини  
зимистонга айлантиради,  
руҳини мунис она янглиғ  
аллааб-эркалайди, бахтиёр  
яшамоқликка ундайди, гўзал  
ҳаётга муҳаббат бағишлайди.

Она замин сийнасидан  
сизилиб чиқаётган зилол  
чашма суви. Инсон унга  
термилиб руҳи ором олади,  
ундан қувват олади. Зилол  
сув янглиғ зилол ахборот  
истайди кўнгил...

---

Қонун одоби

ва одоб қонуни

Мақола

нега ёзилмади?

Журналистнинг

шаъни

Журналист

психологияси

Нажот –

тўртинчи тўлқинда

Жаноб Пибодининг

олмалари (илова ўрнида)





## ҚОНУН ОДОБИ ВА ОДОБ ҚОНУНИ

Ҳар қандай қонун кишиларнинг бошқалар билан тенг ҳуқуқлар асосида яшашини, ўзи танлаган соҳада эмин-эркин фаолият юритишини тартиб-лаштиради. Яратилган ҳуқуқий меъёрларнинг жамият аъзолари орасида тарқалишига замин-пойдевор вазифасини ўтайди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Парламенти жуда кўплаб соҳаларга дахлдор қонун ижодкорлиги борасида катта тажриба тўплади. Жумладан, оммавий ахборот воситалари соҳасига бевосита тааллуқли қонунлар ҳам яратилдики, улар турли нуқтаи назарлардан таҳлил этилса, катта аҳамиятга эга ҳулосалар чиқарилади.

Республикамизда амалда бўлган, бевосита оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қонунлар матбуотчи, ношир ва журналистлар фаолиятининг барча босқичларини қамраб олган. Мазкур қонунларнинг аҳамиятини атрофлича таърифлаш мумкин, шулар қаторида улар жамиятда журналистнинг ўрни, аҳамияти ва нуфузини мустаҳкамловчи ҳужжат сифатида ҳам алоҳида эътиборга лойиқлигини таъкидлаш жоиздир. Қолаверса, журналистлик касбига ва журналист шахсига бўлган бундай эътиборнинг изчил чуқурлашиб бориши жамиятнинг аста-секин демократия сари илгарилаб бораётганидан далолат ҳам беради.

Шу ўринда, мантиқли саволлар туғилади: дунёни «мафкуравий полигонлар» бошқариб турган, ахборот глобаллашаётган, демак, журналистнинг шахси, касб малакаси муаммолари тобора жиддий тус олаётган бир пайтда бу соҳа эгаларининг касб одоби қай тариқа тартибга келтирилади? Журналистнинг касб одоби, яъни профессионал этикаси меъ-

ёрларини ким яратади-ю уни ким ёки қандай ташкилот зиммасига олади?

Соҳамизга доир қонун моддалари ва бандлари синчиклаб ўқилса, журналистнинг касб одобига ё бевосита ё билвосита тааллуқли меъёрлар мавжудлигини кўриш мумкин.

«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида муаллифлик ҳуқуқи объектларининг турлари сифатида адабий-бадиий, илмий, ўқув асарлари қатори публицистик асарлар ҳам санаб ўтилган [1. Б.91]. 10-модда «Асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади» деб бошланади [1. Б.93].

Мазкур икки модданинг аввалгисида журналистнинг ижод маҳсулига ҳуқуқий баҳо-мақом белгиланган бўлса, кейинги моддада асар муаллифининг меҳнати ижодий меҳнат сифатида эътироф этилмоқда. 11-модда тўласича ҳаммуаллифликнинг ҳуқуқий мақомига, одобига, маданиятига бағишланган [1. Б.94]. Ҳар учала моддада санаб ўтилган ҳолатлар ижодкор-журналист меҳнати, журналистлик касбининг аҳамияти ва нуфузини улуғлайди. Кейинги моддаларда журналистнинг касбий бурчи ва масъулиятини эслатувчи, уни турли адашишлардан, чалкашликлардан огоҳ этувчи бандлар келадик, уларни ҳеч иккиланмай журналистнинг касб одобига бевосита дахлдор дея оламиз.

Маълумки, журналист фаолияти давомида ахборот манбаи билан доимий мулоқотда-муносабатда бўлади. Жумладан, у турли соҳа эгаларидан, таниқли шахслардан, сиёсий арбобу маданият намояндalarидан интервью олади. Юзаки қараганда, оддий ҳолатдек кўринадиган мазкур жараёнда ҳам журналист риоя қилиши мажбур бўлган касб одоби нормаларига рўпара келади. Тажрибада кўпинча савол туғилади: интервьюнинг муаллифи ким? Интервью берувчими ёки олувчими?

Сўз юритилаётган қонуннинг 14-моддасида зикр этилганидек, интервьюга муаллифлик ҳуқуқи интервью берувчи билан олувчига тегишлидир (албатта, икки субъект ўртасида бошқа келишувлар бўлмаса). Интервью олинди ҳам дейлик, уни эълон қилиш тартиби қандай кечади? Мазкур модданинг иккинчи бандида ёзилганидек, «Интервью ёзувини эълон қилиш, кўрсатиш ва эшиттиришга интервью берган шахснинг розилиги билангина йўл қўйилади»[1. Б.95].

Ҳаётда эса, аксарият ҳолларда қонуннинг мазкур тақиқловчи бандига риоя қилинмайди, натижада эълон қилинган интервьюдан қониқмаслик, норозиликлар келиб чиқади. Умумий иш зарар кўради.

Аслида журналист учун ахборот олиш ва тарқатиш тизими, механизми яратилмоғи зарур. Одатда, журналист вазият тақозосига кўра ахборот олишнинг хилма-хил шаклларида фойдаланади. Ижобий ахборот ёзиш чоғида маълумот тўплаши нисбатан осонроқ кечса, муаммоли ҳолатларда у бамисоли илмий ходим каби, ҳатто изқуварлар сингари тадқиқот юритишига, факт тўплашига тўғри келади, кескин зиддиятли вазиятларда эса янада ўзгачароқ иш тутишга мажбур бўлади.

Айтайлик, журналист воқеа-ҳодиса ҳақида тайёр пресс-релизлардан, матбуот анжуманларида, брифингларда маълумот тўплайди. Кези келганда, гоҳ прокурор, гоҳ терговчи, гоҳ адвокат ҳолатига тушади. Лекин ҳар қандай ҳолатда у бир талабни, яъни касбий бурчи, масъулияти ва мажбуриятларини унутишга ҳаққи йўқ. «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг номланишига эътибор қилинса, унда журналистнинг ҳимояси устувор маъно касб этгандек туюлади. Лекин қандай ҳимоя ҳақида сўз борган унда? Журналист ким томонидан ҳимоя қилиниши кўзда тутилган?

Қонуннинг моҳиятида аниқ жавоб кўриниб турибди. Яъни, журналистнинг биринчи ҳимоячиси – унинг ўзи!

Журналист ўзи ва фаолияти ҳимоясини таъминлашининг муҳим шартини – ҳар қадамда касб одоби талабларига риоя қилмоғи керак. Бундай талаблар мазкур қонуннинг 5-б-моддаларида журналистнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари сифатида батафсил қамраб олинган [1. Б.46-47]. Жумладан, журналист ахборот тўплаш, тўплаган ахборотини таҳлил этиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Шу мақсадда исталган мақомдаги юқори раҳбарий ташкилотларга мурожаат этиши, тақдим этилган ҳужжатлардан фойдаланиши, журналист текшируви ўтказиши мумкин. Маълумотларни олишда техник воситалардан фойдаланишига йўл қўйилади. Олган маълумотларининг ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун мутахассисларга мурожаат этиши эса – ихтиёри.

Демак, журналист ва ахборот манбаи ўртасидаги алоқа шу тариқа ташкиллаштирилса, журналистнинг иши пухта бўлади, ахбороти тўлақонли тайёрланади, буларнинг самараси ўлароқ, эҳтимолдан ҳоли бўлмаган баҳсли, зиддиятли ҳолатларнинг олди олинади.

Мазкур модданинг навбатдаги бандлари журналист ва таҳририят ўртасидаги муносабатни тартибга солишга хизмат қилади. Чунончи, башарти таҳририят томонидан қонунга зид топшириқ берилса, журналист уни рад этишга ҳақли. Ўзи тайёрлаган материал мазмунига путур етадиган даражада ўзгартирилган бўлса ҳам у мақолага имзо чекмаслиги, ҳатто мақоланинг эълон этилмаслигини талаб қилиши мумкин.

Матбуот соҳасида юз берадиган аксарият келишмовчиликлар мавжуд қонунларни бирёқлама ёки юзаки талқин этишдан келиб чиқади. Ҳамкасбларимиз журналистнинг дахлсизлигини, қонуний ҳуқуқларини рўқач қилишни ўрнига қўядилару, зиммаларидаги мажбуриятларидан кўз юмадилар. Ваҳоланки, сўз юритилаётган қонуннинг 6-моддасида журналистнинг мажбуриятлари бандма-банд санаб ўтил-



ган. Чунончи, биринчи навбатда, журналистдан холислик талаб қилинади. Бунинг учун у ўзи тайёрлаётган материалнинг тўғри ё нотўғрилигини текшириб кўриши шарт. Иккинчидан, борди-ю у танқидий мулоҳаза юритаётган бўлса, ўз қаҳрамони шахсининг айбсизлик презумпцияси ҳуқуқи борлигини зинҳор ёдидан чиқармаслиги, яъни суд айбдор деб топмагунига қадар, тўйдан бурун ноғора чалмаслиги керак. Бу ҳам мажбурият. Учинчидан, шахснинг фаолиятидаги камчилик ва нуқсонларни матбуотга олиб чиқаётган журналист унинг инсоний шаъни ва қадр-қимматига путур етказишига асло йўл қўйилмайди. Йўл қўйилган тақдирда, буни журналистнинг касбий ахлоқсизлиги деб баҳолаш ҳам мумкин.

Ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, журналист хизмат юзасидан тўплаган маълумотларни ўзи ёки ўзининг яқинлари манфаати йўлида фойдаланади. Бу – хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш деб баҳоланади. Ахборот манбаининг шахсига дахлдор маълумотларни унинг розилигисиз эълон қилиб юбориш ҳам журналистнинг касб одоби доирасига сифмайди.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунда журналистнинг ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилишига йўл қўйилмаслигига алоҳида урғу берилган [2. Б.26-27]. 35-модданинг сўнгги хатбошида «ҳар қандай хабар, ахборот ва эълонлар таҳририят билан ўзаро шартнома тузиш асосида эълон» қилиниши таъкидланган бўлса-да [2. Б.37], бу қонуний талаб ҳали-ҳануз амалиётда одатга айланиб улгурмади: биринчидан, шартнома тузиш амалиётига тўла риоя қилинмайди, иккинчидан эса оғзаки аҳдлашув бўлган тақдирда ҳам муаллиф ҳуқуқи тўла сақланмайди.

Қонуннинг 32-моддасидаги «Таҳририят қонуний асосларда рад этган материални оммавий ахборот воситасида мажбуран эълон қилдиришга ҳеч

ким ҳаққи эмас»лиги белгиланган [2. Б.36] банд юзасидан кичкина мулоҳаза туғилади. Гап шундаки, одатда, мақола ё бошқа материал ижод маҳсули сифатида турли мулоҳазалар туғдириши мумкин. У кимгадир маъқул келади, кимгадир хуш келмайди. Бундай ҳолатда субъектив нуқтаи назарлар (таҳририят раҳбарияти, ижодий ходими, муаллиф ва ҳоказо) тўқнашуви юз бериши ҳеч гап эмас. Таҳририят ходими ўз даъволарини қонунан асослашидан ташқари омиллар пайдо бўлса, муаллиф таҳририят ходими даъволарини қабул қилмаса... у ҳолда муаллиф, табиий, материални эълон қилдиришга ҳеч кимни мажбур этолмайди. Оқибатда... ижодий баҳс-мунозара ё ошкора ё пинҳона норозилик билан тугайди. Шундай лаҳзаларда яна журналистнинг касб одоби, касб маданияти меъёрлари масалага ойдинлик киритишда жуда асқотади.

Қонунда таҳририят билан муассис ўртасидаги муносабатлар қатъий шартнома асосида юритилиши белгилаб қўйилган. Кўринадики, журналист касб одобининг алоҳида муҳим қирраси муассис билан муносабатларида ҳам акс этади. Зеро, у таҳририят ходими сифатида фаолияти жараёнида таҳририят ва муассис ўртасидаги шартнома шартларини эътибордан соқит қилмаслиги зарур. Эҳтимол, бу ўзгариш (аслида бундай шартнома аввалдан ҳам мавжуд) журналист зиммасидаги масъулият юкини оғирлаштирар, аммо-лекин ҳамонки қонун қабул қилинган экан, мамлакатимиз журналистлари фаолияти жараёнида унга риоя қилишга одатланишлари фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонун XXI аср – ахборот глобаллашаётган, ахборот хавфсизлиги ғоятда долзарб муаммога айланаётган асрдаги ўзбек журналистикаси ва ўзбек журналистининг вазифалари, бурчи, масъулияти ва табиий, касб одоби меъёрларини белгилаб бе-

радики, у ҳақда ҳам кўп таҳлилий ишлар олиб борилиши шубҳасиз.

Инсоний, касбий одоб меъёрларини қонун моддалари ва бандларига сингдиришнинг мушкуллиги қонунчиликнинг энг катта ва жиддий муаммоларидан ҳисобланади. Бироқ юқорида таҳлил этишга ҳаракат қилганимиз мисоллардан кўринадики, оммавий ахборот воситалари соҳасига дахлдор қонунларимизда журналистнинг касб одоби шартлари ҳам бевосита акс этган. Яна бир хулосамиз шуки, журналистнинг касб одоби унинг профессионалик даражаси, салоҳияти ва истеъдодининг муҳим, ажралмас шarti бўлиб, ўзини ва касбини ҳурматлаган қалам соҳиби буни сира-сира ёдидан чиқармайди, зеро, қонунга риоя қилиш журналистдан касб одоби меъёрларига, касб одоби меъёрларини эъозлаш эса қонун бандларига ҳурмат, итоатдан бошланади.

### МАҚОЛА НЕГА ЁЗИЛАДИ?

*Ёки калтакланган йигит, арзнома  
ва «5 w» қоидаси*

«Хуррият» мустақил газетасига шикоятчилар танда қўйган кезлар. Оппоқ соқоли кўксига тушган нуроний отахон қабулга кирди. Босиқ, вазмин гап-сўз орасидаги оғир хўрсинишлар мўйсафиднинг бошига унча-бунча ташвиш эмас, мушкул мусибат тушганидан дарак берарди. Тахминим кўп ўтмай тасдиқланди: оқсоқолнинг ўттиздан ошган Н. исмли ўртанча ўғлини икки киши йўлда тутиб олиб, аёвсиз калтаклабди. Чалажон аҳволда анҳорнинг овлоқ соҳилига ташлаб кетишибди!

Хўш, отахонни таҳририятга нима етаклаб келди? Н. салкам икки ой касалхонада яқинларини таҳликага қўйиб, «ана кетади-мана кетади» деган аҳволда ётибди. Тўрт-беш қайта жарроҳлар тигни қўлга олишга ҳам мажбур бўлишибди. Ота-она, ака-ука



толганларини дўхтирхонага ташиб, тинка-мадорлари қурибди.

– Ўғлингизни калтаклаганлар қаерда? – сўрадим отахондан.

– Э, баракалла! – деб юборди меҳмон энгил тортиб. – Ҳамма бало шунда-да, ўғлим!..

Кўпчилик журналист ҳамкасбларимизга хос заифлик бор, бу – биринчи айтилган арз-қолга ишониниш! Бу бежиз эмас. Чунки биринчи айтилган гап ҳам бамисоли ахборот, ҳасрат-надоматга тўла ахборот! Ҳаяжон, эҳтирос, энтиқиш, йиғи-сиғи аралаш келган ахборот таҳририят ходимининг тўппатўғри юрагига қадалади. Эҳтирос жунбишга келади. Ҳамдардлик, ачиниш бошланади ва шундан кейин кўрилган ҳар қандай чора-тадбир ўша ачиниш, раҳм-шафқатдан келиб чиқади. Ваҳоланки, сиз шикоятдан эндигина хабар топаяпсиз, ҳали уни ўрганишга киришиб улгурмадингиз ҳам. Лекин... рўпарангизда олис йўл босиб, нажот истаб келган нуроний ёшдаги шикоятчи ўтирибди.

– Тегишли идоралар ўрганишдими? – сўрадим.

– Ўрганишди. Бошлашди-ю, ташлаб қўйишди. Шубҳа остида қўлга олинганлар айбини тасдиқлайдиган далиллар топилмабди. Қўшимча далиллар йўқлиги боис, улар озодликка қўйиб юборилибди.

– Очикда юришибдими?.. – Беихтиёр оғзимдан чиққан саволга жавоб кутмадим ҳам. Сўнг бошқа бир саволнинг ўзи «илашиб» келди: – Яна нимадан хавотирланаяпсиз?..

– Ярамаслар яна бирон кор-қол етказиб қўйишдан тоймайди. Шундан тинчим йўқ!..

Мўйсафиднинг бу гапи бошқа бир мантиқий саволни келтириб чиқарди:

– Ўғлингиз Н. ўша душманларига қандай ёмонлик қилибдики, улар шу қадар ёвузликка қўл уришдан қайтишмабди, ҳайиқишмабди?

– Йўқ, ўғлим ҳеч қандай ёмонлик қилмаган. Бу ёғи менга... бизга қоронғи...





Шу лаҳзада шикоятчи отахонга зимдан разм солдим. У кишининг гап оҳанги, товушидаги тебранишлар баланд–пастиги, кўз қарашлари, қўл ҳаракатлари – бари ниҳоятда муҳим ахборот бераётган эди менга. Кўнглимга шубҳа оралади: чиндан ҳам бу ёғи отахонга, у кишининг оила аъзоларига қоронғи эдими?! Бошқа бирор гап, янаям жиддийроқ ишқал яширинганга ўхшамаяптими?

Булар менинг фаразларим эди, холос, уларга қанчалик ишонай-ишонмай, фараз – фараз-да!

Хуллас, отахоннинг арзномасини олиб қолдим. Аралаш-қуралаш кайфиятда қатъий хулосага кела олмай бошим қотиб, бундай пайтларда таҳририятимиз ходими, ҳормай-толмай изланишни малол олмайдиган журналист – Турсунали Акбаровни чақирдим. Турсунали ёш бўлса-да, аризачилар билан суҳбатлашавериб, не-не ҳасратларга қулоқ солавериб, дийдаси бирмунча қотиб кетган, энг муҳими, ҳар бир суҳбатдошига қанчалик ишонса, шунчалик улардан шубҳалана биларди ҳам.

Бундай одатни, яъни ишониш ва шубҳалана билишдаги мувозанатни сақлашни журналист касб одобининг муҳим фазилатлари қаторига қўшган бўлур эдим. Зеро, ишонувчанлик беғуборликка нечоғли яқин бўлмасин, асосли равишда ишонмаслик ҳам профессионал принципааллик сифатида қадрланмоғи лозим.

Столим устидаги арзномада баён қилинган вазиятни хонадан чиқмай туриб ўрганишга киришаётиб, Турсунали билан аввалдан келишиб олган услубимизни қўлладик: у вазиятга дахлдор барча салбий ҳолатларни санаб чиқади, мен – ижобийларини. На «қахрамону» «персонаж»ларга, на бир-биримизга муроса қилинади (Шундай ҳолатларда Турсунали билан қизишиб олган пайтларимиз ҳам анчагина бўлган, лекин мақсад фақат вазифамизни ҳалол адо этишга қаратилган). Мен Фарб журналистикасида кенг тарқалган «5 w» қоидасини ишга соламан, Т. Акбаров ҳам бўш келмайди.



– «5 w»да жон бор, ака, келинг, вазиятни ўша қоидага солиб таҳлил қилайлик, – таклиф қилди у.

Ўрни келганда, мазкур қоида ҳақида қисқача изоҳ беришга тўғри келади.

Инглиз тилидаги w ҳарфи билан бошланадиган беш савол what, who, where, when, why тилимизга **нима, ким, қаерда, қачон, нима сабабдан** деб ўгирилади. Бизни ўйлантираётган ҳодисани атрофлича ўрганиб, ёзиш учун камида шу беш саволга аниқ жавоб топишимиз керак. Шарт! **Нима?** – Кўнгилсиз ҳодиса юз бергани аниқ. **Ким?** – Кимлар томонидан содир этилгани тўла тасдиғини топмаган. **Қаерда?** – Анҳорнинг овлоқ соҳилида. **Қачон?** – Арзномада кўрсатилган куни, соати маълум. **Нима сабабдан?** – Бу савол, яъни қандай сабабларга кўра бу қадар шафқатсизларча жиноятга қўл урилди деган савол жавобсиз қолмоқда.

– Ўрганиб кўриш керак, – дели Турсунали тажрибасидан келиб чиқиб. – Аниқ жавоблар бор бўлса-да, шубҳа туғдираётган ўринларига оидинлик киритадиган далил, ҳужжатлар йиғмасак бўлмайди. Сиз билан бизга қоронғи бошқа ниманингдир иси келяпти...

Тортишувимиз шу битим билан ниҳояланди. Т. Акбаров бир қишлоқда яшовчи икки гуруҳ ўртасида анчагина газак олиб улгурган «душманчилик»-ка доир бир талай факт ва маълумот йиғиб келди.

Мақола ёзилмади, шикоят газета юзини кўрмади. Чунки арзномани эшитган пайтимиздаги бизга етиб келган дастлабки ахборот қанчалик эҳтиросли ва таъсирчан бўлмасин, унинг ўзи бизнинг тўла ишонч билан қалам тутишимизга асос бўла олмади. Ҳақиқатда юз берган ҳодиса ҳақида тўла-тўқис маълумот тўплаш жараёнида вазият биз ўйлагандан кўра анчагина қалтислигига, чигаллигига (адолатли ечимни чиқариш ҳуқуқни сақлаш идора вакилларига қолди), бир томоннинг арзи билан иш тутиш касбимиз одобига мутлақо тўғри келмаслигига яна

бир карра иқрор бўлдик. Лекин унинг тагига ет-гунча биз – таҳририят ходимлари озмунча бош қотирдикми? Озмунча овора бўлдикми?! Қийинчилик ва оворагарчиликлар ўз йўлига, лекин ўша отахоннинг арзномасида баён этилган даъвою арз-додлар газетага чиқиб кетганида қанчалик хом иш қилган бўлар эдик?! Уни ёзган журналист, бош муҳаррир, газетанинг шаъни қай аҳволга тушарди?!  
Ҳамма гап мана шунда!..

### ЖУРНАЛИСТНИНГ ШАЪНИ

*Журналист Тождин РАЗЗОҚқа очиқ хат.*

*Журналист тамагирликда айбланса, ким гуноҳкор?*

*Тухматга учраса-чи?*

*Ҳибсга олинса-чи?!*

*Нима учун бундай оғир саволлар туғилмоқда?*

*Ташвишларимиз ўринлими?..*

*Оғир ва аччиқ саволлар журналист ҳамкасбларимизни мулоҳазага, мулоҳазага ва яна мулоҳазага ундамоқда.*

Тождин ака! 2002 йилнинг 23 октябрь куни «Хуррият» газетасида босилган «Излагай...» номли мақолангизни ўқиганимдан буён Сизни ташвишлантирган ўша мавзу ҳақида қайта-қайта ўйлайман. Ҳатто кўнгилдан кечган мулоҳазаларни қозғоғга туширдим ҳам, лекин яна истиҳола, андишага бордим. «Ке, кўй, дунёда шу-унча муаммою масала қалашиб ётган бир пайтда ҳамкасбларимизнинг шаънига оғир ботадиган «уй»даги гапни кўчага олиб чиқиш зарурми?» деган ўйга бордим. Ахир тамаю нафс комига фарқ бўлиб, эмин-эркин яшашни касб қилиб олганлар озми?! Уларнинг ҳеч бири бошқасини қулоғидан чўзиб, халқнинг кўз ўнгида сазойи қилаётган бўлмаса. Қарға қарғанинг кўзини чўқимади, деганларидек...



Шу хаёлда ёзганимни жавонга ташлаб қўйдим, илло мақолангиздаги қўйидаги сўзларни сира унутолмадим: «Замонасозлик «тўртинчи ҳокимият» намоёндалари фаолиятида ҳам кузатилмоқда – баъзи уddaбурон мухбирлар масъул-масъул инсонлардан пора ундиришга ҳаракат қилмоқдалар ва тузоққа тушмоқдалар».

Тожиддин ака! Тўғриси, тилингиз жуда аччиқда! Қадимда, ҳали Сизни танимаган кезларим ўлардай қаҳри қаттиқ одам бўлса керак, деб ўйлардим. Кейин танишдим, мутлақо фикримдан қайтдим, Сурхондарёнинг офтобида етилган қалампир шўрвага «увитиб» қўйган «шириндан-шакар лутф»ларингиз замирида ҳақиқат, ҳақ гап бўлишини кўриб, сиртимдаги норозилигимга ботиндаги розилик қоришиб кетадиган бўлди. Мазкур мақолангизда ҳам ўзингизга хос услуб сақланган (Уни сира унутолмаганимнинг боиси ҳам шундадир, ҳойнаҳой).

Хуллас, мақолангизнинг бошланишидаёқ ҳамкасбларимизнинг шаъни, иззат-обрўси, орияти ҳақида қайғуриш, ташвишланиш сезилиб турибди. Шундай экан, ҳамон шу иллат мавжуд экан, ҳатто у газак ола бошлаётган экан, нима учун касални кўра-била туриб дамни ичимизга ютишимиз керак?! Қарға қарғанинг кўзини чўқимаса... ахир биз қарға эмасмиз-ку, Тожиддин ака! Ким ва қайси касб эгалари ўзларини қарға ўрнида кўрсалар ўзларига ҳавола, аммо-лекин биз – бу ёруғ дунёга аҳли қалам бўлиб келган, ижод кишиси бўлиб туғилган бандалар ўзимизни қарғага тенглаштириб ўтирмайлик. Бошқаларга санчадиган танқид тифимизни ўзимизга ҳам суқиб кўрайлик. Нима дедингиз, Тожиддин ака?!

«Хуррият»да бош муҳаррирлик қилган кезларим. Хонамга бир онахон кириб келдилар. Ёшлари олтимишдан ошган, жиккаккина, энгил-бошлар хийла уринган. Қорамағиз. Онахоннинг кафтларига, та-

рам-тарам ёрилган, оғир меҳнат асоратидан заранг таёқчаларга ўхшаб кетган ғадир-будир бармоқларига зимдан назар ташладим.

Саломлашдик. Шикаста товуш. Билиниб турибди – шикоят кўтариб келган.

– Қаерда ишлайсиз, она? Касбингиз?

– *Далачимиз, ука... Кетмончиман... Бормаган ерим қолмади. Излай-излай топиб келдим... Бошимга оғир мусибат тушди, ука...*

Хуллас, онахоннинг ёлғиз ўғли иккинчи гуруҳ ногирони. Ёғ-мой заводида қоровул бўлиб ишлаган. Тунда пичоқ билан қуролланган ўғри билан олишиб, ўзини ҳимоя қилиш чоғида фишт парчаси билан уриб, беҳосдан ўғрини ўлдириб қўйган. Ҳодиса соқчилик постининг ўзида юз берган. Суд ўғлини 14 йилга озодликдан маҳрум этган.

– *Келиним бир этак ёш боласи билан чирқираб қолди, ўғлимнинг Афғондан ногирон бўлиб қайтганини ҳам инобатга олишмади...*

Бундай ҳолатларда кўз олдингизда олам зимистонга айланиб кетади, қани эпини топсангизу, ҳозироқ онахонга, уни кўзлари тўрт бўлиб умид билан кутиб ўтирган тўрт невараси, келини, 14 йил ҳисобидан кун ва соат санай бошлаган ногирон ўғлига ёрдам қўлини чўзсангиз!

– Ўксинманг, онажон. Сабр қип турунг. Аризани, суд ҳужжатларини қолдиринг. Биз юристга топширамиз, у ҳужжатларни обдон ўргансин, қонунга биноан қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз.

Онахон бераётган ваъдамга ишониб-ишонқирамай, нигоҳлари гоҳ чарақлаб, гоҳ нурсизланиб қайта-қайта дуо қилдилар. Хайрлашдик.

Чекка вилоятдаги оддийдан-оддий бир қишлоқ аёлининг бошига тушган мусибат юки энди сизга кўчади, оғир ва изтиробли ўйлар исканжасидан қутулолмай, қўл ишга бормаи ўтирасиз.

Воқеанинг янаям аянчли давоми кейин юз берди. Онахон хайрлашган, бирор соатлар ўтдимиди.

йўқми, хонадан чиқсам, онахон йўлакдаги курсида жавдираб ўтирибдилар.

– Ха, она, яна кимни кутяпси? – сўрадим ҳайрон бўлиб. – Бораверинг, биз ўрганамиз, дедим-ку.

– *Газетти юристи билан юзлашай дегандим, унинг ҳам юмуши бошидан ошиб ётган чиқар. Сунг...*

Онахон чайналдилар. Тушунолмадим.

Шунда ходимларимиздан бири жонимга ора кирди.

– Онахон редакция ходимларини бир тушлик қилдирай, раҳбарингизга айтишга ботинмаяпман, деб кутиб ўтирибдилар...

Бу гапдан шикоятни эшитган чоғимдаги изтироблар ҳолва бўлиб қолди, бошимдан бир челак қайноқ сув қуйилгандай бўлди. Аччиқ устида онахонга нордонроқ гап ҳам айтиб юбордим.

Тожиддин ака, бу қанақаси ахир?! Буни қандай тушуниш керак?! Қандай талқин қилиш мумкин?! Ёши бир жойга бориб қолган муштипар кетмончи кампир тўрт етимча неварасининг ризқидан қирқиб... ГАЗЕТА ТАҲРИРИЯТИГА, таҳририят аъзоларини тушлик қилдириш ниятида бир ҳовуч пул кўтариб келибди! Энг алам қиладиган жойи, бундай тасаввур қайдан пайдо бўлган кампирда?!

Саволнинг энг даҳшатли жойи ҳам шунда, яъни оддий кишиларда газета таҳририятини, журналистни манфаатдор қилиш фикри қаердан пайдо бўлди?!

Инсон феълидаги ҳеч бир иллат тўсатдан юз бермайди. Бизни ташвишлантираётган бу касофат вужудга келиши учун, аввало, муҳит пайдо бўлади, кўртақ отади, ғунчалайди ва қарабсизки, «манфаат-парастлик» деган ёвуз бир оғу қанот қоқиб бошингиз узра эмин-эркин ўчиб юрганини, у сизнинг ақл-ҳушингизга чангал солаётганини сезмай қоласиз. Унга ўзил-кесил барҳам бериш кераклигини, унинг газак олишига йўл қўйиш кони офат эканлигини жуда яхши тушунамизу, индамаймиз. Кўриб – кўрмаганликка, билиб – билмаганликка оламиз. Оқибатда...

Ўғли ўласи қилиб калтакланган, беш операциядан сўнггина жони омон қолгач отаси – мўйсафид одам жиноятчилар астойдил қидирилмаётганидан арз қилиб бир тугун пул кўтариб келибди. «Ҳа, бу нимага?» деб сўрасангиз, «Ридаксияни ўзи оғир аҳволда, ёрдам бўлар...» деган жавобни эшитасиз...

Тажрибали журналист тўхматга учраб, қамалди. Амнистия шарофати билан муддатидан анча илгари озодликка чиқди. Бошидан кечирган алам-изтиробларини қозоғга тушириб, ўзи узоқ йиллар хизмат қилган газетага олиб келди. Мақолани босиш учун абгор бўлган собиқ ҳамкасбдан фалон ақча сўрашибди!..

Аллақайси қишлоқда икки гуруҳ ўртасида низо авжига чиқади. Ҳар иккала гуруҳ элчилари икки газетга «десант» ташлайди. Қарабсизки, бир газетада у гуруҳ, иккинчисида бу гуруҳнинг чанги қоқилади. Газетхон қайси мақолага ишонишини билмай ҳуноб. Қишлоқда энди қирпичоқ бошланади, журналист эса... яна десант кутади...

Савол устига савол ёғилади: бу бало қаердан ёпишди бизнинг соҳага? Матбуотчиси тама илинжида бировнинг қўлига қараб қолган оммавий ахборот воситасининг аҳволи нима кечади?!

Кўндаланг қўйилаётган бу каби саволлар кимларгадир оғир ботиши муқаррар. Мени муболағага зўр берганликда айблаб, бутун ўзбек матбуоти ёки барча журналист зоти шу аҳволга тушиб қолмагандир, деб таъна қилишлари ҳам мумкин. Мен айна шу таънани қабул қиламан, зеро, бир қаламқаш-матбуотчи сифатида тамагирлик у қадар илдиэ отиб кетмаганига, орамизда журналистиканинг ҳалол ва қаттиқ нонига қаноат қилиб юрганлар кўпчиликни ташкил этишига шукрона келтираман. Бироқ юқорида баён этилгани каби воқеа-ҳодисалар дам у ердан-дам бу ердан қулоққа чалинаверса, айрим ҳамкасбларимиз тамагирлиги учун жазо муддатини ўтаёт-



ган бўлса, ким ташвишланмоғи керак? Ким бош қотирмоғи даркор?!

Яна такрорлайман: бу мавзуда гап қўзғаш ниҳоятда оғир, ҳукм чиқариш эса ўн ҳисса оғир. Шунга қарамай, жамиятнинг энг жонқуяр, фидойи касб соҳибларининг шаънига гард, губор қўндирмаслик истаги қўлга қалам олишга ундамоқда. Журналистнинг тамаси от билан туя бўлармиди, дейишади. Мухбирнинг манфаатдорлиги пора ҳисобланмайди, дейишади. Журналист меҳнатининг оғирлигидан, унинг молиявий ночорлигигача важ қилиб кўрсатишади.

Ҳақиқатда, таҳририят ходимининг «кўнглини олиш»нинг минг битта усули бор. Баъзан шундай бўладики, журналист у ёки бу «услуб»нинг қурбонига айланади, оддийгина тушлик кўринишидаги манфаатдорлик геометрик ўлчамларда катталашади. Ихтиёрсиз манфаатдорлик тамали тазйиқ аралаш порахўрликка қадар кўтарилади. Бунинг ўта оғир оқибати – журналистлик касбининг, оммавий ахборот воситасининг кадр-қимматига путур етади!

Тождин ака! Сизга ҳў-ў, икки ой бурун битиб қўйган ҳасратларимни қайта кўздан кечириб ўтириб, «Хуррият»да эълон қилинган «Журналистга ким пора беради ва нима учун?» сарлавҳали мақолада [3] ҳам порани тутқазिश «санъати» ўхшатиб тасвирланганлигига кўзим тушди. Яъни, «*Совға олишнинг эса минг йўли бор. Бугун уйингизга бир қоп картошка ташлаб кетишади, эртага бир банка асал... Қарабсизки, тап-тайёр порахўрсиз-да. Виждонингизни алламоқ учунми, маош, қалам ҳақи камлигидан нолийсиз, «улар олганларининг мингдан бири ҳам эмас-ку, бу» дея ғариб тасалли излайсиз.*

Тасалли бера туриб, ўзингизни ўзингиз алдаётганингизни ҳам унутмайсиз, унутолмайсиз. Чунки у ёлғон тасалли эканлигига ақлингиз етиб турибди-да!..





Мақола муаллифлари «Журналистга ким пора беради? Ва нима учун?» деган саволга ҳам жавоб излашга уринишган.

*«Ахир порани ким ҳам беради – айби бор одам-да! Мақсад – ўша айб матбуотда ошкор этилмаслиги... Ўз-ўзидан аёнки, журналист одамга ҳеч қачон қўл учида аранг кун кўраётган киши совғасалом кўтариб келолмайди. Ва энг ноинсоф мухбир ҳам бундай кишиларга тама билан қаролмайди. Демак, журналистнинг томоғини мойлайдиган қатлам доираси анча-мунча торайиб, унда амалдорлар, сармоядорлар ва турли катта-кичик даражадаги раҳбарлар қолади, холос».*

Қани, дўппини олиб қўйиб бош қотирайлик-чи. Шулар тўғрими, тўғри бўлса, аҳвол шундай давом этаверадими? Дам у ерда, дам бу ерда қаламқаш ҳамкасбимиз тумшугидан илиниб кетаверишини томоша қилиб ўтираверамизми? Мухбири тамага қараб қолган матбуот демократия қура оладими?!

Чора топмоқ керак! Чорани эса четдан келиб биров яратиб бермайди, бунинг йўларини излаш Сизнинг, бизнинг, барча ҳамкасбларимизнинг бурчи, вазифаси.

Мамлакатимизда соҳамизнинг, соҳамиз кишиларининг нуфузини ошириш борасида жуда кўп ишлар қилинмоқда. Журналистлик касбини муҳофаза этишга қаратилган қатор-қатор қонунлар қабул қилинмоқда. Бу гапларни Сизга такрорлашнинг ҳожаги йўқ, Тождин ака. Аслида, ҳамонки соҳамиз жамиятнинг энг кўзга кўринарли тармоқларидан бири экан, уни бошқаришнинг, тартибга келтиришнинг, кам-кўстларини силиқлаб туришнинг механизми ҳам яратилмоғи даркор. Дунё тажрибасида бунинг «ўзини-ўзи тартибга келтириш» деб аташади. Яъни, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари соҳасидаги катта ва қайноқ ҳаёт муаммоларини бартараф этишнинг синалган чораси – жамоатчилик асосида фаолият юритувчи марказ, кенгаш ёки

шунга ўхшаш бирор уюшма ташкил этилмоғи самара беради деб ўйлайман. Мазкур ташкилот (ҳозирча шундай деб турайлик) соҳамизда юз берадиган ҳуқуқий-ахлоқий муаммолар, низолар, мунозаралар юзасидан адолатли ва ҳолис ҳулосани жамоатчиликка етказиб туради. Турли ҳолатларда ва вазиятларда йўлдан адашган ҳамкасбларимизнинг тақдирини бирёқлик қилишни тўғридан-тўғри ҳуқуқни сақлаш идораларига топшириб юборавермай, бундай нохушликларнинг олдини олиш билан шугулланади. Журналистни муҳофаза қилади. Журналист ўзини ўзи муҳофаза қилиш йўллари кўрсатади.

Ҳақиқатда, мақолангизда ёзганингиздек, «журналист дегани қўшма корхона сон-саноксиз ишлаб чиқариши мумкин бўлган матоҳ эмас». Тўғри ўхшатгансиз, қаерга, қайси таҳририятга бош суқсангиз, малакали журналист борми, топиладими деб сўрашади. Малакали журналистнинг ўзи анқонинг уруғи, тинимсиз болалаётган газета-журналларга бош муҳаррир топилаётганига ақл бовар қилмайди!

Бугунги кун кечагидан, бу йил ўтган йилдан кескин фарқлашиб бормоқда. Ҳаёт бир жойда тўхтаб қолаётгани йўқ. Жамият эркинлашиш йўлига ўтганини айтмайсизми?! Фақат журналистнинг «эркинлашиш» деб аталмиш қанотининг иккинчиси – «масъулияти» борлигини ҳам унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Тождин ака! Кимлардир танобимизни тортиб қўйишини кутгандан кўра аҳволни у даражага олиб бормаслик ҳақида ҳамма-ҳаммамиз ўйлашимиз, қайғуришимиз минг карра афзалроқ, деб ўйлайман, шундай эмасми?

«Журналистга ким пора беради ва нима учун?» мақоласида шундай жумлалар келади: *«Яқинда пора туфайли қамалиб кетган бир танишимизнинг умр йўлдоши оғир уф тортаркан: «Акангиз не бўлса бўлди, энди сизлар эҳтиёт бўлинглар» деб қолди.*

Қанчалар оғир бу гапни эшитиш, Тожддин ака!  
Ҳеч бир журналист, ҳеч бир журналистнинг оила-  
сида бундай афсус-надоматлар тилга олинмасин,  
илоҳим.

Сизга, сиз орқали барча ҳамкасбларимизга қарата  
хат йўлашдан кўзлаган бирдан-бир ниятим ҳам  
шу!

2003 йил.

## ЖУРНАЛИСТ ПСИХОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-  
нинг 2006 йил 7 августда қабул қилган (163-ра-  
қамли) «Оммавий ахборот воситалари соҳасида  
кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш давлат дасту-  
ри тўғрисида»ги қарорида бир қатор ниҳоятда дол-  
зарб вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, бун-  
дай нуфузли ҳукумат ҳужжатида миллий журналис-  
тикамиз тарихида биринчи марта оммавий ахборот  
воситалари соҳасига социологик ва психологик  
ёндашувлар зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Дарҳақиқат,  
мамлакатда матбуот ва оммавий ахборот воситала-  
ри соҳасини энг замонавий даражаларга кўтариш-  
га доир кенг кўламдаги ислоҳот жараёнлари давом  
этаётган бир паллада соҳа муаммоларининг психоло-  
гик омилларини ўрганмай, таҳлил этмай ва те-  
гишли хулосалар чиқармай туриб, кўзланаётган на-  
тижаларга эришиш амримаҳол. Афсуски, соҳамиз-  
нинг ушбу йўналиши очилмаган қўриқлигича қолиб  
келмоқда (2010 йили нашр этилган Муяссар Аҳме-  
дованинг «Журналистика ва психология» қўллан-  
маси ушбу мавзудаги дастлабки изланишлардан  
ҳисобланади) [4].

Журналист шахси, унинг жамиятда тутган ўрни,  
эгаллаган мавқеи, журналистлик меҳнатининг ижо-  
дий жараёнлари, оммавий ахборот воситаларида  
чиқиш, эълон қилинган материал юзасидан билди-

риладиган муносабатларга, айниқса танқидий ёндашув ва даъволарга қарши муносабат билдириш, баъзан суд муҳокамаларида иштирок этиш, маънавий ёки бошқа турдаги даъволарга муносиб жавоб қайтариш... шу ва шу каби ҳолатларнинг бари журналист психологиясида у ёки бу тарзда акс этиши муқаррар бўлганидек, мана шу сингари омилар жамланса, улардан оммавий ахборот воситалари соҳасидаги психологик ҳолатлар муаммолари мажмуаси келиб чиқади. Ҳар қалай, ушбу йўналишдаги ҳар қандай мавжуд муаммо атрофлича ўрганилиши, илмий-назарий, амалий аспектларда тадқиқ этилиши ва бир сўз билан айтганда, оммавий ахборот воситалари психологияси матбуотшунослик фанимизнинг ажралмас ва доимий объекти бўлиб қолмоғи шарт.

Хорижий журналистикада соҳанинг психологик омиллари ҳамиша мутахассислар диққат-эътиборида бўлганлигини кўриш мумкин. С.К. Рошиннинг «Психология и журналистика» тадқиқоти мутахассисларга яхши таниш [5]. «Яхши репортёр бўлиш учун, – деб ёзади таниқли инглиз журналисти Д. Рэндалл, – анча-мунча қобилият ва иқтидор... бунинг устига, кўлгина руҳий-маънавий маданият керак бўлади» [6. С.47]. Гарчи таниқли мутахассис бир ўринда «психологик жиҳатдан комилликка эришиш ҳақида гапирётганим йўқ» деган жумлани ишлатган бўлса-да [6. С.62], журналистга берган йўл-йўриқларининг бари турли тоифадаги кишилар билан муносабатга киришиш маданияти, санъати ва маҳоратига бевосита боғлиқ. Бинобарин, журналистлик фаолияти бошидан-охиригача одамлар билан муносабатдан – муносабат маданияти ва маҳоратидан ташкил топади. Шундай фаолият турини касб сифатида танлаган журналист қандай қилиб психологияга мурожаат қилмаслиги, ўзи қарийб психологияга айланиб кетмаслиги керак?!

Фикримизча, фаолиятини профессионал даражада ташкил этиш истагидаги журналист, биринчи

навбатда, кишилар билан муносабатга, мулоқотга киришиш маданиятини, сирларини мукамал ўрганмоғи зарур. Долзарб мавзу танлаш, ахборот манбаи билан тил топишиш, тўплаган факт ва маълумотлари асосида ўқувчилар (телетомошабинлар, радиотингловчилар) эътиборига тушадиган тарзда мақола ёзиш... Мана шу жараённинг барини муносабатлар жараёни деб аташ мумкин. Булардан ташқари, журналист мақоласи эълон қилинаётган пайтдаги (ҳатто айна ўша кундаги) ижтимоий-сиёсий вазиятни ғоятда назик ҳис этмоғи муҳим аҳамиятга эга. Ижодий муваффақиятни таъминловчи бу сингари омиллар кўпроқ ижодий маҳорат сирларига дахлдор деган мулоҳаза туғилиши мумкин, лекин ижодий маҳоратни юзага чиқарувчи омил яна ва яна меҳнатни саводли ва малакали ташкил этишнинг психологик омилларига бориб тақалади.

Ватанимиз мустақиллиги йилларида оммавий ахборот воситалари сон, сифат ва тур жиҳатидан ниҳоятда хилма-хиллашиб кетди. Оқибатда, малакали кадрлар тақчиллиги, кўпчиликка ўрناк бўларли устоз журналистларнинг етишмаслиги яққол кўзга ташланди. Таҳририят ижодий ходимларининггина эмас, ҳатто бош муҳаррирларнинг ўртача ёши бирмунча ёшарди. Авлодлар алмашинувидаги бундай тезкорликни ижобий ҳолат сифатида эътироф этмоқ лозим албатта, бироқ ўтиш даврининг ўзига хос талаблари ва ҳатто қалтис жиҳатлари йўқ эмаслигини ҳам назардан четда қолдириш ярамайди. Айтмоқчимизки, ҳар қандай ёшлик ғайрати малакали тажриба билан ҳамкорликда фаолият юритиш тизими йўлга қўйилган тақдирдагина миллий журналистиканинг мавқеи, салоҳияти сақланади. «Жамият ва шахс, хусусан журналист сиёсий имкониятларининг ривожланиш даражаси ижтимоий тараққиётнинг муҳим мезонларидан ҳисобланади», деб ёзади украин тадқиқотчиси И.Пармский [7. С.2]. Олим, шунингдек, сиёсий ва ахлоқий маданият шаклан-

гани сайин у журналистнинг ички эркига айлана боради, деб ҳисоблайди. Ички эрк нафақат алоҳида олинган бирор журналистнинг, балки бутун миллий журналистиканинг мавқеини, салоҳиятини белгилаб берувчи ғоятда жиддий омиллардан ҳисобланади. «Шуни тан олиш керакки, – дейди Президент И.Каримов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида, – биз мустабид тузум мероси ва ақидаларидан, унинг мафкураси, маъмурий назорати ва цензурасидан жуда катта қийинчилик билан халос бўлялмиз.

Ҳалигача журналистлар фаолиятида ўз-ўзини цензура қилиш, юқоридан буйруқ кутиш кайфиятлари сезилиб турибди» [8. Б.52].

Ўзини-ўзи цензура қилиш, юқоридан буйруқ кутиш айни журналист шахси билан, журналистнинг касб психологияси билан чамбарчас боғлиқ муаммо. Дарҳақиқат, ўз кучи, иқтидори, касб маҳорати, билим ва тажрибасига ишончсизлик журналист шахсида ички эркнинг етишмаслиги ёки йўқлиги оқибатидир. Бундай руҳий нуқсонлар ижод кишиси бўлмиш журналистнинг жуда кенг маънода қўлоғини боғлаб ташлаш демакдир. Бу аҳволдаги журналист жамиятга қарата қандай сўз айта олади, сўзларини кўпчиликка қандай қилиб уқдира олади? Ваҳоланки, жамиятнинг етук ва илғор вакили сифатида у кўпчиликнинг онгига фақат ахборот етказибгина қолмай, ўша кўпчиликнинг тафаккурини шакллантиради, йўналтиради, керак бўлса, тарбиялайди. Мана шундай улуғ миссия масъулиятини зиммасига олган журналист ботинида шахслашув психологиясини тарбияламоғи ва фаолиятининг ҳар қандай жараёнида унинг ўша шахси, камоли бўй кўрсатиб турмоғи шарт. Муҳим ери шундаки, журналистнинг шахслик мақоми унинг ўзида, фаолиятида қолиб кетмайди, балки у меҳнат қилаётган оммавий ахборот воситасининг, қолаверса миллий журналистиканинг мавқеини белгилаб беришда жид-



дий аҳамият касб этади. Талқиқотчи И.Кумилганованинг ҳозирги давр журналистикаси учун характерли хусусият унинг «субъективлашиб бораётганидан иборатдир», деб айтган фикрини [9. С.14] тўғри деб ва миллий журналистикамизда ҳам шундай субъектлашув, яъни журналистларимизнинг шахтлашув тенденцияси жадаллашуви зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ҳап журналист шахтини тарбиялаш тўғрисида бормоқда, бироқ журналистика психологияси ниҳоятда сертармоқ ва серқатлам муаммолар силсиласидан иборат эканлигини ҳам унутмаймиз. Зеро, психология соҳасида барча муаммолар бамисоли занжир ҳалқалари сингари бир-бирига туташиб кетган. Дейлик, ўз ички эркини тарбиялай олган, шунинг аҳамиятини тўғри тушунган журналист энди ўзи мурожаат қилаётган аудитория психологиясини изчил ўрганади, кимларга, қандай ва нима сўз айтаётганини ва шу меҳнатлари самарасини олдиндан кўра олади.

Даврнинг, даврга қўшилиб одамларнинг ўзгариб бораётгани ҳамма кўриб-билиб турган оддий ҳақиқат, бироқ, назаримизда, ана шу ўзгаришлар психологиясини ўрганиш, унга оқилона ёндашиш журналистикамизнинг жиддий муаммоларидан бўлиб қолмоқда. Образли айтсак, аксарият ҳолатларда янги одамларга эски гапларни эски услубларда етказиш мутлақо яроқсиз эканлиги тушуниб етилмаёпти. «Белорус ОАВнинг кейинги ўн йиллик фаолияти таҳлили шунини кўрсатдики, – деб ёзади талқиқотчи Е. Еловик, – журналистлар жамият тараққиётининг муҳим муаммоларини ёритишади ва давлат қурилишининг муайян йўналишларини тавсия қилишадию, кишиларнинг мана шуларни қабул қилишга психологик жиҳатдан тайёр ёки тайёр эмаслигини ҳисобга олишмайди» [10. С.18].

Давлатимиз раҳбари кўюниб билдирган (юқорида келтирилган) мулоҳазаларининг илдишларини, наза-

римизда шу кемтиклардан, муаммо ечимини ҳам айна ушбу нуқтаи назарлардан излаш тўғри бўлур эди. Қўшимча тариқасида илова қилиш зарурки, кишилардаги, уларнинг дунёқарашларидаги ўзгаришлар психологиясини изчил ўрганиш ҳам журналистларимиз зиммасидаги муҳим вазифалардан биридир. Зеро, ҳар қандай журналистнинг фаолияти, фаолиятининг самарадорлиги аудиторияда ҳал бўлади. Биз кимга, кимларга қарата сўз айтаяпмиз, сўзимизни улар тинглашаяптими, ўқишаяптими, қабул қилишаяптими, қўллаб-қувватлашаяптими?... Шунга ўхшаш ҳар бир савол жавобини аниқлаштириш зарурияти эндиликда журналистиканинг, журналистларимизнинг асосий вазифаси, бурчи дея баралла айтиш хато бўлмайди.

Ҳозирги замон миллий журналистикамизда жиддий муаммолардан бири журналистларимизнинг ҳаваскорликдан то профессионаллашув даражасига кўтарилиш орасидаги «масофа» аксарият ҳолларда узоқлигича қолаётганида. Ушбу масофани қисқартиришнинг илмий-назарий чоралари топилмаётганида. Ваҳоланки, муаммонинг ечимини кадрлар профессионаллашуви босқичларини илмий равишда ишлаб чиқишдан излаш мумкин. Бизда эса алоҳида таҳририятларимиз, алоҳида журналистларимиз, қолаверса замонавий умуммиллий журналистикамиз тизими фаолиятини ташкил этишнинг психологик омиллари пухта ишлаб чиқилмаган. Унинг назарий ва амалий чоралари амалиётга тўла ва изчил татбиқ қилинмаган.

«Тараққий этган жамиятда, – деб ёзади Москва давлат университети профессори Г.Лазутина, – ижод ҳар қандай бошқа касб-кор сингари институтлашди ва ихтисослашган характерга эга бўлади» [11. С.19]. «Тараққий топган жамиятда, – деб давом этади олима, — ҳар қандай ижод тури икки хил шаклда ташкиллашди: ҳаваскор ижод ва профессионал ижод шаклида... унинг биринчиси муайян





фаолият қонуниятларига стихияли ёндашса, иккинчисида эса мазкур қонуниятларни онгли равишда ўрганиш ва унга риоя қилиш асосида мустаҳкамланади».

Кўринадики, яқка журналистнинг профессионаллашуви умуман журналистиканинг профессионаллашуви демакдир, яқка журналист шахсининг хоҳиш-иродасига боғлиқ ички-хусусий ижодий тараққий этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган жамиятнинг объектив ривожланиш ва юксалиш йўллари билан беришга хизмат қиладиган ижтимоий заруриятдир.

Журналист шахси, унинг ижодий маҳорати, касб одоби журналистиканинг жиддий муаммоларидан ҳисобланса, мазкур муаммолар замирида муайян даражада психологик омиллар мавжудлиги ҳам муқаррар. Шундай экан, соҳамизнинг энг долзарб муаммоларини ҳам назарий, ҳам амалий психология мезонларидан келиб чиққан ҳолда изчил тадқиқот майдонига айлантириш кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиздандир.

## НАЖОТ – ТҮРТИНЧИ ТҮЛҚИНДА

*Илмий-маърифий эссе*

– Ҳар бир жамият аввало демократияга муносиб бўлмоғи керак. Зеро, эркинлик ва масъулият ўртасидаги энг одил посангини топиш шу қадар мушкул муаммоки, бу мавзуда ҳар қанча тадқиқот олиб борилса, изланишлар қилинса шунча оз.

Республикаимиз Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2007 йил 21 сентябрь куни бўлиб ўтган мулоқот чоғида айтган бу сўзлари глобаллашув даврининг глобал муаммоларидан бири – жамиятни демократлаштириш, аҳолини демократик қадриятлар руҳида тарбиялаш, эркинлик ва масъулият ўртасида мувоzanат меҳварини топишга дахлдор ғоятда серқатлам ва мураккаб масалаларни ўзида мужассам эта-

ди. Жаҳон журналистика фани тарихида ушбу йўналишда кўплаб асарлар, рисоалар яратилган, катта тажриба тўпланган, шунга қарамай, замон ўзгаришлари мутахассислар олдига янгидан-янги муаммоларни кўндаланг қўймоқда, уларни мунтазам ўрганиб бориш мажбурияти эса соҳага янада янги кучларни сафарбар этишни тақозо этмоқда. Таъкидлаш зарурки, ахборот соҳасида адолат посангисини топиш соҳа доирасидагина ҳал бўладиган масала эмас, балки жаҳон тажрибасида кузатилаётганидек, ниҳоятда кенг доирадаги илм-фан, амалиёт вакилларининг ҳамжиҳатликда мулоқот ўрнатишларини – изланишлари ва изланишлардан келиб чиқадиган натижаларни амалиётга татбиқ этиш билан рўёбга чиқади.

Ҳап ахборот одоби, ахборот маданияти хусусида бормоқда...

\* \* \*

Қаёққадир отланиб, машинани ўт олдираётсам ўн ёшли неварам «Мен ҳам бораман!» деганча югуриб келиб ёнимга ўтириб олди.

Йўлга тушдик. Ҳалқа йўлга чиқиб, хаёлга толиб кетаверибман. «Лип-лип» этиб орда қолаётган манзаралардан кўзини узмай ўтирган неварам тўсатдан «Қаёққа кетвоммиз, дода?» деб савол бериб қолди.

– Қаёққа бораётганимизни билмай-нетмай нега машинага чиқиб олдинг? – сўрадим неварамнинг саволига савол билан жавоб қайтариб.

– Қаёққа бораётганимизни сиз биласиз-да, шунинг учун сўрамагандим...

Сўхбатимиз узилди, яна хаёл олиб қочди. Саволлар, иштибоҳлар оралади кўнгилга. Борди-ю қаёққа бораётганимизни мен ўзим ҳам билмасам-чи?.. Кетганча кетаверсам?.. Борар манзилни билмай йўл босиб бораверишнинг оқибати нима кечади? Менку мен, «дода»сига ишонган неварамнинг тақдири нима кечади?..

Аслида онгли инсон борки, қаёққа бораётганини билиши шарт, бошқача бўлиши мумкин эмас, бироқ дунёнинг ишларига зимдан разм солинса, жуда кўп ҳолатларда одамлар гўё қаён бораётганини, не мақсад-муддаода ҳаловатларидан воз кечиб, елиб-югуриб юрганларини билмайдиганга ўхшайдилар. Англамаган беҳаловатлик, бесамар бесаранжомлик қурбонлари асримикан «ахборот асри»?.. «Бас, сизлар қаён кетмоқдасизлар?!» дея беҳад кўндаланг қўйилган савол келади «Таквир» сурасида. Уни ҳар куни, ҳар соатда тилдаю дилда такрорлаш ва шу орқали ўзимизни ўзимиз тафтиш этиш, ўзимизни ўзимиз тўғри йўлга солиш ҳар жабҳада фарз.

Биз эса замон АХБОРОТИ шиддатига басма-бас яшашни кўзламоқдамиз, бу шиддатдан ортда қолишни ўзимизга эп билмаяпмиз, унга етишолмаган дамларда аён-ноаён изтироблардан азобланмоқдамиз.

Ҳаётимизни, турмушимизни замон ва дунё талаблари, тараққий топган сеҳрли диёрлар эришган мезонлар руҳида, шитобида қура олмаётганимиздан ўкинамиз гоҳида. Якка шахс даражасидаги орзу-ҳаваслардан халқ, миллат, жамият, давлат даражаларига қадар кўтарилаётган парадокс бу!

Тирик жон борки, яхши, узоқ ва фаровон яшашга интилади, бу туғма табиий майл. Бироқ ким нималарнинг, қандай хизматларининг ва қандай... қилмишларининг эвазига яхши, узоқ ва фаровон яшашга эришмоқда?

ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг нуфузли мутахассисларидан бири Жером Бинде шошқалоқлик мантиқи ҳозирги даврнинг хос хусусиятларидан бирига айланиб бораётгани ташвишли ҳолат эканлигини ёзади. Дарҳақиқат, «Тезроқ! Кўпроқ! Унумлироқ!» шиори бошқармоқда инсониятни. Шунинг учун шиорлар остида одамларнинг умр йўли кимўзарга югурувчилар йўлкаси тусини олмоқда. Фақат қаёққа ошиқмоқдамиз, нималарнинг эвазига пойга-



да ўзишга эришмоқдамиз, кўзлаган марраминизни тасаввур қиялпмизми ўзи, деган саволга жавоб бериш унутиб қўйилмоқда, ундай саволдан ўзимизни олиб қочмоқдамиз, кўра-била туриб ундай саволни кун тартибидан тушириб қолдирмоқдамиз. Биз, яъни шошқалоқлик дардига мубтало инсоният олға, олға ва яна олға боришдан ўзимизни тия олмаялпмиз.

Бизни ахборот, ахборот оқимининг шиддати шу кўйга солмоқда...

\* \* \*

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясида «Ахборот эркинлиги принципилари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонун муҳокамаси чоғида (2002 йил 29 август) давлатимиз раҳбари И.Каримов мамлакатимизда цензура амалда бекор қилинган, матбуот сўзининг масъулияти ортиши масаласига алоҳида эътибор қаратди. Кўп ўтмай, Юртбоши қўйган масала нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

Хасталик тан олинмагунича унинг давоси топилмаганидек, ҳар қандай муаммонинг муаммо сифатида эътироф этилиши уни ҳал этиш сари қўйилган дастлабки қадам ҳисобланади. Лекин муайян соҳадаги мавжуд нуқсон ва қусурларнинг тўлақонли муаммо сифатида шаклланиши учун ҳам вақт, фурсат керак. Ажабланарли жойи шундаки, муаммони бартараф этишга киришилгани билан у ўша заҳоти бошдан-оёқ ҳал бўлиб қўя қолмайди, балки кўрилаган чора-тадбир кўлами кенгайгани сайин у билан тенгма-тенг равишда муаммонинг кўлами ҳам кенгая, чуқурлаша боради. Ҳаётнинг ёзилмаган қонунияти шу, яъни ҳар давр ўзига хос муаммоларни кўндаланг қўяверади, инсон эса унинг оқилона ечимларини топиш асносида тобланаверади.

Жаҳон журналистикаси тажрибалари шундан далолат бермоқдаки, оммавий ахборот воситалари

соҳасига доир ҳар қандай муаммонинг ечимини топишда қуйидаги икки муҳим омилга эҳтиёж сезилади: биринчиси, соҳада ўзини ўзи бошқариш тизимини яратиш, иккинчиси, ҳар қандай катта-кичик муаммони жамоатчилик иштирокида бартараф этиш механизминини ишлаб чиқиш (Умуман, ҳуқуқий-демократик жамиятнинг бош белгиларидан бири ҳам жамият аъзоларининг фаоллигини оширишдан иборат). Мазкур икки омил, икки муҳит журналистнинг касб одобига тааллуқли муаммоларнинг тўғри ва оқилона бартараф этилишига бевосита боғлиқ.

Мулоҳазаларни бир бошдан баён қилишга тўғри келади.

Аввало, жамиятда шундай муаммо тобора кўзга яққолроқ ташланиб қолаётганидан фожиа ясамаслик керак. Гап шундаки, журналистнинг касб одоби мавзуси замонавий ўзбек миллий журналистикаси назарияси ва амалиёти учун ҳам нисбатан анча ёш муаммо. Салкам бир ярим асрлик ўзбек матбуотчилигида «журналистнинг касб одоби» тушунчаси бўлмаганими, деган савол туғилади. «Яқиндагина, олти йил муқаддам десак ҳам бўлади, – деб ёзади таниқли рус матбуотшунос олими Д.Авраамов «Журналистнинг касб одоби» китобида, – мамлакатимизда жуда тор доиралардагина журналист одоби ҳақида гап-сўзлар юрарди, у ҳам бўлса, бу муаммога матбуотдан дакки еганлар эътибор қаратишарди холос» [12. С.8]. Китоб 1991 йили нашр этилгани назарда тутилса, шўро журналистикасида мазкур муаммонинг ўрганилиш тарихи қарийб «қуни кеча» бошланган деса ҳам бўлади. Ўзбек совет журналистикаси эса шўро журналистикасининг ажралмас бир бўлаги эди, бинобарин, миллий журналистикамизда касб одоби профессионал талаблар даражасида қарийб тилга олинмаган.

Цензура бор эди, цензура журналистларнинг, матбуот нашрларининг «ахлоқ-одоби», «интизоми»ни

сақлаб турувчи, мувофиқлаштирувчи, йўналтирувчи қўриқчи вазифасини ўтаган. Аҳли қалам бу қўриқчининг измидан четга чиқолмаган, яъни «одобсизлик»ка журъат этмаган.

Матбуотдаги чиқишлардан бирида соҳамизда йирик ва атоқли авторитетлар тақчиллиги жиддий қусур сифатида тилга олинди. Бир ҳисобда тўғри мулоҳаза. Лекин ўз соҳасида шахс мақомига етишган комил авторитет – нуфуз, салоҳият бўлиши учун инсон, биринчи навбатда, эркин бўлмоғи шарт. Цензура қолипларига сиғмаган қарашларини ифода этишга ҳақ-ҳуқуқсиз ижодкор қандай қилиб авторитет бўлсин?! Салоҳиятни қаердан олсин?!

Фақат мустақиллик йилларидагина журналист шахс сифатида жамиятнинг ҳақли ва фаол аъзоси даражасига кўтарилмоқда. Мамлакатда оммавий ахборот воситаларининг сони кескин ортди. Партия нашрлари, тармоқ ва идора нашрлари кўпайди. Умумий сони бир неча ўн баробар кўпайган газета, журнал, радио, телевидениени шўро давридан мерос – цензураш услубида жиловлаш мумкин бўлмай қолди. Тараққиёт цензурани енгди. Журналистни ташқаридан назоратлашдан кўра, уни ичдан тартибга келтириш тизими адолатлироқ экани дунё тажрибасида аллақачон ўзлаштириб бўлингани ниҳоят тан олинди. Ўзбек матбуоти ва журналистикаси Юртбошимизнинг астойдил саъй-ҳаракати тўғрисида 2002 йилнинг май ойидан эркинлашиш томон жиддий амалий қадам ташлади! «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонда цензуранинг қатъиян ман этилгани мустақиллик даври ўзбек журналистикаси тарихида буткул янги саҳифани очди!

\* \* \*

Башарият ҳозирга қадар қанақанги тараққиёт чўққиларига эришган бўлса, уларнинг бари инсон тийнатидаги орзу-ҳавас майли тўғайлидир. Хайри-



ятки, одамзоднинг мавжудлиги ва барҳаётлиги адоқсиз истак ва орзу-ҳаваслар мувозанатига боғлиқ. Бу ёруғ оламнинг энг буюк ҳикмати ҳам бемисл илоҳий мувозанат! Посанги! Афсус, ҳозирги тараққиёт шиддати мувозанат ҳикматидан устун келадигани «Қаён кетмоқдасизлар?» деган ўша кўҳна ва боқий саволни янада кескинроқ қўйиш эҳтиёжини туғдирмоқда.

Қонун меъёрларига бўйсуниб нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий муаммо ҳам ҳисобланади. Қонун бузувчини ахлоқий комилликка эришган дейишга тил бормайди. Одоби инсон эса қонуннинг ҳурматини жойига қўйишга ҳаракат қилади. Мувозанат ана шу нуқтада қарор топади.

Яширишнинг ҳожати йўқ, аксари ҳолларда одам манфаат ва диёнат ўртасида саросимага тушиб қолади. Инсоф деса – манфаатдан, манфаат деса – инсоф-диёнатдан воз кечишига тўғри келади. Ким қайси томонни маъқул топишини ўзи ҳал қилади албатта, лекин муҳими, манфаат йўли қаёққа олиб боради-ю, инсоф-диёнат қайси манзилга еткази? Мана шуни кўра билиш, унинг масъулиятини ҳис этиш инсонийлик аъмолини белгилайди.

Ҳар қандай жамиятда ўтиш даври оғир кечади. Аслида ҳаётда ўтмайдиган даврнинг ўзи йўқ. Лекин «ўтиш даври» деганда жамият миқёсида кескин бурилишлар, ўзгаришлар-янгилашлар, эскидан воз кечишу янгини изга солиш жараёнлари тифизлашган давр назарда тутилади. Жамият миқёсида кечаётган бундай жараёнлар шу жамият вакиллари – кишилар тақдирида турлича из қолдиради. Мисол учун, кимдир беҳад бойиб кетади, кимдир эл-юрт назарига тушади ёхуд мутлақо акси юз беради. Ўтиш даврига хос бўлган мана шундай талотўп – хаосдан унумли фойдаланиб қолувчилар кўпаяди. Лекин эртами-кечми «ўтиш даври» ҳам ўтади, ана ўшанда қадр-қиммати занг олмас асл инсоний, миллий қадриятларимизни ўткинчи давр ҳангома-

ларига қурбон қилиб юборганларимизнинг жавоби нима бўлади?

«Ўтиш даври»да худбинлик биринчи ўринга кўтарилади, деган мулоҳазалар йўқ эмас. Аслида, худбинлик ниҳоятда табиий хусусият. Тирик жон борки, у ёки бу даражада худбиндир. Лекин одам фақатгина тирик жон, жондор эмас, у – ИНСОН! Шунинг учун ҳам у онгли худбинлик мақомига кўтарилмоғи лозим.

«Онгли худбинлик» – ўзингни ўйла ва ўзгани ҳам унутма дегани, асли.

\* \* \*

Журналистнинг ижодий фаолияти шу қадар кўп ва ўзгарувчан, бири-биридан муҳим, бири-биридан масъулиятли омиллар орасида кечадики, у ўзи ёзаётган ҳар бир жумласини, айтаётган ҳар бир сўзини маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, миллий-умуминсоний, мафкуравий-хавфсизлик нуқтаи назаридан тош-тарозига қўйишига тўғри келади. Журналистнинг касби шундай ўзига хос ижодий санъатки, у қисқа хабар ёзадими, ҳажмдор мақола тайёрлайдими, ҳар лаҳзада у ёки бу томон оғиб кетиш хавфи остида яшайди. Мудом холисликдан оғинмай, сабот билан олға юриш инсоний, касбий, ҳуқуқий одоби, маданияти мустаҳкам қалам соҳибларигагина насиб этади.

Ахлоқ – ниҳоятда қадимий фалсафий фан. Кўҳна Шарқ, жумладан, мумтоз ўзбек ахлоқшунослик илмининг битмас-туганмас маънавий мероси ҳар қандай замонда ахлоқий меъёрлар мувозанатини сақлаб келган. Иймон, инсоф, адолат, диёнат, виждон, ҳалоллик сингари ахлоқий фазилатларни англатувчи тушунчалар заррача оҳори тўкилмай, ҳар қандай касб эгалари қатори журналистлар, матбуотчилар учун ҳам умумий ахлоқ-одоб талаблари вазифасини ўтаган. Буларга заррача тил теккизмаган ҳолда шуни ҳам айтиш керакки, умумий ахлоқ



(этика)дан касбий одоб (профессионал этика)ни ажратиб оладиган пайти келди. Профессионал одоб профессионал ёндашувни тақозо этмоқда.

Профессионал ёндашув эса ишни илмий асосда ташкил этиш демакдир. Замонавий ўзбек журналистикасида бунинг учун амалий тажрибалар етарли. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида журналистнинг касб одоби алоҳида фан сифатида ўқитила бошлангани шу маънода айти мудао. Бу дарс машғулотида бўлажак журналистлар ўз фаолиятининг аввалидаёқ одобий талаблар билан танишадилар, қолаверса, худди шу йўналишда илмий-назарий муҳит вужудга келади, шаклланади. Журналистнинг касб одоби мавзусидаги қўлланма ва дарсликлар ҳам айти шу ўқув жараёнларида яратилади.

\* \* \*

«Бошқариш» сўзи, одатда, ижод кишисига хуш келавермайди. Бироқ мамлакат ОАВ тизими фаолияти, истаимизми-йўқми, муайян тартиб-қоида асосида ташкил этилишидан кўз юмолмаймиз. Суриштириб келганда, демократия моҳиятида ҳам ўзига хос бошқариш, аниқроғи, ўзини-ўзи бошқариш механизми ётади. Дарҳақиқат, матбуот демократияси матбуотнинг ва журналистнинг ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи йўлга ва тартибга солиш демакдир. Эркинлик фақат назоратдан холи қолиш эмас, балки масъулиятнинг ортиши ҳамдир. Демак, журналист шахси тарбиясини профессионал нуқтаи назардан йўлга қўймай туриб ОАВдек мураккаб ва серқатлам соҳани ўзини ўзи бошқариш тизимига ўтказишни тасаввур этиш мушкул.

Жаҳон журналистикаси тарихида касб одоби мавзусига доир анча-мунча ибратли ишлар амалга оширилган. Манбаларда ёзилишича, матбуот эркинлиги тўғрисидаги дастлабки қонун 1766 йили Швецияда қабул қилинган. XVI асрда яшаган инглиз файласуфи Жон Мильтон яратган «Аэропагитика» асаридаги босма сўз масъулияти ҳақидаги мулоҳазалар ҳануз ўз қимматини йўқотмаган. Журналистларнинг касб одоби кодекси илк бор 1900 йили Швецияда қабул қилинган. Францияда Журналистлар миллий синдикати 1918 йили «Ахлоқ-одоб хартияси»ни қабул қилган. Америкалик Ж.Броун 1921 йили «Ахлоқ кодекси ва амалий журналистика меъёрлари»ни тузган. АҚШ газета бош муҳаррирлари 1923 йилда «Журнализм қонунлари» кодексини қабул қилганлар. АҚШда ушбу муаммога бағишланган махсус журнал нашр этилади.

Кейинги 5-6 йилнинг ўзида рус журналистикаси тадқиқотчилари ўнлаб ранг-баранг китоблар, тўпламлар, дарслик ва қўлланмалар нашр эттирдиларки, санаб ўтилган мисолларнинг ўзиёқ жаҳон журналистикасида касбимиз одоби муаммоси азал-азалдан нечоғли кенг ўрганилганини кўрсатади. Муҳими шундаки, бунга ўхшаш ҳужжатлар, қонунлар, низом ва адабиётлар, гарчи расман халқаро аҳамият касб этмаса-да, улар давлат чегараларидан, ирқий, миллий ва мафкуравий қадриятлардан қатъи назар дунёга тарқаб улгурган. Бу ҳол жамият ва матбуот эркинлигининг, сўз ҳурлиги ва масъулияти туйғусининг, журналист вазифалари ва бурчининг умуминсоний асослари мавжудлигидан, бир-бирига ўхшамас ва бетакрор миллий журналистика мактабларининг тағзаминида уларни бирлаштириб турувчи ўзгармас фундаментал қонуниятлар, ақидалар борлигидан далолат беради. Ва замонавий ўзбек журналистикаси мана шундай қадриятларни байроқ қилиб олган жаҳон журналистикасининг аж-

ралмас қисмига айланиш палласида инсоният эришган энг илғор, энг ибратли тажрибалардан ҳақли равишда кенг ва эмин-эркин фойдаланиш йўллари-ни излаётгани кишини қувонтиради.

\* \* \*

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан «Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари журналистларининг ахлоқ-одоб кодекси» ҳамда «Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари хартияси» яратилди. Одатда, булар сингари ҳужжатлар кенг жамоатчилик иштирокида ишлаб чиқилади, эълон этилгач эса унинг амалиётдаги ижросини таъминлаш механизми яратилади. Акс ҳолда саъй-ҳаракатлар самараси йўқолади.

\* \* \*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ОАВ соҳасига доир қатор қонун бандларида журналистнинг касб одобига бевосита ва билвосита тааллуқли эслатувчи, огоҳ этувчи, тақиқловчи йўналишдаги тушунчалар бор. Қонуний асосларнинг мавжудлиги яхши, лекин қонунга риоя этиш учун ҳам ички маданият, касбий интизом жуда-жуда зарур. Буюк Афлотун «Одамлар, энг аввало, эзгу ахлоққа эга бўлишга ҳаракат қилинг, зеро, ахлоқ қонуннинг асосидир» деганидек, қонуннинг ҳаётий ижроси ҳам оддий инсоний ва касб одобидан бошланади.

Кейинги пайтда хорижий журналистикада касб одоби масаласига кенгроқ ёндашишга мойиллик кучаймоқда. Жумладан, журналистнинг касб одоби умумий ахлоқ, касбий одоб ва ҳуқуқ билан чамбарчас боғлиқликда ўрганилмоқда. Тобора оммалашиб бораётган «деонтология» (грекчада деон –

бурч, логия – таълимот маъносида) атамаси мазкур уч тармоқни яхлит тушунчага айлантирмоқда. Чунки ахлоқ ва ҳуқуқ тушунчалари ўзаро жуда яқин, баъзан уларни бир-биридан ажратиб олиш ҳам маҳол. Қолаверса, инсон табиатидаги худбинлик, худпарастлик тўйғуси шу қадар хавфлики, уни фақат ахлоқ-одоб талаблари асосида жиловлаш қийин, шундай вазиятда ахлоқ ҳуқуқнинг ёрдамига эҳтиёж сезади. Касб одоби меъёрлари эса умумий ва ҳуқуқий одоб меъёрлари билан бирлашиб кетади.

\* \* \*

Давлатнинг мустақиллиги жамият мустақиллигига олиб келади, жамият мустақиллиги эса фуқаролар эркинлигини таъминлашга замин яратади. Ўзбекистон дунё глобаллашаётган бир замонда ана шундай имкониятларга эга бўлди. Япани қирғинлар келтирувчи жангу жадаллардан тўйган дунёни терроризмдек манфур ёвузлик қомига тортмоқчи. Ундан-да разилроқ ва зимдан, орқаворотдан емиришни касб қилиб олган ахборот уруши йил сайин забтига оладиган кўринади. Замон қалтислашиб кетаётганидек, бу қалтислик одамларни, мамлакатларни – бутун инсониятни ғалвирга солиб эламоқчидек. Тажрибали журналист Аббосхон Усмонов ёзганидек, «давр журналистикани синовдан ўтказмоқда» [13. Б.4]. Муаммо етарли, уни ҳал қилувчи, ҳар қандай масала ечимини топувчи куч ҳам етарли. У – ўзимиз! У – жаҳон тажрибалари, илғор аъёналар! У – ўзимизнинг азалий қадриятларимиз! У – бебаҳо мустақиллигимиз!

Ана шундай истак, куч-ғайрат омиллари бирлашган жойда ҳар қандай муаммонинг ечимини топиш осон кўчади.

\* \* \*

Республикада ахборотлашган жамият пойдевори яратилар экан, ички ва ташқи ахборот майдонида-

ги кураш Ўзбекистонни четлаб ўтмаслигини тобора теранроқ билиб, тушуниб бормоқдамиз. Жамият эркинлигининг муҳим шarti бўлмиш ахборот эркинлиги шароитини яратиш йўлида анча-мунча илгарилаб қўйилди ҳам. Чунки замонавий тараққиёт оқимидан четда қолишнинг мутлақо иложи йўқ. Зеро, ахборот тез айланмайдиган жамиятда тафаккурлар сустан ишлайди, шу боисдан ҳам ахборот эркинлигига эришиш учун барча омилар сафарбар этилаётган бир пайтда АХБОРОТДАН ЭРКИНЛИК муаммоси дунё аҳдининг улкан бошқотирмасига айланди. Ахборот эркинлиги ва ахборотдан эркинлик ўртасидаги оқилона мувозанатни сақлаш билиш инсониятнинг бундан кейинги тақдирини ҳал қилса ажабмас...

Интернет мўъжизаларига ҳайратадан лол қолиб ўтирадиган даврлар ортда қолди, энди ундан бизга «айтилаётган» гап-сўзларга – йўланаётган ахборот оқимига ҳушёр бўлиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Қолаверса, интернет саҳифаларидаги ахборот майдонидан бемалол ўз ўрнимизни топиш, ўз сўзимизни айтиш имкониятларимиз етарли. Фақат ушбу имкониятдан дадил ва оқилона фойдаланишни удалаш зарур, холос.

Интернет – дунё аҳлига қарата фикр айтиш, жаҳон муаммолари миқёсларида мулоҳаза юритиш имкониятидир. Ақл-идрок, фикр глобаллашувни воситасидир. Восита етарли, у тўхтовсиз тараққий этиб бормоқда, шу билан бирга бугунги ўзбекнинг дунёга татигувчи, башарият корига ярайдиган ГАПЛАРИ оз эмас. Моддий, техникавий, қуроли манфаат борасида ақл бовар қилмас ютуқларга эришаётган инсоният энг оддий, лекин энг инсоний маънавий-ахлоқий қадриятлар борасида анчагина ортда қолиб кетаётгани, айни замонда дунёда юз бераётган кўплаб фожиаларнинг туб сабаблари шунга келиб тақалиши, нажот шошқалоқлик синдромидан воз кечишда экан-

лиги... Бу даражаларга кўтарилиш жамиятимиз миқёсларида, умуммиллий муаммолар юзасидан арзирли, аҳамиятли қарашларни очик-равшан баён этишдан, турфа мавзуларда қизғин ва эмин-эркин мубоҳаса юритишлардан, ушбу одатни умуммиллий маданият даражасига кўтаришдан бошланади.

\* \* \*

Одамлар қайси орзу-ҳавас йўлида қандай касб-корга қўл урмасин, азалий маданият ўша ишнинг ахлоқ-одоб меъёрларини ҳам белгилаб берган. Эътибор берайлик, такрор бўлса-да, таъкидлайлик – доно инсоният ҳар бир касбнинг одобини мустаҳкамлаб қўйган, бу одоб доирасидан чиқиш касбга, инсонийликка хиёнат ҳисобланган.

Комил Устоз Нажмиддин Комилдан ўқийлик:

«Футувват аҳлининг одоби ҳам ўзига хос. Ҳар бир касб эгасининг махсус одоби бор. Чунончи, болаларга томоша кўрсатувчилар одоби, ғазалхонлар одоби, девор урувчилар одоби ва ҳоказо. Бундан ташқари, ҳамма амал қилиши лозим бўлган умумий қоидалар ҳам ишлаб чиқилган. Масалан, жавонмард сафарга чиққанда нопок одамлар билан юрмаслиги, ножўя ишлар бўладиган жойларга бормаслиги керак. Бундан ташқари касал кўришга бориш одоби, меҳмондорчилик одоби, кўчаларда юриш одоби, салом бериш одоби ва ҳоказолар мавжуд. Чунончи, касб-ҳунарга эга бўлиш одоби хусусида Кошифий бундай ёзади: «Билгилки, дарвеш ҳалол ва покиза касб билан шуғулланиши керак, чунки касб тариқатнинг зарурий шартларидандир. Зеро, умр ўтказишга зарур восита (маош) ҳосил бўлмагунча киши осойишта бўлмайди... Ва агар киши ўз касби билан зарурий нарсаларни муҳайё этмаса, одамларни ранжитади, азобга қўяди» [14. Б.131].

Мутолаада давом этайлик:



«Тариқат аҳли футувват, карам, тавозуъ, ҳаё, садоқат, шафқат, вафо каби тушунчаларни қўшиб, дарвешнинг ягона ахлоқ кодексини ишлаб чиқдилар. Шу хислатларни ўзида жамлаган киши ахлоқини сўфийлар «ахлоқи махмуда» (мақталган ахлоқ) деб, бунинг акси ўлароқ манманлик, ҳирсу ҳавасга берилиш, зулм, зolimлик, лаззатпарастлик каби ёмон хулқу хўйни умумий ном билан «ахлоқи мазмума» (мазаммат қилинган ахлоқ), деб юритганлар» [14. Б.142].

«Шу тариқа, комил инсоннинг ўзига хос **ахлоқ кодекси** ишлаб чиқилган...» [14. Б.153].

\* \* \*

Ишлаб чиқилган... Инсоният табиатдан жуда-жуда узоқлашиб кетди. Азбаройи табиат инсон ҳаёти учун ёт тушунчага айлангандек. Инсон ҳаётининг, бутун умрининг бирор лаҳзасини **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН** нарсалардан ҳоли тасаввур қилолмаймиз.

«Ишлаб чиқилган» дегани табиий эмас, балки инсон ақл-идрокининг маҳсули демакдир. Нарсаларни қўя турайлик, ҳодисалар, ҳолатлар, жараёнлар ҳам ишлаб чиқилган. Ваҳоланки, аслида жамият ҳам табиий эволюциянинг ҳосиласи. Давлат ҳам шундай. Тараққиётни таъминлаган ҳисобсиз ихтирою кашфиётлар андозаси кўҳна ва ҳамиша навқирон табиат мўъжизаларидан олинган.

Табиатдан узоқлашишни муаллимни, устозни унутишга, оғирроқ бўлса-да, унга хиёнат қилганга ўхшатиш мумкин. Ваҳоланки, табиат ҳамиша кўмакка шай.

Куннинг тун билан алмашиниши, қуёшнинг нур сочиши, тўрт фасл ва бошқа барча табиат ҳодисаларининг барча-барчасини бир сўз билан табиий ахборотлар майдони дейлик. Тирик жон борки, яшамоқлиги ва тирик юрмоқлиги учун ана шу майдонда мавжуд ахборотдан эмин-эркин ва тирклигини таъмин этувчи меъёр даражасида баҳ-



рамана бўлмоқликка мажбур. Қуёш нуридан, сув ва тупроқдан, емоқ-ичмоқдан керагича олади, ортиқчасига эса тажовуз қилмайди, зиёнинг зиёни биледи.

Инсон-чи?..

Инсон табиат бераётганига қаноат қилмайди, чунки у ишлаб чиқариш қобилиятига эга. Унинг ақли, идроки бор. Ақл-идрок тинимсиз яратувчиликка – ишлаб чиқаришга ундайверади, инсоният ҳеч бир замонда яратувчилик қобилиятидан воз кеча олмаган, воз кеча олмайди ҳам. У шунга мойил, шунга мубтало, шунга маҳкум. Лекин...

«Инсоният ёзув ихтиро қилингунга қадар тахминан уч миллион йил оғзаки алоқа қилган бўлса, ундан беш минг йил кейингина саноат асосида китоб босишни ўрганди. Ундан беш юз йил ўтиб телефон, радио ва телевидениега эга бўлди. Анъанавий эшитув-кўрув воситаларидан компьютерларга ўтиш учун эса атиги эллик йилча вақт керак бўлди, холос. Ана шу тарихий ҳақиқатнинг ўзи инсон тафаккури тараққиёти, фан-техника ривожининг билан боғлиқ бўлган оламшумул ўзгаришлар динамикасини кўрсатади» [15. Б.426].

Ҳайратга солади инсон тасаввурини бу динамика! Яна не кунларни солади инсоният бошига бу ҳайратларга бой динамика?! Ахборот динамикаси!.. Асрларни, замону давронларни йилларга, ойларга, кунлар ва соатларга сиғдириб-пресслаб юбораётган динамика!..

Бозор муносабатларини кўп гапиряпмиз, ҳўб ёзаяпмиз. Истиқдолнинг дастлабки йиллари жуда жўн, анчайин содда тушунчадек кўринган эди бу истилоҳ. Бозор муносабатларига ўтамуз қўямиз, дея хомтама бўлганлар ҳисобсиз эди. Ваҳоланки, ўша кезларда Юртбошимиз «Бозор муносабатларининг шаклланиши ҳар қандай мамлакатда силлиқ ва осон кечавермаган»лигини [16. Б.63], «Энг муҳими, ҳамма бозор муносабатларига асосланган ри-



вожланган жамиятни қуриш — бу узоқ мураккаб жараён эканлигини...» [16. Б.64] уқдириб, тушунтириб берганди.

Йил ўтгани сайин каттаю кичик бу ҳақиқатни ўз кўзи билан кўриб иқрор бўла бормоқда. Беихтиёр масалага андак ўзгачароқ ёндашсак-чи, деган мулоҳаза туғилади. Яъни, «бозор муносабатларига ўтиш» деган истилоҳни «бозор муносабатларига қайтиш» деб ўзгартирсак-чи?

Сабаб?

Сабаби айтарли мураккаб ҳам эмас, чунки жамиятни бозор муносабатларига ўтиши табиат мантиғига, жамиятнинг табиий муносабатлар тарзига қайтиши деганидир.

Бозор муносабатларининг туб замирида табиатнинг боқийлигини таъмин этувчи кўплаб мувозанат механизми унсурлари мавжуд. Энг катта унсур — шахсий манфаат ва меҳнат натижалари ўртасидаги узвийлик. Таниқли иқтисодчи олим, профессор Нурислом Тўхлиев «Тараққиётнинг ўзбек модели» асарида ушбу масалаларни батафсил ва оммабоп қилиб тушунтирган. Олимнинг фикрича, эски тўзумда ана шу узвийлик бузилган. Иккинчидан, истеъмолчининг талаб-эҳтиёжларини менсимаслик муҳити ҳукм сурган [17. Б.15]. Янаям соддалаштирилса, меҳнатга яраша ҳақ тўланмаган, меҳнаткашнинг ҳаққига хиёнат қилинган. Учинчидан, хусусий мулкка эгалик ҳуқуқи поймол этилган.

Мазкур уч омил бозор табиатига эмас, табиий мувозанат, табиий адолат қонуниятига зид эканлиги эътироф этилса, ундай жамиятнинг замини, пойдевори ғоятда заиф эканлиги яққол кўринади-қўяди. Иброҳим Ғафуровнинг, «...биз илк жамоа даврларини эслаб туришимиз ҳар жиҳатдан хайрли бўлиб кўринади» деган сўзлари [18. Б.380] табиатни, табиий қонуниятларни эслаб турмоғимиз кераклигини ёдга солади ва ҳозиргина иқтисодчи олим уқдираётган истеъмолчининг талаб-эҳтиёжларини мен-

симаслик одатини И.Ғафуров «бўл», «бўлмоқ» феъли талқинидан келиб чиқиб тушунтиради. «Адолатнинг илк кўриниши мана шу тақсимлаш, бўлиш, ибтидоий жамоа аъзолари назарида эса тақдирлаш адолати эди. ...Мана шу «бўл» сўзи ов ўлжасини жамоа ўртасида бўлишдан бошланди. Ўлжани тенг бўлиш ҳамма тушунадиган бир маънони – тўғрилиқ, тузликни англатадиган бўлди. ...Тақсимот, тақдирлашдаги адолат аввало жамоанинг, сўнг замонлар ўтиб қабила, ундан сўнг халқнинг куч-қудрат манбаига айланарди» [18. Б.381].

«Бўл», «бўлмоқ» вазифасидаги адолатнинг бузилиши, яъни хусусий мулк ҳуқуқи поймол этилган жамиятда хусусий-шахсий фикр ҳуқуқи ҳам бўлмаган, истеъмомчининг товар-буюмга эмас, ахборотга нисбатан ҳам истеъмомчи эканлиги назарда тутилса, аҳолининг ахборот олиш ҳуқуқи исталганча оёқости қилинган. Ахборот олиш ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқидан, хусусий мулкка эгалик ҳуқуқидан кам бўлмаган аҳамиятга эга табиий ҳуқуқи эканлигидан келиб чиқилса, яна бир жиддий ва муҳим хулоса келиб чиқади: жамият аъзоларининг ахборотдан эмин-эркин баҳрамандлиги нафақат ижтимоий-сиёсий, балки аввалбошда табиий эҳтиёж, табиий заруриятдир.

Бозор муносабатлари жамиятнинг табиат қонуниятларига қайтиши, табиийлашуви демакдир.

Иқтисоднинг самарали фаолият юритишида давлат, давлат муассасалари ва таркибий тузилмаларининг ўрни беқийёс, «Лекин бозор ўзини ўзи бошқара оладиган тизим, муносабатлар силсиласи» [17. Б.87]. Ўзини ўзи мукамал тарзда бошқариш механизми яратилган жамиятда ахборот айланиши, умуман ахборот дунёси ҳам ўзини ўзи бошқаришдек табиий ҳолатга ўтмоғи зарур.

Журналистнинг профессионал этикаси меъёрлари ўйлаб топилган, ишлаб чиқилган ва муттасил ўзгарувчан тартиботлардан келиб чиқиб эмас, та-

бий эҳтиёжлар талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланмоғи керак.

Ахборот олиш-тарқатиш эркинлиги, ахборот маданияти, ахборот иммунитет, биринчи навбатда, табиий меъёрларга зид бўлмаслиги лозим. Ҳамонки «Меъёрдаги бозор истеъмолчининг манфаатларига хизмат» [17. Б.32] қилар экан, бозор муносабатлари қарор топаётган жамиятда ахборот истеъмолчиси манфаатлари ҳам устувор ҳуқуқ сифатида улугланмоғи, ардоқланмоғи даркор.

Дунёда миллий бозор моделларининг саноғи йўқ, уларнинг бир-биридан фарқи, тафовути ҳам истаганча талқин-таҳлил талаб, лекин бундай моделларнинг барчасини жамиятни табиат қонуниятлари асосида қайта қуришга интилиш дея талқин этиш ҳам мумкин.

Табиатдан узоқлашиш асрлар мобайнида давом этди, ақл-идрок бу борада беармон хизмат қилди, эндиликда аён бўлмоқдаки, табиатга қайтиш ҳам осон кўчмайди. Мажор иқтисодчи-олими Я.Корнанинги «битта қарор билан хусусий мулкни давлат мулкига айлантириш мумкин, лекин битта қарор билан давлат мулкни хусусий мулкка айлантириб бўлмайди» [17. Б.19] деган сўзларини табиатдан узоқлашиш нечоғли осон бўлса, унга томон қайтиш шу қадар мушкул, дея талқин қилиш ҳам хато бўлмаса керак.

\* \* \*

Ахборот маданияти умумий маданиятнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Дунёни ахборот юҳоси қомига тортган, инсоннинг ақл-идроки, дунёқараши, илмию салоҳияти унинг нечоғли кўп ахборотга эгаллиги билан ўлчанаётган бир пайтда одамларнинг ахборот олишларига тўғаноқ бўлишга уриниш ақлеизлик бўлур эди албатта, аммо-лекин ҳозирги ахборот уммонида фарқ бўлиб кетмаслик ҳақида ҳам қайғурмасликнинг иложи йўқ. Сувни

оби ҳаёт деймиз, унингсиз ҳаётни тасаввур қилолмаймиз, шу билан бирга қанчадан-қанча одам шу «оби ҳаёт»да фарқ бўлиб ҳаётдан бевақт видолашиши ҳам сир эмас. Худди шу сингари ҳолат ахборот уммонида такрорланмаслиги учун ахборотнинг зарурини нозаруридан, фойдалисини бейфойдасидан фарқлай билиш умуминсоний маданиятнинг ажралмас бир бўғини – **ахборот маданиятини** шакллантириш заруратини келтириб чиқармоқда. Ахлоқ (этика) фанининг **инфоэтика** дея ном олган ушбу янги тармоғи шуни кўрсатмоқдаки, замонавий тараққиёт маҳсули ўлароқ қандай соҳа, фан ёхуд бирор йўналиш пайдо бўлмасин, унинг ёнида ўша соҳа, фан ёхуд йўналишнинг ўзига хос маданияти, одоби ҳам ўз-ўзидан туғилади. Бу маданият ва одоб меъёрлари янги соҳанинг тараққиётига тўсқинлик қилмайди, балки унга инсонийлик сиёқини ато этади, жозиба бағишлайди, пировардида уни шошқалоқлик хасталиги измига тушиб кетишдан асрайди. Таниқли файласуф олим Элвин Тоффлер машҳур «Учинчи тўлқин» асарида инсоният босиб ўтган йўлни уч босқичдан иборат деган ғояни илгари сурган. Унинг фикрича, инсоният тарихи қишлоқ хўжалиги цивилизацияси, саноат цивилизацияси босқичларини босиб ўтган ва ҳозирги ахборот цивилизацияси даврида яшамоқда. Хўш, кейин-чи? Уч тўлқиннинг давоми – тўртинчи тўлқин инсониятга нималарни тақдим қилмоқда? Тараққиёт шиддати, шошқалоқлик синдроми инсониятни қаерларга олиб боради? Рўшноликками, эзгулик ё разолатгами? Инсоният ўзи яратган, эришган ва эришаётган тараққиёт чўққиларидан ағдарилиб тушмаслиги эпини топа биладими? Энг даҳшатлиси, бу вазифа унинг ихтиёридан чиқиб кетмайдими? Борди-ю ихтиёридан, имконидан чиқиб кетса, нажот нимада?

Яна маърифат, маънавият, маданият ва ахлоқ-одобда!

Аслида эса кимга нима ва қандай туюлишидан қатъи назар биз санаб ўтган ушбу боқий инсоний фазилатлардан ҳоли тараққиётнинг, уларни четлаб ёки босиб-янчиб ўтган юксалишнинг охири вой бўлишини ИНСОН, ИНСОНИЯТ билади. Соғлом ақл-идрок зинҳор бунга йўл қўймайди. У «Қаён кетмоқдасизлар?» деган азалий ва боқий саволни албатта эшитади, унга қулоқ тутаяди, ундан жуда-жуда тўғри хулосалар чиқариб олади. Ахборот тамаддуни авж пардаларига кўтарилмай туриб инсоният тўртинчи тўлқин – ахборот одоби, маънавияти, маданияти тамаддунига кириб боради.

Инсон қаёққа бораётганини билади...

*Мадонна*

### ЖАНОБ ПИБОДИНИНГ ОЛМАЛАРИ

*(Илова ўрнида)*

**Жаноб Пибоди** Хэппвилдаги (каттароқ шаҳар дейишга ҳам тилингиз бормаيدиган мўъжазгина шаҳарча) ўзи ўқитувчилик қиладиган мактабнинг ўсмирлар жамоасини ажойиб ўйин билан қутлади. Ғалаба бошқа мактаб жамоасига насиб қилган эса-да, бундан ҳеч ким ранжимади ҳам. Муҳими, ўйин роса қизиди.

Жаноб Пибоди маҳаллий бошланғич мактабла дарс берар, ёзги таътил кезларида эса ҳар шанба кун қўшни мактаб жамоаларини таклиф қилиб, бейсбол мусобақаларини уюштирар эди.

Билли Литтл (аслида унчалик забардаст йигит ҳам эмас) жаноб Пибодининг шогирдларидан бири эди. Билли бошқа ўйинлардан кўра бейсболни ҳаддан ташқари севар, жаноб Пибодини эса дунёдаги энг яхши одам деб билар эди. Ҳар сафар ўйин тугагач, Билли Литтл гавронлар ва тўпларни йиғиштириб олишда жаноб Пибодига кўмаклашар, жаноб эса унга майин табассум билан миннатдор-

чилик изҳор этар, «Ташаккур, Билли, кейинги шанбада учрашгунча!» дея у билан хайрлашарди. Шундан сўнг жаноб Пибоди Хэппвиллнинг шоҳ кўчасидан (бу ҳам кичкинагина кўча эди) ўйига қайтар, йўлда учраган таниш-билишлар билан қўл ирғаб саломлашар, улар ҳам унга шу тахлит илиққина жавоб қайтаришар эди.

Жаноб ҳар сафар ўйига қайтаётиб жаноб Фанкаделининг ҳўл мевалар дўкони ёнидан ўтар эди. Жаноб Пибоди бир зумга дўкон ёнида тўхтар, жаноб Фанкадели билан икки оғиз гурунглашарди. Сўнгра у раста устидаги саватга терилган олмаларнинг энг чиройли, энг сарасини танлаб оларди-да, халтасига жойлаб, йўлида давом этарди.

Навбатдаги шанба куни жаноб Пибодининг жамоаси одатдагидек ўйинга чиқди. Жамоа яна ўйинни (одатдагидек) бой берди, «жанг»нинг ўзи қизиқарли бўлганидан ҳеч ким учрашув натижасидан ранжимади. Билли гавронлар ва тўпларни йиғиштириб олишда устозига кўмаклашди, шундан сўнг жаноб Пибоди одатига кўра ўйига йўл олди. У йўлда дуч келган таниш-билишлар билан мамнун қиёфада омонлашди, улар ҳам саломни жавобсиз қолдиришмади. Ҳар сафардагидек, муаллим жаноб Фанкаделининг мева дўкони ёнида тўхтади-да, раста узра терилган олмаларнинг энг сархилини танлаб олиб, халтасига жойлади ва йўлида давом этди.

Айни шу пайт йўлнинг нариги ёқасида Томми Титтлботтом дўстлари билан ўтиб қолса денг. Бу ёғини асти сўраманг! Жаноб Пибоди энг сара олмани олиб, ҳақини насия қилиб кетаётганига кўзлари тушди-ю уларнинг! Йигитчалар узоқ ўйлаб ўтиришмади, ўз кўзлари билан кўрган манзарани ўртоқларига, ўртоқлари ота-оналарига, ота-оналар қўни-қўшнларига, қўни-қўшнлар эса Хэппвиллдаги (ихчамгина шаҳарча эканидан хабарингиз бор) жамики таниш-нотанишга оқизмай-томизмай етказдилар.

Кейинги шанба куни жаноб Пибоди одатича ўйингоҳга етиб келди ва не кўз билан кўрсаки, ўйингоҳ бўм-бўш. «Тинчликми? Нега ҳеч зог йўқ?» дея ҳайрон бўлди у. Шу пайт жаноб Билли Литтлнинг яқинлашаётганини кўрди.

– Салом, Билли! – деб ҳайқариб юборди жаноб Пибоди қувончини яширолмай. – Бормисан? Бошқалар нега кўринишмаяпти?

Билли кўзини олиб қочди.

– Нима гап, Билли, тинчликми ўзи? – хавотирланиб сўради жаноб Пибоди.

Билли бурнини тортганча тураверди.

– Ҳамманинг оғзида... сиз ўғри экансиз, – деб гўлдиради бола ниҳоят, ердан кўзини узмай.

Жаноб Пибоди шляпасини қўлига олди-да, бошини қашиганича туриб қолди.

– Ким айтди, мени ўғри деб, Билли? Нима ўғирлабман? – деб сўради у.

– Томми Титлботт ўртоқлари билан сизни жаноб Фанкаделининг мева дўконидан икки марта энг сара олмани олиб, пулини тўламай кетганингизни кўришибди, – бўшашиб жавоб қилди Билли.

– Э, гап бу ёқда дегин, – деб юборди жаноб Пибоди, шляпасини бошига қўндирад экан. – Қани, юр-чи, бу ҳақда жаноб Фанкаделининг ўзи билан гаплашиб кўрайлик.

Улар шоҳкўча (кўчанинг ихчамлигини яхши биласизлар) бўйлаб йўлга тушдилар ва жаноб Пибоди йўлда дуч келган таниш-билишларга қўл ирғитиб ўтаверди. Бироқ ҳеч бир таниш унинг саломига жавоб қилмади. Айримлар эса ҳатто жанобни атайин кўрмаганликка олиб ўтиб кетишди.

Ниҳоят, улар мева дўкони ёнига етиб келишди.

– Ҳа-а, жаноб Пибоди! – ҳайронлигини яширмай гап қотди жаноб Фанкадели. – Айни ўйин пайти бу ерда нима қилиб юрибсизлар?

– Бугун ўйин бўлмайди, – маънос тортиб жавоб қайтарди жаноб Пибоди. – Ҳар доим оладиган олмамни одатдагидан эртароқ олсам майлими?

– Бемалол, майли! – деди жаноб Фанкадели. – Қанча олма олсангиз, ҳар шанба кuni эрталаб сут харид қилаётиб ҳаммасига бир йўла ҳақини тўлайсиз-ку. Шу боис, олмани қачон олиб кетиш сизнинг ихтиёрингиз. Одатдагидек, энг сарасини танлаб олаверарсиз? – маънодор кулиб қўйди жаноб Фанкадели.

Жаноб Пибоди олма олиб, уни Биллига узатди.

– Олмани олишга олардиму, жаноб Пибоди, – дея гўлдиради Билли, – лекин бундан бурун Томмини топишим ва унга ҳаммасини тушунтириб қўйишим керак.

– Томмини кўрсанг, айт, менга учрашсин, – деди жаноб Пибоди. – Менинг ҳам унга айтадиган гапларим бор.

Билли Томмини қидириб топди-да, олма воқеасини унга бирма-бир сўзлаб берди ва жаноб Пибодининг унга айтадиган гапи борлиги ҳақидаги илтимосини етказди. Томми ортиқ ўйлаб ўтирмай, жаноб Пибодининг ҳузурига ошиқди. Жанобнинг хонадонига етиб кела солиб, қўнғироқ тугмасини босди.

Эшикни жаноб Пибодининг ўзи очди. Муаллим ва устоз бирмунча муддат сўзсиз-несиз жим туриб қолишди.

– Жаноб Пибоди, мени афв этинг, – деди ниҳоят Томми базўр тилга кириб. – Мен кўрганимнинг тагига етмай... Назаримда, сиз олманинг ҳақини тўламай олиб кетгандек бўлдингиз. Сиз ҳақингизда бундай хаёлга бормаслигим керак эди.

Жаноб Пибодининг кўзлари чарақлаб кетди. Назарида, унинг бетини ёқимли шабада сийпаб ўтгандек бўлди.

– Сенга қандай туюлгани муҳим эмас. Муҳими, аслида қандай бўлгани, ҳақиқат муҳим.



Томми туфлисининг учига қадалганича кўзини узолмай қолди ва яна узрхоҳликка ўтди:

– Мени афв этинг. Айтинг, нима қилсам хатоимни тузатаман?

Жаноб Пибоди чуқур хўрсинди, осмонда сузиб бораётган бир сиқим пар булутга қараб турди-да, деди:

– Йўлини айтаман, Томми. Бир соатдан сўнг бейсбол ўйингоҳида учрашамиз, ўйиндан битта ёстиқ ола келгин.

– Хўп бўлади! – Томми шундай деганча ўйи томон физиллади.

Келишилган вақтда Томми тўпни уриб ўйинга киритиладиган тепалик ёнига етиб келганида уни жаноб Пибоди кутиб турган эди.

– Ёстиқ опкелдингни, яхши, – деди жаноб. – Энди изимдан юр.

Шундай деб у томошабинлар ўтирадиган қаторларнинг энг юқорисига чиқа бошлади.

Ўйигит муаллим не муддаода бундай қилаётганини тушунмаса-да, жанобнинг изидан бораверди.

– Шамол эсиб турибди-я? – дея савол қотди жаноб Пибоди улар энг юқори ўриндиқ қаторига чиқишгач.

Томми тасдиқ ишорасида бош ирғади, жаноб Пибоди эса гапида давом этди:

– Манави қайчини ол. Ёстиқни қирқ-да, ичидаги парларни чиқариб, тўзитиб юбор.

Томми муаллимнинг муддаосини тушунолмаса-да, унинг айтганларини адо этди. Адо эта туриб, мана шу арзимас иш эвазига жаноб Пибоди ўзининг гуноҳидан ўтаркан-да, деган хаёл кўнглидан кечди.

Бу орада эсиб турган шабада ёстиқдан чиққан парларни тўрт томонга қарата тўзгитиб учира кетди.

– Энди мени кечирдингизми? – хурсанд бўлиб сўради Томми.



– Ҳали шошма, – деди жаноб Пибоди. – Энди-чи, мана шу тўзиб кетган парларнинг барини йиғиб кел-чи.

Томми тумшайди.

– Шунча парни йиғиб бўлармиди? – деб юборди у беихтиёр.

– Ҳа-а-а, яша-а, – деб ўнинг гапини маъқуллади жаноб Пибоди. – Мени ўғрига чиқариб тарқатган гапингни ҳам худди мана шу парларни йиғиб олиш мумкин бўлмагани каби қайтариб йиғиб бўлмайди. Тўзиб, ҳавода учиб юрган ҳар бир пар ҳар бир хэппвиллик ҳамшаҳаримиз қулоғига етиб борган ахборот деб тасаввур қилгин.

Томмининг нафаси ичига тушиб кетди. Шундагина у жаноб Пибоди нима мақсадда уни бу ерга бошлаб келганини тушунди.

– Гуноҳим оғир экан-да, – деб хўрсинди у.

Жаноб Пибоди унга далла бераётган оҳангда кулимсиради-да деди:

– Ҳа, шунақа. Бундан кейин бировлар ҳақида хулоса чиқараётганда сира ҳовлиқма. Ўзинг тарқатаётган сўзнинг маъносини, қудратини зинҳор унутма.

У шундай деди-да, Томмининг қўлига қип-қизил олма тутқазди ва вазмин одимлар ташлаб ўйи томон йўл олди.

*Русчалан таржима*



## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарнинг Ахборотномаси. 2007, 1-сон.
2. Тўртинчи ҳоқимият. Четвертая власть. –Т.: Меҳнат. 2003.
3. Акбаров Т., Йўлдошев А. Журналистга ким пора беради ва нима учун? Ҳуррият. 1998, 25 ноябрь.
4. Аҳмедова М. Журналистика ва психология. –Т.: Шарқ. 2010.
5. Рошин С.К. Психология и журналистика. – М.: Наука. 1989.
6. Рэндалл Д. Универсальный журналист. Алматы, 1996.
7. Пармский И.С. Политическая культура журналиста в демократизирующемся обществе (методологические, социально-психологические и творческие проблемы). – Автореф.дисс.канд.филол.наук. – Киев: 1991.
8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон. 2005.
9. Кумилганова И.А. Нравственные критерии в профессиональной журналистской деятельности. – Автореф. дисс. кан. филол.наук. –М.: 1992.
10. Еловик. Е.Н. Журналистский текст. Психология восприятия и структура его организации. Автореф. дис. кан. филол.наук. – Минск: 2002.
11. Лазутина Г. Основы творческой деятельности журналиста. – М.: Аспект Пресс. 2000.
12. Авраамов Д.С. Профессиональная этика журналиста. –М.: Мысль. 1991.
13. Усмонов А. Ўзбекнинг сўзи. –Т.: Шарқ. 2004.
14. Н.Комилов. Тасаввуф. –Т.: Ёзувчи. 1996.
15. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Т.: Маънавият. 2008.
16. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-т. –Т.: Ўзбекистон. 1996.

17. Тўхлиев Н. Тараққиётнинг ўзбекона модели. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2012.

18. Фафуров И. Мангу латофат. –Т.: Шарқ. 2008.

---

# ЖУРНАЛИСТИКА- ШАХС ТАЛҚИНИДА, ТАҚДИРИДА

Ахборот – журналистнинг нони, қони, жони. У ахборотнинг ичида яшайди, ахборот журналистнинг ичида мавжуд. Ахборот ва журналист бири-бирдан айрилмайди, ажралмайди. Ахборот журналистнинг жамиятдаги, ҳаётдаги ўрнини, салоҳиятини... тақдирини белгилаб беради. Журналистика азал-азалдан то ҳозирга қадар нафақат касб, балки қисмат эканлигига эса мисоллар кўп...

БЕШИНЧИ  
БОБ



---

Жон Милтон ва Абдулла Қодирий:  
«Ареопагитика»дан «Диёри бакр»га қадар

Матбуот – муаммо –  
мулоҳаза

Мунис Тошматованинг  
“Ассаломи”

Бир хабар  
тафсилоти

## ЖОН МИЛЬТОН ВА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ: «АРЕОПАГИТИКА»ДАН «ДИЁРИ БАКР»ГА ҚАДАР

Қизиқ, милолдан аввалги 436 – 338 йилларда яшаган юнон адиби Исократ, 1608 – 1674 йилларда ҳаёт кечирган инглиз шоири, олими ва публицисти Жон Мильтон, қисқагина умри 1894 – 1937 йилларга тўғри келган ўзбек адиби ва публицисти Абдулла Қодирий ўрталарида қандай яқинлик, ўхшашлик бўлиши мумкин?

Бу саволга жавоб топиш учун сўзни анча олисдан бошлашга тўғри келади.

Жон Мильтон Лондонда, ўзига тўқ нотариус оиласида таваллуд топди. Ўз даврининг илғор мактабларида ўқиди, 16 ёшида Кембридж университетида ўқишга кириб, санъат магистри даражасига эришди.

Жон Мильтондан роса 186 йил кейин Англиянинг Лондонидан ҳам жуғрофий, ҳам умумтараққиёти жиҳатидан жуда-жуда олисдаги Туркистонда – Тошкентда, серфарзанд боғбон оиласида дунёга келган Абдулла Қодирийнинг болалиги, адиб сўзи билан айтганда, қорни ошқа тўймай, усти тузукроқ кийим кўрмай кечди [1. Б.371]. Инглиз адиби етти йиллик олий таълим ниҳоясида магистрикка етишгач ҳам бир неча йил мобайнида мустақил таҳсил олди, диний-дунёвий билимини оширди, фалсафани, мумтоз адабиёт тарихини, тарих фанини ўқиди, қатор хориж тилларини мукаммал ўзлаштирди. Айниқса, унинг лотин, қадимий яҳудий, француз ва итальян тилларини моҳирона эгаллагани келгусида Кромвель ҳукмронлиги кезларида хизматга олинишида қўл келди. Ўзбек адиби эса ўзи таърифлага-

нидек, тўққиз-ўн ёшларда мактабга борган, бироқ «Мен тартиблик мактаб кўрмаган нодон бир йигит эдим. Унча-мунча билган нарсаларим ҳам ўз тиришувим орқасида замон шароити ва мажбурияти остидаги чала-чулпа гаплар эди» [1. Б.375]. Қодирий бир бой хизматиغا ёллангач, ўша бойнинг даъвати билан ўрисча ёзув-чизувни ўрганиш мақсадида рус-тузем мактабига борган. XVI асрда Англия таълим дастурида Европа минтақаси мамлакатлари бўйлаб саёҳат уюштириш белгиланган, асрлар мобайнида амалда бўлган ва кейинчалик «Катта саёҳат» номини олган ушбу анъанага кўра йўлга отланган Мильтон икки йил мобайнида Франция ва Италияда яшайди, ватанига олам-олам таассуротлар билан қайтади [2]. Қодирий ўзидаги савод билан узоққа боролмаслигини ҳис қилиб, уч-тўрт йиллик мўлжал билан 1925 йилнинг ёзида ўқиш мақсадида Москвага йўл олади, бироқ ушбу мўлжал ҳам ниҳоясига етмай, саводни чуқурлаштириш орзуси чала қолади.

Юқорида баён этилган икки ҳолатдаги – ўқишга, билим олишга, хориж тилларини мукаммал эгаллашга ва дунё кезишга бўлган имкониятларни таққослаш қийин албатта, лекин ўхшатиб бўлмас шароитлар ўртасидаги ўхшашлик шунда эдики, Ж.Мильтон ўзига қадар бўлган инглиз адабиёти тарихида бирорта шоир-ёзувчи эришолмаган, яъни шоирлик ва олимлик мақомларига кўтарилган бўлса, худди шу нуқтаи назарлардан А.Қодирий ўз даври адабий-ижтимоий муҳитига қиёси йўқ ижодкор, зиёли шахс сифатида кириб келди, Матёқуб Қўшжонов тўғри таърифлаганидек «...ўз даврининг маданий кишиси»га айланди [3. Б.5].

Ж.Мильтон хориж сафаридан қайтганида мамлакат осмонини инглиз инқилоби булутлари қоплаган эди. Билимми, дунё кўрган, теварак-атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида ўзининг шахсий нуқтаи назари шаклланган зиёли инсон сифа-





тида у бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардан четда қолиши мумкин эмасди. У ўзининг қалами, фикрлари, қарашлари билан инқилобнинг фаол аъзоларидан бирига айланди. Инсон, жамият ва давлат ҳақидаги, ана шу уч субъект ўртасидаги адолатли муносабатларни қарор топтириш ҳақидаги ҳароратли публицистик чиқишлари билан жамоатчилик назарига тушди. Ёшлик чоғларидан бошланган бадиий ижод ўрнини матбуотдаги долзарб мавзудаги чиқишлар эгаллади.

А.Қодирийнинг ижтимоий-сиёсий воқеликка муҳбир сифатидаги аралашуви матбуотдан, аниқроғи, 1914 йилнинг 1 апрелида «Садойи Туркистон» газетасида босилган «Янги масжид ва мактаб» сарлавҳали ихчамгина хабаридан бошланди [4. Б.24]. Бу пайтда адиб эндигина 20 ёшга чиққан, адабий жамоатчилик деярли шакланмаган, адибнинг ўғли Ҳабибулло Қодирий ҳақли равишда таърифлаганидек «Асосли маълумот, устод кўрмаган ёш ёзувчи ўз илк ижодини қоронғида йўл кидирган каби шундай кичик-кичик мақола-хабарлар ёзишдан бошлайди» [3. Б.22-23]. Табиий, А.Қодирийнинг муҳбирлик фаолияти осонлик билан бошланмаган. «Шу миёналарда бозор воситаси билан татарлардан чиқадирган газеталарни ўқуб, дунёда газета деган гап борлиғига имон келтурдим. 1913 йилда ўзбекча «Садойи Туркистон», «Самарқанд», «Ойна» газеталари чиқа бошлағач, менда шуларга гап ёзуб юриш фикри уйғонди.

Идорадагилар билан танишлигим бўлмагани учунми ёки ёзган гапларим маъносиз бўлгани учунми, кўпинча «Идорадан жавоб» билан мени мамнун қилар эдилар» [1. Б.371].

Матбуотга мўлжаллаб ёзганларини камтарлик билан «маъносиз бўлгани учунми» дея таърифлаган Қодирий айна ўша кезларда дастлабки – «Бахтсиз куёв», «Жувонбоз», «Улоқда» сингари асарларини яратди.

Октябрь тўнтариши юз берди. Биз энди-энди ана ўша воқеани «тўнтариш» деб ўз номи билан аташга кўникмоқдамиз, Ватанимиз мустақиллигига қадар эса у «Улуғ Октябрь революцияси» дея таърифланган, қадрланган, кўкларга кўтарилган, унинг шарафига беҳисоб ҳамду санолар тўқилган. Шу ўринда фаразомуз савол туғилади: эҳтимол, инқилоб юз бермаганида Қодирий публицистликдан кўра бадиий ижодга кўпроқ вақт-куч сарфлаган бўлармиди?..

Мутахассисларнинг ёзишларига қараганда, XVII асрга қадар инглиз адабиёти тарихида бирорта шоир ёки адиб Мильтон даражасида адабиётшунослик илмини эгаллаган эмас. Талабалик кезларида-ноқ унинг номи шоир ва драматург сифатида танилган. Мана шундай ижодкор хориждан қайтиб инқилобий жараёнларга жадал аралашиб кетгани сингари А.Қодирий Октябрь воқеалари туфайли бошланган долғали ҳаёт ўзгаришларига қўшилиб кетди. Бу – қаерда бўлади – Лондондами, Тошкентдами, англизми ё ўзбекми, қатъи назар, зиёли қаламкаш инсоннинг қисмати эди! Ватанида, ўзи яшаб турган жамиятда, ўз халқи ҳаётида ҳаётбахш эврилишлар, янгиланишлар рўй беришини дил-дилидан орзу қилиб юрган, рўшноликка эришиш умидидаги инсон учун жуда-жуда оддий ва табиий ҳолат эди!

Мильтон ҳам, Қодирий ҳам бадиий ижод «дастгоҳи»ни четга суриб қўйиб, кундалик ижтимоий ҳаёт пўртанасига шўнғиб кетишганининг туб сабабларидан бири ҳам шунда!

Мильтон пуританлар сафида қалам сурар экан, қироллик тузумидаги мутлақ ҳукмронлик – яккаҳокимлик адолатли жамият барпо этилишига йўл бермайди, деб ҳисоблайди, шу қарашлари билан у қирол Карл Стюартнинг тахтдан четлатилиши, ўрнига республика тизими қарор топиши зарурлиги ғоясини олға сурган кўплаб мақолалар эълон қилади. Унинг публицистик чиқишлари, серзарда ва ўтли



сўзлари мўлжалга етиб бормай қолмасди. Матбуотда эълон қилинган аччиқ танқидлари амалга ошиб, лордлар палатаси таркибидан епископлар чиқариб юборилган. Адиб қаламига мансуб «Қирол ва ҳукмроннинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари» деб номланган асари ҳамда «Ашаддий бутпараст» памфлетининг «касофати» ўлароқ, қирол Карл Стюарт судланган ва намойишкорона қатл этилган. Мана шундай оташин қарашлари, нуқтаи назарлари билан Ж.Мильтон лорд-генерал (барча ҳарбий кучлар бош кўмондони) Кромвель сиёсати учун айни мулдао эди. Нафақат Мильтоннинг, балки енгилмас саркарда, темир иродали ва шижоатли раҳбар сифатида Оливер Кромвель халқнинг, қолаверса, Парламентнинг ишонч-этирофини қозонади. Мильтон шахсан Кромвелга, 1649 йил мартада эълон қилинган Кромвель бошчилигидаги республикачиларга ишонган. Шоирнинг публицистик қаламини чархлаган, сўзларига оташин руҳ бахш этган куч-қудрат ҳам ана шу ишонч эди.

«Қодирий Октябрғача бир ҳаваскор ёзувчигина бўлиб келган бўлса, – деб ёзади Ҳ.Қодирий, – инқилобдан сўнг кенг ҳуқуқ, ғайрат, жасорат, сўз эркинлиги олади» [З. Б.40]. Ҳақиқатдан ҳам «Қизил байроқ» газетасининг 1922 йил 1 июль сонида босилган «Жасорат – айб эмас» мақоласида Қодирийга Октябрь инқилоби «тортиқ» қилган жасорат бетизгин эҳтирослар тўлқинида изҳор этилган. Яъни, Қодирий инқилобга ҳам, «жасорат Шўролар ҳукуматининг негизидир – асосидир» эканлигига [1. Б. 110] ҳам ишонган. Омма онгини ўзгартириш, халқнинг яшаш тарзига тубдан янгиликлар киритиш йўллари излаётган, шунинг кўйида яшаётган адиб бутун ўмидини ана шу жасорат, ана шу ишончга боғлаган, айниқса ўй-ниятларини матбуот орқали очиқ-ошкора кенг омма эътиборига ҳавола этиш имкони туғилгани ўша жасорат ва ўша ишончни ўн қарра алангалатган.

Абдулла Қодирийнинг фавқулодда уйғоқ шахси, ноёб адиблик ва публицистик маҳорати ҳамда унинг Октябрь инқилобига, ундан кейин жамиятда бошланиб кетган янгиланиш жараёнларига, айниқса матбуот сўзига бўлган муносабатларини синчковлик билан ва изчил ўрганиш, тадқиқ этиш тарихимизда ҳамон мавҳумлигича қолиб келаётган кўплаб саҳифаларга ойдинлик киритишдан ташқари, шахс, жамият, давлат ва матбуот муносабатлари юзасидан теран фалсафий хулосалар чиқариш имконини ҳам беради.

А.Қодирий инқилобдан кейинги дастлабки йилларда қанча мақола ёзган, қайси матбуот нашрида неча ўнлаб тахаллуслар остида, қандай жанрларда нечта чиқиш қилгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. «Диёри бакр» китоби – адибнинг публицистик меросига доир маълумотлар нисбатан тугал ва батафсил жамланган ягона манба! 1919 – 1935 йиллар мобайнида эълон қилинган матбуот чиқишларининг мавзу, ифода, шакл ранг-баранглиги, воқеликка муносабат, куюнчаклик, жонбозлик, самимият ўзини ва ижодини ҳақиқий маънода сафарбар этган том маънодаги публицист шахсининг жамиятнинг юрагига, қалбига айланишини, ҳеч муболағасиз, ижтимоий ҳаётнинг марказий фигурасига айланиб кетиши мумкинлигини кўрсатади. Буни Мильтон ва Қодирий ҳаёти ҳар жиҳатдан тасдиқлайди.

Англия парламенти 1643 йилнинг 14 июнида китоб нашр этилишини назорат остига олишга қаратилган қонун қабул қилади, орадан бир ярим йил ўтар-ўтмас, аниқроғи, 1644 йилнинг ноябрь ойида матбуотда Ж.Мильтоннинг қаламига мансуб «Ареопагитика» асари чоп этилади. Асар умуман фуқаро эркинлиги мавзусида бўлиб, уч қисмдан иборат: унинг биринчиси – никоҳ, иккинчиси – болалар тарбияси ва учинчиси – матбуот эркинлиги мавзусига бағишланган.



Муаллифнинг мазкур асар учун танлаган услуби, оҳанги кутилмаганда жамоатчилик эътиборини тортади. Буни Мильтоннинг ўзи очиқ тан олади. У баён этаётган мулоҳаза ва қарашларини, танқидий нуқтаи назарини ёрқин ифода этиш учун милоддан бурун яшаган Исократ (милоддан ав. 436–338 йиллар) услубига хос эҳтиросларга бой кўтаринки оҳанг қўл келганини таъкидлайди. Исократ эса ўз даврида айна шундай услуби – оташин нотиклиги билан катта нуфузга эга бўлган, ҳатто Суқротдек аллома назарига тушган.

Асарнинг номланиши ҳам Мильтон танлаган услубдан келиб чиққанини сезиш қийин эмас, зеро, Ареопег – «Арея тепалиги» Афинада, машҳур Акрополь ғарбидаги тепаликнинг номи бўлиб, у ерда даставвал фавқулодда ҳолатлар учун, кейинчалик эса ҳаёт ва ўлим, дин ва умумий цензурага доир масалалар кўриладиган суд маҳкамаси жойлашган. Мильтон бамисоли «Ареопегитика»ни мана шу тепалик минбаридан туриб, Парламент аъзоларига қарата оташин нутқ ирод этаётгандек оҳангда ёзган.

Мильтон Парламент аъзоларини адолатга чақиради. «Мен заррача иккиланмай-нетмай шунга аминдирманки, сизлар «бирорта ҳам китоб, рисола ёхуд варақа аввалдан кўриб чиқилмасидан ва тасдиқдан ўтмай туриб чоп этиш ман этилиши» зикр этилган Қонунни яна бир карра кўздан кечира туриб, ўзларингизга олий даражада хос бўлган адолатга муҳаббат туйғулари жўш уражигига ишонман» [5. Б. 25].

Мильтоннинг фикрича, мазкур Қонун ундан кўзда тутилган асосий мақсад – ҳақоратлар, дағдағалар ва ахлоқсизликлар тарғиб қилинган асарлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун хизмат қилмайди, аксинча, у илму маърифат йўлини тўсади ва адолат овозини ўчиради.

«Инкор қилмайман, – деб давом этади Мильтон, – китобларнинг одоб-ахлоқи худди одамларда бўлга-

ни каби черков ва давлат томонидан қаттиқ ғам-хўрлик ила назорат – цензура остига олинмоғи керак ва шундан келиб чиққан ҳолда улар худди жиноятчилар қаторида авахтага ташланмоғи, сургуну бадарға қилинмоғи керак: чунки китобни жонсиз буюм деб ҳисобламаслик керак, зеро китоб уни яратган даҳонинг салоҳиятига тенг равишда ҳаётий куч-қудратга эгадир...» [5. Б.26]. (Бу сўзлар мавлоно Жалолидин Румийнинг «Сўз инсоннинг қиймати қадар қадридир» [6. Б.97] деган лутфини эслатади, Александр Генис бошқачароқ айтади: «Биз ёзувчининг асарини унинг ўзидан кўра муҳимроқ деб ҳисоблаймиз, чунки у умрининг энг яхши дақиқаларини асарига бағишлаган») [7. Б.127].

Кўринадики, қарашларини енгил ва беозор кинолар билан баён қила бошлаган адиб аста-секин аччиқ пичинг йўлига ўтади. Пичинг заҳарханда тусини олади: «Китоблар афсонавий аждаҳонинг тишлари сингари ҳаётбахш ва кўпаювчилик қудратига эга эканликларини биламан, мабодо улар ерга экилса борми, улардан жангчилар ўсиб чиқишлари муқаррардир» [5. Б.26].

«Аччиқлашаётган» сўзлар ва оҳанг ўрнини вазмин мушоҳада эгаллайди: «Бошқа томондан, мулоҳазаларда ғоятда эҳтиёткор бўлмоқлик керак, чунки яхши китобни ўлдириш қарийб инсонни ўлдириш билан тенг; инсоннинг жонига қасд қилган одам онгли мавжудотни, тангри таоло тажаллисини ўлдирган ҳисобланади; илло яхши китобни маҳв этаётган одам идрокни ўлдиради, илоҳий машъалани сўндиради» [5. Б.26-27].

Шундан сўнг Мильтон инсон ақл-идрокининг, тафаккурининг маҳсули бўлмиш китоб ва унга муносабатлар тарихидан, чамаси, элик-олтмишталаб мисоллар келтиради. Замон, макон ва жуғрофий нуқтаи назардан хилма-хил бўлган мисоллар таҳлили ва шарҳи муаллифнинг ҳақиқатан ҳам зукко



олим ва ҳассос тадқиқотчи эканлигидан далолат беради. «Шундай қилиб, – деб ёзади Мильтон, – биз китоб цензурасининг келиб чиқишини кашф этдик ва ҳар қандай насл-насаб ва шажара ўрганилгани сингари унинг ихтирочиларини изчил равишда кўздан кечирдик» [5. Б.33].

Шундан сўнг Мильтон ҳар қандай китоб мутолаасидан олинishi эҳтимоли бўлган фойда ва зарар ҳақида сўз очади.

Тақводорлиги ва донолиги учун черков томонидан ҳурмат-иззатга сазовор бўлмиш Александр шаҳри епископи Дионисий (247–265) бидъатчиларга қарши фаол курашар экан, уларга мансуб бўлган манбаларни синчиклаб ўқиб-ўрганади, шунда ўз хушёрлигини намойиш қилмоқчи бўлган тақводорлардан бири Дионисийни худосизларнинг макруҳ адабиётларини мутолаа қилганликда айблаиди, шу билан унинг эътиқодини шубҳа остига қўяди. Оғир вазиятда омон қолиш чорасини излаган донишманд худо томонидан, кўлингга тушган ҳар қандай китобни ўқи, зеро, шунда сен ҳар нарса юзасидан тўғри ҳукм-хулоса чиқара оласан, мазмунида изн берилганлигини айтади. Шунингдек у «Ҳар нарсадан баҳраманд бўлинг, эзгуликни унутманг» ҳамда «Ўзи тозага – дунё тоза» деган ҳикматларни ўзини ҳимоя этувчи далолат сифатида келтиради [5. Б. 35].

Бу ўринда китобхоннинг ақл-идрокига, қарашларининг соғломлигига ва шундан келиб чиқадиган инсоний сабот-матонатга урғу берилмоқда. Билим олиш, демак, китоб мутолааси виждони тоза ва иродаси букилмас одамни асло йўлдан оздиrol-маслиги таъкидланмоқда.

Мильтон қуйидаги кутилмаган қиёс ёрдамида қарашларини ўртага ташлашда давом этади: «Касал ошқозон ёқимсиз таомни ҳам, тотли таомни ҳам ҳазм қилолмайди; бузук тафаккур ҳар қандай яхши китобни ҳам ёмон мақсадларда талқин қилиши мум-

кин. Яроқсиз масаллиқлардан ҳарчанд чиранма. хуштаъм таом тайёрлай олмайсан, яроқсиз китоблар эса оқил, доно ва мулоҳазакор китобхонга кўп нарсаларни билиб олиш, инкор этиш, огоҳ бўлиш ва ойдинлик киритиб олиш имконини беради» [5. Б.35-36].

Донишманднинг қуйидаги фикри ҳам жасорат билан айтилган: «Менинг фикримча, худолар одамларга ҳар қандай таомни истеъмол қилишга изн бераётиб, меъёрни унутмаслик зарурлигини таъкидлаганидек, ҳар қандай ёши улуғ инсон учун комиллик сари интилишида ақл-идрок озукасини эркин танлаш эркини ҳам берган. Бу эркинлик бутун инсоният ҳаётида нақадар мислсиз аҳамият касб этиб келмоқда! – ахир худо ҳар бир эс-хушли одам учун ҳеч бир Қонун ёки Кўрсатма билан чекланмаган ҳолда китоб неъматидан мутлақо эмин-эркин фойдаланиш ҳурлигини ато этгандир.

Ақли, оқил одам энг бемаъни китобдан ҳам дур-гавҳар топиши мумкин, энг яхши, фойдали китоб ҳам нодон одамни доно қилиб қўя олмайди, шундай экан, нима учун оқил одамни бундай машғулотдан бенасиб қолдирмоғимиз керак?! Нодон одам Муқаллас Битикдан ҳам фойдали гап тополмайди, ахир» [5. Б.36].

Хуллас, Мильтоннинг фикри қатъий, яъни, «...бу қонун ундан кўзда тутилган мақсадга хизмат қилолмайди» [5. Б.38-39].

Адиб гап келганда Афлотунни ҳам танқид қилишдан тоймайди. Унинг фикрича, Афлотун катта иззат-ҳурматларга сазоворлигидан фойдаланиб, «Қонунлар тўғрисида»ги китобида хаёлга ҳаддан ташқари эрк берган ва ҳукмдорлар учун қўл келадиган қарорлар ишлаб чиққан, лекин уларнинг бирортаси ҳеч бир республикада жорий этилмаган. Унга қолса, ҳатто бирорта Шоир Ҳакамлар ва Қонун пешволари томонидан изн берилмагунига қадар ўз асарини ўзича бировларга ўқиб бериши мумкин





эмас. Очиқ-равшан кўриниб турибдики, Афлотун бу қонунни бошқалар учун эмас, ўз тасаввуридаги Республика учун мослаб яратган. Ваҳоланки, унинг ўзи ҳам ўзи яратган қонун талабларига риоя қилмаган [5. Б.40].

Шу тариқа Ж.Мильтон очиқдан-очиқ мамлакат Парламенти «панжаси»га панжа уради. У матбуот саҳифаларидан айтилажак сўзнинг қудратига, мўлжалга аниқ бориб тегишига ва албатта самара беришига қаттиқ ишонади.

А.Қодирий ҳам матбуот зиммасида мана шундай миссия бор, унинг саҳифаларидан тарқатилган очиқ-ошкора ҳақ сўз муқаррар ўз амалий ижросини топмоғи керак деб ўйлаган, бу эътиқодга қаттиқ ишонган. Ушбу ишончдан келиб чиқиб «...маним хизматларим матбуот билан равшандир» деган, «ҳақиқат майдонда» [1. Б.374] деб биған. 1922 йили «Қизил байроқ»да чоп этилган мақолаларидан бири «Ҳақиқат – очиб сўзлашдадир» [1. Б. 103] деб номлангани, 1919 йилги «Иштрокиюн» газетасида «Бизда театру ишининг бориши» сарлавҳали мақоласида муаммоли масалалар вақтида ҳал этилмаслигига «матбуотсизлиқ» ва «ўша муаммоларни «матбуот элагиндан ўтқузилмас»лиги сабаб эканлигини очиқ айтади [1. Б.64]. Бундай сўзларни матбуотнинг қудратига ишончи ниҳоятда баланд бўлган инсонгина ёзиши мумкин.

Қодирий публицистикасида мавзунинг катта-кичиги йўқ. У бирор бир мавзуга шунчаки, қўл учидатилади қалам урмайди, балки очиқ-ошкора баён этаётган камчиликлар, иллатларни халқимиз ҳаётидан буткул йўқолиб кетишини, шу орқали ҳаётда, яшаш тарзида том маънодаги янгиланишлар юз беражagini орзу қилади. Адиб Ойбек ёзганидек, сирдан қараганда босиқ, камгап кўринадиган, ҳар бир сўзини тарозига солиб кўрадиган, оғзига келган ҳар бир сўзни айтавермайдиган [3. Б.80] Қодирийнинг тилини қалампирдек аччиқлаштирган, ки-

ноя. пичинг, зардаю зардоблар сувига қондириб, сертикан қамчин янглиғ одамнинг этини ўйиб туширадиган қилиб қўйган нарса ҳам адиб қалбидаги ўша эзгу ва бениҳоя улкан орзу олови, алангаси эди!

Қодирий «ҳар нарсага танқидий назар билан қарар»ди [3. Б.45], шу боис ҳам у ҳажвга зўр берди, деярли барча ҳажвий жанрлардан унумли фойдаланди. «Ҳажвий танқид авомнинг руҳига яқин ва унинг ҳис эткан, аммо ифода қилаолмаган масалаларига таржимондир» деб изоҳлайди адибнинг ўзи [1. Б.268]. «Бир кўп кулги асарларида Абдулла Қодирий халқ аскиячилигига яқин бир равишда услуб яратади. Халқ сўзлари, ифодалари, чапани таъбирлар, қочирма гапларни кўп ишлатади», — деб ёзади Ойбек [8. Б.119]. У танқидга зўр берди, лекин «Танқиднинг маъноий дугавийси саралаш, арайишини олмоқ деган сўздир. Наинки ер билан яксон этмак!» деб билди [1. Б.112]. Бироқ, тан олиш керак – адибнинг танқид қалами танқид этилувчиларнинг ер билан яксон этадиган даражада шафқатсиз эди. «Чунки шу кунгача маним мезоним виждоним бўлуб келди, бундан сўнг ҳам жиловим ўшанинг қўлида», дейди Қодирий [1. Б.180].

Адиб матбуотчи сифатида зинҳор муроса йўлига йўламади, жиловини, яъни қаламини виждон қўлига тутқазди. Биз бу ҳодисанинг том маънодаги маънавий жасорат эканлигини энди-энди англаб етмоқдамиз, бироқ ўша даврдаги муҳит, шароит, жамоатчилик, муносабатлар исканжасини кўз олдимизга келтиришга ҳаракат қилиб кўрсак-чи?! Қай аҳволда, қай ўй, қай руҳий исканжаларда юрди экан, Қодирий?! Зулмат ичра машъала кўтариб бораётган инсон кимгадир, нимагадир ишонмоғи, сўянмоғи – умид боғламоғи керак эмасмиди?!

«Яхши билиш керакким, қалам ўқлоғи ва матбуот кетмон бозори эмас. Йўсунсиз равишда хотирға келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат



саналмайдир. Сўз қолиб, фикр унинг ичига қўйилган фишт бўлсин, кўбчилик хумдонидан пишиб чиқгач янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин!» деган, ҳар қандай замон ва ҳар қандай макон матбуоти ва журналистикаси учун шиор вазифасини ўташга арзирли ўлмас ҳикматни ирод этган ҳам бизнинг Абдулла Қодирий эди! [9. Б.229]

«Шу билан бирга, – деб ёзади атоқли адабиётшунос олим Иzzат Султон, – бу каби приёмларнинг (пичинг ва шу каби фольклор приёмлари ҳақида сўз бормоқда. – Х.Д.) Абдулла Қодирий ижодидаги ўрнини эътиборга олмаган ўқувчи ҳам унинг сатира-расининг ғоявий йўналишини, социал аҳамияти ва бадиий қувватини тўла тушуниб, етарлигича қадрлай олмайди» [9. Б.4].

Назаримизда, Қодирий публицистикасидаги муаллиф шахсини, нуқтаи назарини тўла тушуниб етмаслик ва муносиб қадрланмагани домла И. Султон таърифлаганидан кўра чуқурроқ, нозикроқ ва қалтисроқ сабабларга бориб тақалади.

Бундай қисмат сэр Жон Мильтоннинг бошига тушган эди. У ҳам матбуотнинг, матбуот сўзининг қудратига ҳаддан ташқари ишонган, бинобарин, ҳатто мамлакат Парламенти шаънига қаратилган «лутф»ларини аччиқ-аччиқ киноялар, пичинглар, кесатиклар билан «бегагандан-бегаган».

Эшикни ёпиб олиш билан китоб чоп этишда учрайдиган зарарли таъсирлардан ҳоли қолишнинг иложи йўқ деб ҳисоблайди у. Ахир бошқа тўйнуқлар очик-ку! Агар китоб нашр этишни тартибга солиш йўли билан қарашларни, хулқ-атворларни тўғри йўлга солишни истар эканмиз, бошқа барча кўнгилочар ўйинларни, одамларнинг ҳордиқ чиқарадиган ҳамма эрмакларни қайта кўриб чиқиш керак бўлади. У ҳолда тантанали ва ҳарбийлардан бошқа муסיқаларни тинглаш, қўшиқларни куйлаш тақиқланади. У ҳолда, келинлар, рақсга ҳам цензура қўййлик, ёшларимиз номақбул деб топилган

қилиқларни, имо-ишораларни зинҳор қила кўрмасинлар. Афлотун шуни истамоқда-ку. Шунда ўнлаб цензорлар хизматиға эҳтиёж ортади, улар ҳар бир хонадонға бош суқиб лют, скрипка ва гитараларда қандай нағмалар чалинаётганини назорат қилиб туришларига тўғри келади. Бироқ нимани чалиш мумкинлигини аниқлаб олиш керак. Бу ҳолда хиргойи қилиб ижро этиладиган, ҳоли жойларда айтиладиган ариялар, мадригалларни текшириш қандай амалға оширилади? Дераза ва балконлар ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак: ахир улар ҳам хавфли китоблар ҳисобланади.

Қишлоқларда аҳвол нима кечади? Овлақ жойларда ўтириб олиб нағма қиладиган скрипкачининг хиргойилари назардан четда қоладими? Яна бир миллий касаллик – Европада маълуми машҳур ичкиликбозликлар ва суллоҳлигимиз нима бўлади? Ичкиликлар сотиладиган муассасаларға танда қўйган оломонимизға ким тўсқинлик қилади? Энгил-бошимизни тартибға солиш учун ҳам аллақандай тикувчи керак бўлар? Йигит-қизларимизнинг висол онларида нималар ҳақида суҳбатлашишларига ким йўл-йўриқ кўрсатади?

Гарчи давлат ўзининг доно ғамхўрлиги остида мазкур иллатларнинг зарар ва асоратларини камайтиришға мумкин қадар уринган тақдирда ҳам санаб ўтилган иллатларни йўқотишнинг мутлақо иложи йўқ. Шу боис, турли хаёлпарастликларға берилмай, Аллоҳ инъом этган ёруғ дунёда оқиллик билан соғлом қолишға эришмоқ керак. Ва бу ўринда Афлотуннинг китобий цензураси иш бермайди, унинг қонунлари шу қадар яна кўплаб ман этиш ва тақиқларни келтириб чиқарадики, уларға риоя қилман деб кулгига қоламиз ва ҳеч нарсаға эришмаймиз. Уларнинг ўрниға ёзилмаган қонунлар бор – қонун формулалари билан исканжаға олинмаган маърифат, диний ва фуқаровий таълим-тарбия самара беради. Афлотун буларни давлатнинг бир-



лаштирувчи томирлари деб, ҳар қандай ёзилган низомнинг таянчи ва суянчи деб атайди. Ҳар қандай цензура ожиз бўлган жойда ана шулардан келиб чиқмоқ керак. Ҳушига келган ишни қилиш ва жавобгарликни унутиш, муқаррар, жамиятни парчалаб ташлайди. Лекин жамият қачон қонун билан иш кўриш ва қачон оддийгина панд-насиҳат йўли билан масалани ҳал этиш лаёқатига эга бўлмоғи даркор.

Худо Одам Атога идрок ато этиб, унга танлаш қобилиятини берди: зеро, идрок – танлаш қобилиятидир, лаёқати дир [5. С. 41– 42].

Оташин публицистнинг жунбиши ана шундай «таърифу тавсифлар» билан ҳам босилмайди. Унинг бундай саъй-ҳаракати она арслоннинг якка ўзи бутун ўрмон йиртқичлари устига ташланишига ўхшаб кетади. У тинимсиз равишда мисол устига мисол, далил устига далил ёғдиради: китобларни цензура текширувидан ўтказиш жорий этилгудек бўлса, хориждан келадиган асарларнинг тарқалиши қай аҳволга тушади? Уларнинг ҳар бирини кўздан кечириш ва шундан сўнггина уларни аҳоли қўлма-қўл қилиб ўқиши учун рухсат бериш тизимини йўлга қўйиш озмунча сафарбарликни тақозо этадими?! Бунинг учун Италия ва Испанияда қўлланган инквизиция жазоларини қўллашга тўғри келади, бундай қатағонга эса, Парламентнинг мухтарам лорд ва депутатлари, сизлар асло рози бўлмайсизлар. Зеро, ўша икки мамлакатдаги китобларнинг қувфинга учратилганлиги давлатни бир бахягина бўлса-да яхшироқ, одилроқ, донороқ, эҳтиромлироқ қилиб қўймади.

... Ҳақиқат ва соғлом фикрни ёрликлар ёпиштириб, ваколатлар билан таъминлаб ва қоидалар ўрнатган ҳолда эгаллаб олиш ва сотиш мумкин эмас. Башарти кимда-ким берилган эркинлик ва ишончни суиистеъмол қилиб тухмат ва бўхтонларни ёзар экан, ундай кишини жазога мустаҳаб қилишдан

орланмаслик керак. Бироқ бундай жазоларга нолыйқ одамларни текширув ва шубҳа остига олишга зинҳор йўл қўйиб бўлмайди. Ўғри-каззоблар истаган жойларида қўриқчисиз-назоратчисиз санғиб юрсалару, шўрлик китоблар дағдағали посбонларсиз бир қадам ташлай олмасликларини изоҳлаш қийин. Колаверса, бундай ишончисизлик кенг омма учун ҳам ҳақорат ҳисобланади. Сизлар амалга оширмоқчи бўлаётган қонунни жорий этишни донолик дея олмаймиз, зеро бу йўл билан эҳтимоли тутилаётган биттагина суиистеъмолликнинг олди олинади, холос ва ушбу қонун воситаси-ла барҳам берилган бузуқчиликлар биз ёпишнинг иложини тополмайдиган бошқа кўплаб эшиклардан ёпирилиб кириб кела бошлайди [5. С. 43–45].

Ж.Мильтон матбуот саҳифаларида пешма-пеш эълон қилинган мана шу сингари оташин чиқишлари орқали жамиятнинг илғор ва фаол кишисига айланди («Ареопагитика» ҳозирга қадар матбуот эркинлиги ҳимоясига бағишланган дастлабки тарихий манба сифатида тилга олинади, қадрланади, ўрганилади), танқидда мўлжални ғоятда аниқ олиши, иллатларни илм билан, рўйи-рост ва астар-аврасини ағдариб ташлайдиган даражада фош қилиб юбориши туфайли у Кромвель назарига тушди. Республикачилар ҳокимияти қароргоҳига хизматга таклиф этилди.

У маълум даражада ниятига етган, яъни мамлакат бошқаруви яккаҳокимлик мақомидан халос бўлиб, парламент бошқаруви тизимига ўтган эди. Адиб мазкур ўзгариш туфайли жамиятда адолат ўрнатилишига астойдил ишонади. Шў боисдан ҳам у Кромвель ҳокимияти қароргоҳи Уайтхоллда тўрт йил сидқидилдан хизмат қилди. Ва шунда... протекторат йил сайин ҳарбийлаша бориб, Кромвелнинг ўзи эса мутлақ ҳоким-ҳукмрон тўнини кийиб олди. Республика мақомидаги давлатда моҳиятан монархия аломатлари яққол кўзга ташлана бошлайди.



Кромвель парламентни тарқатиб юборади, якка ўзи ҳарбий диктатура режими – протекторат ўрнатади, ўзини қарийб қирол деб эълон қилади. Мильтон бир неча йил муқаддам «Ареопагитика» асари билан китоб цензурасига қақшатғич зарба бергани унутилиб, у қаттиқ ишонган ва эътиқод қўйган Кромвель 1655 йили цензурани тиклайди, ўғли Ричард Кромвелни меросхўр деб эълон қилади.

Бу – мамлакат диктатура оғушида қолганидан далолат эди. Мильтоннинг барча орзу-умидлари чиппакка чиққан, ишончлари поймол бўлган, саройда ва мамлакатда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни кўришга тоқати тоқ бўлганди. ... У шунча йиллик саъй-ҳаракатлари зое кетганини, йўлдан адашган, тахт ва салтанат талтайтирган ҳукмрон инсонни йўлга солишнинг иложи қолмаганини, унга сўз уқдириш беҳудалигини англаб етади... Кўзи хира тортади, сарой хизматидан кетади, ёзолмай қолади...

Тақдир ўзбек адабининг бошига ҳам шундай кунларни солади. А.Қодирий 1926 йилнинг 8 март кuni қамоққа олинади. Судланади. Бу адибга оғир руҳий зарба эди. Ўша руҳий зарба ҳолатини устоз олим Умарали Норматов қуйидагича тасвирлайди: «Қамоқда инсонлик шаъни, номуси топталиб, ўзини маънавий ўлган ҳисоблаган адиб ҳақиқат тантана қилиб, озодликка чиққач, кўп ўтмай яна ўзига кела бошлайди. Аммо... 1926 йил можаросидан сўнг у матбуотдан, ижтимоий ишлардан кетади, етти-саккиз йил давом этган жўшқин журналистик-публицистик фаолият энг авжида бирдан узилиб қолади» [10. Б.43].

Айрим манбаларда Мильтон кўзи кўрмай қолиши сабабли мақолалар ёзмай қўйган деган тахминлар билдирилган, бошқа манбаларда эса бу фикр асосли равишда рад этилган. Зеро, шоир саройини тарк этгач, икки-уч йил ўтмай О. Кромвель вафот этади, тахтни унинг ўғли бошқара бошлайди, бироқ

аллақачон салтанат тизгини издан чиққан, ғалаёнлар, исёнлар, беҳуда ва бесамар қон тўкишлар авжига минганди. Ҳокимият тепасига Стюартлар сулоласи вакили Карл I қайтади. Шу кезларда Мильтон яна шиддат билан ёзишга киришади, унинг оташин публицистикаси матбуот саҳифаларида яна кўрина бошлайди. Афсуски, энди мамлакатда бошқа сиёсий иқлим шабадалари кезаётган, унинг давлат бошқаруви, ҳукмрон шахс масъулияти ва адолати мавзудидаги чиқишлари ўз аҳамиятини, таъсир кучини йўқотганди: икки йил муқаддам вафот этган Кромвелнинг жасади қабрдан қазиб олинди, у қайта осиб «ўлдирилади», Мильтоннинг Кромвелнинг даврида кўкларга кўтарилган мақолалари, памфлетлари намойишкорона ўтга ташланади, адибнинг ўзи таъқиб остида қолади. Ҳатто Парламентда Жон Мильтонни ҳибсга олиш, сўнг ўлимга маҳкум этиш масаласи кўрилади.

А.Қодирийнинг 1926 йили ҳибсга олинишини, иш сулга довр етиб борганини кўпроқ «Муштум»да чоп этилган «Йиғинди гаплар» мақоласига боғлашади. Бу бир жиҳатдангина тўғри, масалага кенгроқ ва чуқурроқ қаралса, адибнинг устидан иш очилиши унинг 10–12 йиллик қизғин публицистик фаолиятининг «меvasи» – ўзига хос якуний бир босқичи эди. Ахир Қодирийнинг шу йиллар асносида ибтидоий хабарнависликдан бошланган журналистикаси том маънода фельетон қиролига айланиш даражасига қадар кўтарилди. Ҳақиқат майдонда деб билган адиб замонавий ўзбек журналистикасининг, айниқса ҳажвий-танқидий миллий журналистиканинг тамал тошини қўйишда, уни шакллантиришда ниҳоятда оғир юкни зиммасига олди. У инқилобий давр руҳини чуқур ва теран ҳис қилгани ҳолда ўз замонаси матбуотининг яратилишига катта ҳисса қўшди. У танқидга лойиқ бирор иллатни аяб-хаспўшлаб ўтирмади, ижодий фаолияти асносида манфур кимсаларнинг асл башараси-





ни очиб ташлади, давр, җамият ва инқилоб душманларини «эл-халқ олдида шармандаю шармисор қилиш, уларга «күн бермаслик» йўлини тутди» [11. Б.31]. «Маним, – деб ўз феълини тасвирлайди Қодирий «Масков хатлари»да, – қўндоқда теккан дейсизми ёки онадан туғма дейсизми, ишқилиб бир адабсиз – ярамас қилиғим бор. Яъни пайрави келганда риоя, андиша деган гапларни эсимдан чиқариб, чўрттаки бўламан-қоламан...» [1. Б.207]. «Биз риоясизлик, андишасизлик, ошна-оғайниларни сийламаслик ҳунарининг энг авжида турамиз; чунки бобомизнинг васияти бу...» деган сўзлар ҳам муҳтарам адибимиз қўллари билан ёзилган [1. Б.195].

Табий, бундай позицияни ижодий идеал даражасига кўтариш тасолифан ёки ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. «Қодирий катта ақл-заковат, юксак истеъдод эгаси бўлса ҳам, – деб ёзади профессор Умарали Норматов, – барибир, ўз даврининг фарзанди эди. Инқилоб йилларининг фидойи инқилобчиларига хос муайян инқилобий бетоқатлик унга ҳам ёт эмас эди. Маълум муддат ўша йиллари мамлакатда авж олдирилган «синфий кураш», «динга қарши юриш» кампанияси таъсирида адибнинг бойлар, эшонлар, уламолар фақат бой, эшон, уламо бўлгани учунгина уларни синфий душман санаб, уларга қарши матбуотда жиҳоди акбар эълон этиб, аёвсиз кураш олиб бориши, синфий-мафкуравий рақибларни танқид қилиш, фош этишда хийла жангарилик, қизиққонлик кўрсатиши, баҳслар пайтида гоҳо одоб доирасидан чиқиб, ҳамкасбларини ҳақоратлаш томон ўтиб кетиши, уларнинг ўтмишини титкилаш, гоъвий айблар тақаш билан банд бўлиши – шў хилдаги хатти-ҳаракатлари туфайли адиб айтганидай, ўзига қарши ҳар бир бурчакдан тескаричи душманлар қаторлаштирди» [10. Б.32-33].

Инқилобчи шоир Ҳамза янги турмушни тузиш йўлида «Бизга кимлар қарши турса, шартта-шартта

отамиз!» деб чиқди. Бундай кайфият қисман Қодирийда, унинг публицистик чиқишларида ҳам кўринди. Энг ёмони, инқилобий жангарилик, бетоқатлик туфайли одамлар орасидаги оддий инсоний муносабатлар, Шарқ халқларига, айниқса зиёлиларига хос юксак ахлоқ, одоб-андиша дарз кета бошлади, кишининг ҳар бир хатти-ҳаракатини ғоявий-синфий мезонлар билан ўлчаш, бир-биридан айб, ғоявий хато қидириш, бир-бирларининг устидан тегишли идораларга донос – гап етказиш одат тусини олди, ҳатто бу ҳол 20-йилларнинг ўрталарига келиб даврнинг ахлоқ нормаси, давлат, партия сиёсати даражасига кўтарилди» [10. Б.38]. «Шу тариқа адиб инқилобга, шўролар ҳокимиятига ҳаддан зиёд катта умид боғлади. Замондоши Вали Қаюмхон ўша кезлари Абдулла Қодирий «қизиллашиб кетди» деганида, эҳтимол, шуни назарда тутгандир» [10. Б.27].

«Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, – деб ёзади адабиётшунос олим Баҳодир Карим, – 20-йиллар матбуоти учун мақолаларни деярли редакция таҳририсиз, муаллифнинг ўз услубича эълон қилиш ва тортишувларда «рақиб»нинг шахсиятини бир оз сўкиш, ўринсиз иборалар қўллаб, баҳс-мунозара этикасини бузиб, жиндак одоб-ахлоқ чегарасидан чиқиш табиий ҳолга ўхшайди» [11. Б.51].

А.Қодирий билан Ғози Юнуснинг ўзаро баҳсла-ридаги киноя, аччиқ пичинглар ҳақида тўхталган адиб Тоҳир Малик ҳам шу фикрда, яъни «ўша давр матбуотининг услуби шундай эди» [12. Б.8].

Келтирилган иқтибосларни умумлаштириб шундай хулоса чиқариш мумкинки, Абдулла Қодирий ўзи яшаган ва фаолият юритган даврнинг – матбуот сиёсати етарли даражада шакланмаган, йўналиши мўътадил бир изга тушмаган давр матбуоти услубининг қурбонига айланди. Зулмат, залолат ҳукм сурган бир муҳитда ўз танлаган йўли, маслаги ва ақидаларидан қайтмасликдек маънавий жасорат... жисмоний ҳалокат билан ниҳоя топди.



Ҳабибулло Қодирийнинг «Отам ҳақида» китобидаги куйидаги лавҳага эътибор қаратамиз:

«Ҳозир олтмиш ёшларга кирган боғ қўшнимиз Хадича опа ҳикоя қилади:

– Бола чоқларимизда Абдулла акамни ҳамма «Абдулла Жулқун, Абдулла Муштум» деб аташарди. Мен бу гаплар маъносига тушунмай, «ёмон одам бўлса керак-да» деб чўчиб қўяр эдим... Боғингиз этагида кичкина жарликда қуюқ ўрик, дўланазорларингиз бўларди. Абдулла акам шу тинч, салқин ерни текислаб, ўзларига жой қилиб олган эдилар. Иссиқ ёз кунлари улар кунни билан шу жарликда ўтириб хат битганлари-битган эди. Баъзан бизлар аста деворданми, дарахтданми мўралаб «хат бит-вотти» деб бир-биримизга шивирлар эдик...» [З. Б. 45-46].

Бу оддий уй бекасининг шунчаки хотираси эмас, у – кишиларимизнинг, қолаверса, оми авом нари турсин, ҳатто энг тушунган-нетган кишиларимизнинг қўлида қалами бор одамга, ёзувчига бўлган муносабати! Матбуотчига, журналистга муносабати. Абдулла Қодирий ва унга ўхшаш замонасининг илғор зиёлилари қанақанги савобли мақсадлар билан яшаганлар, нечоғли виждон амри ила фаолият юритганларига қарамай, аксари омма – авом назарида «ёмон одам»лар бўлиб кўринганлар, ундайларни қўлларини бигиз қилиб, «хат битадиган одам» деб бир-бирларига кўрсатиб шивирлаганлар. Шивирлабгина қолмай, уларни бадном қилиш, обрўсизлантириш, тифғи парронга учратиш... эпини топсалар, жисмонан маҳв этиш учун пайт пойлаганлар. 1937 йилнинг ўзида матбуотда Абдулла Қодирийдек инсонни ер билан яқсон этишга қаратилган эликдан ортиқ (!) мақола босилганининг ўзиёқ фикримизга очиқ-ойдин далил бўла олади [10. Б. 47]. Шу маънода адибимиз ҳақиқатда фард – ёлғиз эди. Қайноқ ҳаёт қучоғида тиниб-тинчимай ишлаётган ёлғиз одам эди. У маслағида собит эди, унинг

учун виждони мезон эди, шунинг учун ҳам ҳеч иккиланмай «Мен тўғрилиқ орқасида бош кетса, «эҳ» дейдирган йигит эмасман», дея баралла айтди [1. Б.370]. Бу ҳайқириқ Мильтоннинг «Менинг руҳим ҳамиша танамдан қудратлироқдир», деган сўзига ўшаб кетади, ўшани эслатади [13].

Жон Мильтон қариган чоғида Лондоннинг чеккасидаги кимсасиз овлоқ гўшада (у кезларда 50 ёшли одам кекса ҳисобланган) кўзлари кўрмас, хасталик азобларидан абгор ҳолатда, муҳтожликда умрини поёнига етказди. Абдулла Қодирий эса...

... У ўзи яшаб турган жамиятнинг ҳеч бир долзарб масала-муаммосига, она халқи тақдирига, янада фаровон, янада адолатли жамият барпо этиш масалаларига бефарқ-безътибор қолмаган, чинакам фидойи, чинакам зиёли фуқаро сифатида ўз қарашлари, нуқтаи назарини очиқ-ойдин, ошкора матбуотда кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этган. Шоирона ташбеҳ қўлланадиган бўлса, у ўз жамияти ва ўз даврининг қалбига, юрагига айланган ва ана шуларнинг «ажри – мукофоти» сифатида эса...

Мазкур таърифни ҳеч иккиланмай мақоламиз қаҳрамонлари бўлмиш ҳар иккала сиймо шахсига нисбат беришимиз мумкин. Бу таъриф бир-биридан ҳар жиҳатдан йироқ бўлган инглиз Мильтон билан ўзбек Қодирий – ИЖОДКОР ЗИЁЛИ ИНСОНЛАР ҳаёти ва қисматидаги яқинликни, ўхшашликни, айнанликни намоён этаётганини кўриш мумкин...

*P.S. Яна бир қизиқ ўхшашлик: Жон Мильтондан «Бой берилган жаннат», «Қайтарилган жаннат» поэмалари ва «Самсон-полвон» трагедияси, Абдулла Қодирийдан эса «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари ва «Обид кетмон» повести боқий адабий мерос бўлиб қолди...*



## МАТБУОТ – МУАММО – МУЛОҲАЗА

«Қирқ бешинчи бекат» номли кундалик муаллифи

Аҳмаджон Мелибоевга

Аҳмаджон ака! «Қирқ бешинчи бекат» китобингизни қайта-қайта ўқидим [14]. Белгиларга, ишораларга «бўяб» ўқидим. Журналист талабалар билан суҳбатларда фойдаланиш учун ундан қатор-қатор мисоллар келтириш мақсадида китобни яна ва яна қўлга олдим. Китобингизга бу қадар ихлос қўйганимнинг яна икки сабабини топдим: бири – соҳамизга доир, айниқса амалий журналистикадан сабоқ вазифасини ўташга яроқли китобларимиз кўп эмас. Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, Исмоил Сулаймоновдан қолган санокли мерос, кейинги йилларда нашр этилган Анвар Шомақсудовнинг «Дилдан тилга кўчган қиссалар», Сайди Умировнинг «Дорил-фунунлар тақдиримда», Фармон Тошевнинг «Журналистнинг нони қаттиқ», Ҳалим Саидовнинг «Матбуот – миллий манфаатлар ҳимоячиси» ҳамда Ўрол Ўтаевнинг «Телевидение – давр кўзгуси», Ҳамид Бурхоннинг «Юрган – дарё...» китоблари кунимизга яраб турибди. Шу, холос. Ваҳоланки, замонавий ўзбек журналистикаси саҳнасида узоқ-узоқ йиллар тер тўккан устоз заҳматкашлар оз эмас. Ўрни келса, битта мақола, битта очерк, битта фелъетон, боринги, битта хабар ёзишда, уни чоп эттиришда қанчадан-қанча ибратли лаҳзалар бошдан кечмайди дейсиз! Уларнинг ҳар бири миллий журналистикамизнинг бугуни ва истиқболи йўлида хизмат қилмоғи керак-ку, шундай эмасми?

Ўзиям 45 йиллик тажриба маҳсулидан бирмунчасини бир йиллик кундалик саҳифаларига সিғдирибсиз, тоқатингизга балли!

Китобга ихлос қўйганимнинг иккинчи сабаби – Сизнинг 45 йиллик ҳаёт ва ижод йўлингизнинг нақ 40 йилига ўзим гувоҳман. ТошДУнинг журналистика факультетида ёнма-ён сабоқ олдик, қаерда ва

қандай вазифада ишламайлик, муҳими, матбуотдан йироқлашмайлик, матбуотимизнинг ютуғи – сизу бизнинг ютуғимиз, қусуру иллатлари сизу бизнинг қусуру иллатларимизга айланди. Шунисига шукр, деб турган бир пайтимизда топиб айтган бир гапингиз нашъа қилди-да! Қайси гап, дейсизми?

«Журналистлик касбини танлаган одам бир умр талаба бўлиб қолар экан» [14. Б.3]. Дарҳақиқат, журналистликка мубтало одам борки, на ҳушида, на тушида ҳаловат топади! Ўқиш, изланиш, ўрганиш журналист учун ҳақиқатда кундалик турмуш тарзига айланиб кетади. Шунга чидаган, шундай турмуш тарзининг сурурини, завқию нашидасини тушунган, ҳис қилган одамгина дош беради бундай талабаликка. Қолаверса, ака, талабалик ўз номи билан олтин давр, бундан чиқди, сизу бизга ўхшаш ҳамкасбларимизнинг бутун умри олтин давр экан-да, шундай эмасми?!

Аҳмаджон ака! «Қирқ бешинчи бекат»да соҳамизга дахлдор бир қанча мавзу-муаммолардан сўз очгансиз. Мисоллар келтиргансиз. Кузатишларингиз, таҳлиллару талқинларингизнинг ҳар бири ўзича қадрли. Муаллиф, таҳририят, бош муҳаррир, журналист кадрлар, таҳрир... буларнинг ҳаммаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ масала-муаммолар. Ҳаммаси бирдек муҳим.

Сўзни таҳририят мавзусидан бошлашасак.

Таҳририят ташқаридан қараган одамга оддий, эҳтимол ихчамгина жамоа, холос. Лекин бу ихчам жамоа тасаввур қилиб бўлмас қудратга эга ҳисобланади ҳозирги замонда. Чунки унинг ихтиёрида ахборот дея аталувчи атом бомбасидан даҳшатлироқ қурол бор, восита бор! Эсласангиз, Ернинг таянч нуқтасини топиб беринглар, курраи заминни кўтариб ташлайман, деганга ўхшаш яхши маънодаги дағдағали гаплар бўларди, мана, ўша таянч нуқта топилди, унинг номи – ахборот эканлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир бўлмай қолди.



Айтмоқчиманки, мақоми, шакл-шамойили, топиш-тутиши, жойлашган ери – булардан қатъи назар, ҳар қандай катта-кичикликдаги таҳририят ахборот билан ишлайди, ахборот излайди, ахборот «ясайди», ахборот сотади. Фақат ҳамма гап мана шу миссия ва имкониятдан ким қай мақсадда ва қай даражада фойдалана олаётганида қолмоқда.

Ҳозирги пайтда таҳририят жамоаси зиммасига тушадиган вазифалар йигирма, ҳатто ўн йил бурунги ҳолатлардагидан тубдан фарқ қилади. Илгари таҳририят ходими зиммасидаги икки-уч мақола-ни тайёрлаб қўйса, бўлимга келган хатларга шаблон жавобларни йўллаган бўлса, олам гулистон эди. Эндиликда таҳририят ходими зиммасидаги вазифаларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Мухтасар қилиб изоҳлашга уринадиган бўлсак, ҳатто туман газетаси ёхуд хусусий радиоканал мухбири ҳам ўзини ҳозирги замон глобал ахборот майдонининг аскарлари ва жангчиси деб ҳис этмоғи керак. Бу кимнингдир хоҳиш-истағи эмас, бу – замон эҳтиёжи, талаби, буюртмаси.

Аҳмаджон ака, «Бугун энди журналистикада бутунлай бошқача иш услуби юзага келди» [14. Б. 4] деган сўзларингизга тўла қўшиламан. Бугунги кун талабидаги журналист бўлиш учун журналистликнинг ўзи жуда-жуда озлик қиляпти. Ҳаёт ўзгарди, «ахборот», «журналист», «матбуот», «таҳририят» тушунчалари таг-тубидан ўзгаришга учраётган бир пайтда нега энди иш услуби ўзгармаслиги керак?!

Китобнинг бир неча ўрнида ҳозирги пайтда бош муҳаррир ва таҳририят ходимининг вазифалари кенгайиб кетгани тўғри ёзилган. Бир ўринда «Газета муҳаррири, журналистлар бошқа газеталарни ҳам жиддий кузатиб боришлари керак» [14. Б.29] лигини атрофлича тушунтирасиз, бошқа саҳифада «Таҳририятда ўтириб, қаерда нима чоп этилаётганини кузатишнинг эса мутлақо иложи йўқ» [14.Б. 26] лигидан куюнасиз. Куюнганингизча бор, мисол

учун, оммавий ахборот воситаларининг сони ҳаддан ташқари кўпайиб бораётган бир шароитда қайси нашрда (жумладан, босма, радио, ТВ, интернетда) қандай материаллар эълон қилинаётганидан хабардор бўлиб қўйишнинг ўзи анча машаққатли, ҳатто эплаб бўлмайдиган юмушга айланди. Лекин ҳозир иложсизликдан, яъни муаммодан қочадиган эмас, унга тиккасига бориб, унинг «панжасига панжа урадиган», яъни ечимини топадиган замонда яшамоқдамиз. Шунини эпласак – марра бизники, акс ҳолда... эплаганларники!

Эплаш учун таҳририят фаолиятини ташкил этишни замонавий даражаларга кўтариш, бунинг учун эса... қадимда кўп тилга олинадиган меҳнатни илмий ташкил этиш (НОТ) услубини қўллаш ва жорий этиш зарур, деб ўйлайман. Шўро даврида бирмунча оммалашган ушбу жумлани ўзимизнинг жайдари тилда зукколик билан бошқариш, омилкорлик билан бошқариш дея ўзгартирсак ҳам моҳият ўша-ўша қолаверади.

Нима назарда тутилмоқда?

Эндиликда ОАВ таҳририяти оммавий ахборот тарқатувчи, ўз муштарийларининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш билангина кифояланадиган журналистикага мансуб оддий меҳнат жамоасигина эмас. У – жамият аҳамиятига молик муҳим ижтимоий институт, фуқаролик жамиятининг барпо этилиши, жамиятда оммавий коммуникация ришталари соғлом ишлаши учун хизмат қиладиган мўътабар даргоҳ. Буёғини сўрасангиз, оммавий ахборот воситалари, умуман журналистиканинг сиёсий юки ортиб бормоқда, сўз – сиёсийлашмоқда.

Иқтисодий асослар мавзусига қайтсак.

Президентимиз Ислам Каримов ОАВнинг иқтисодий асосларига доир қонун яратилишига зарурият этилгани ғоясини нуфузли минбарлардаги маърузаларида бир неча бор илгари сурдилар. Ғоя ҳамкасбларимиз томонидан бир овоздан қўллаб-



қувватланди ва қонун яратилиши интизорлик билан кутилмоқда. Ваҳоланки, муҳтарам Юртбошимиз назарда тутган «Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги қонун моҳиятан ниҳоятда кенг қамровга эга. Иқтисодий асос ҳозирги шароитда молиявий масала-муаммолар билангина чекланиш, кифояланиш дегани эмас. Негаки, таҳририятнинг иқтисодий асосига бевосита ва билвосита тааллуқли бўлмаган бирорта(!) жабҳаси йўқ. Таҳририят телефонининг бир марта жиринглашидан, муштарийга йўлланган бир дона хатдан тортиб... реклама ва эълонларгача, ўша оммавий ахборот воситасининг мамлакатимиз, биз яшаб турган минтақа ва ҳатто жаҳон ахборот майдонида эмин-эркин ўрин эгаллашигача, ўз овозига эга бўлишигача – ҳамма-ҳаммаси таҳририятнинг иқтисодий асосига бориб тақалади.

Масала мана шу қадар чексиз кўламда қўйилмоқда. Ишни шу қадар кўламдор ташкил этиш, яратилажак қонундан самарали фойдалана билиш учун, биринчи навбатда, таҳририят фаолиятини энг замонавий илмий талаблар асосида ташкил этишга киришмоқ зарур. Бозор муносабатларининг барча талаблари миридан-сиригача таҳририятнинг иқтисодий сиёсати – иқтисодий стратегиясида ҳисоб-китоб чигириғидан ўтказилмоғи шарт. Ҳисоб-китоб эса илми, илмий ёндашувни, аниқликни, бир сўз билан айтганда, заковот ва омилкорликни талаб қилади.

Эндиликда таҳририят ходимининг, бош муҳаррирнинг ижодкор бўлиши кифоя қилмаяпти, у айни вақтда педагог, руҳшунос, ўткир зеҳнли дипломат ҳам бўлиши кераклигини ёзибсиз [14. Б.33]. Буларнинг ҳар бири ўзича катта фан эканлигини эслайлик. Таҳририят муаллифлари билан, умуман таҳририят аудиторияси билан муносабатларни йўлга қўйишда Сиз санаб ўтган мазкур фанлар илми-амали жуда-жуда асқотиши муқаррар. Яқин ўтмиш-

да муаллифлар таҳририятлар йўриғидан чиқмаганлар, чиқсалар, таҳририятдан рўшнолик кўрмаганлар. Фуқаролик жамиятини бунёд этиш йўлидаги давлатда таҳририятлар билан муаллифлар ўртасидаги муносабатларда ўзгача мезонлар амал қилади. Аниқроқ айтсак, бунда таҳририятлар муаллифларга ва аудитория талабларига кўпроқ мослашишга ҳаракат қилиши зарур, шу борада имкониятлар излашга мажбур.

Китобнинг бир неча ўрнида газета саҳифалари мавжуд материалларни сиғдира олмаслигига доир мисоллар келтирилган. Чунончи, «...катта ҳажмдаги мақола ёки ҳикояни, гарчи улар яхши ёзилган, бадий савиясига эътирозимиз бўлмаса-да, қайтарган вақтларимиз бўлган. Чунки газета майдони чексиз эмас, бир муаллифга шунча жой ажратишнинг иложи йўқ. Ҳафта давомида эълон қилиниши зарур бўлган ахборотлар шу қадар кўпайиб кетадики, уларни жойлаштириш учун баъзан яхши нарсалардан ҳам воз кечишга тўғри келади» [14. Б.23]. Бу муаммо деярли барча босма нашрлар тажрибасида учрайдиган ҳолат. Аслида қандай бўлмоғи керак?

Муайян оммавий ахборот воситаси ўз муштарийларига «айтадиган» кечиктириб бўлмайдиган даражадаги зарур гапи борми, навбатдаги сонига икки, тўрт ва ҳатто олти саҳифа қўшиб чоп этишга шай бўлмоғи керак. Бу ҳам кифоя қилмаса, навбатдан ташқари сон ёки илова тарқатиши ҳам мумкин. Имконият йўқ, дерсиз? Мен ҳам шу фикрдман, лекин бозор Сизу бизнинг фикримизга эмас, биз бозорга мослашишга мажбурмиз. Бундай талабни қуроқ мақолачаларга ихтисослашган нашрлар зиммасига қўйиб бўлмас албатта, лекин «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» сингари нашрлар, фикримча, ҳар қандай ҳажмдор, мулоҳазаларга, таҳлилу таққотлар асосига қурилган бадий публицистика учун кенг майдон яратишни зиммасига олмоғи керак. Айни «ЎзАС» бир ёки ундан ортиқ саҳифали



мақолалар, сўхбатлар, баҳс-мунозараларга кенг ўрин берадиган – шу йўл билан муаллифларининг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъмин этувчи, зиёли муаллифларини, уларнинг изидан кенг муштарийларини жамият ҳаётига тааллуқли масалалар юзасидан нуқтаи назарларини эмин-эркин ифода этишга ундовчи нашр ҳисобланади. Кези келганда, айтиш керак: «Китоб дунёси» газетаси айни шу борадаги дадиллиги ва ишни тўғри йўлга қўйганлиги билан назарга тушмоқда, адабий жамоатчиликнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Аҳмаджон ака! «Қирқ бешинчи бекат»да журналист кадрлар тайёрлаш муаммоларига алоҳида эътибор қаратганингиз бежиз эмас. Бу борада муҳтарам Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган изчил сиёсат, жумладан, ҳукумат миқёсида қабул қилинаётган фармон ва қарорлар, ишлаб чиқиляётган тизимлар соҳани ислоҳ қилишда сезиларли самара бермоқда, албатта. Бироқ, изчил ислоҳотлар палласини бошдан кечириётган, ўтиш даври «инжиқликлари»ни босқичма-босқич ортда қолдириётган жамиятда, айниқса оммавий ахборот воситалари тизимида барқарор муҳит яратиш, хусусан, ушбу тизим вакиллари бўлмиш малакали журналист кадрлар авлодини етиштириш анча-мунча қийин кечилиши ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Гап кадрлар масаласига тақалса, истиқдол йилларида мамлакатимизда фаолият юритаётган ОАВ сони 1300 тадан кўпайиб кетаётганлиги тилга олинади. Тўғри, бу кадрлар сифатига, малакасига бевосита таъсир кўрсатувчи ниҳоятда муҳим кўрсаткич. Айниқса, малакали ва етук қалам аҳлларининг бир неча нашрларда фаолият юритишлари, бу етмагандай, уларнинг салоҳияти кўнгилочар нашрларда қумга сингиб кетаётгани жиддий муаммо ҳисобланади. Лекин, фикри ожизимча, муаммонинг тағзамини анча чуқур.

Замон ўзгарди, ҳаёт ўзгармоқда, жамият, яшаш тарзи, кадриятлар... улар билан изма-из ахборот,

матбуот, журналистика, оммавий ахборот воситалари тушунчалари мутлақо янгича қиёфа, янгича шакл-шамойилга кириб улгурди, Аҳмаджон ака! Бир ачиқ ҳақиқатни очиқ тан олишдан чўчимасак, яқин ўн-ўн беш йиллар муқаддам иш берган тажрибаларимиз, шакланган малакаларимиз мен назарда тутаётган янги қиёфалар майдонида қадр-қимматини йўқотиб қўяётганга ўхшайди. Замон ва давр шиддати, глобал ахборот тўфони тўлқинида кекса ва тажрибали авлодга мансуб журналистиканинг боқий қадриятларига эътибор қаратиш, улардан сабоқ ва ибрат олиш учун фурсат ҳам, имкон ҳам топилмаяпти. Бу кимнингдир хоҳиш-истаги билан эмас, йўқ, объектив ҳолат, кайфият, муҳит сифатида яшин тезлигида оммалашмоқда, удумга айланмоқда. Сиз сўзни ҳис этиш маҳоратига, таҳрир санъатига, сарлавҳа танлаш маҳоратига тааллуқли мисоллар йиғиб, уларни чоғиштириб, тушунтиришга уринаётган бир пайтда сийқалик, жўнлик, саёзлик, офаринбозлик журналистикамизда урчиб улгурмоқда. «Тўртинчи ҳокимият» сўзи ҳаваскорлик даражасига, савиясига тушиб кетмоқда. Миллий журналистикамиз жамоатчилиги мана шундай тенденцияларнинг тагига сув қуядиган ҳолатлар газак олиб кетишидан ҳушёр бўлмоғи зарур.

Айрим хорижий манбаларда эндиликда журналистлар 50 сўздан ортиқ бўлмаган, икки-уч дақиқада кўз югуртириб ўқиш мумкин бўлган мақола ёзишни ўргансалар кифоя, деган мазмундаги фикрлар баён этилмоқда, чунки бундан кейин тезлик, шиддат измидаги одамлар ҳажмли мақолаларни ўқимас эмиш! Профессионал журналистика ўз даврини ўтаб бўлди, эндиликда унинг ўрнига фуқаролик журналистикаси кенг қулоч отади, дея башорат қилаётганлардан чиқаётгандир шу сингари «доно» маслаҳатлар?!

Ҳаёт фақат қисқа ахборотлардан иборат эмаску, газетхон ёки телетомошабин, радиотингловчи ўша қисқа ахборотлар ортидаги турфа мазмунни теран ва чуқур тушуниб, англаб етишлари учун



таҳлил ҳам зарур-ку! Малакали таҳлил ва шарҳлашга эса ҳаётий ва профессионал тажрибаси катта бўлган журналистларгина қодирдирлар.

Яхшики, таҳлилий журналистика тарафдорлари ҳам қўлни қовуштириб ўтиришгани йўқ. Фарб мамлакатларида нарратив, яъни чуқур таҳлил ва тадқиқотларга асосланган журналистика (Сиз китобда «салмоқли мақолалар», «михли» мақола» деб ном бергансиз) комил инсон тарбияси учун, жамият ва давлат равнақи учун жуда-жуда зарур эканлигини ёзаётган, тарғиб этаётган мутахассислар оз эмас. Ҳақиқатан ҳам, Сиз ёзганингиздек, газета материаллари газетхонни фикрлашга, ҳаётда учраб турадиган ҳолатларга муносабат билдиришга даъват этиши жуда-жуда зарур.

Фуқаролик журналистикасига зўр бериш ва миллий ёки глобал ахборот майдонини тўлдиришни фақат шу тоифа ясама журналистлар ихтиёрига топшириб қўйиш матбуотни, журналистикани ҳаваскорлик даражасига тушириб қўйиши муқаррар. Айниқса, публицистик жанрларнинг етакчи тури — бадиий публицистик мақолаларни ўқиш завқидан нима учун воз кечмоқлик керак?! Бундай асарларда «оҳанрабо янглиғ мудом ўзига тортувчи куч, аллақандай жозибадор сеҳр, элитувчи, эргаштирувчи меҳр бор, неча марталаб ўқиб чиққанинг мақола, очерк, фельетонни қайта қўлга олар экансан, албатта, яна ниманидир кашф этасан, янгича маъно, нуқталар топасан, ўзгача ҳузур, завқ-шавқ оласан, муаллиф истеъдодига, маҳоратига яна бир бор қойил қоласан» [15. Б. 112]. Устозимиз Сайди Умировнинг қаламига мансуб эҳтиросли бу сўзларни 50 сўз ёки жумладан иборат ахборотга нисбат бериб бўлмаслиги аён ҳақиқат. Демак, биз мана шу сингари ҳаяжонлар, тугёнлар уйғотишга қодир жанрлардан, улкан ижодий тажрибалардан воз кечмоғимиз айримлар ўйлаганидек шунчалар осон эмас, шундай эмасми, Аҳмаджон ака?

Биз назарда тутаетган журналистиканинг қадрига етадиган омма, ишонч билан айтиш керак, ҳамisha топилади [14. Б.39]. Бундай омма атоқли ва қалами ўткир журналистларни албатта қадрлайди, улар айтган ва ёзган сўзларнинг қадрига етади. Ахир ҳар бир етук журналистнинг шахси ва ижоди ўз даврининг ўзига хос кўзгуси ҳисобланади, зеро ундай журналистлар омманинг, халқнинг, миллатнинг руҳиятини, кайфиятини бошқалардан кўра яхшироқ, муфассалроқ ҳис қиладилар, ўшандан нафас олиб яшайдилар.

Аҳмаджон ака. Газета бош муҳаррири ва ижодий ходимлари томонидан муаллифлар келтирган мақолаларни таҳрир қилиш масаласи алоҳида ўйлаб кўриладиган муаммолардан бири эканлиги китобнинг деярли ҳар саҳифасида бўртиб кўзга ташланади.

Фикрни тушунарли ва таъсирчан услубда ёза олиш, сўзни ҳис этиш, муҳимни номуҳимдан, зарурни нозарурдан ажрата билиш... токи имловий саводли ёзишгача ижодий маҳорат унсурлари, шартлари ҳисобланади. Аксари ҳолларда муаллиф ўзи ўйлаганларини, кўнглидан кечирганларини батафсил қоғозга тушира олмайди. Шунда таҳрирга эҳтиёж туғилади. Таҳрир қаламини тутиш – муҳаррирлик ҳам ҳар кимга насиб этавермайдиган алоҳида маҳорат, алоҳида санъат, ҳатто мутлақ тугал ва мукамал таҳрирга эришишнинг ниҳояси йўқ дейиш ҳам мумкин. Шу маънодаги таҳрир кони фойда, унинг зиёни йўқ. Лекин...

Гапнинг очиги, ака, «Қирқ бешинчи бекат»даги таҳрирга доир мисолларни чамалайман деб саноқдан адашиб кетдим. Ахборотми, мақолами, публицистиками, латифаю ҳажвиями, ҳатто шеър ухкоягача... Сиз учун фарқи йўқ, қўлга қалам тутиб таҳрирга шайсиз. Буни қандай тушуниш керак? Сиз таҳрирбозликнинг илдизини излашга уринган жойингиз ҳам бор, таҳрирда меёр сақланиши за-



рурлигини айтгансиз ҳам. Ҳатто «Менинг ўзим гоҳида муаллифларнинг мақолаларини ҳаддан ташқари таҳрир қилиб юбораман, ўзимдан фикр қўшаман» деб ёзгансиз [14. Б.165].

Шу ўринда бир зум тўхтайлик-да, савол берайлик: гап нима ҳақида бормоқда? Таҳрир деяпмизу, жуда жиддий масала бўй кўрсатаётгани назаримиздан четда қолмаяптими?

Сиз тасвирлаган, Сиз талаб қилаётган таҳрир мактаби, унинг барча афзалликларини, маъқул жиҳатларини эътироф этган ҳолда, асл моҳияти шўро даври журналистикасининг иллати, сарқити эмасми?! Сиз тасвирлаётган таҳрир – таҳрир эмас, балки силиқлаш, бирон қалтис гап ўтиб кетишидан хавотирланиш, муаллиф эҳтирослари тўлқинида ўтиб кетган «қиррадор» мушоҳадалар, мисолу тасвирлар жилосини сўндиришнинг ўзгинаси эмасми?! Бу ҳам етмагандай, Сиз фикр қўшишдан ҳам тоймайсиз. Фикр қўшиш, энди бу – қип-қизил қўшиб ёзишнинг ўзгинаси! Ахир муаллифники эмас-ку, Сиз қўшган фикр, нима учун Сиз сингари фикрламайдиган муаллиф номидан Сизнинг фикрингиз газета орқали оммалашмоғи керак?!

Муаллиф, йўқ, муҳтарам муҳаррир, мен бундай фикрламайман, деса-чи?! Шундай норозилик билдиришга ҳақли-ку, у.

Мен ҳам газеталаримизда Сиз таъкидлаганингиздек, материаллар «имлоси, стилистикаси тузатилмай, эга-кесими ўнганмай эълон қилиниши» [14. Б. 165] тарафдори эмасман, лекин мумкин қадар «муаллиф қандай ёзган бўлса» шундай чиқиши қизиқроқ, ҳалолроқ, табиийроқ бўлади деб ўйлайман. Ҳамон ҳар бир миллий матбуот шу халқнинг, фикрловчи ва зиёли қатлам вакилларининг илмий, маданий-маърифий ва сиёсий қарашлари кўзгуси, барометри эканлигини эътироф этар эканмиз, матбуотимиз зиммасидаги мазкур миссияни адо этмоқлиги учун, бундай эмин-эркинлик пировард натижада

жамиятимизнинг эркинлашуви учун хизмат қилишдан келиб чиқиб, бош муҳаррирлар имконият бермоқликлари даркор, деб ўйлайман. Эълон қилинган материалларнинг таҳрирталаблиги, хомлиги, сайқалланишга муҳтожлиги мавзусига бағишланган таҳлилий мақолалар ёзиш, суҳбатлар, баҳс-мунозаралар ташкил этиш йўлга қўйилса, миллий журналистикамизда ўзига хос таҳрир мактаби яратилган ва бу ҳар жиҳатдан фойдали бўлур эди, деган фикрдаман.

Аҳмаджон ака! «Қирқ бешинчи бекат» чоп этилганига ҳам бир неча йил бўлиб қолди, лекин унда қаламга олинган масала ва мавзулар заррача эскиргани йўқ. Таҳририятга келган хатларга эътиборли бўлиш, устозлар танбеҳидан ранжимаслик, ён дафтар тутишнинг аҳамияти, муаллифнинг таҳририят билан муносабатлари одоби бўлиши кераклиги, сарлавҳа танлаш маҳорати, таҳририятда ижодий муҳит яратишнинг зарурлиги, бош муҳаррир зиммасидаги масъулият – мазкур мавзу-муаммоларнинг ҳар бири ўз ечимини кутиб турибди.

Мен эса уларнинг айримлари юзасидан мулоҳазалар билдирар эканман, «Ҳеч ким, ҳатто бутун умрини шу касбда ўтказган, газета бўёғини узлуксиз ҳидлаган одам ҳам «Мен бу касбнинг ҳамма сир-асрорини биламан» дея олмас экан» [14. Б. 106], деган сўзларингиздан келиб чиқиб, тилга олинган муаммолар ечимини топишга кенг жамоатчилигимиз, олимларимиз, амалиётчиларимиз жонбозлик кўрсатишларига ишонаман.

*Камоли ҳурмат ила Х.Д.*





## МУНИС ТОШМАТОВАНИНГ «АССАЛОМИ»

**Мухлис:** – Мен чоршанбани, тўғрироғи, чоршанба тонгини кутиб яшайман. Соат олтидан саккизгача «Ассалом»ни томоша қиламан. Мунис Тошматованинг «Ассалом»ини!<sup>А</sup>

**Муаллиф:** – Нега, нима сабабдан, деб суралим. Мухлис елка қисди. Ўйланиб қолди. Сўнг, «Негалигини ўйламабман» деб кулди...

Бу нима, муносабатми, тележурналистга берилган баҳоми?.. Мунисхон билан суҳбатлашиб ўтирибмизу, унга бу гапни айтмадим. Муддаони ошкор қилмадим ҳам.

Чоршанба сиз учун қандай кун? Саҳардан телевизорга қадалиб ўтирсангиз керак?

**Мунис:** – Ухлаётган буламан. Ахир тунги соат иккигача монтаж қиламиз. Ўзим тайёрлаган «Ассалом»ни камида етти-саккиз марта кўриб, ҳолдан тояр аҳволда уйга етиб бораман.

**Муаллиф:** – Ҳолдан тойган одам тошдек қотиб ухлайди...

**Мунис:** – Қатта!.. Ўзимни ухлаганга солиб ётман. Хаёлим экранда! Тезроқ тугай қолса-чи, деган ўйдан сира қутулолмайман.

**Чекиниш:** Қизиқ! Ҳафта бўйи елиб-югуриб кўрсатув тайёрлаш, одамларга манзур бўларли бирор лавҳа, манзара излаш, кўнгилга ёқадиган бир илиқ сўз топиш машаққати қаерда-ю, унинг тезроқ тугашини кутиш!.. Масыулиятмикан ёки бу?..

**Мунис:** – Тасаввур қилинг, минглаб, ҳатто миллионлаб хонадонга эрта тонгдан кириб борсангизда, сон-саноқсиз ватандошларимизни уйқудан «уйғотсангиз»да, уларга ёқадиган бирорта янгилик беролмасангиз! Юки тушмайдимиз бунинг?! Бу юк

---

<sup>А</sup> Таниқли тележурналист М.Тошматова 1994 – 2006 йилларда «Ўзбекистон» телеканалда «Ассалом, Ўзбекистон» кўрсатувида бошловчилик қилган.

ухлаган тақдирингизда ҳам кўнғилни, шуурни тарк этмайди. Бу юк қулоққа айланиб, «тиқ» этса сизни уйғотишга шай туради. Телефонни ёстигимнинг ёнгинасига келтириб қўяман. Биринчи кўнғироқ-даёқ гўшакни кўтараман. Тилим «Лаббай!»га шай!

**Муаллиф:** – Сизни сўрашмаса-чи?

**Мунис:** – Қизиқсиз-а, чоршанба кунни эрталаб уйимизга фақат мени сўраб кўнғироқ қилишади! Кимдир раҳмат дейди, миннатдорчилик билдиради. Яна кимдир таклиф айтади.

**Муаллиф:** – Ранжиганлар ҳам топилар?

**Мунис:** – Ранжиганлар?... Жуда кам, аҳён-аҳёнда. (Кўз тегмасин деган маънода столни чертади). Нозикроқ, талабчанроқ томошабинлар кўнғироқ қилишса борми, бир лаҳзанинг ўзида кўрсатувимнинг ҳар бир дақиқаси кўз олдимдан яшин тезлигида ўтади. Ким нима дегани, қандай лавҳа кўрсатилгани... Ҳамма-ҳаммаси «ярқ» этиб ёдимга тушади!

**Муаллиф:** – Икки соатли кўрсатувнинг ҳаммаси-я?!

**Чекиниш:** Бу ҳам юк. Тележурналист зиммасидаги масъулият юки. Чоршанба ўтади, эрталабки кўрсатувнинг акс садоси аста-секин юмшай боради, асаблар ўз ҳолига қайтади. Шунда уй-рўзғор юмушларига уннаётган АЁЛ, ОНА оила бекаси эканлигини эслайди. Ҳар қандай оила аъзоси журналист-рафика, журналист-она билан фахрланиши муқаррар, лекин рўзғорнинг ўзига яраша ташвишлари бу билан кўпда ҳисоблашмайди.

**Мунис:** – Иккала ўғлим кап-катта бўлиб қолишди. Уйдаги юмушларда ёрдамларини аяшмайди. Кичигимиз – Ботирнинг бир гапини айтайми?... «Уйлансам, уйимда мастава, мошхўрда, шўрва пиширтирмайман», деб қўяди баъзан. Эйтибор қилинг, учала таом тез пишадиған овқат. Демак, кўпинча тез, яъни зудлик билан тайёрлаш мумкин бўладиган овқат пиширишга мажбурман. Сабаби, шошмаган куним йўқ.



**Муаллиф:** – Чоршанбада?..

**Мунис:** – Хамир овқат – лағмон, манти ёки хоним тайёрлаб, дадаси, Бобур, Ботир келишини кутиб утираман! Бир ҳафтанинг ҳиссасини чиқараман!

**Мухлис:** – Эрталабки икки соатли кўрсатув катта ва астойдил меҳнат маҳсули экани шундоққина сезилади. Мунис ўзиям тиним билмаса керак?..

**Муаллиф:** – Чоршанбада журналистликни бир кунга бўлса-да, ёддан чиқарасиз, шундайми?

**Мунис:** – Йўқ, бунинг иложи йўқ. Эрталабки асабий ҳолат унутила боргани сайин беихтиёр келгуси чоршанбага тайёргарлик бошланиб кетганини ўзингиз сезмай қоласиз. Китоб титкилайсиз, газета, журнал варақлайсиз. Турли тақвимлар бор, келгуси чоршанба қайси числога тўғри келади, қандай кун – ҳаммасини эътиборда тутиш керак. Икки соатнинг тахминан бир соатига мўлжалланган суҳбат, учрашув, интервью, хабар... яна нималардир топшингиз керак. Баъзан хамир қориб туриб, ёғ қиздира туриб ҳам хаёлга келганини қоғозга қайд этиб кўйишга тўғри келади...

**Чекиниш:** *Пайшанба куни телефонбозлик. Кечадан тузила бошланган режага кўра қаҳрамонлар изланади, уларга қўнғироқ қилиб танишиш, сьемка вақтини, жойини келишиш. Оқшом чоғи бу хонадон аъзолари йиғилишининг ўзи маданий-бадий байрамга айланади! Мухтор – таниқли тележурналист, Муҳсим – консерватория доценти, Мансур – машҳур эстрада хонандаси, Муҳаммаджон – педагог, Хумоюн – тадбиркор. Мунисхон шу беш оғанининг сингласи. Уларнинг бари халқимизнинг ардоқли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Фанижон Тошматовнинг фарзандлари!*

Пайшанба оқшоми қиблагоҳнинг унутилмас суҳбатлари ёдга олинади, ҳаётдан бевақт кўз юмган яна бир ўғил Музаффарнинг хотираси эсланади, адабиёт, санъат, маданият мавзулари суҳбатни қизигандан-қиздиради.

**Мунис:** – «Мунис, фалон санани, мавзуну унутмадингми?..» Акаларимнинг шундай саволлари менга кўп нарсани эслатади. Режаларимни яна қайта кўриб чиқаман.

**Чекиниш:** *Жума – кун бўйи запись! Тележурналистлар лаҳжасида «запись» сўзи таржима қилинмайди. Биров унинг таржимасини суриштириб ҳам ўтирмайди. Кийим-кечак танланади, гримхона... оператору режиссёр билан съёмка жойига ошиқасан!..*

**Муаллиф:** — Мунисхон! Записга келган ижодий гуруҳ аъзоларининг, жумладан сизнинг вақтингиз зикр, дейлик. Сўхбатдошингиз эса қутилмаганда телекамера рўпарасида сўз айтишга тайёр эмас.

**Мунис:** – Тушундим. Сўхбатдошларимизнинг камера рўпарасида ҳаяжонланишини назарда тутяпсиз. Бу – оғир муаммо. Тўғри айтдингиз, камера ишга тушганини кўрган заҳоти кўпчиликда ҳаяжонланиш бошланади. Гапидан адашади. Сўзини йўқотиб қўяди.

**Мухлис:** – Мунис мухбирларга ўхшаб интервью бермайди, у – сўхбатлашади. Шундай самимий сўхбатлашадими, самимийлик овозидаги ёқимли оҳангга қўшилиб, сўхбатдошни тезда ўзига оғдириб олади. Ва шу дақиқада телетомошабинни ҳам ўзига ром этади.

**Муаллиф:** – Ҳар бир сўхбатга алоҳида тайёргарлик кўрасизми?

**Мунис:** – Бўлмаса-чи! Қуруққина савол-жавоб эмас, жонли ва самимий сўхбат қуриш учун ҳар бир қаҳрамонимизга 25-30 тагача савол тайёрлаб қўяман. Шунчаки, жўн саволлар эмас, балки ўйлатадиган, мулоҳазага ундайдиган. Саволни савол тариқасида эмас, гурунглашиш оҳангида берсангиз, жавоблар ҳам шунга яраша бўлади. Албатта, сўхбатнинг барчасини экранда кўрсатиш шарт эмас. Унинг энг жонли, қизиқарли жойлари танлаб олинади.

Бир нарсани айтай: одамлар камерадан унчалик ҳадиксирамайдиган бўлиб қолишяпти. Одамлари-

миз камеранинг «салобати» олдида ўзларини йўқотмасликка анча одатланишди-ю, баъзан ўзимиз ҳаяжонни яширолмай қоладиган, оддий сўзларни унутадиган ҳолатлар ҳам бўлади.

**Чекиниш:** *Шанба кунининг ўз режаси бор: бу кун сценарий тайёр қилиниб, таҳририят раҳбариятига топширилади. Сценарий – кўрсатувнинг асоси, асос пухта бўлса, у ёғи иш симлиқ кўчиши анча-мунча қафолатланади. У ёғига тасодифлар халал бермаса бас! Афсуски, ҳаёт тасодифларга тўла!..*

**Мунис:** – Экрандаги ҳар лаҳза ортида ўнлаб касб эгалари «яширинган»ини ҳамма ҳам тушунавермайди. Режиссёр, оператор, чироқ устаси, сахна безакчиси, гримчи... суҳбатга чорланган қаҳрамонимиз... шулардан бирортаси белгиланган вақтдан кечикса, кайфияти бўлмаса, иштиёқи сўниқ бўлса, ўша кайфият экранга ҳам кўчади.

**Мухлис:** – Назаримда, Мунис атрофидаги барча кишиларнинг диққатини ўзида «тутиб» туради. Ана шу тортиш қуввати кўрсатувнинг жозибасини оширади!..

**Муаллиф:** – Жозоба ўз-ўзидан пайдо бўлмас?

**Мунис:** – Билмадим, бу ҳақда қатъий жавоб айтишим қийин. Ҳар қалай, экран жозибасини яратиш омиллари кўп.

**Муаллиф:** – Кўпдан буён ўйлаб юрган мулоҳазамни айтай. Телеэкранда кўринган дикторга ҳам, бошловчи-ю мухбирга, журналистга, айниқса, аёл-қизларимиз ҳавас қилишсин!

**Мунис:** – Ҳақиқатан ҳам якшанба куни эртага – запись чоғида қайси кўйлакни кийиш, қаерда, қандай ҳолатда сахна қуриш – шакл-шамойили, ранг-туси ҳисобга олинади. Якшанба оқшоми кўпчилик қаҳрамонларимизга яна бир карра қўнғироқ қилиб, яна бир карра эртанги учрашув соатларини эслатишга тўғри келади. Душанбада эрталабдан пешингача запись давом этади. Нафас ростлашга фурсат қолмайди.

Шанба кунни таҳририят раҳбарларига топширилган сценарий юзасидан таклифлар бўлиши мумкин, уни эътиборда тутиш керак.

Хунарманд усталарга худди таниқли санъаткорларга қарагандек муносабатда бўлгим келади. Улар гапни бўяб-бежаб ўтиришмайди. Борини жўнгина, ниҳоятла ҳикматли гапларни соддагина қилиб тушунтириб беришади. Қўллари яратган мўъжизани кўриб эса одамнинг ақли лол қолади!..

**Муаллиф:** – Кўрсатувга куй-қушиқларни ўзингиз танлайсизми?

**Мунис:** – Йўқ, бу вазифа мусиқа таҳририяти зиммасида. Кўрсатувда бизнинг эмас, томошабинларнинг эҳтиёжи, талаб-истаги ҳисобга олинади. Мабодо менга қолса, халқ қўшиқларини жон-жон деб тинглайман. Мумтоз қўшиқларимизнинг авжида тасвирлаб бўлмас мўъжиза кўргандай бўламан. Маҳмуд Тожибоев ташкил қилган ёш мақомчилар гуруҳи ижросидаги концерт фавқулодда таассурот қолдирди. Сойибжон Ниёзов, Набижон Иброҳимов сингари ёш мақомчилар мумтоз санъатимиз шинавандалари учун катта кашфиёт бўлишди!

**Муаллиф:** – Сиздаги бу иштиёқ раҳматли Ғанижон отамиздан меросми?

**Мунис:** – Раҳматли дадамиз болишга суянганча мумтоз қўшиқларни сел бўлиб тинглаб ўтиришлари сира кўз ўнгимдан кетмайди. Санъат институтида театршунос мутахассислиги бўйича ўқиганман, дадамиз билан саҳна асарлари ҳақида ҳам кўп гаплашардик.

Ҳар ойда камида икки марта театрга бораман. Навоий номидаги театр севган масканларимдан бири. Ҳамкасбларим Гули Икромова, Рита Пак доимий ҳамроҳларим.

Турмуш ўртоғим номзодлик диссертациясини ёқлаш учун Москвада ўқиганлар. У киши шифокор, мен йил мобайнида Ленкомда машҳур Любимов режиссёрлигидаги барча спектаклларни томоша қил-



ганман. Унинг завқини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

**Мухлис:** Театр! Вақтнинг ҳар лаҳзасида бир сахна ўйналаётгандек бўлади. Мунис ниҳоятда бир самимият билан кишилар ҳаётининг ҳар лаҳзасидан сахна асари яратишга интилади. Бу сахна асарлари реал ҳаёт гўзалликларини, орзудаги ҳаёт манзараларини акс эттиради.

**Муаллиф:** – Демак?..

**Мухлис:** – Топдим! Ҳар чоршанба Муниснинг «Ассалом»ини кутишим сабабини топдим!

**Мунис:** – Чоршанба «Ассалом»и фақат меники эмас. Феруза Абдурахмонова, Дилафруз Икромова, Инъомжон Холбоев, Толиб Исроилов, Фахридин Самадов, Абдували Ўрозов каби ижодий гуруҳ аъзоларининг иштироки ва кўмаги ҳам катта. Қолаверса, ҳафтанинг ҳар тонгида бошқа муаллифлар яратган «Ассалом» мухлислари ҳам кўп.

**Муаллиф:** – Муқаррар! Бироқ йилнинг 54 чоршанбасида Мунис Тошматованинг «Ассалом»ини орзикиб кутадиганлар ҳам кўп!..

**Чекиниш:** *Сешанба куни ҳам етиб келди! Монтаж! Тележурналистлар асабини, бардошини аёвсиз чиғириқдан ўтказадиган жараён. Ҳафта бўйи тайёрлаган, ўйлаган ва пиширган «таомингиз»ни «дастурхон»га тортишга тайёрлаш. Баъзан қирқиб ташланган кадрлар юракни ачиштиради. Начора, тош-тарози, талаб деган гаплар бор...*

**Мунис:** – Монтажни тугатиб, кўчага чиққанимизда Тошкент аҳолиси ширин уйқуда бўлади. Чарчайсан, толиқасан. Лекин ором олиб ўхлаётган одамлар ҳадемай уйғонишади.

**Мухлис:** – Неча миллионлаб хонадонлардаги телевизорда таниш оҳанг янграйди. «Ассалом, Ўзбекистон!» кўрсатувининг ижодкори Мунис Тошматова иштирокида тонгги суҳбат бошланади!..

2003 йил.

## БИР ХАБАР ТАФСИЛОТИ

Оқшом. Миллионлаб телезекран ёқилган. Миллионлаб одамлар «Ахборот»ни кутяпти. Одамлар ахборот билан яшайдиган замон!.. «Ахборот»ни кўрмай қолса, ниманидир йўқотгандай бўлиб юради. «Кеча «Ахборот»ни кўрдингми?» деб сўрайди, суриштиради. Ҳар ким ўзини қизиқтирган янгиликни мунтазир кутади. Ана, қишлоқ хўжалик ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтибди, кўпчилик йиғилибди, у ерда муҳим масалалар кўрилибди. Хабар, нари борса, бир-икки дақиқа давом этди. Ким кўп – телетомошабин кўп, бинобарин, берилган ахборот кимгадир манзур бўлади, кимгадир – йўқ. Кеча эса...

Йиғилишдан ахборот тайёрлаш керак, дейишди Мухаммаджон Раҳматовга. Шу дақиқадан у ишга киришади. Мухаррирнинг вазифаси кўп. Аввало, йиғин ўтказиладиган жойнинг манзилени, бошланиш вақтини аниқлаштиради. Сиртдан бўлса-да, йиғилиш қатнашчилари билан «танишиб» қўйиш керак. ТЖКга заявка берилади. Техник гуруҳ дегани. Гуруҳ раҳбари эртага сизга ҳамроҳлик қиладиган тасвирчини аниқлаштиради... Қайси тасвирчи бораркин?..

Дунёни ахборот тебратяпти. Кўзимизни очгандан то бошимиз ёстиққа етгунга қадар ахборот излаймиз, оламиз. Ошимиз ҳам, нонимиз ҳам ахборот! Воқеалар шиддати шу қадарки, одамлар газетани кутишга сабри етмайди – радиони бўрайди, иложини топса, ТВни тунда ҳам ўчирмайди.

Телезекранга тикилмаган хонадон қолмади, телеканал-телекўрсатув талаш бўлмаган оила йўқ ҳисоби. Ҳаётда кўрганига ишонмаса ишонмайди одам, ТВда кўрганига ишонади, телевидениега ёки тележурналистикага тил теккизиб ишончсиз-





лик билдириб кўринг, ҳай-ҳай, «Телевизурда айтди-ку, сенга яна қандай исбот керак?!» деб ёқангиздан олади телемухлис. «Телемания» деган касалликлар қулоққа чалиняпти, янглишмасам, бир пайтлар бу хасталикка Асқад Мухтор «телеқул» деб ном қўйган.

Хўш, телеқуллиқнинг нимаси ёмон? Теппа-текин ахборот уйингизга ёғилиб турса, болишни ёнбошга босиб, ётган жойингизда дунёни кезиб чиқсангиз, нимаси ёмон? «Телевидение пайдо бўлган пайтларда бу техника мўъжизаси шунчаки бўш вақтни хушнуд ўтказиш ва дам олишга хизмат қиладиган энг яхши воситалардан бири бўлади, дегувчилар кўпчилик эди. Лекин телевидение кутилганидан бошқачароқ бўлиб чиқди», деб таърифлайди бутун умрини тележурналистикага бахшида қилган ҳамкасбимиз Ўрол Ўтаев [16. Б.143]. Чиндан ҳам телевидение кенг маънода олганда, ҳаётимизнинг ажиб кўзгусига, қулай ахборот воситасига айланди.

Хуллас, «Ўзбекистон» телеканали орқали намоиш этиладиган «Ахборот» кўрсатувини ҳар куни, бир вақтда, мунтазам чиқадиغان газетага қиёс қилиш мумкин. Уни почтальон йўлакка ташлаб кетмайди, у хонадонингизга беминнатгина кириб келади. ТВнинг тугмасини боссангиз бас!

Йиғилиш эрталаб соат 10 га белгиланибди. Муҳаммадjon студиядаги хонасига кириб келганида «Ахборот»нинг эрталабки сони кўрсатила бошланган, демак, соат 8. Тасвирчи ҳам кутиб турган бўлиши керак. Видеотасмани бериш керак унга. Видеотасмани тасвирчи тех.инженерга, яъни муҳандисга беради. Тасмани кўздан кечиришга ҳам вақт кетади. Муҳандис унинг сифатини текширади: товуш сифатли ёзиладими, тасвир тиниқлиги қандай, қайси қисмига тасвир туширилади?.. Бирон ери шикастланмаганми?.. Камеранинг шайлигини кўздан кечириш керак.

Ҳаш-паш дегунча соат 9 дан ошиб қолибди. Муҳаррир ТЖКга бориб, ўзига ҳамроҳ ижодий гуруҳ аъзолари билан танишади. Улов «аренда» қилинади. Техник, тасвирчи, муҳаррир «Қайдасан, йиғилиш!» деганча йўлга равона бўлади. Муҳаррир ижодий гуруҳнинг етакчиси, командирнинг гапи – гап. Ҳамма масъулият унинг зиммасида. Машинанинг оёқ олиши жойидами, ҳайдовчининг кайфияти қандай, қорни оч эмасми?.. Кечқурун бериладиган хабарнинг тақдири шунга ҳам боғлиқ-да! Ижодий гуруҳ ўз номи билан ижодчилар гуруҳи, ижодкорнинг кайфияти бўлмаса, у тайёрлаган хабарни кўрган одамнинг кайфияти кўтарилармиди?! Муҳаррир буюғини ҳам ўйлаши зарур.

Бир йили, Малайзияда гуруҳ аъзолари меҳмонхонага жойлашгач, уларга бир соатгина дам берилди. Муҳим тадбирга борилиши керак. Роппа-роса 3 да ҳамма йиғилгану, оператордан дарак йўқ. Ана, югур-югурни кўринг!.. Оператор на хонасида, на кўчада, на бошқа жойдан топилса!.. Муҳаммаджоннинг эсхонаси чиқди-ю! Ахир яна бир неча дақиқа кечикилса, тадбирдан кўрсатувни тасвирга тушириш тугул, унга йўлатишмайди ҳам! Хуллас, сўнгги дақиқада оператор акахоннинг хонасига амаллаб кириб, не кўз билан қарашсаки, ҳавонинг иссиқлиги элитиб, тасвирчи ширин уйқуни уриб ётибди!..

Йиғилиш иштирокчилари бирма-бир кириб келишяпти. Тасвирчи, чироқ устаси ишга киришади – залнинг қаеридан, қандай тасвирга тушириш қулайроқ, яхшироқ? Кимлар сўзга чиқади? Дарвоқе, интервью берадиган кишини кўз остига олиб қўйиш зарур. Унга бериладиган саволни ўйлаб олиш янаям муҳим. Қизиқ, бизнинг одамлар кўпда интервью беришни хушламайдилар. Қўйинг, ишлаётганими олаверинг, гапиртирманг, дейишади. Сўзга нўноқман, деб очиқ тан оладиганлари ҳам бор. Телеэкран қаршисида ўтирган томошабин эса қулади,



гаши келади. Дурустроқ гапирадиган одам топилмабдими, деб таъна қилади.

Дурустроқ одамнинг эса гапиргиси келмайди. Ё тортинади. Ёки... ишқилиб, сабаби кўп-да...

Муҳаррир эса интервью берувчининг кўнглини овлайди, тўғриси, баъзан алдайди. Сиздан үлүф одам йўқ бу залда, дейди. Сиз сўз айтмасангиз, ким айтади, деб тўқиганини тўқийди. Чунки унинг ва-зифаси битта – интервью ундириш!..

Тасвирчи билан силлиқина ишлаш ҳам осон эмас. Бу тоифа халқ ҳам ўзига етгунча инжиқ. Ижодкор-да!.. Тўсатдан ўзича ижод қилгиси келиб қолади. Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган тасвир билан хабарни безамоқчи, хабарга жилва бағишламоқчи бўлади.

– Бир ҳисобда яхши эмасми, шу? – саволга тутамиз муҳаррирни.

– Бир ҳисобда яхши, – дейди Муҳаммадjon Раҳматов. – Лекин тасвирчининг нияти муҳаррирнинг ниятига мос тушмаса, ноёб кадр ҳам фойдаланилмай қолиб кетади.

Телетомошабин «Ахборот»дан кўзини узмайди. Фалончи кўринди дейди. Ия, фалончи кўринмадию, деб ажабланади. Бизнинг одамлар шунақа – одамларга экранда кўринган-кўринмаганига қараб баҳо беради. «Ахборот»да кўзга ташланган инсон борки, ў-ў, дейди! Муҳаррир эса йиғилишда ўтирганларнинг барини кўрсатолмайди. Улгурмайди. Бунинг ҳожати йўқ, деб ҳисоблайди.

Соат 10 да бошланадиган тадбирдан лавҳа қилиб келиш учун бояги ижодий гуруҳ учун баъзан икки, баъзан үч-тўрт соат муҳлат берилади. Берилган фурсат «ғиз» этиб ўтади-кетилади. Улгурмай қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Қайтишда тасвирчи «Буёғига ўзинга сабр берсин», деб видеотасмани муҳаррирнинг қўлига тутқзади. Қанақа сабр дейсизми? Шахтага тушмаган одамга кончининг машаққатини

қанча тасвираманг, ер қаърида бошдан кечаётган машаққатни тўла-тўкис тасаввур қилолмайди. Видеотасмани қўлига олган муҳаррир бамисоли гурзини тутиб, шахтага шўнғиган кончини эслатади. Энди уни ошна-оғайниси тугул, уйдаги хотини (ё эри) ҳам, бола-чақаси ҳам тополмайди. Сим қоқиб излаганлар овора бўладилар. Муҳаммаджон Обидов керак бўлиб қолса денг, роса уч кун ўнта рақамга сим қоқиб ҳам топилмаса!.. Комижон Каримжоновнинг уйига қўнғироқ қилсангиз, ишдалар, деган жавобни оласиз. Ишга қўнғироқ қилсангиз – объектдалар, дейишади. Объекти қаерда дейсизми? ТВни яхши биладиган ҳамкасбимиз, «Телевизорчининг объекти бутун Ўзбекистон!» деб кулади. Муҳаммаджон Раҳматовни амаллаб «гирибонидан» тутдик. «Э-э, ака, тинчликми?» деди кулимсираб у. Шунақа, журналистга биров қўнғироқ қилса, гап «Тинчликми?»дан бошланади. Сабаби бор. Биронта шикоят ёки танқидий хабар тайёрлаётган бўлса, унинг ошна-оғайниси кўпайиб қолади. Фалон хабарни бермай қўя қол, деб муросою мадора излайдиганлар, орага тушадиган холислар кўпаяди. Муҳаррир эса битта хабарни тасвирга туширгунича...

Видеотасмани тасвирчидан қабул қилиб олган муҳаррир матн ёзишга киришади. Кўз ўнгида тасвирга туширилган лавҳалар, манзаралар, қўлида қалам. Матнда гап кўп. Телемухбир фақат гапиришни эмас, ёзишни ҳам билиши керак. Тўғри, оғзакини боплайдиган, хат бобида эса «бадхатроқ» ёшлар ҳам йўқ эмас. Ҳамма бало шунда: ёзмай, қотирвораман, деб ўйлаш хом ният, холос. Эcran орқали айтадиган сўзларингни би-ир қоғозга тушириб кўргин. Ўзингча ўқиб тингла, эшит. Чала, хом-хатала жумлалар, бетаъсир, беҳис иборалар. Сийқаси чиққан, баландпарвоз, пустой опқочишлар. Йўқ эмас, истаган пайтингизда кўрасиз бундай



ҳолатларни. Хўш, нима қилиш керак? Маслаҳат беришдан осони йўқ. Аслини айтганда, ТВчиларга ақл ўргатадиган одамнинг уруғи роса урчиди-да, ўзиям! Абдуҳаким Турғунов. Янглишмасам, 35 йилдан, Кимё Хўжаева 30 йилдан, Гулнора Маҳкамova, Севара Турсунова ҳам шундан кам эмас... минглаб «Ахборот»ни эфирга узатган мутахассислар улар, лекин ҳар бир томошабин ҳар бир «Ахборот»чини олдига ўтқазиб олиб, индамасанг, бир соат маъруза ўқишга тайёр!

Бир йиғинда вилоятдан келган ёш тележурналист хабар бериш сирларидан, тажрибаларидан гапга тушиб кетди. Тинглаб ўтириб, даврада Ирисмат ака Абдуҳолиқов сукут сақлаб ўтирганига кўзим тушди. Уялиб кетдим. Ўша йиғитча «ҳисобидан» хижолат чекдим. Ахир Ирисмат акалар озмунча ахборот тайёрлаганми?!

Начора, ТВчининг назоратчиси кўп, нечта томошабин бўлса – ҳаммаси назоратчи...

ТВчиларнинг сабрига тўзим берсин!..

### Адабиётлар

1. Қодирий Абдулла. Диёри бакр. –Т.: Янги аср авлоди. 2007.
2. Елифёрова М. О Джоне Мильтоне, Оливере Кромвеле и «Потерянном рае» (Интернет).
3. Қодирий Ҳабибулло. Отам ҳақида. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1974.
4. Қодирий Ҳабибулло. Отамдан хотира. –Т.: Янги аср авлоди. 2005.
5. Мильтон Ж. Ареопагитика. (В кн. Корабли мысли). –М.: Книга. 1980.
6. Румий Ж. Ичингдаги ичингдадир. (Таржимон У. Абдулваҳоб). –Т.: Ёзувчи. 1997.
7. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. (Тарж. О.Шарафиддинов). –Т.: Маънавият. 2010.

8. Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. XIV жилд. –Т.: Фан. 1979.
9. Қодирий Абдулла. Кичик асарлар. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1969.
10. Норматов Умарали. Қодирий мўъжизаси. –Т.: Ўзбекистон. 2010.
11. Насриддинов Фатҳиддин. Адибнинг йўли. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1971.
12. Карим Б. Қодирий қадри. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2003.
13. Мильтон Джон. Потерянный рай. Стихотворения. Самсон-борец. Библиотека всемирной литературы. Серия первая. Том 45. – М.: Художественная литература. 1976. OCR Бычков М.Н. [mailto@lib.ru](mailto:mailto@lib.ru)
14. Мелибоев А. Қирқ бешинчи бекат. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2008.
15. Умиров Сайди. Дорилфунунлар тақдиримда. – Т.: Шарқ. 2008.
16. Ўтаев Ў. Телевидение – давр кўзгуси. –Т.: O'zbekiston. 2010.

---

# БИСОТДА ЙИФИЛГАН ГАПЛАР

Ахборот, матбуот, журналист, журналистика, оммавий коммуникацияга доир қимматли, ҳикматли сўзлар-таърифлар шу қадар кўпки, улар тўпланса, вақти келиб, яхлит китоб ҳолида нашр этилса, ундан матбуот саҳифаларида учрайдиган теша тегмаган рукнлар, сарлавҳалар, саяол-жавоблар, тагсўзлар ҳам ўрин олса, бундай китоб ғоятда ноёб қомус сифатида журналистикадан қўлланма вазифасини ўтаган бўлур эди...

---

Уч васият

Халқ  
дейдики

Халқона

Теша тегмаган  
сарлавҳа

Маклюэнизмлар

Ҳамкасблар

Жаҳоннома

“Биз айтишни  
биладиган халқмиз”



## УЧ ВАСИЯТ

\* Маҳмуд Замахшарийдан мерос ҳикматлардан бири: **Тўғри йўлдан бораётган кишининг салобати арслон салобатидан ҳам ҳайбатлидир.**

\* Абдулла Қодирийнинг «...қалам ўқлоғи ва матбуот кетмон бозори эмас», деган сўзлари барча таҳририятларда ҳар куни эрталабдан, қўлига қалам тутиб қоғоз қоралашга аҳд қилган ҳар бир журналист томонидан уч карра такрорланса ҳам ортиқчалик қилмайди.

\* Абдулла Қаҳҳорнинг «Ёзувчининг вазифаси гўзаллик яратишдир», деган сўзи журналистга ҳам тааллуқли. «Фактни умумлаштиришдаги фаросатсизлик баъзан ўқувчининг газабини келтиради», деган сўзи тўғридан-тўғри журналистларга қаратилган, «Агар ёзувчининг ахлоқ кодекси тузилмаган бўлса, мен ҳалоллик билан шижоатни биринчи модда қилиб қўяр эдим», деган сўзларини эса, ҳеч иккиланмай, журналистларнинг касб кодексига кўчириб босиш зарур.

## ХАЛҚ ДЕЙДИКИ...

- \* Кишининг ўзи етмаган ерга сўзи етар.
- \* Куч эгмагани сўз эгар.
- \* Ёмоннинг яхши сўзидан, Яхшининг ёмон сўзи яхши.

- \* Одам сўзлашиб танишар,  
Ҳайвон — ҳидлашиб.
- \* Тўғри сўзга фил чўқар
- \* Ёлғоннинг бутунидан,  
Ростнинг синиғи афзал.
- \* Ёлғонга ё ялқов ишонар,  
Ё – анқов.
- \* Ариқни сув безар,  
Одамни — сўз.
- \* Аччиқ савол бериб,  
Ширин жавоб кутма.
- \* Ёмон сўзнинг қаноти бор.
- \* Гапи гапга ўхшамас,  
Оғзи гапдан бўшамас.
- \* Одам — сўзлагунча,  
Йилқи — кишнагунча.
- \* Пичир-пичирдан ўт чиқар.
- \* Тўқсон оғиз сўзнинг тўқсон тугуни бор.
- \* Яхши сўз — юрак ёғи,  
Ёмон сўз — юрак доғи.
- \* Яхши сўздан — вафо,  
Ёмон сўздан — вабо.
- \* Қуш кўнглини оғритма.
- \* Бир кўнгили иморати –  
Минг Макка зиёрати.



- \* Қулоқдан кўз ҳақ.
- \* Кўрган билан эшитган бир эмас.
- \* Дили қинғирнинг тили қинғир.
- \* Жон бор жойда жанжал бор.
- \* Илмнинг сўзи — ўқ.

### ХАЛҚОНА

- \* Миллий одобдан – қалам одоби.
- \* Ахлоқ-одоб ҳам насиба.
- \* Ҳар замон ва ҳар маконнинг ўз меъёр тарозиси бор.
- \* Меъёр тушунчасининг такомиллашув йўли одамнинг инсонийлашув йўлидир.
- \* Мавзунини ёритиш билан ёндириш ўртасида фарқ катта.
- \* Такрорлайверинг, чинга айланмаса биз кафил!
- \* Гапларини тинглаш мумкин, фақат ишониш қийин, холос.
- \* Кулиш тақиқланганми, у ҳолда йиғлашга ҳам рухсат йўқ.
- \* Газета кимнингдир хусусий мулки бўлиши мумкин, лекин матбуот эркинлиги ҳаминиша халқнинг мулки ҳисобланади.

\* Сенсацияга муккадан кетиш ахборот эркинлигини хавф остида қолдириши муқаррар.

\* Эркинликнинг нархи анча баланд бўлади, шу боисдан ривожланаётган мамлакатларда уни қўлга киритиш учун мустақил нашрларнинг қўли калталик қилади.

\* Ахборот алмашинуви – жамиятни мустаҳкамловчи цемент.

\* Мулоқот – бамисоли икки томонлама ҳаракат йўлга қўйилган кўчанинг ўзи.

\* Эшитиш бошқа, тинглаш бошқа.

\* Ҳақиқатни очиқ айтиш жасорат эмас, маданият.

## ТЕША ТЕГМАГАН САРЛАВҲА

«Ватанни жим суюдиган одамлар»

«Халқ сўзи»

«Гўзага соя ҳам, ҳамсоя ҳам керак эмас», «Бешик тўйига... бормаганлар»

«Қишлоқ ҳаёти»

«Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди»

«Ўзбекистон овози»

«Ўйинчоқ танлаш ўйинчоқ эмас»

«Туркистон»

«Президентга айтолмаган гапларим».

«Хуррият»



«Салтанат матбуоти»дан матбуот салтанатига»  
«Хуррият»

«Мағлубиятдан баттар ғалаба»  
«Хуррият»

«Романс – это чувство вслух»  
«Известия»

«Есть ли жизнь на Земле?»  
«Природа»

«Карьера – это падение вверх»  
«Труд»

«Новости – не музыка: их дважды не продашь»  
«Журналист»

«Страна сотрясенного солнца» (Япония ҳақида)  
«Журналист»

«Экран ужасов и ужас экрана»  
«Журналист»

«Поправки к Закону, требующие правки»  
«Журналист»

«Деньгопровод»  
«Аргументы и факты»

Москванинг машҳур «Спартак» хоккей жамоаси ўртаҳол «Трактор»га ўйинни бой берди. «Комсомольская правда»да қуйидаги сарлавҳали хабар босилди: **«Спартак» подал под «Трактор»**

1989 йили Париж яқинидаги Ле Бурже шаҳарчасидаги авиация бозорида кўргазмали чиқиш чоғида советларнинг «МИГ-29» қирувчи самолёти кулаб

тушди. Шу ҳақда «Комсомольская правда» газетаси берган ахборот **«МИГ неудачи»** деб номланди.

2010 йили яна қирувчи самолёт ҳалокатга учради. У ҳақда қуйидаги сарлавҳада хабар берилди: **«Миг – и нет МиГа»**

**«Российская газета»**

Россиялик спортчи В.Борчин 20 км. масофага пиёда юриш бўйича олимпиада олтин медалини қўлга киритди. У ҳақдаги мақола сарлавҳаси: **«Пешком за золотом»**

**«Российская газета»**

Фотосуратда шаҳарнинг катта кўчаси, автоуловлар тирбанд. Тагсўз: **«Прединфарктное состояние дорог»**

**«Независимая газета»**

Фотосуратда Уралдаги қишлоқ жойларидан бири, оғир юк машиналари лойга тиқилиб, жойидан силжий олмаяпти. Тагсўз: **«Тест на проходимость»**

**«Российская газета»**

## МАКЛЮЭНИЗМЛАР

\* Сунъий йўлдош яратилди-ю сайёрамиз глобал театрга айланди-қўйди, бу театрда ҳамма актёр, томошабин эса йўқ.

\* «Ер» деб аталгувчи космик кемада йўловчилар йўқ – уларнинг бари жамоа аъзолари.

\* Тўкин-сочинлик қашшоқликни келтириб чиқаради.

\* Таълим – жамиятнинг медиадан келиб чиқувчи зарардан ўзини ўзи асраш демакдир.

\* Гилдирак оёқ учун қандай қулайликлар яратган бўлса, тил, нутқ, сўз ҳам ақл учун ана шундай вазифаларни адо этади.

\* Кашфиётлар яратилиши биланоқ ўзларининг зарурият, эҳтиёж эканликларини англадилар.

\* Аслини олганда одамлар газета ўқишмайди, улар газета орқали ҳар куни тонгдан қизиган ҳаммомга киргандек бўладилар.

\* Ҳозирда ҳар бир одам ҳар ўн йилда бир неча аср яшагандек бўлмоқда.

\* Бизнинг замонга келиб муттасил янги тадбиркорлик турларини яратиш тадбиркорликлар тадбиркорлигига айланди.

\* Улкан мавҳумлик сари бораётиб заррача хатога йўл қўймайдиган одамгина мутахассис саналади.

\* Сиёсат ҳамиша бугунги кун қўяётган саволларга кечаги кун жавобини беради.

\* Ҳақ бўлмаслигим мумкин, лекин мен ҳеч қачон иккиланмайман.

## ҲАМКАСБЛАР

Ўтган асрнинг 50-йилларида Майями радиостанциясида фаррош бўлиб ишлаган Ларри Кинг машҳур телебошловчи ва радиобошловчи даражасига кўтарилди. Си-Эн-Эн каналида «Larry King Live» ток-шоусини 25 йил мобайнида олиб борди. Фаолияти давомида жами 50000 дан ортиқ интервью ташкил этди. «Эмми» ва «Пибоди» мукофотлари совриндори бўлди.

Овоз ёзиш ихтирочиси сифатида америкалик олим Томас Эдисоннинг номи маълуму машҳур. У ўзи яратган фонограф ёрдамида 1877 йилнинг декабрь ойида дастлабки ёзувни амалга оширган. Бироқ 1877 йилнинг 18 апрель куни француз ихтирочиси Шарль Кро овоз ёзиш ускунасининг барча хусусиятларини қоғозга туширган ҳолда Француз академиясига тақдим этган эди.

Россия президенти Б.Ельцин матбуот хизматининг раҳбари С. Ястржемский масъулиятли хизмати чоғида одатдан ташқари фаолиқ кўрсатиши, ўзини бирмунча эмин-эркин тутиши, журналистларга хайрихоҳлиги билан назарга тушган, эътибор қозонган. Унинг “Раҳбарлар топшириқ бераверадилар, вазифалар қўяверадилар, бир оз сабр қилиб туринглар, уларни ўзлари ҳам унутиб юборадилар”, деган ҳазиломуз гапи матбуотчилар орасида латифага айланиб кетган.

Собиқ матбуот хизмати раҳбари ҳозирда халқаро миқёсда ов бизнеси ҳамда ибтидоий одамлар ҳаётини ўрганиш билан машғул.

## ЖАҲОННОМА

Демократия кока-кола эмаски, дуч келган одам уни сипқориб ичаверса!..

*Жулиус Ньерере,  
Танзаниянинг собиқ президенти*

Биз ўз хатоларимиздан сабоқ чиқармоғимиз керак. Шунинг учун ҳам камчилик ва хатоларни яшириш улкан интеллектуал гуноҳ ҳисобланади.

*Марк Ноттурно,  
Марказий Европа университети профессори*

Эркинлик масъулият, шунинг учун ундан чўчийдилар.

*Бернард Шоу*





Эркинлик ҳам одамни бузади, мутлақ эркинлик эса мутлақо бузади.

*Гертруда Химмельфарб*

Аввалига адолат истайсан, сўнг янги иш жойи излайсан.

*П.Таранов*

Халқнинг бир қисмини ҳамма вақт алдаш мумкин; барча халқни қисқа муддат алдаб юриш мумкин; аммо ҳамма халқни доимо алдаб юриш мумкин эмас.

*Авраам Линкольн*

Бизнинг демократиянинг битта камчилиги бор, у – тенгликка тоқат қилолмайди, холос.

*Гилберт Кийт Честертон*

Одатда, тинглаб ўтирганлар эшитишмайди, эшитишса ҳам тинглашмайди, тинглаган тақдирда ҳам тушунишмайди, тушунган тақдирда ҳам унчалик тушунмайдилар.

*Халқ оёзаки ижодидан*

Громикодан (СССР ташқи ишлар вазири бўлган) «Наҳотки сиз тўппончанинг қудратига шу қадар ишонасиз?» деб сўрадим. «XX асрнинг асосий қуроли, – деб жавоб қилди у, – газеталар: улар одамни тупроққа тиқибгина қолмайди, балки уни ўлганидан кейин ҳам ўлдирадилар».

*Имельда Маркос,*

*Филиппиннинг собиқ президенти*

*Маркоснинг беваси*

Шарль де Голл (Франциянинг собиқ президенти) ўзига чизилган ҳазил суратларни йиғиб юрибгина қолмай, ўз ҳисобидан уч жилдлик «Де Голл карикатураларда» китобини чоп эттирган.

*Эсдаликлардан*

Минглаб, ҳатто миллионлаб одамнинг ўй-фикрини жунбишга келтириш учун бир томчи сиёҳ кифоя қилади.

*Жорж Байрон*

Газета – велосипеддан йиқилиш билан цивилизациянинг ҳалокати ўртасидаги фарқ нима эканлигининг фарқига бормаидиган босма орган.

*Бернард Шоу*

Қудратли давлатларгина ўз фуқароларига эркинлик беришга қодирдирлар.

*Жан Жак Руссо*

Реалист бўлгин-да, ҳақиқатни гапираверма.

*С. Ежи Лей*

Газеталар бутун халқнинг ўқитувчиларидир.

*Г. Бичер*

Сиз кеча билмаган ҳар бир нарса янгилик.

*Т.Катилиж*

Гапирадиган эмас, ёзадиган тўтилар ҳам бор.

*Э.Кроткий*

Агар сиз ТВда ишласангизу лекин сизни кўчакўйда танишмаса, демак, бу сизнинг касбингиз эмас.

*Владимир Познер*

Интернет жунглисида тўғри йўл топа олиш учун ишончли компас бўлмоғи керак.

*Ясен Засурский*

Маданиятдан йироқ эркинлик – ҳайвонот боғидаги очиқ эшиклар кунининг ўзгинасидир.

*Сергей Муратов*

Ишонч – бамисоли ижтимоий механизми ёғловчи мой.

*Кеннет Эрроу*



## «БИЗ АЙТИШНИ БИЛАДИГАН ХАЛҚМИЗ»

Газета – маънавий нонушта.

*Жаббор Раззоқов,  
журналист*

Айниятда қарангки, олам ҳам тўрт унсурдан тузилган ва уларнинг бири иштирокисиз мавжудлик бўлмагандек, «тўртинчи ҳокимият» сиз жамият ҳам бўлмайди.

Фақат яширин манфаатларгина ҳақиқатдан қўрқадди.

Ўз қадрини билган жамиятларда матбуот қадри сўраб олинмайди, у шу имконият билан таъминланади.

*Ҳаким Сатторий,  
журналист*

Агар одамлар ўз фикрини, ўз муносабатини эркин билдира олса, баҳслашишдан ҳадиксирамаса, ўз қарашлари, нуқтаи назарини кўп ичида ҳимоя қила олса, демак, матбуот ривожланаётган бўлади.

Яна ҳам аниқроқ ифода қиладиган бўлсам, матбуот равнақини журналист шахси, унинг ақли, юраги, нуқтаи назари ва шуларни юзага чиқарадиган муҳит белгилайди.

Биз айтишни биладиган халқмиз.

*Қутлибека Раҳимбоева,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими*

Менинг назаримда, ҳақиқат ҳар қандай манфаатдан, у миллий бўладими, шахсий бўладими, баланд туради! Ҳақиқат айтилган жойда миллий ман-

фаат мустаҳкам бўлади. Аксинча бўлса, ҳаммаси бекор.

*Норқобил Жалил,  
журналист*

Фарбнинг демократияси ҳам шўроларнинг коммунизмига ўхшайди. На унга етиб бўлади, на кўриб бўлади.

*Ашурали Жўраев,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
журналист*

Қонуннинг қадри, ҳурмати бўлмаган жойда журналистнинг жасоратли бўлиши хунук оқибатлар келтиради.

*Абдулла Улуғов,  
адабиётшунос*

Муҳаррир журналистга:

- Мана шу корхона тўғрисида мақола ёзиш керак, – деди.
- Яхшилабми, ёмонлабми ёки ҳақиқатни ёзайми?
- аниқлаштирди журналист.

*Толиб Қаноат,  
ҳажвнавис*

## ИСМАЛАР КҮРСАТКИЧИ

- Ислом Каримов – 2, 6, 7, 11, 66, 68, 125, 163, 172, 189, 214, 217, 243, 272.
- Абдуазизова Назира – 73, 93, 110.
- Абдуазимов Оқилжон – 96.
- Абдулла Қаҳҳор – 297.
- Абдуллаев Е. – 67.
- Абдулла Жулқун – 267.
- Абдулла Муштум – 267.
- Абдураимов – 175.
- Абдурахмонова Феруза – 287.
- Абдусаидов Абдували – 94.
- Абдухолиқов Ирисмат – 293.
- Авлоний Абдулла – 80, 164.
- Авраамов Дмитри – 221, 243.
- Азизхўжаев (Акмал) – 175.
- Акбаров Адҳам – 93.
- Акбаров Турсунали – 138, 201, 202, 243.
- Алишер Навоий – 80, 110, 294.
- Алоуддин Мансур – 110.
- Амир Темур – 79.
- Аничкин А. – 112.
- Анқабой – 72, 110.
- Арасту (Аристотель) – 37, 62, 169, 189.
- Асадуллахўжаев Убайдулла – 50.
- Ассандж Жулиан – 30.
- Асқад Мухтор – 289.
- Аутколт Ф. Ричард – 161.
- Афлотун – 227, 256, 257, 260.
- Аъламов Музаффар – 148.
- Аҳмедова Муюссар – 96, 211, 243.
- Бакулев Н. – 111.
- Банишевский – 175.
- Банников – 175.
- Барбер Б. – 40.
- Бахтиёрхўжа – 164.
- Бахтин Михаил – 61, 68, 103, 111.
- Баҳриев Карим – 128, 188.
- Баҳромов Файзулла – 24, 66.
- Беляков – 175.
- Беруний Абу Райҳон – 76, 77, 110.
- Бинде Жером – 219.
- Бичер Г. – 306.
- Быков И. – 67.
- Блохин – 175.
- Бобожонова Забаржад – 189.
- Богданов Всеволод – 106, 112.
- Бондаренко Сергей – 156.
- Борген Юхан – 31.
- Борчин В. – 302.
- Бобур – 283.
- Ботир – 282, 283.
- Броун Ж. – 226.
- Бубегира Рожен – 144.
- Буряк – 175.
- Вали Қаяумхон – 266.
- Вейтлинг Вильгельм – 67.
- Воронин – 175.

- Воҳидов Эркин – 122, 188.  
 Гассет Ортега – 162, 189.  
 Гегель – 35.  
 Генис Александр – 37,  
 67, 254.  
 Герцен Александр – 124,  
 188.  
 Гёте – 157, 189.  
 Гобсс Томас – 62.  
 Голсуорси Жон – 171.  
 Горохов В. – 94, 111.  
 Гуревич С. – 94.  
 Гурова Е. – 124, 188.  
 Дарвешали – 80.  
 Дейк Ван – 44.  
 Декарт Дени – 82.  
 Дионисий – 255.  
 Диез Жерар – 145.  
 Доро I Гиштасп ўғли – 73.  
 Доенко – 175.  
 Дунас Д.В. – 107, 112.  
 Дўстқораев Бойбўта –  
 93, 164, 189.  
 Елифёрова М. – 293.  
 Еловик Е. – 215, 243.  
 Ельцин Борис – 83, 304.  
 Есенбоев Зиёд – 93, 96,  
 269.  
 Ёқубов Собиржон – 169,  
 189.  
 Жабборов Сангин – 96.  
 Жабборов Шуҳрат – 96,  
 188.  
 Жонузоқов Акбар – 138.  
 Жорж Байрон – 306.  
 Жумаев Комил – 174.  
 Жўраев Ашурали – 308.  
 Жўраев Нарзулла – 32,  
 67, 243.  
 Замахшарий Маҳмуд – 297.  
 Засурский Иван – 90.  
 Засурский Ясен – 42,  
 67, 86, 111, 189, 306.  
 Зоҳирий Ашурали – 80.  
 Иброҳимов Набижон –  
 286.  
 Иванов Дмитрий – 31, 66.  
 Иззат Султон – 259.  
 Икромова Гули – 286.  
 Икромова Дилафрўз – 287.  
 Имомхўжаев Аброр – 183.  
 Имомхўжаев Ахбор – 176,  
 177, 178, 179, 182, 183,  
 184, 187.  
 Имомхўжаев Диёр – 183.  
 Имомхўжаев Зафар – 174,  
 183.  
 Исмоилова Климентина –  
 96.  
 Исоқрат – 247, 253.  
 Исроилов Толиб – 287.  
 Йўлдошев Абдуқайом –  
 243.  
 Кайковус – 110, 188.  
 Калонов Комилжон – 67.  
 Карим Баҳодир – 266,  
 294.  
 Каримов Амрулло – 96.  
 Каримов Анвар – 93.  
 Каримова Гулнора – 41,  
 67.  
 Каримжонов Комилжон –  
 292.  
 Карл I – 264.  
 Катилиж Т. – 306.  
 Кауфман – 71.  
 Качалин – 175.  
 Кинг Ларри – 303.  
 Ким Чхан-хо – 156, 189.  
 Кипиани – 175.

- Киричѐк Петр – 90, 111.  
 Колесниченко А. – 188.  
 Комилов Нажмилдин – 230, 243.  
 Корконосенко С. – 89, 97, 111.  
 Корнаи Я. – 235.  
 Кости Жак-Андрс – 144.  
 Красницкий – 175.  
 Кро Шарль – 304.  
 Кромвель Оливер – 251, 262, 263, 264.  
 Кромвель Ричард – 263.  
 Кроткий Э. – 306.  
 Кумилганова И. – 215, 243.  
 Лазутина Г. – 216, 243.  
 Левинсон Пол – 155.  
 Леи С. Ежи – 306.  
 Линг Ричард – 155.  
 Линкольн Авраам – 305.  
 Литтл Билли – 237.  
 Локк Жон – 62.  
 Любимов – 286.  
 Мадонна – 237.  
 Маклюэн Маршалл – 22, 31, 66, 101, 103, 104, 111, 150, 153, 189, 302.  
 Мальцев Геннадий – 83, 110.  
 Маматова Ёқут – 89.  
 Мансур (Тошматов) – 283.  
 Марадона – 178.  
 Маркаров – 175.  
 Маркос Имельда – 305.  
 Матѐқубов Алишер – 96.  
 Маткаримов Санжар – 51, 68.  
 Махарадзе Котэ – 179, 181.  
 Махлуи Ф. – 29.  
 Маҳкамова Гулнора – 293.  
 Маҳмуд Қурбоний – 110.  
 Маҳмудов Низомиддин – 171, 190.  
 Медведев Дмитрий – 106.  
 Мелибоев Аҳмаджон – 96, 269, 270, 271, 275, 276, 278, 280, 294.  
 Месси – 178, 180.  
 Месхи – 175.  
 Метревели – 175.  
 Мильтон Жон – 246, 247, 248, 250, 251, 252, 253, 254, 255, 256, 257, 259, 262, 263, 264, 268, 293, 294.  
 Миралимов Шавкат – 93.  
 Миржалол (Қосимов) – 178.  
 Мирзо Улуғбек – 27.  
 Моисеев Никита – 66.  
 Мунаввар Қори  
 Абдурашид ўғли – 50.  
 Мунтян – 175.  
 Муратов Сергей – 163, 189, 306.  
 Муратова Нозима – 96.  
 Мухтор (Ғаниев) – 283.  
 Муҳаммад Саид  
 Аҳрорий – 164.  
 Муҳаммаджон – 283.  
 Муҳсим (Тошматов) – 283.  
 Мўминов Неъмат – 24, 66, 68.  
 Мўминов Файзулла – 87, 89, 94, 95, 111, 112, 128, 188.  
 Мўминова Фотима – 5, 94.  
 Насриддинов Фатҳиддин – 294.  
 Нескородов Б.Н. – 68.

- Нестеренко Феликс – 89.  
 Ниёзов Норбек – 174.  
 Ниёзов Сойибжон – 286.  
 Низомулмулк Тусий – 79, 110.  
 Николаев В. – 189.  
 Нобель – 53.  
 Норматов Умарали – 263, 265, 294.  
 Норқобил Жалил – 308.  
 Нурматов Акбар – 112.  
 Нусрат Раҳмат – 96.  
 Ноттурно Марк – 304.  
 Ньерере Жулиус – 304.  
 Обид кетмон – 268.  
 Обидов Муҳаммаджон – 292.  
 Одилов Мирвосил – 148.  
 Одилқориев Ҳожимурод – 68.  
 Одилхонова Шаҳноза – 169, 190.  
 Олимжонов Ҳабибулла – 138.  
 Озеров Николай – 179, 181.  
 Ойбек – 257, 258, 294.  
 Ортиқов Норбой – 52, 68.  
 Ортиқова Юлдуз – 96.  
 Остонов Сафар – 138.  
 Павликова М. – 67.  
 Пак Рита – 286.  
 Пармский И. – 213, 243.  
 Пеле – 178.  
 Петерсон Т. – 22.  
 Пибоди – 192, 237, 238, 239, 240, 241, 242.  
 Пидаев Тоҳир – 93.  
 Почепцов Г. – 103, 111.  
 Познер Владимир – 306.  
 Прохоров Евгений – 25, 66, 84, 85, 89, 90, 91, 94, 110, 162, 189.  
 Пруст Марсел – 47.  
 Пулитсер Жозеф – 161.  
 Пшеничников – 175.  
 Рабғузий Носириддин – 21, 66.  
 Раззоқ Тождин – 203, 204, 206, 208, 209, 210, 211.  
 Раззоқов Жаббор – 307.  
 Рашидова Диллора – 96.  
 Раҳимбоева Қутлибека – 307.  
 Раҳматов Муҳаммаджон – 288, 290, 291, 292.  
 Раҳматуллаев – 175.  
 Раҳматуллаев Тошпўлат – 128, 131, 142, 165, 189.  
 Раҳматуллаева Илмира – 96.  
 Ризаев Мурод – 174.  
 Ризаев Шўҳрат – 170, 190.  
 Рошин Станислав – 212, 243.  
 Ртвеладзе Эдуард – 67.  
 Рўмий Жалолиддин – 163, 189, 254, 293.  
 Руссо Жан Жак – 306.  
 Рякин С. – 14, 112.  
 Рэндалл Дэвид – 88, 111, 128, 188, 212, 243.  
 Саидов Акмал – 67, 68.  
 Саидов Улуғбек – 170, 190.  
 Саидов Ҳалим – 5, 24, 27, 66, 96, 269.  
 Саймон Герберт – 44.



- Слматов Фахриддин – 287.  
 Самсон полвон – 268,  
 294.  
 Саркисьяни Георгий – 181.  
 Саъдий Шерозий – 37.  
 Сеидов Ш. – 109, 112.  
 Сеше Ив – 144.  
 Сқунха – '73.  
 Собиров Қодиржон – 138.  
 Солиева Муҳаббат – 96,  
 104, 111.  
 Соловьев – 175.  
 Стадник – 175.  
 Стрельцов – 175.  
 Стюарт Карл I – 250,  
 251, 264.  
 Сулаймонов Исмоил – 96,  
 269.  
 Сукрот – 253.  
 Тожиханов Убайдулма – 68.  
 Тазетдинов – 175.  
 Таранов П. – 305.  
 Твалтвадзе Григорий –  
 181, 190.  
 Темур Амир – 110.  
 Тертичний А. – 188.  
 Титтлботтом Томми –  
 238, 240, 241, 242.  
 Тожибоев Маҳмуд – 286.  
 Толиб Қаноат – 308.  
 Тоффлер Элвин – 22, 236.  
 Тошбоев Олим – 96.  
 Тошев Фармон – 96, 269.  
 Тошматов Ганижон – 283.  
 Тошматова Мунис – 246,  
 281 – 287.  
 Тошпўлатова Назира – 96.  
 Тошхўжаев Акрам – 174.  
 Тоғаев Очил – 93.  
 Тоғаева Ғуландом – 96.  
 Тоҳир Малик – 266.  
 Турдалиев Давлат – 174.  
 Турен А. – 41.  
 Турпишев Роман – 176,  
 177.  
 Турсунова Севара – 293.  
 Турғунов Абдуҳаким – 293.  
 Тўхлиев Нурислои – 233,  
 244.  
 Тўхтабеков Дилшодбек –  
 174.  
 Тўхтамирзаев Мирзаҳаким  
 – 174.  
 Тхагушев И. – 121, 188.  
 Уайт Ойдин – 105.  
 Улугбек Абдулваҳоб – 293.  
 Улуғов Абдулла – 308.  
 Умиров Сайди – 5, 93,  
 269, 277, 294.  
 Усмонов Аббосхон – 228,  
 243.  
 Ученова В. – 94.  
 Файзиев Даврон – 174.  
 Фанкадели – 238, 239,  
 240.  
 Фахриддин Низом – 58.  
 Федотов Михаил – 14.  
 Фомичева И. – 120, 188.  
 Форобий Абу Наср – 78,  
 163.  
 Фрада – 73.  
 Фред С. Сиберт – 22.  
 Фуқуяма Фрэнсис – 35,  
 52, 53, 67.  
 Хадича опа – 267.  
 Хаитов Ш. – 67.  
 Хайлаев Маматқул – 174.  
 Халл Т. – 67.  
 Хантингтон Самуюзл – 35.  
 Хейли Артур – 133, 189.

- Химмельфарб Гертруда – 305.
- Холбоев Инъомжон – 287.
- Холов Зоҳиджон – 29, 66.
- Худойқулов Мухтор – 89, 93, 111.
- Хумоюн – 283.
- Хусаинов – 175.
- Хўжаева Кимё – 293.
- Шандра В. – 94.
- Шарафиддинов Озод – 67, 190, 293.
- Шарипов – 175.
- Шеварнадзе Эдуард – 38.
- Шеннон Клод – 28.
- Шерлок Холмс – 164.
- Шестернев – 175.
- Шомақсудов Анвар – 96, 269.
- Шоу Бернард – 304, 306.
- Шрамм У. – 22.
- Штерн – 175.
- Черепанов М. – 94.
- Честертон Гилберт Кийт – 305.
- Численко – 175.
- Чохели – 175.
- Эдисон Томас – 304.
- Эрматов Равшан – 185.
- Эрназаров Тўғон – 93.
- Эрназаров Қудрат – 89, 96.
- Эрроу Кеннет – 53, 306.
- Эшбеков Тўлқин – 96.
- Эшматов Қурбон – 138.
- Юлдашева Фарида – 34, 67.
- Юсуф Хос Ҳожиб – 110.
- Якушин – 175.
- Ястржемский С. – 304.
- Яшин – 175.
- Ўрозов Абдували – 287.
- Ўсаров Олим – 96.
- Ўтаев Ўрол – 269, 294.
- Қаҳҳоров – 175.
- Қодирий Абдулла – 32, 80, 189, 246, 247, 248, 249, 250, 251, 252, 257, 258, 259, 263, 264, 265, 266, 267, 268, 293, 294, 297.
- Қодирий Ҳабибулла – 249, 251, 267, 293.
- Қозоқбоев Тўлқин – 93.
- Қориев Мақсуд – 269.
- Қосимов Содиқжон – 24, 66, 68.
- Қудратхўжаев Шерзод – 96.
- Қўзибоев С. – 45, 67.
- Қўшжонов Матёқуб – 248.
- Ғаззолий Абу Ҳомид – 72, 110.
- Ғафуров Иброҳим – 35, 36, 50, 51, 67, 68, 233, 234, 244.
- Ғафур Ғулом – 110, 188, 189, 294.
- Ғози Юнус – 266.
- Ғозиев Шерқўзи – 115.
- Ҳайдаров Абдунаби – 138.
- Ҳаким Сатторий – 307.
- Ҳакимов Олимжон – 148.
- Ҳамдамов Юсуф – 97, 111.
- Ҳамза – 265.
- Ҳамид Бурхон – 269.

## МУАЛЛИФДАН

Ахборотнинг инсон ва инсоният ҳаёти ва қисматидаги ўрни, аҳамияти ҳали охиригача аён бўлиб улгурганича йўқ. Лекин ақл-идрок уни ўрганиш, тушуниш ва англаб етиш йўлида изланишдан зинҳор тўхтамайди. Шундай бўлмоғи ҳам табиий.

Китобдан ўрин олган мақолаларда тилган олинган мавзуларнинг бари долзарб, бари бири-биридан муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш керакки, уларнинг барчаси юзасидан махсус изланишлар олиб борилиши, фундаментал тадқиқотлар яратилиши учун мутахассисларимиз муттасил ва жиддий саъй-ҳаракат кўрсатмоқликлари зарурдир.

Китобда баён этилган қарашлар, нуқтаи назарлар юзасидан билдирилажак ҳар қандай фикр-мулоҳаза келгусидаги илмий ижодий фаолиятимизда кўмак бўлади деган умиддамиз.

Эл.манзил: [xurshiddost@mail.ru](mailto:xurshiddost@mail.ru)

## МУНДАРИЖА

ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТИ .....	6
<i>БИРИНЧИ БОБ. АХБОРОТ – МЎЪЖИЗА, ЖОЗИБА, ФАЛСАФА</i> .....	17
Таърифларга сизмаган тушунча .....	19
Ахборот бирлаштиради... парчалайди .....	32
«Рақамли тенгсизлик» – тенгсизликлар дояси .....	40
Шахс, жамият ва давлат: ахборот майдонидаги зиддият, рақобат, мувозанат .....	47
<i>ИККИНЧИ БОБ. ЖУРНАЛИСТИКА – ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ: ЧОРРАҲАДАГИ УЧРАШУВ</i> ...	69
Журналистика илмининг қадимий куртаклари .....	71
Фан мақомини излаётган журналистика .....	81
ОАВдан ОКВга: оқибати қандай бўлади? .....	101
<i>УЧИНЧИ БОБ. ҲАЁТ, МАТБУОТ ВА МЕНТАЛИТЕТ: ЯНГИЛАНИШЛАР СИЛСИЛАСИ</i> .....	113
Мулоқот ўрнатиш илми ва истиқболи .....	115
Текширувга муҳтож текширув .....	127
Газетанинг қиёфаси .....	143
Муаммо туғдираётган қулайлик .....	149
«Сариқ» ижоднинг моҳияти, асорати .....	157
Спорт журналистикаси .....	172
<i>ТЎРТИНЧИ БОБ. ТЎРТИНЧИ ТЎЛҚИН</i> .....	191
Қонун одоби ва одоб қонуни .....	193
Мақола нега ёзилмади? .....	199
Журналистнинг шаъни .....	203
Журналист психологияси .....	211

Нажот – тўртинчи тўлқинда .....	217
Жаноб Пибодининг олмалари (Илова ўрнида) .....	237

**БЕШИНЧИ БОБ. ЖУРНАЛИСТИКА – ШАХС**

ТАЛҚИНИДА, ТАҚДИРИДА .....	245
----------------------------	-----

Жон Мильтон ва Абдулла Қодирий:

«Ареопагитика»дан «Диёри бакр»га қадар .....	247
Матбуот – муаммо – мулоҳаза .....	269
Мунис Тошматованинг «Ассаломи» .....	281
Бир хабар тафсилоти .....	288

**ОЛТИНЧИ БОБ. БИСОТДА ЙИФИЛГАН**

ГАПЛАР .....	295
--------------	-----

Уч васият .....	297
Халқ дейдики... .....	297
Халқона .....	299
Теша тегмаган сарлавҳа .....	300
Маклюэнизмлар .....	302
Ҳамкасблар .....	303
Жаҳоннома .....	304
«Биз айтишни биладиган халқмиз» .....	307
Исмлар кўрсаткичи .....	309
Муаллифдан .....	315

*Илмий-назарий, оммабоп нашр*

**ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД**

**АХБОРОТ – МЎЪЖИЗА, ЖОЗИБА,  
ФАЛСАФА**

Муҳаррир  
Гавҳар МИРЗАЕВА

Бадий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Рассом  
Баҳриддин БОЗОРОВ

Мусахҳиҳ  
Нилуфар ЖАББОРОВА

Компьютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА

Техник муҳаррир  
Сурайё АҲМЕДОВА

Босишга 25.06.2013 й.да рухсат этилди.

Бичими 60x84 1\16.

Босма тобоғи 20.0. Шартли босма тобоғи 18.6.

Гарнитура «Optima Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 181.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия рақами: АИ № 198.

2011 йил 28.08 да берилган.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

*Мурожаат учун телефонлар:*

Нашр бўлими – 278-36-89;

Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru